

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

### Pedagogika

УДК 372.85

#### INTERPRETATION OF THE SEED – REPRODUCTIVE ORGAN DERIVATIVES OF PLANTS IN BOTANICAL TEXTBOOKS

BOTANIKA DARSLIKARIDA O'SIMLIKDAGI REPRODUKTIV ORGAN HOSILASI – URUG'NING TALQIN ETILISHI

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ СЕМЕНИ – ПРОИЗВОДНОГО РЕПРОДУКТИВНОГО ОРГАНА РАСТЕНИЙ В БОТАНИЧЕСКИХ УЧЕБНИКАХ

**Karshibayev Xazratkul Kilichihevich, Sadullayeva Oydin Temur qizi**

Guliston davlat universiteti. 120100. Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, 4-mavze  
E-mail: hkarshibaev\_53@mail.ru

**Abstract.** The article is devoted to the analysis of problems related to the illumination of plant reproductive organs in botanical textbooks of higher and secondary education. The analysis of textbooks has shown, that the materials presented on the reproductive system of plants, including reproductive organs, differ significantly from modern academic scientific literature. Therefore, it is necessary to use the same scientific terms in the textbooks of botany of secondary school, and in the system of higher education. Consider a flower as a reproductive organ of plants, and the fruit and seed are its derivatives. Indicate that the seed is a derivative of the reproductive organ and a unit of dissemination in flowering plants. It develops in the mother plant from ovulums and contains an embryo and a storing nutritive tissue, surrounded by a spermoderma.

**Key words:** botany, textbook, plants, morphology, reproductive organs, flower, fruit, seed, embryo, spermoderma.

**Аннотация.** Статья посвящена анализу проблем, связанных с освещением репродуктивных органов растений в учебниках ботаники высшего и среднего образования. Анализ учебников показал, что приводимые материалы о репродуктивной системе растений, включая материалы о репродуктивных органах, существенно отличаются от современных академических научных литератур. Следовательно, необходимо использовать одинаковые научные термины в учебниках ботаники средней школы, и в системе высшего образования. Рассматривать цветок как репродуктивный орган растений, а плод и семя его производные. Указать, что семя является производным репродуктивного органа и единицей диссеминации у цветковых растений. Оно развивается в материнском растении из семязачатка и содержит зародыш и запас питательной ткани, окруженный семеной кожурой.

**Ключевые слова:** ботаника, учебник, растение, морфология, репродуктивные органы, цветок, плод, семя, зародыш, семенная кожура.

**Kirish.** Amaldagi botanika fani buyicha ishlab chiqilgan o'quv dasturlari va ular asosida tayyorlangan ayrim o'quv manbalarida (garslik, o'quv qo'llanma va uslubiy ishlanmalarda) reproduktiv organlar hisoblangan gul, meva va urug'ga oid ma'lumotlarni yoritishda ilmiy manbalardagi eski atamalar va qarashlar bayon etilgani kuzatilmoqda. Bu esa biologiya yo'nalishida ta'llim olayotgan talabalar uchun muayan qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi.

Ma'lumki, biologiyada "reproduksiya" so'zi lotincha "re" va "productio" so'zlaridan olingan bo'lib, "individlarni yaratilishi", "organizmlarni ko'payishi", ayrim hollarda "bir individdan hosil bo'lgan yangi avlodlar soni" degan ma'nolarni anglatadi [1]. O'simliklarda boradigan reproduksiya jarayoni ko'p bosqichli, bir qancha omillar ta'siri ostida boradigan murakkab jarayon hisoblanadi [2-3]. Ayrim tadqiqotchilar fikricha o'simliklardagi reproduksiya jarayoni faqat individ darajasida emas, balki populyatsiya, fitotsenoz va ekotizim miqiyosida o'rganish talab qilinadi [4]. Shuni alohida qayd etish lozimki, urug'dan ko'payish jarayoni individga tegishli hisoblanadi, urug'dan tiklanish esa tur populyatsiyasiga taalluqlidir [5]. Chunki reproduksiya jarayonining natijasi populyasiyaning urug' tiklanishi va populyasiyaning optimal holda saqlanib turishi bilan belgilanadi.

Rossiya FAning V.L.Komarov nomli botanika instituti tomonidan 1991-2000 yillarda chop qilingan entsiklopedik "Gulli o'simliklar embriologiyasi. Atamalar va konsepsiylar" to'plamining 3-tomi "Reproduksiya tizimi" (2000) deb nomlanib, unda o'simlik turini yashash uchun kurashda, turni tabiatda turg'un saqlanib turishida asosiy o'rinni reproduksiya tizimi egallashi alohida e'tirof etilgan [6].

Bu yo'nalishning etakchi tadqiqotchilaridan biri hisoblangan professor T.B. Batigina (2010) o'zining "reproduksiya nazariyasining asosiy qoidalari" haqidagi maqolasida o'simlikning urug' yordamida va vegetativ yo'l bilan ko'payish usul va shakllari, ularning o'zaro nisbati hamda morfogenet yo'llarining universalligi o'simlik turining reproduktiv strategiyasini belgilaydi deb qayd etadi [7].

O'simliklar reproduktiv biologiyasini o'rganish oid dastlabki tadqiqotlar Respublikamizda O'zbekiston Fanlar akademiyasining "Botanika" institutida o'tgan asrning 80-yillarda boshlangan va ilmiy tadqiqotlarda asosiy e'tibor

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

o'simlikning sitoembriologiyasini o'rganishga bag'ishlangan [8-10]. Natijada yovvoyi floramiz vakillari reproduktiv organlarini tadqiq etish yo'nalishda ma'lum yutuqlarga erishilgan.

Takidlash joyizki, botanika fani biologiya, ekologiya va atrof-muhit muhofazasi, agronomiya va qator qishloq xo'jaligi sohasiga doir bakalavriyat yo'nalishlarida majburiy fanlardan biri sifatida o'qitiladi. Jumladan biologiya bakalavriyat ta'lim yo'nalishda botanika fani 3 semestr davomida o'qitiladi: 1-semestrda o'simliklar morfologiyasi va anatomiysi, 2-semestrda tuban o'simliklar va 3-da esa yuksak o'simliklar oid ma'lumotlar beriladi [11]. Ammo Respublikamiz oliy ta'lim muassasalarida "O'simliklar anatomiyasi va morfologiyasi" kursida reproduksiya jarayoni bilan jambarchas bog'liq bo'lgan hamda ko'plab darsliklarda generativ organ sifatida yoritilgan urug'ga oid ma'lumotlarda ko'plab chalkashliklar uchramoqda.

Ushbu maqolaning maqsadi botanikaga oid o'quv darsliklar, o'quv qo'llanmar, ilmiy monografiya va maqolalarda urug' mavzusiga doir keltirilgan ma'lumotlarni tahlil etish va urug' mavzusini yoritishda ilmiy asoslangan talqini taklif etishdir.

### **Tadqiqot ob'ekti va qo'llanilgan metodlar**

Tadqiqot ob'ekti sifatida oliy ta'lim tizimida botanika va o'rta maktablarda biologiya (botanika) fandagi urug' mavzusini yoritilishi hamda o'qitish jarayonlari olindi. Ilmiy tadqiqotimizda tavsiflash, kompleks, qiyosiy va funktional tahvil usullaridan foydalanildi.

### **Olingan natijalar va ularning tahlili**

Urug' mavzusi oliy ta'limning biologiya bakalavriyat ta'lim yo'nalishi o'quv rejasiga va tasdiqlangan botanika fani o'quv dasturiga muvofiq 1-semestrda o'qitiladi. Ushbu ta'lim yo'nalishida o'tiladigan mavzu "Urug'" deb nomlangan bo'lsa, qolgan boshqa bakalavriyat ta'lim yo'nalishlarida "Meva va urug'" deb keltirilgan [12].

Hozirgi kundagi xorijiy akademik manbalar va darsliklarning ko'pchiligidagi gul, meva va urug' reproduktiv organ deb talqin qilinadi. Ulardan eng asosiyalarini tahlil qilib chiqsak. Jumladan sobiq Itifoq davrida oliy ta'lim muassasalarida o'qitishga tavsija etilgan V.G.Xrjanovskiy tamonidan yozilgan "Курс общей ботаники" darsligida (1982), V.G.Xrjanovskiy va S.F. Ponomarenkoning "Ботаника" darsligida (1988) alohida bob reproduktiv organlar (gul, meva va urug') ga bag'ishlangan bo'lib, urug' atamasi qo'sh urug'lanish natijasida urug'kurtakdan hosil bo'lishi ta'kidlangan. Keyinga darslikda esa urug' o'simlikni ko'payishi va tarqalishiga hizmat qiluvchi organ deb qayd etilgan [13-14].

A.G. Vasilyev va boshqalar tomonidan nashr qilingan "Ботаника. Морфология и анатомия растений" nomli pedagogika institutlari uchun chiqarilgan o'quv qo'llanmasida (1988) ham gul va meva reproduktiv (ko'payish) organlar deb atalgan [15].

P. Zitte va boshqalar tamonidan Bonn universitetida o'qitib kelinayotgan va rus tiliga tarjima etilgan "Ботаника. Клеточная биология. Анатомия. Морфология" darsligida nima uchundir urug' mavzusiga alohida to'xtalmagan [16].

2005-yili e'lon qilingan "Ўсимликлар биоморфологияси" o'quv qo'llanmasida esa "Urug' -ochiq va yopiq urug'li o'simliklarning ko'payish va tarqalish organidir"-degan tushincha berilgan [17].

Rossiya oliy ta'lim muassasalarini uchun asosiy darslik sifatida tavsija qilingan "Ботаника с основами фитоценологии: Анатомия и морфология растений" (2006) kitobida gul reproduktiv organ sifatida qaraladi va urug' yordamida ko'payishga katta e'tibor qaratilgan [18].

M.I.Demina va boshqalar (2011) tamonidan qayta nashrqa tayyorlangan "Ботаника" darsligida ham 2-bob "Reproduktiv organlar" - deb nomlanib, unda "urug' -urug'li o'simliklarni ko'payishi va tarqalishiga xizmat qiluvchi organ" sifatida keltirilgan [19].

Akademik ilmiy manbalarda urug' tug'risidagi qarashlarga kelsak, rus tilida chop etilgan Kaliforniya universiteti professori K.Ezauning "Анатомия семенных растений" (1980) kitobining 2 –tomin 23 –bobi "Urug" mavzusiga bag'ishlangan. Ushbu bobning boshida "urug' –pishgan urug'kurtak bo'lib, o'zida murtak va zaxira ozuqalarini saqlaydi. U integumentdan hosil bo'luchi urug' qobig'iga egadir" - deb e'tirof qilinadi [20]. Urug'da yangi sprofit organizm - murtak o'zining dastlabki rivojlanish bosqichlarini o'taydi. Murtak to mustaqil fotosintez orqali oziqlanishga o'tguncha urug'dagi zahira ozuqa moddalar hisobiga yashaydi. Urug'da ozuqa moddalar endosperm yoki perisperm ko'rinishda murtakdan tashqarida joylashishi mumkin.

Undan keyinroq akademik A.L.Taxtadjan muharrirligida chiqqan "Сравнительная анатомия семян" (1985) asarida "Urug' – urug'li o'simliklarga xos disseminatsiya birligi, u ona o'simlikda urug'kurtakdan rivojlanadi va urug' qobig'i bilan o'ralgan murtak hamda maxsus ozuqa to`qimasini saqlaydi" - deb talqin qilingan [21].

Z.T.Artyushenko tamonidan 1990-yili e'lon qilingan "Атлас по описательной морфологии высших растений. Семя." atlasida "Urug' yuksak o'simliklar jinsiy ko'payishining yakuniy bosqichi bo'lib, urug'langan va shakli o'zgargan urug'kurtakdir"-degan ta'rif keltirilgan [22]. Uning asosiy funktsiyasi o'simlikni tarqaliishiga xizmat qilish hisoblanadi. Urug'ning biologik roli shundaki, u yangi individga hayot beradi, yangi organizm boshlang'ichi – murtakni muhitning noqulayliklaridan o'tib olishini taminlaydi.

O'zbekistonda ishlab chiqilgan botanika fanning na'munaviy dasturlari va o'quv manbalariga tahliliga keladigan bo'lsak, o'zbek va rus tillarda chop etilgan qariyb hamma darslik va o'quv qo'llanmalarda gul, meva va urug' o'simlikning generativ organi deb keltiriladi. Masalan, professor O'.Pratov va boshqalar tamondan tayyorlangan, qayta-qayta chop qilinib kelayotgan "Biologiya (Botanika). 6-snif" o'rta muktab darsligining 3-bobi "O'simliklarning vegetativ va generativ organlari" deb nomlangan [23]. Salohiyatli botanik olimlarimiz O'.Pratov, L.Shamsuvaliyeva, F.Sulaymonov va boshqalar (2010) hammullifligida yozilgan "Botanika" darsligini boshida Olyi ta'lim tizimi

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

qo'llanilayotgan darsliklaridagi qator muammolar mavjudligi, ularni zamon talablaridan orqada qolganligi ta'kidlangan bo'lsa ham, asosiy reproduktiv organlar gul, meva va urug' to'g'risida ma'lumotlarga e'tibor qaratilmagan. Ushbu darslikning "Gul va meva" mavzusida (50-bet) gul reproduktiv organ deb ta'kidlangan bo'lsa ham, 52-betda meva - generativ organ ekanligi ko'rsatilgan [24]. Urug' urug'kurtakdan hosil bo'ladigan ko'payish organi ekanligi qayd etilgan.

2015-yili Nizomiy nomli Toshkent davlat pedagogika universitetining professori L.Shamsuvaliyeva tamonidan chop qilingan "Botanika" darsligining 3-bobi "Murtak va maysa - yuksak o'simliklar organlarining paydo bo'lishi" deb nomlanib, unda "o'simliklarning keyingi rivojlanish bosqichlarida, hech qachon murtagida hosil bo'lmaydigan ko'payish organi – gul (reproduktiv organ) hosil bo'ladi"-degan ibora keltirilgan [25]. Urug' urug'kurtakdan hosil bo'lishi qayd etilgan.

Bunday aralash, ya'ni reproduktiv , ayrim joylarda esa generativ organ sifatida talqin etilish eng so'ngi chop qilinayotgan darsliklarda ham uchraydi [26]. Bu esa darslikni ilmiy va amaliy qiymatini tushiradi.

Yuqoridaq tahlillarni inobatga olgan holda, fikrimizcha, o'rta maktabda va oliv ta'lim tizimida o'qitilayotgan darsliklarda berilayotgan o'quv materiallaridagi ilmiy atamalarni bir xillika keltirish, ularga berilayotgan izohlarda, shuningdek eng so'ngi xorijiy akademik ilmiy va o'quv manbalarida gul, meva va shu jumladan urug'ga berilgan ta'riflarni alternativ variantlarini keltirish zarur hisoblaymiz.

"Urug'" ni mavzusini o'rganish urug'li o'simliklarning reproduksiya tizimi bilan chambarchas bog'lanib ketadi. Uni tadqiq qilishda faqat organizm (individ) miqiyosida chegaralanib qolmay, uni populyasiya - tur darajasida o'rganilishi lozim. Chunki o'simlikning reproduksiya jarayoniga populyasiyadagi individlar soni, yoshi, tarkibi va joylashishi, shuningdek, fitotsenozdagi boshqa turlar bilan o'zaro munosabatlari bevosita ta'sir ko'rsatadi. Ma'lumki, tashqi muhitga moslashish o'simlikning javob reaksiysi sifatida namoyon bo'ladi. O'simlik ontogenenezining har bir bosqichida o'ziga xos chegaralovchi omillar mavjuddir. Ontogenez bosqichlarini to'liq amalga oshishi va o'simlikning meva hosil qilishi turning ushbu muhitga moslashganligini ko'rsatadi.

O'simliklar tabiiy jamoalariga antropogen va texnogen bosimlar kuchayib borayotgan hozirgi davrda talabalarga o'simliklarning reproduksiya jarayoniga tashqi omillarnig ta'sirini o'rganish o'ta dolzarb masala ekanligini tushintirsh muhim ahamitga egadir, chunki ushbu ta'sirlar ekotizimda shakllangan muvozanatning buzilishiga, jamoadagi turlararo aloqalarning o'zgarishiga sababchi bo'lishi mumkin. Bu o'z navbatida tabiatdagi o'simliklar populyasiyalari, fitotsenoz va o'simliklar qoplamini turg'unligi, pirovard natijada, Vatanimizda o'simliklar bioxilma-xilligini saqlab qolish masalalari bilan bog'lanib ketadi.

O'simliklarni reproduktiv organlarini, boshqacharoq aytganda reproduksiya tizimini tadqiq etish turli ilmiyatdagi metodlari qo'llashni talab etadi [27]. O'simlikning reproduktiv organlari tuzilishi va funksiyalarini talaba va o'quvchilarga o'rgatishda ularni tug'ri nomlashdan, ilmiy asoslangan atamalardan foydalanishdan, eng asosiysi yozilayotgan darslik va o'vuv qo'llanmalarda zamonaviy eng so'ngi ma'lumotlarni berishni, ayrim munozali joylarigi alohida izohlar keltirilishi talab qiladi.

Xulosa sifatida ta'kidlash joizki, o'simliklardagi reproduksiya tizimini chuqurroq o'rgatish, darsliklarda o'simlikning reproduktiv organlari tug'risida so'ngi ilmiy asoslangan zamonaviy atamalar bilan yoritilgan ma'lumotlarni keltirish orqali talaba va o'quvchilarda reproduktiv organlarga oid yetarli bilim, ko'nikma va kompetentsiyalarini shakllantirish Respublikamiz botaniklari oldida turgan asosiy vazifalar hisoblanadi.

### References:

1. Reymers N.F. Populyarniy biologicheskiy slovar. - M.: Nauka, 1991.- S.38. (in Russian).
2. Levina R.E. Reproduktivnaya biologiya semennix rasteniy.- M.: Nauka, 1981.- 96 s. (in Russian).
3. Terexin E. S. Reproduktivnaya biologiya// Embriologiya tsvetkovix rasteniy. Terminologiya i kontseptsii.- SPb.: Mir i semya, 2000. T.3 -S. 21-24. (in Russian).
4. Starshova N.P. Vklad R.E.Levinoy v razrabotku problemi reproduktivnoy biologii semennix rasteniy // Byul. MOIP (otd. biol.). 1989. T. 94, Vip. 3.-S. 113-117. (in Russian).
5. Batigina T.B. Vospriozvedenie, razmnovenie i vozobnovlenie // Embriologiya tsvetkovix rasteniy. Terminologiya i kontseptsii. - SPb.: Mir i semya, 2000.T.3.-S. 35-39. (in Russian).
6. Embriologiya tsvetkovix rasteniy. Terminologiya i kontseptsii.- SPb.: Mir i semya, 2000. T.3.- 639 s.
7. Batigina T.B. Biologiya razvitiya: morfogenet reproduktivníx struktur i rol somaticeskix, stvolovix kletok v ontogeneze i evolyutsii // Mater. mejdunarod. konf. M., 2010.- S. 4-11. (in Russian).
8. Ashurmetov O.A., Karshibayev X.K. Semennoe razmnovenie bobovix v aridnoy zone Uzbekistana. -Tashkent: Fan, 2002. -204 s. (in Russian).
9. Ashurmetov O.A., Buriev X.Ch. Reproduktivnaya biologiya predstaviteley semeystva Cucurbitaceae Juss. - Tashkent: Fan, 2002. -216 s. (in Russian).
10. Matkarimova A. va boshqalar. Botanika fani dasturi. 5140100-biologiya ta'lim yo'naliishi uchun.- Toshkent, 2018.-16 b.
11. Turtsunov Ж. Антэкология сапониносных растений Узбекистана. - Ташкент, 1990. -C.
12. Xrjanovskiy V.G. Kurs obhey botaniki. Chast 1. – Moskva: Vissaya shkola, 1982.- S. 313-318. (in Russian).
13. Xrjanovskiy V.G., Ponomarenko S.F. Botanika.- Moskva: Agropromizdat, 1988.- S. 121-124. (in Russian).
14. Vasilev A.A., Voronin N.S., Elenevskiy A.G. i dr. Botanika. Morfologiya i anatomiya rasteniy.-M.: Prosvehenie, 1988.- S.130-132. (in Russian).

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

16. Zitte P., Vayler E.V., Kade-Brait Y.V. i dr. Botanika. Uchebnik dlya vuzov. T.1 Kletchnaya biologiya. Anatomiya. Morfologiya / podred.A.K.Timonina, V.V.Chuba.- M.:Izdatelskiy tsentr «Akademiya», 2007.—368 s. (in Russian).
17. Jmiley P.Yu., Alekseev Yu.E., Karpuxina E.A., Balandin S.A. Biomorfologiya rasteniy.- Moskva, 2005.- 226 s. (in Russian).
18. Serebryakova T.I., Voronin N.S., Elenevskiy A.G. i dr Botanika s osnovami fitotsenologii: Anatomiya i morfologiya rasteniy. – M: Akademkniga, 2006.- 543 s. (in Russian).
19. Demina M.I. i dr. Botanika.- Moskva, 2011.-139 s. (in Russian).
20. Ezau K. Anatomiya semennix rasteniy.- M.: Mir, 1980.- S.458-461. (in Russian).
21. Sravnitelnaya anatomiya semyan. Tom 1. Pod redaktsiey akad. A.L. Taxtadzhyan. - L.: Nauka,1985. –S. 8-14. (in Russian).
22. Artyushenko Z.T. Atlas po opisatelnoy morfologii visshix rasteniy. Semya.- L.:Nauka. 1990.- S. 6-10. (in Russian).
23. Pratov O'.P. va boshqalar. Biologiya (botanika).6-sinf uchun darslik.- Toshkent, 2018.- 144 b.
24. Pratov O'.P., Shamsuvalieva L., Sulaymonov F. va boshqalar. Botanika.- Toshkent, 2010.- 292 b.
25. Shamsuvalieva L. Botanika.- Toshkent, 2015.- 181 b.
26. Islomov B.S., Hasanov M.A. Botanika. - Samarqand: SamDU, 2020. -568 b.
27. Karshibayev X.Q., Ashurmetov O.A., Qarshiboyev J.X. “O’simliklar reproduktiv biologiyasi” fanidan ilmiytadqiqot ishlarini o’tkazishga oid metodik ko’rsatmalar. -Guliston, 2008.- 24 b.

Mualliflar:

Karshibayev Xazratkul Kilichevich -GulDU, biologiya fanlari doktori, professor. E-mail: hkarshibaev\_53@mail.ru  
Sadullayeva Oydi Temur qizi – GulDU II bosqich magistranti.

УДК:378.57.371.4

## THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE APPLICATION OF THE PEDAGOGICAL INNOVATIVE EDUCATIONAL CLUSTER IN THE TEACHING OF NATURAL SCIENCES

ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРИМЕНЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ИННОВАЦИОННОГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО КЛАСТЕРА В ПРЕПОДАВАНИИ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК

Рахимов Атаназар Каримович<sup>1</sup>, Мирзаева Нодира Абдухамидовна<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Чирчиқ давлат педагогика университети, 111700. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104.

<sup>2</sup>Гулистан давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистан шаҳри IV – микрорайон.

E-mail: [atanazarkarimov@gmail.com](mailto:atanazarkarimov@gmail.com), [a.rahimov@cpsi.uz](mailto:a.rahimov@cpsi.uz), [nodirabegim.2018@mail.ru](mailto:nodirabegim.2018@mail.ru)

**Abstract.** The article extensively examines the problem of the cluster approach to education, analyzes the introduction of quality education in its organization on the basis of a separate approach in accordance with the specifics of each network discipline and cluster area. The implementation of educational clusters in accordance with a specific branch of science and a specific geographical area ensures its effectiveness, and this is an analysis of the need to develop appropriate scientific and theoretical foundations and models of educational clusters based on modern and innovative requirements that exist in the educational policy in the field of teaching natural sciences.

**Keywords:** natural sciences, cluster approach, innovative cluster of pedagogical education, ICPE principle, "heard-saw-done", credit-modular system, quality education.

**Аннотация.** В статье широко исследуется проблема кластерного подхода к образованию, анализируется внедрение качественного образования в его организацию на основе отдельного подхода в соответствии со спецификой каждой сетевой дисциплины и кластерной области. Реализация образовательных кластеров в соответствии с конкретной отраслью науки и конкретной географической областью обеспечивает ее эффективность, и это анализ необходимости разработки соответствующих ей научно-теоретических основ и моделей образовательных кластеров, основанных на современных и инновационных требованиях, которые существуют в образовательной политике в области преподавания естественных наук.

**Ключевые слова:** естественные науки, кластерный подход, инновационный кластер педагогического образования, принцип ПКИО, "услышал-увидел-сделал", кредитно-модульная система, качественное образование.

**Кириши.** Жаҳон мамлакатларида бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг асоси таълим соҳасида амалга оширилмоқда. БМТ нинг “Барқарор ривожланиш кун тартиби”да инсоннинг интеллектуал тарбиясига оид чора-тадбирларнинг белгиланиши ҳам аввало келажак авлод камолоти учун олиб борилаётган таълим-тарбия ишларининг сифат масаласига боғлик ҳолда таълим-тарбия тизимини назорат қилиш, педагогик жараёнларни сифатини баҳолаш технологияларини такомиллаштириш долзарб вазифа эканлигини кўрсатиб келмоқда.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Ўзбекистонда жорий ҳолатда таълим муассасаси ва ходимлари учун аттестация, акредитация, сертификация, “КРІ – энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари” асосида фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва жорий қилинган йиллик рейтинглар квалиметрик амалиётлардан бўлса, таълим олувчилар учун жорий, оралиқ, якуний назорат ва синов имтиҳонлари самарадорликни аниклашнинг аньнавий шакллари сифатида кўлланилиб келинмоқда. Мамлакатимизда таълим муассасалари рейтингини ишлаб чиқиш ва баҳолаш когнитив хусусият касб этиб, асосан таълим натижадорлигига қараб ўлчанади.

Дунё ҳамжамиятининг глобаллашув сари бораётган ҳозирги даврида таълимнинг барча бўғинларини интеграциялашда таълим узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда ҳамда давлатларнинг халқаро рақобат жараёни шартларига тез мослашуви унинг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосий омили бўлиб ҳисобланади. Ҳинд мустақиллигининг маърифатпарвари, файласуфи ва мағкурачиси Махатма Ганди инсониятнинг етти хил гуноҳлари орасида сифатсиз таълим\_ҳакида гапирган. Демак давлат тараққиёти ва ривожининг асосини сифатли таълим бериш ва уни шакллантириш, педагогик шартшароитлар ҳамда кластер ёндашув таълим ва тарбия жараёнини ривожлантирадиган асос бўла олади.

### Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу - мактаб. Ўқувчи, талабаларнинг ўзлаштирган билимларини тизимлаштириш, мустаҳкамлигини таъминлашда кластердан фойдаланиш мухим ўрин тутади [3].

Кластер “cluster” - инглиз тилида шажара, занжир - боғланиш, тармоқланиш деган маъноларни бериб, ўзлаштирилган билим, назария, қонуният ва тушунчалар ўртасидаги боғланишларни англаш, бир-бирига узвийлигини тушунишга имкон яратиб, таҳлилий-танқидий фикр юритиши кўнкимларини ривожлантиришга замин тайёрлайди.

ХХ асрнинг 90-йилларида жаҳонда ишлаб чиқариш кластерлари ҳақидаги ғоялар ва улар асосида турли тармоқларда кластерларни ташкил этиш амалиёти бошланди. Кластерли ривожланиш назариясининг асосчиси М.Порттер бўлиб, у мазкур ёндашувни муайян бир тармоқда бир-бирига боғлиқ соҳаларнинг уюшмаси, биргаликда харакат қилиши дея тушунтиради. Жаҳон иктисадиёти ривожланиши баробарида турли хил тармоқ ва худудий кластерларни яратиш тарафдорлари ортиб бормоқда. Бугунги кунда турли мамлакатларнинг 100 дан ортиқ тармоқларида кластерлар ташкил этилган [8]. Энг дастлабки кластерлар Финляндия (коммуникация-ахборот, Nokia), Япония (автомобилсозлик, Toyota), Италия (курилиш саноати), АҚШ (информацион технологиялар, Силикон водийси) давлатларида барпо этилган бўлиб, улар орасида Силикон водийси кластери мукаммаллиги билан ажralиб туради. Таъкидаш жоизки хорижлик олимлар А.Маршалл, М.Порттер, О.Солвел, С.Кетелсларнинг илмий изланишларида кластер тизимининг назарий масалалари, уларнинг муайян субъектлар рақобатбардошлигини оширишдаги роли ҳамда таълим кластерлари хусусиятлари АҚШ ва Европа мамлакатлари мисолида тадқиқ этилган.

Талабаларнинг интеллектуал ва ахлоқий тайёргарлиги, таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги билан боғлиқ келажакдаги ўзгаришлар, таълим хизматлари бозорида жиддий рақобат тобора ортиб бораётган талаблар шароитида таълим сифати муаммоси ислоҳ қилинаётган мактабда энг муҳим ҳисобланади. Талабалар билимларининг давлат стандартларига мувофиқлиги, таълим муассасасининг муваффақиятли ишлаши, ҳар бир ўқитувчининг фаолияти бугунги кунда таълим сифатини тушунишдир.

Замонавий мактабда сифатни қандай аниклаш мумкин? Шубҳасиз, бу ўқувчиларнинг билим, кўнким ва малакалари даражасини, ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш даражасини ҳамда у давом этаётган шароитларни акс эттирувчи мақсад ва натижанинг ўзаро боғлиқлигидир. Бунинг учун ушбу шартларни амалга ошириш мезонларни белгилаш керак. Биринчидан, бу "ҳамма нарсани ҳал қиласидиган" кадрлар, иккинчидан, унинг моддий-техник базаси, учинчидан, ўқув-дастурий таъминот ва илмий-услубий ишлар зарурӣ омиллардан саналади. Бугунги кунда ўқув жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчининг янада самарали шакллари, усуллари, шунингдек воситаларини излаш, замонавий педагогик технологияларни жорий этиш ва шунинг учун таълим сифатини ошириш зарурлиги аниқланди. Қандай қилиб фанга, мавзуга доимий қизиқишини ривожлантириш, талабаларда билим, кўнким ва кўнкимларни шакллантиришга энг катта ҳисса қўшадиган зарур усул ва усулларни топиш мумкин? Бизнинг фикримизча, ўқитувчи раҳбарлигига дарсларда талабаларнинг мустақил ижодий ишларини фаоллаштириш ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг самарали усулларидан биридир. Шунинг учун дарсда ўқувчиларнинг билим фаолиятини фаоллаштирадиган ва ўрганиш сифатини оширадиган мухит яратиш керак.

### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Ҳар бир ўқувчи-талабабининг имкониятлари ва қобилиятларини ҳисобга олишни ўз ичига олган таълимни индивидуаллаштириш ҳақида унутмаслигимиз керак. Афсуски, бизнинг таълим тизимимизда узоқ вақт давомида талабаларга индивидуал ёндашишга имкон берадиган ҳақиқий механизмлар мавжуд эмас эди. Мактаб инсоннинг шахсиятини шакллантиришга муҳтоҷ эмас эди, факат маълум ижтимоий функцияларни бажаришга тайёрланди. Замонавий таълим тизими мактабни шахсга йўналтирилган таълимни амалга оширишга йўналтиради. Шунинг учун ўз интеллектуал ва таълим салоҳиятини шакллантиришга таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахсни ривожлантириш ва тарбиялаш мактаб таълимида биринчи ўринга қўйилиши керак. Шундай қилиб, ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини, уларнинг индивидуал қобилиятларини очиб бериш, келажакдаги касб билан боғлиқ фазилатларни шакллантириш учун мактаб амалиётида дарслар-тақдимотлар, дарслар-конференциялар, бизнес

ўйинлар, семинарлар, лойиҳаларни ҳимоя қилиш каби таълим шаклларидан фойдаланиш керак. Ушбу қаторда талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, фан ҳафталарини ўтказиш алоҳида ўрин тутади. Педагогик кластер тамоилига биноан ўқитишнинг шакллари ҳар бир талабанинг индивидуаллиги ва ижодий салоҳиятини очиб беришга ёрдам беради.

Ўзбекистон таълимини модернизация қилиш концепциясида барча босқичларда ўқитиш усуллари ва технологияларини ўзгартириш, масъулиятли танлов ва масъулиятли фаолият тажрибасини шакллантирадиган, талабаларнинг мустакил ишини рағбатлантирадиган, маълумотларни таҳлил қилишининг амалий қўнималарини сингдирадиган усулларнинг аҳамиятини ошириш зарурлиги таъкидланган.

Таълим сифати муаммолини ҳал қилиш таълим муассасаларининг атроф-муҳит ўзгаришига, жамият эҳтиёжларига, ижтимоий буюртмага қанчалик ўз вақтида ва етарли дараҷада жавоб беришига, самарали ва педагогик жиҳатдан асосли усул ва технологиялар танланишига боғлик. Бугунги кунда мамлакатимизда педагогик таълимда амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятда ўқитувчилик касбининг мавқеини мустаҳкамлаш, соҳага илфор хорижий тажрибалар ва инновацияларни жалб қилиш, таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, таълимнинг асосий ва ёрдамчи воситаларини замонга мос ҳолда такомиллаштириш, соҳага хусусий секторни кўпроқ жалб қилиш ва иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш каби ўналишларни қамраб олган[8].

Педагогик таълим инновацион кластери ушбу ислоҳотларга тўла жавоб бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Мазкур илмий-педагогик муаммо ўзининг инновацион характеристи, хорижий тажрибадан муваффакиятли ўтгани ва таълим турлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлай олиши билан ҳам мамлакатимиз таълим тизимига тўла мос келади.

Билим ташувчиси бўлган ўқитувчи билимларни ўқувчига етказишнинг энг асосий манбаи ҳисобланади, таълимнинг сифати эса, унинг (ўқитувчининг) компетентлиги билан белгиланади. Бунда билимларга таъсирчанлик талабанинг компетентлиги, унинг тайёргарлиги ва билимларга эга бўлиш билан боғлик мотивациясига боғлиқлигини унумаслик керак.

Бунда юксак тараққий этган давлатларнинг асосий устунлиги-таълим тизимининг ҳолати, шахсни ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги билан белгиланади. Зоро, ривожланган давлатнинг истиқболдаги барқарор ўсишини таъминловчи омиллар, айнан, таълим соҳасининг қандай тарзда ташкил этилганлигига боғлиқдир. Шу сабабли, мустақилликнинг илк кунлариданоқ таълим соҳасида жаҳонда муносиб ўринни эгаллашга қаратилган янги узлуксиз таълим тизимини яратиш ва ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Ислоҳотлар даврида Республикамизда ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказишнинг барча босқичларини қамраб олувчи узвийлик ва узлуксизликка асосланган яхлит таълим тизими таркиб топди.

Компетенцияга ўйналтирилган таълим талабалар шахсий ва касбий ривожланиш жараёнларининг ўзаро узвий боғлиқлигидан назаридан нұктай шахсий ва касбий ривожланиш унсурларини шартлайди. Зоро, ҳар хил шароитларда касбий муаммоларни самарали ечишга қодир бўлган компетенли мутахассисни шакллантириш нафақат унинг билим ва фаолият тажрибасини эгаллаши, балки ўзини ўзи билиши, амалга оширилаётган фаолиятнинг маъносини излаши, ўзини ўзи англаши, ички ва индивидуал-гуруҳий қарама-қаршиликларни самарали ҳал қилишни талаб қиласди. Айнан шу нұктай назардан, шахсни шахсий ва касбий ривожлантиришни ягона жараён, бирлаштирувчи тамоилнинг бир бутунлиги, шахснинг ҳаётнинг турли соҳаларида ўзини намоён қилиши мумкин конуний инъикоси сифатида қараб чиқиш табиий ҳисобланади. Албатта, инсоннинг шахсий ва касбий ҳаётда ривожланиши, шу жумладан, касбий тажриба йиғиши, муҳим шарт-шароитлардан бири ҳисобланади. Бироқ, бундай ривожланишнинг негизи шахсий фазилатларини шакллантириш ҳисобланади: булар муҳим мақсадлардан хабардорлик, касбий соҳасидаги ютуклардан манфаатдорлик, касбий соҳада ўз салоҳиятини амалга оширишга ижодий интилиш.

Талаба олдида турган ушбу масалаларни ҳал қилиш уни ўзини-ўзи ривожлантириш субъекти сифатида кўриб чиқиш керак. Идеал кўринишда компетенцияга йўналтирилган таълим (жараён сифатида) - бу талабаларни фаоллаштириш ва касбий ўзини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, бошқариладиган таълим фаолиятини ташкил этишини назарда тутиб, бу ўз навбатида талабаларнинг ўзлари таълим жараёнига жалб қилиниши, ушбу жараённи амалга ошириш, уларга маълум компетенцияларни бериш, кучларни тақсимлаш, ташаббускорлик, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги жавобгарлик, улар ўртасидаги муносабатларни ўзгартиришни тақозо этади [9].

Шу нұктай назардан компетентли мутахассисни тайёрлаш нафақат янги таълим усуллари ва бошқа ўқув мазмунини киритишга балки педагогик фаолиятнинг ўзаро алоқадорлигига боғлиқ. Компетенцияга ўйналтирилган таълимнинг зарур шарт-шароитларига талабанинг турли эҳтиёжлари, қобилияти, ҳаётда эришиш учун интилишлари, манфаатлари, мақсадлари шунингдек, ўз ўрни ва хукуки учун кураша оладиган қадр-қимматга эга шахс сифатида қабул қилиш керак.

Мутахассиснинг компетенцияси доирасига ишлаб чиқариш ва шахсларро низоли вазиятларни бартараф этиш билан боғлиқ масалалар киритилиши керак. Инсоннинг шахсларро алоқаларни ўрнатиш ва самарали амалга ошириш қобилияти касбий фаолиятда муваффакиятга эришиш ва меҳнат жамоасида мослашиш учун муҳим шарт бўлиб ҳисобланади.

Бундай компетенция таркибида учта асосий даражани ажратиб кўрсатиш мумкин, уларнинг ҳар бири бир қатор унсурларни ўз ичига олади:

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

- 1) когнитив дараҷа (билим ва ижодий компонентлар);
- 2) мотивацион дараҷа (мотивацион-эҳтиёж компоненти ва шахсий хусусиятларнинг таркибий қисми);
- 3) тартибга солиш дараҷаси (ҳиссий, иродавий ва коммуникатив компонентлар).

Бугунги қунда кўплаб тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилаётган олий таълим муассасалари томонидан ўқув жараёнини ташкил этишининг компетенциявий ёндашуви мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш масаласини ҳал қилишда тубдан янги педагогик имкониятларни очиб беради. Ушбу ёндашувда асосий жиҳат келажақдаги мутахассисни фан бўйича тайёрлашга эътибор қаратишни рад этишdir.

Комплекс ёндашувнинг асосий гояларини амалга оширадиган энг истиқболли педагогик технологиялардан бири бу ўқув курсларини ўқитишини қасбга йўналтириш технологиясидир. Бу технологияга биноан таълим бериладиган фан назария ва амалиёт бирлигини таъминлаши, амалий машғулотларнинг соатини назариядан кўпроқ бўлишини ва мустақил таълим асосида талабаларнинг эгаллаган билимларини ҳам қўллаш кўнинмаларини шакллантириши мумкинлиги аниқланди. Бу борада педагогик таълим кластерининг “Эшитдим-кўрдим-бажардим” тамойили ўқув жараённада кредит-модул тизимида мувофиқ келиши ва таълим сифатини жаҳон тажрибасига мувофиқ ривожлантиришга мос келишини кўрсатади.

Жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар аввало таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамиз. Чунки мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

Таълим соҳасида олиб борилаётган жадал ислоҳотларга қарамасдан узлуксиз таълим тизимини йўлга кўйиш жараённада кўзга ташланаётган қатор камчиликлар ислоҳотларда тизимли ёндашув этишмаётганидан далолат бермоқда. Янгидан ишлаб чиқилаётган ёки қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилаётган дастур ва лойиҳалар узлуксиз таълим тизимини самарали ташкил этишга хизмат қила олмаяпти. Баъзи ҳолларда ислоҳотларнинг илгаридан мавжуд бўлган муаммоларга тўла ечим таклиф эта олмаётгани кўриниб қолмоқда. Ундан ташқари ХТТС бўйича узлуксизлик ва узвийлик мавжуд эмас.

Шунингдек, ҳозирги вақтда турли соҳаларда кластерларни жорий этиш устида изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда дастлаб пахта-тўқимачилик тармокларида, туризм ва тиббиёт соҳаларида ҳам инновацион кластерларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо “таълим кластери” тушунчаси кенг маънодаги тушунча бўлиб, горизонтал асосда таълимнинг турли бўғинларини ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш орқали самарадорликка эришиш ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда таълим муаммолари ечимида энг самарали механизм деб тан олинаётган таълим кластерлари республикамида илк бор Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти тажрибаси асосида жорий этила бошланди.

Малакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, барча соҳаларда кластер тизимини яратиш замонавий таълим беришнинг самарали усулларидан биридир. Таъкидлаш жоизки, республикамиз таълим тизимида кластерли ёндашувни жорий этиш бугунги қуннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Педагогик таълим инновацион кластери асосида таълим босқичлари (мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, олий ўқув юрти, докторантурা, малака ошириш каби таълим занжири) ўртасида ўзаро алоқа ва интеграцияни кучайтириш, таълим сифатини ошириш мақсадида биология ва география таълимини ривожлантириш моделини яратиш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда таълимнинг турли босқичларини ўзаро алоқадорлигини тамиллайдиган тизим сифатидаги ўйналишни талаб этмоқда, педагогик таълим кластери ушбу жиҳатдан зарур бўлган ўйналиш ҳисобланади.

Талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантириш методикасига бағишлиланган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Leiden University (Германия), Polish Society for Human Evolution Studies (Польша), Leverhulme Centre for Human Evolutionary Studies (Бујок Британия), Laboratory of Human Evolution Studies of Kyoto University (Япония), Center for Cellular and Molecular Biology (Покистон), Россия таълимни ривожлантириш стратегиялари институтида (Россия) амалга оширилмоқда.

Маълумки компетенциянинг магзи **билим, қўнинма, малака** бўлиб, ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг зарурий шарти **амалий фаолият** ҳисобланади. Бунда биринчидан, ўқув жиҳозлари ва ўқувчининг мустақил ишлаш имкониятини ошириш, иккинчидан эса, ўқувчининг муваффакиятли амалий фаолият кўрсатиш учун уларга мотивацион мухитни яратиш, таълим эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва қониқтириш зарур бўлади. Н.Ф.Радионова таъкидлаганидек, “..компетентликнинг табиати шундайки, у инсоннинг эътиқоди билан чамбарчас биргалиқда намоён бўлади”.

Ушбу тадқиқот доирасида илк бор биология таълимини инновацион таълим кластери асосида ташкил этиш ва самарадорлигини ўрганиш устида педагогик тадқиқотлар олиб борилади, шунингдек педагогик таълим инновацион кластери асосида география таълимини ривожлантириш модели (таълим босқичлари ўртасида алоқадорлик, узвийлик ва узлуксизлик, интеграция асосида) ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий қилинади.

Педагогик таълим инновацион кластери асосида табиий фанлар (биология ва география) таълимни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш асосида таълим сифатини ошириш асосий

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

устувор вазифалардан саналади. Педагогик таълим инновацион кластери “Эшитдим – кўрдим – бажардим” тамоилига асосланган бўлиб, қуйидаги вазифаларни бажаради:

- олий таълим муассасасининг умумтаълим мактаблари (табиий фанларни ўқитиш)га методик ёрдам кўрсатиш;
- таълим сифатини ошириш, ўқитувчиларни узлуксиз касбий ривожлантириш;
- “Узлуксиз касбий таълим электрон платформаси”ни ташкил этиш ҳамда битирувчиларни касбга йўналтириш орқали олий таълимга қамровини ошириш;
- дарс машгулотлари ва ўкув жараёнини инновацион педагогик технологиялар асосида самарали ташкил этиш кўнкимларини ривожлантириш;
- педагогик таълим соҳасидаги интеграция, инновация, узвийлик, узлуксизлик, изчиллик, самарали ворисийликни таъминлаш бўйича илмий тадқикот ишларини олиб бориш;
- илмий асосланган инновацион лойиҳаларнинг тажриба-синов жараёнларини ташкил қилиш;
- педагог кадрларни тайёрлашда мактабгача, ўрта таълим ва ОТМ ҳамда бошқа талабгорлар билан ўзаро тезкор қайта боғланиш имкониятини яратиш.

Табиий фанлар факультетида табиий-илмий саводхонликни ривожлантириш қуйидаги босқичлар асосида олиб борилади ҳамда қуйидаги вазифалар тамоилининг функционал бирлигини ташкил этади:

- таълим босқичларида биология ва география таълими бўйича ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;
- таълим босқичларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида биология ва география таълимида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва илмий асосланган ҳолда ечимини ишлаб чиқиши орқали таълим сифатини яхшилаш чораларини кўриш;
- ўкув-меъёрий хужжатларни таҳлил қилиш, ўкув-услубий кўлланмалар яратиш, амалий машғулот материалларини ишлаб чиқиши ва таълим жараёнинг жорий қилиш, бу борадаги мавжуд камчиликларни ўрганиш ва бартараф этиш, пировардида таълим сифатини яхшилаш;
- педагогик таълим кластери биология ва география таълимида таълим босқичлари билан ҳамкорликда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, уларнинг илмий, ўкув-методик базаларини шакллантириш;
- иқтидорли ўкувчиларни аниқлаш ва уларни ривожлантиришда ОТМ талabalарини жалб этиш орқали уларда педагогик кўнкимларни шакллантириш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш.

Таълим кластери шароитида табиий фанларни ўқитишнинг ҳар бир босқичида биология ва география таълими бўйича ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилади ва ўзаро ҳамкорлик асосида биология ва география таълимида мавжуд муаммолари аниқланади ва илмий асосланган ҳолда ечимини ишлаб чиқиши орқали таълим сифатини яхшилашга эришилади:

педагогик таълим инновацион кластери воситасида умумтаълим мактабларида биология ва география кафедраси филиаллари ташкил этилади;

умумий ўрта таълим мактабларида биология ва география фанларини ўқитиш методикаси такомиллашади;

биология ва география таълими мавжуд таълим муассасалари ўртасида ўзаро ўкув-услубий ва илмий-методик ҳамкорликни кучайтириш орқали таълим сифатини ошишига эришилади;

ўкувчиларда табиий-илмий саводхонликни шакллантиришга кўйиладиган талаблар, ундан келиб чиқадиган таълим мазмуни, ўкувчиларнинг ўкув-билиш фаолиятининг компетенциявий ёндашув асосида ташкил этилиши, ўқитиш методлари, воситалари, шаклларининг уйғунлиги ва уни амалга оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш, ўкувчиларда табиий-илмий саводхонлик шаклланганлик даражасини аниқлаш имконини берадиган рейтинг назорати воситалари, стандарт ва ностандарт тест топшириклари ишлаб чиқилади;

педагогик таълим инновацион кластери асосида биология ва география таълимини ривожлантириш моделларининг электрон дастури учун интелектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномаси олинади;

факультет магистрантлари, тадқиқотчи ўқитувчилар, докторантларнинг тажриба майдони вужудга келади ҳамда кафедраларнинг илмий тадқиқот фаолият кўлами оширилади.

Узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш Чирчик модели, педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамияти билан боғлиқ замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим, фан ва ишлаб чиқариш бўғинлари ўртасидаги ўзаро яқдилликнинг етишмаслиги билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш мақсадида таклиф этилган (1-расм).

Мамлакатимизда кимё ва биология фанларини ривожлантириш, ушбу йўналишларда таълим сифати ва илм-фан натижадорлигини ошириш, сифатли таълимни таъминлаш давлат дастурининг устувор вазифалари қаторида белгиланган.


Зеро, ўғил-қизларимизни кимё ва биология фанлари бўйича чукур ўқитиш худудларда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган фармацевтика, нефть, газ, кимё, тоғ-кон, озиқ-овқат саноати тармоқларини жадал ривожлантиришга турткি беради ҳамда пировардида ҳалқимиз турмуш шароити ва даромадларини оширишга пухта замин ҳозирлайди [1].

Ихтисослаштирилган мактабларда кимё ва биология фанларини самарали ўқитишни мувофиқлаштириш учун уларга олий таълим муассасаларининг 55 та кафедраси бириктирилади. Шу каторда ишлаб чиқариш

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

тармоқлари учун ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш тизимини самарали йўлга қўйиш юзасидан кимё ва биология йўналишларига тегишли мутахассисликлар бўйича ўрта бўғин кадрларини тайёрлайдиган 47 та профессионал таълим муассасаларига ишлаб чиқариш корхоналарини бириттирилиши ҳам назарда тутилган.



1-расм. Табиий фанларни ўқиттишида педагогик таълим инновацион кластерининг ишлари тамоили.

Олий таълим муассасаларида кимё ва биология йўналишларида самарали ўкув жараёнини ташкил этиш, фанларни ривожлантириш учун уларнинг 74 та кафедрасига 11 та фанлар академияси илмий-тадқиқот институти ҳамда ишлаб чиқариш тармоқлари бириттирилади.

Таълим инновацияси таълим тизими билан боғлиқ бўлган муаммоларни ривожлантириш тамоилига асосан ҳал қилишга қаратилган янгича шакл ва методлар, ёндашув ва технологик жараёнларни тизимли қўллаш орқали сифат ўзгаришларига эришиш билан боғлиқ бўлиб, бунда педагогик таълим инновацион кластери мавжуд таълим ва тарбия соҳасидаги муаммоларни ечишда асосий ечим саналади[6].

Ўкув методик таъминотни шакллантириш, уни замонавий таълимий восита ва дастурлар билан бойитиши, дунё таълим тизими стандартларига мувофиқ миллый ўкув дастурни ишлаб чиқишидан иборат бўлади. Дунё стандартларига мувофиқ кредит модул тизими жорий этилган бўлиб, унда асосий таълим натижалари мустақил таълим соатларига ажратилиши ва талабанинг билимларни ўзлаштирганлик кўрсаткичини ҳам асосий қисмини ташкил этиши кўрсатмоқда.

Талаба – ўқувчиларнинг когнитив билиш фаолиятини бошқаришда, улардаги мотивацион, рефлексион ва оператив-фаоллик жараёнлари кенг ўрганилиши лозим. Зоро табиий фанларни ўқиттилиши дунё бўйича ҳам етакчи ўринда туриши ва унинг истиқболи давлат иқтисодиётининг асосини ташкил этар экан, бу борада ёшларни психологик-педагогик асосида ўрганиш энг устувор вазифа этиб белгиланиши лозим.

### Хуласа

Дунёда талабаларнинг табиий-илмий дунёкарашини ривожлантириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: электрон-дастурий воситалар асосида талабаларда табиий - илмий дунёкарашини ривожлантиришнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштириш; виртуал лабораториялар билан ишлаш жараёнида талабаларда табиий-илмий компетенциялар тизимини шакллантириш, биология фанлари таълими жараёнини ташкил этишида назарий ва амалий машғулотлар интеграциясини

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

таъминлаш, талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантиришда инновацион таълим технологияларининг ролини ошириш, талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтиришнинг методик таъминотини такомиллаштиришдан иборат вазифаларни кўяди.

Педагогик таълим инновацион кластерини шакллантиришда асосий иштирокчилар сифатида таълим субъектлари ва объектлари иштирок этадилар. Бунда ҳар бир фаол бўғин ўзининг йўналиши ва ихтисослигидан келиб чиқиб, педагогик таълим инновацион кластерининг фаолиятига бўйсунувчи “Эшитдим-кўрдим-бажардим” тамоилига биноан ўз таълимий ва тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларни белгилайди[7]. Бунда педагогик таълим инновацион мухитини шакллантириш учун, таълим мухитини давлат сиёсати даражасида шакллантириш ва эътиборни кучайтириш лозим.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 авгуstdаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўгрисида”ги ПҚ-4805-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.04.2021 йилдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида”ги қарори.
3. Мухамедов Ф.И., Ходжамқулов.У.Н "Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф ва тасниф. Илмий рисола.- Т.: Университет, 2019.
4. Рахимов А.К. Талабаларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш замон талаби // Academic research in educational sciences. Chirchik state pedagogical institute Tashkent region, Uzbekistan problems and solutions, June 25-26, 2021.Builing 2a, istikbol street, pp. 210-214.
5. Клаудия К., Мирзаева Н. А. Ўзбекистонда табиий фанларни ўқитишнинг стеам методикасига асосланган ўқув дарсларни ташкил этишда “эшитдим-кўрдим-бажардим” тамоилини. // Innovative Development in Educational Activities, 2022-1(5), 51-69.
6. Мирзаева Н. А. Табиий фанларни ўқитишда педагогик таълим инновацион кластери (Чирчиқ модели) “эшитдим – кўрдим бажардим” тамоилии методологияси // ReFocus. 2022. №1.
7. Ходжамқулов У.Х. Педагогик таълим инновацион кластери (Ўзбекистон таълим тизими мисолида) // Academic research in educational sciences. 2020. №4.
8. Рахимов.А.К., Saidova.D.B. “Innovation Cluster Of Pedagogical Education ”As The Basis Of The Practice Base Education., Global Humanity Congress 2nd International Multidisciplinary Scientific Conference, 2021, pp. 148-150.
9. Фролов, Ю.В. Компетенция модели мутахассисларни тайёрлаш // Олий таълим бугун. - 2004. - № 8.

### Reference:

1. Decree of the president of the Republic of Uzbekistan dated August 12, 2020 on measures to improve the quality of continuing education and the productivity of Science in the areas of chemistry and biology PQ-4805.
2. Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on measures to further improve the activities of Chirchik State Pedagogical Institute of the Tashkent Region No. 213 of 14.04.2021.
3. Muhammedov G.I, KhodjamkulovU.N. "Pedagogical educational innovation cluster: definition, description and classification. Scientific brochure."T.: University,2019.
4. Rakhimov A.K. Directing students to scientific research work contemporary demand // Academic research in educational sciences. Chirchik State pedagogical institute Tashkent region, Uzbekistan problems and solutions, June 25-26, 2021.-Building 2a, istikbol street, pp. 210-214.
5. Claudia K., Mirzaeva N. A. The principle of "Heard-saw-done" in the organization of educational classes based on the Steam methodology of teaching Natural Sciences in Uzbekistan. Innovative Development in Educational Activities, 2022, 1(5), 51-69. Retrieved from <http://openidea.uz/index.php/idea/article/view/176>.
6. Mirzaeva N. A. Pedagogical education innovation cluster in the teaching of Natural Sciences (Chirchik model) methodology of the principle "I heard – saw I did " // ReFocus. 2022. №1.
7. Khodjamkulov U.X. Pedagogical education innovation cluster (on the example of the Uzbek education system // Academic research in educational sciences. 2020. №4.
8. Rakhimov A.K., Saidova D.B. "Innovation Cluster Of Pedagogical Education "As The Basis Of The Practice Base Education., Global Humanity Congress, 2nd International Multidisciplinary Scientific Conference, 2021, pp. 148-150.
9. Frolov Yu.V. Competence model specialist training // Higher education today, 2004. - № 8.

### Муаллифлар:

**Рахимов А.К.** - Чирчиқ давлат педагогика университети табиий фанлар факультети декани, педагогика фанлари доктори, профессор.

**Мирзаева Н.А.** - Гулистон давлат университети докторант, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент в.б.

METHODOLOGY OF USING GRAPHIC TASKS IN FORMING CREATIVE DESIGN CONCEPTS IN DRAWING LESSONS

CHIZMACHILIK DARSLARIDA IJODIIY LOYIHALASH TUSHUNCHALARINI SHAKILLANTIRISHDA GRAFIK TOPSHIRIQLARDAN FOYDALANISH METODIKASI

МЕТОДИКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ГРАФИЧЕСКИХ ЗАДАЧ В ФОРМИРОВАНИИ ТВОРЧЕСКИХ ПРОЕКТНЫХ ЗАНЯТИЙ НА УРОКАХ РИСОВАНИЯ

Sariyev Rabbim Shuhratovich

Toshkent kimyo-tehnologiya instituti Shahrisabz filiali, Shahrisabz shahar, Ipak yo‘li ko‘cha.

E-mail: [rabbimsariyev@gmail.com](mailto:rabbimsariyev@gmail.com)

**Abstract.** The article provides methodological instructions on the organization of graphic assignments in drawing lessons of general secondary schools in the formation of students' concepts on creative design, as well as on the organization of drawing lessons and the acquisition of interest in science in students. From this point on, methodical instructions and their results on linking graphic assignments given in lessons to life processes to form creative design from the students' drawing science point of view will be interpreted. The role and significance of the creative project in drawing science, its tasks, participation in the education of the reader's personality, analysis of the true merits and characteristics of the creative project at the required levels are organized from scientific practical discussions on the interpretation and importance of the application. In particular, in this regard, the ideas presented in the literature on creative design in the disciplines of Yan‘iy drawing and engineering and the methodological approaches of their use in the course processes are analyzed.

**Keywords:** Creative design, interest in science, methodological guidelines, elements of creativity, figurative thinking, creative design in drawing, methodological approach, creative thinking, spatial imagination, pedagogical skill.

**Annotatsiya.** Maqlada umumiy o‘rta ta’lim maktablari chizmachilik darslarida o‘quvchilarning ijodiy loyihalash yuzasidan tushunchalarini shakillantirishda grafik topshiriqlardan foydalish medodlar, hamda chizmachilik darslarini tashkil etish va o‘quchilarda fanga bo‘lgan qiziqishni ortirish bo‘yicha metodik ko‘rsatmalar keltirilgan. Shu nuqtayi nazardan o‘quvchilardagi chizmachilik fani nuqtaiynazaridan ijodiy loyihalashni shakillantirish uchun darslarda beriladigan grafik topshiriqlarni hayoti jarayonlarga bog‘lash bo‘yicha metodik ko‘rsatmalar va ularning natijalari talqin etib o‘tiladi. Ijodiy loyihalshning chizmachilik fanidagi tutgan o‘rni va ahamiyati, vazifalari, o‘quvchi shahsini tarbiyalashdagi ishtiriki, ijodiy loyihalshning asl mohiyatlari hamda xususiyatlari kerakli darajalarda tahlili talqini va amaliyotda nechog‘lik ahamiyat kasb etish yuzasidan ilmiy amaliy muhokamalardan tashkil topadi. Xususan bu borada yan‘iy chizmachilik va muhandsilik fanlarida ijodiy loyihalash bo‘yicha adabiyotlarda keltirib o‘tilgan fikirlar va ularning sharxlari dars jarayonlarida foydalanish uslubiy yondashuvlari tahlil qilingan.

**Kalit so‘zlar:** Ijodiy loyihalash, fanga qiziqish, metodik ko‘rsatmalar, ijodkorlik elementlari, obrozli fikirlash, chizmachilikda ijodiy loyihalash, uslubiy yondashuv, ijodiy fikirlash, fazoviy tasavvur, pedagogik mahorat.

**Аннотация.** В статье представлены методические рекомендации по использованию графических заданий на уроках рисования в общеобразовательных школах для формирования понимания учащимся творческого проектирования, а также методические рекомендации по организации уроков рисования и повышению интереса учащихся к предмету. В связи с этим даются методические указания по увязке графических заданий на уроках с процессами их жизнедеятельности и интерпретации их результатов с целью формирования у учащихся творческого проектирования с точки зрения предмета рисования. Творческий проект состоит из научно-практических дискуссий о роли и значении творческого проекта в науке рисования, задачах, участии в воспитании личности ученика, анализа истинной сущности и особенностей творческого проекта на необходимом уровне и о том, какое значение он приобретает на практике. В частности, в этой связи были проанализированы идеи, изложенные в литературе по творческому проектированию в области рисования и инженерии, и методические подходы к использованию их комментариев в процессах уроков.

**Ключевые слова:** Творческое оформление, интерес к науке, методические указания, элементы творчества, образное мышление, творческое оформление в рисовании, методический подход, творческое мышление, пространственное воображение, педагогическое мастерство.

**Kirish.** Chizmachilik mamlakatimizda fani sifatida shakillanish boshqichlari va faninning strukturasi quydagicha ifodalangan. Dastlab chizmachilik va rasm 1828-yilda bitta umumiy kurs sifatida birlashtirilib, ushbu yil chizmachilik maktablarda fan sifatida o‘qitala boshlangan. Keyinchalik 1932-yildan chizmachilik fani alohida fan sifatida ajraldi va fanning o‘quv dasturi bo‘yicha to‘rtta asosiy bo‘limlari, geometrik chizmachilik, proyeksiyon chizmachilik, aksonometrik chizmachilik, natural chizmachilik o‘qitala boshlanadi. Ta’lim sohasining 1986-1987-yillardagi islohatlari natijasida chizmachilik fani umum ta’lim maktablarida ertaroq o‘tilishi ya’niy 7-sinfdan boshlab yangi dastur asosida o‘qitiladigan bo‘ldi. Hozirgi kunda chizmachilik fani mamlakatimiz umumta’lim maktablarining 8-9-sinflarida haftasiga 1 soatdan o‘qilib kelinmoqda va fanning o‘quv dasturining ma’zmuniga ko‘ra chizmachilik kursining asosiy bo‘limlarining ko‘philigi yuzasidan o‘quvchilarga boshlang‘ich bilimlarni berish nazarda tutiladi [1].


Ijodiy loyihalsh deganda bugungi kun chizmachilik fani o'qituvchisi nimani tushunadi, yoki nimani tushunshi lozim? kabi ma'zmundagi savol bilan murojat qiladigan bo'lsak, ko'plab chizmachilik fani o'qituvchilari makktab darsligida keltirilgan "Detal shaklini o'zgartirishga oid ijodiy loyihalsh" mavzusini misol tariqasida keltirishadi. Ushbu mavzu haqiqatdan ham ijodiy loyihalshga misol bo'laoladimi yoki yo'q, xo'sh chizmachilikda ijodiy loyihalash bo'yicha biz o'quvchilarda qanday bilim va ko'nikmalarni shakillantirishimiz kerak bo'ladi? Ijodiy loyihalashda o'quvchilar chizmachilik fanidan qanday ishlarni amalga oshirishlari kerak? Chizmachilikdan ijodiy loyihalashga oid grafik topshiriqlar qanday shakillantiriladi?-degan savollar orqali ishimizni oolib berishga harakat qilamiz.

Chizmachilik fanini o'qitish davomida darslarda o'quvchilarning ijodiy loyihalash bo'yicha tushunchalarini shakillantirish, fanning hozirgi kundagi eng muhim masalalaridan biri bo'lib kelmoqda. Ushbu ijodiy loyihalash deganda o'quvchilarning chizmachilik fani nuqtai nazaridan har bitta grafik topshiriqlar yuzasidan o'zlarining shahsiy qarashlari nuqtaiy nazaridan kelib chiqqan holda tegishli detallarga asoslangan yangicha loyiha ishlarni amalga oshirishda ularning chizmachilik fanidan fazoviy tasavvur qobiliyatlarining shakillanishi birlamchi darajani tashkil etsa, chizmachilik fanidagi chizmalarni bajarish va loyihalashdagi standartlarni bilish va ushbu standartlar asosida yangi ijodiy loyiha ishlarni tashkil etish keyingi darajalarni egallaydi. Shu nuqtai nazaridan kelib chiqib o'quvchilardagi chizmachilik fani bo'yicha ijodiy loyihalashni tashkil etilishida chizmachilik bilimlarining yetarli darajada bo'lishligi katta ahamiyat kasb etadi, lekin ayni vaqtad bu darajalar sabab ulardagagi ijodkorlikning qobiliyatlarini yuzaga chiqishida to'sqinliklarni olib kelishi mumkin.

### Tadqiqot ob'ekti va metodlari

Tadqiqot ob'ekti sifatida umum ta'lim maktabining 8-sinf va 9-sinf chizmachilik fani darsliklari hamda, E.I.Ro'ziyev, A.O.Ashirboyev "Muhandislik grafikasini o'qitish metodikasi" Oliy ta'lim muassasalarining bakalavriat bosqich talabalari uchun darslik adabiyotlari olingan bo'lib, ushbu tadqiqot ob'ektlari misolida chizmachilik fani darslarida o'quvchilarning ijodiy loyihalash tushunchalarini shakillanishida grafik topshiriqlarning ro'li va ahamiyati qanday bo'lishi yuzasidan metodik ko'rsatmalar shakillantiriladi. Ob'ekt sifatida olingan yuqoridagi E.I.Ro'ziyev, A.O.Ashirboyev "Muhandislik grafikasini o'qitish metodikasi" Oliy ta'lim muassasalarining bakalavriat bosqich talabalari uchun darslik adabiyotda umum ta'lim maktablaridagi chizmachilik darsliklarida "Detal shaklini o'zgartirish bo'yicha ijodiy loyihalash" mavzusi yuzasidan quydagi tavsiyalar keltirib o'tiladi [2]:

Hozirgi ko'pchilik amaliyotchi chizmachilk o'qituvchilari o'rtasida o'quvchilarning ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirishda asosan detal shaklini o'zgartirish, unga sodda qo'shimchalar kiritish bilan bog'liq topshiriqlar keng qo'llaniladi (1-rasm).



1-rasm.

Birinchidan detal shaklini o'zgartirish va yangi mahsulotni loyihalash, bular o'zaro bog'liq, lekin har-xil faoliyat turiga kiradi. Ikkinchidan detal shaklini o'zgartirish bilan bog'liq topshiriqlarda ularning shartining o'zida ham yagona yechim toppish talab qilinganligi uchun ham ijodkorlik elementlari yo'q. Bu topshiriqlar o'quvchilarning obrozli fikirlash qibiliyatlarini rivojlantiridi, ammo ularning darsga qiziqishlarini ortirmaydi. Kabi ma'zmundagi tavsiyf fikrlari bayon etib o'tilgan bo'lib, bu tahliliy fikirlarga chizmachilik o'qituvchisi va pedaogok nuqtai nazaridan qaraganda ham ayni ushbu keltirilgan fikirlarning asosli ekanligini ko'rish mumkin. Haqiqatdan ham umumta'lim maktablaridagi chizmachilk darsligidagi ushbu mavzu yuzasidan keltirb o'tilgan topshiriqlar bandi o'quvchilardagi fanga bo'lgan qiziqishini hamda ijodiy loyihalash yuzasida tasavvurlarini shakillanishida yuqori ahamiyat kasb etmaydi [2-3].

Bundan kelib chiqadikiy biron bir elementar muommo bilan bog'liq, o'quvchilarning ijodiy loyihalash qibiliyatlarini rivojlantiradigan topshiriqlar haligacha umum ta'lim maktablari va kasb-hunar kollejlarining grafika fanlari tarkibiga kiritilmagan. O'quvchilarning ijodiy loyihalash qibiliyatlarini shakillantiradigan grafik topshiriqlar darslikka kiritilmagan deb faqat berilgan va belgilanagn vazifalarining o'quvchilarga o'rgatish bu pedagogokga xos bo'Imagan xususiyat sanaladi. Chizmachilik o'qituvchisi o'quvchilardagi ushbu qibiliyatlarni fanga bo'lgan qiziqishlarini ortirish maqsadida zarur hollarda ijodkor yaratuvchi sifatlariga ega bo'lishi lozim [4].

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

### Olingen natija va ularning tahlili

“Texnik chizmachilk asoslari” umum ta’limi fanlari doimiy ravishda jamiyatda sodir bo‘layotgan ijtimoiy jarayonlar bilan bog‘liq o‘zgarishlarni boshidan o‘tkazmoqda. Maktab o‘quvchilarining grafik tayyorlarligi takomillashtirilib yangillanmoqda va axborot madaniyati kabilalar qaytadan ko‘rib chiqilmoqda, jamiyatda axborotlashtirish bo‘yicha zarur shart-sharoitlar yaratilmoqda va maktab chizmachilik kursining maqsad vazifalari va ma’zmunini qayta ko‘rib chiqishni taqozo etmoqda, bu esa yangi chizmachilik o‘quv dasturini ishlab chiqishga olib keladi. Ilmiy-texnika taraqqiyoti texnologiyalarni takomillashtirish va rivojlantirish bilan bog‘liq. Bu texnik bilimlarni chuqur o‘zlashtirish, grafik vositalarni o‘zlashtirish bilan mumkin bo‘ladi, ulardan biri chizmadir [2-5].

Umum ta’lim maktab o‘quvchilariga chizmachilik darslarini tashkil etish jarayonlarida o‘qituvchi o‘quvchilarining ijodiy loyihalash qobiliyatlarni yuzaga chiqarish yoki rivojlantirishida beriladigon grafik ishlarga qo‘srimcha ravishda ushbu detal modellarini yasash, qurishni yoki mavzularga alohida ijodkorlik bilan yondoshgan holda hayotiy mavjud detallarning o‘quvchilar fantaziyasidagi dizaynnini yaratish kabi topshiriqlarni muntazam berib borishi natijasida o‘quvchilardagi fanga bo‘lgan qiziqishlarini va ijodiy loyihalash yuzasidan tushuncha va malakalarini oshirishi mumkin. Fikrlash, o‘ziga xos qobiliyatlarni rivojlantirishda, ijodkorlik, dizayn, individuallik qobiliyati va istagi kabi shaxsiy xususiyatlarni tarbiyalashda rasm chizish muhim ro‘l o‘ynaydi. Bunday fazilatlarni tarbiyalash fazoviy tasavvurlarsiz mumkin emas, ularning rivojlanishi chizmachilikni o‘rgatish orqali muvaffaqiyatlari amalga oshiriladi. Chizmachilik fanidan o‘quvchilarining ijodiy loyihalash tushunchalarini shakillantirishda grafik topshiriqlarning muhumlik darajalari sifatida quydagilarni keltirib o‘tish mumkin bo‘ladi.

- Grafik topshiriqni kuzatish va bu orqali uni nima qanday detal ekanligi bo‘yicha tasavvurini ishga solish, (bu jarayonda grafik topshiriq bo‘yicha o‘qituvchi tomonidan beriladigan ma’lumotlar muhim ahamiyat kasb etadi) [6];
- grafik topshiriqlardagi chiziq turlari ularning chizilish qoidalari bilan tanishtirish, (chizma chiziqlarining belgilanishlari haqida standart ma’lumotlar berish);
- detal proyeksiyalarini qurish va topishning sodda usullarini ko‘rsatib berish, (amaliy tarizda ko‘rsatish hamda honada mavjud elemntlardan foydalanan misollar keltirish);
- yaqqol tasvirlarni yashashni sinf honasining burchagi yoki shunga o‘xhash misollar yordamida tushuntirish.

Fanga qiziqtirish va o‘quvchilarda ijodiy loyihalash tushunchalarini shakillantirishdagi yana bir metodika ko‘rinishi sifatida tavsya etiladi, chizmachilik o‘qituvchi ba’zan dars mashg‘ulotlarida yoki to‘garak mashg‘ulotlarida grafika kursining shakillanishi va rivojlanishi bilan bog‘liq qiziqarli ma’lumotlarni berib borishga harakat qilishi kerak. Bunda shu sohada faoliyat ko‘rsatgan konstruktur, arxetektor, dizayner va rassomlarning hayoti turli konstruksiyalarni loyihalash bog‘liq qiziqarli voqealarni aytib berish o‘quvchilarda darslarni qiziqish bilan tinglashi va uzoq vaqta xotirasida saqlanib qolishida yordam beribgina qolmay, ularda ham ushbu sohalarga bo‘lgan intilish shakillanishi mumkin bo‘ladi.

Chizmachilik darslarida beriladigan grafikaviy topshiriqlardagi mavjud qism elementlarini geometrik jihatadan geometrik jismlarga ajratib berish bo‘yicha dars davomida qo‘srimcha guruuhlar kesimida musoboqa shakillarini tashkil qilib boorish ham o‘quvchilardagi ijodkorlikni va dars jarayoniga fanga bo‘lgan qiziqishlarini oshirib boradi. O‘quvchilardagi fanga bo‘lgan qiziqish va ijodiy loyihalash tushunchalarini shakillantirishda tadqiqotning tahlili natijalari sifatida quydagi metodlarni keltirib o‘tamiz [7]:

- 1-nazariy ma’lumotlarni hardoim hayotiy misollar bilan bog‘lab ko‘rsatish;
- 2-amaliy mashg‘ulotlarning yakunida har bitta o‘quvchiga mavzu bo‘yicha o‘z shaxsiy loyihasini yaratib kelishlikni o‘zgacha ijodkorlik sifatida vazifalar berish;
- 3-grafik topshiriqlarni bajarish yakunida ushbu detalning qog‘oz har-xil matiryallik maketlarini qurishni kunora dars jarayonlarida tashkil etish;
- 4-grafik topshiriqlarni bajarish jarayonida zarurat bo‘lmasa o‘quvchilarga erkinlik berish;
- 5-chorak yakunlari bo‘yicha o‘quvchilar tomonidan bajarilgan grafik va loyiha ishlarining ochiq ko‘rgazmalarini tashkil etish va rag‘batlantirish.

Shu kabi bir qator metodlarni qo‘llash yoki shunga o‘xsash o‘qituvchining sinf va o‘quvchilaridan kelib chiqib boshqa metodlarni qo‘llashi o‘quvchilardagi chizmachilik faniga bo‘lgan qiziqishning ortishi bilan birligida ulardagagi ijodiy loyihalash qibiliyatlarining shakillanishida o‘zgacha bir turki bo‘lib xizmat qilishi mumkin.

Bu kabi yuqorida keltirilgan tajribalar metodi amaliyotning ko‘p hollarida biz kutgan ijobjiy natijalarni berib kelishi bilan birligida jamiyatimiz uchun kerakli muhandis, loyihachi, injener, arxitektorlarni kashf qilishi mumkin bo‘ladi.

### Xulosa:

Yuqorida keltirib o‘tilgan fikrlar va tavsiyalarning barchasi bir maqsadga yo‘naltirilgan bo‘lib, chizmachilk fani bo‘yicha o‘quvchilarda ijodiy loyihalash qibiliyatlarini rivojlantirish va fanga bo‘lgan qiziqishlarini oshirish bilan birligida, umum ta’lim maktabi o‘quvchilari orasidan yurtimizning istiqboli uchun zaruz bo‘lgan, ishlab chiqarish salohiyatida muhim o‘rnlarni kasb etuvchi texnika va texnologiyalarni loyihalovchi mutaxassislarni shakillantirish va ularni kashf etishga qaratilgan. Bu borada o‘qituvchi o‘z ustida doimiy ishlashi va kerak bo‘lsa o‘quvchiolardan va darsdan kelib chiqqan holda o‘z metodikasini yaratish lozim.

O‘quvchilarining ijodiy loyihalash qibiliyatlarini shakillantirish yoki yuzaga chiqarish uchun o‘qituvchi iloji boricha o‘quvchilarining kundalik hayotlarida uchratishi lozim bo‘lgan misollardan foydalanshlari, topshiriqlar berishda esa qo‘srimcha ravishda o‘quvchilarining fantaziyalariga asoslangan detallning yangicha dizaynnini yaratishlari mavjud

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

foydalaniladigan detal konstruktori qaytadan loyihalsh yuzasidan topshiriqlarni doimiy berib borishlari o‘quvchilarda ijodkorlik ijodiy loyihalshni oshishiga yordam beradi.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Valiyev A. N, Haqberdiyev B. R, Gulomova N. X, Boboyeva Z. A, “Chizmachilik” (Mashinasozlik chizmachiligi): darslik-Toshkent: «O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi» nashriyot-matbaa birlashmasi, 2020.-320 b.
2. Ro‘ziyev E. I, Ashirboyev A. O, “Muhandislik grafikasini o‘qitish metodikasi” -Toshkent: «Fan va texnologiya», 2010, 248 bet.
3. Murodov Sh, Hakimov L, Xolmurzayev A, “Chizma geometriya” Oliy o‘quv yurtlari talabalari uchun darslik — Toshkent. Iqtisod-Moliya, 2008 .-296 b.
4. Valiyev A. N, Boboyeva Z. A, Mirzaliyev Z. E, Gulomova N. X, Nurmatov E. A, “Mashinasozlik chizmachiligidan grafik masalalarning metodik ishlanmasi” (1-2-qismalar) -Toshkent: 2017. 303 b.
5. Abdurahmonov A. “Chizmachilkdan grafik ishlar tizimi” o‘quv qo‘llanma, Cho‘lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, Toshkent-2005-y. 176 b.
6. Ashirboyev A, “Chizmachilik” kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma-Toshkent: Yangi nashr, 2008 – 193 b.
7. Narzullayev A. X, “Mashinasozlik chizmachiligi” darslik, O‘ZR Oliy va o‘rtamaxsus ta’lim vazirligi. - Toshkent.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyatni nashriyoti, 2009.-272 b.

### Muallif:

**Sariyev R. Sh.** – Toshkent kimyo-texnologiya instituti Shahrishabz filiali “Tabiiy va anaiq fanlar” kafedrasini katta o‘qituvchisi.

УДК: 666.3.017

## THE RESULTS OF DETERMINING LIFE VALUES IN THE FORMATION OF VIRTUAL CULTURE OF STUDENTS

ТАЛАБАЛАР ВИРТУАЛ МАДАНИЯТИ ШАКЛЛАНИШИДА ҲАЁТИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ НАТИЖАЛАРИ

РЕЗУЛЬТАТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ЖИЗНЕННЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ВИРТУАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ УЧАЩИХСЯ

**Шарапова Сабоҳат Джаббаровна**

Гулистан давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистан шаҳри, 4-мавзе.

E-mail: s-sharpova2020@gmail.com

**Abstract.** The article describes the results of determining vital values in the formation of virtual culture of students. Nowadays, it is difficult to imagine the life of young people without the Internet. While there are many positive aspects of the Internet, there are also negative consequences. In particular, some social networks are home to a number of destructive ideas, attacks on the Internet, negative consequences of computer games. In this study, the results of the scientific research on the formation of virtual culture among students are presented.

**Key words:** personality, virtual culture, value, methodology, outlook, methodology of M. Rokich.

**Аннотация.** Маколада талабалар виртуал маданияти шаклланишида ҳаётий қадриятларни аниқлаш натижалари баён қилинган. Ҳозирги кунда ёшлар ҳаётини Интернетсиз тасаввур этиш қийин. Интернетнинг жуда кўплаб ижобий томонлари бўлиши билан бирга салбий оқибатлари ҳам мавжуд. Айниқса уларга баъзи ижтимоий тармоқлар бир катор вайронакор ғоялар маскани бўлиб колаётган ҳолатлар, интернетдаги хуружлар, компьютер ўйинларининг салбий оқибатлари каби масалаларни келтириш мумкин. Ушбу тадқиқотда ёшларимизнинг рақамли технологиялар яъни, виртуал олам таҳдидларига тушиб қолмасликлари, тажовузкор ғоялардан сақланиш, эмоционал бекарорлик, шахсада асертив хулқ-атвор мужассамлашганининг ижтимоий-психологик хусусиятларини комплекс тадқиқ этиш, шунингдек, талабаларда виртуал маданиятни шакллантиришга оид олиб борилаётган илмий изланиш натижалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** шахс, виртуал маданият, қадрият, методика, дунёқараш, М.Рокич методикаси.

**Аннотация.** В статье описаны результаты определения жизненных ценностей в формировании виртуальной культуры учащихся. В наше время трудно представить жизнь молодежи без Интернета. Несмотря на множество положительных сторон Интернета, есть и отрицательные последствия. В частности, некоторые социальные сети являются домом для ряда деструктивных идей, атак в Интернете, негативных последствий компьютерных игр. В данном исследовании представлены результаты научного изучения формирования виртуальной культуры у студентов.

**Ключевые слова:** личность, виртуальная культура, ценность, методология, мировоззрение, методология М. Рокича.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

**Кириш.** Маълумки, қадриятлар йўналганлиги тизими шахс йўналганлигининг мазмуний жихатини белгилайди ва унинг теварак-атрофдаги оламга, бошқа кишиларга, ўзига муносабатлари негизини, дунёкараши асоси ва ҳаётий фаолият мотивацияси ўзагини, ҳаётий позицияси асосини ташкил этади. Шунинг учун биз талабаларнинг қадриятлар йўналганлигини аниқламоқчи бўлдик.

Қадриятли йўналишлар тизими шахс йўналтирилишининг мазмуний жихатини белгилайди ва унинг теварак-атрофдаги оламга, бошқа кишиларга, ўзига муносабатлари негизини, дунёкараши асоси ва ҳаётий фаолият мотивацияси ўзагини, ҳаётий позицияси асоси ва “ҳаётий фалсафаси”ни ташкил этади.

### Тадқиқот обьекти ва қўлланилган методлар

Биз талабаларнинг глобаллашув шароитида виртуал маданият ва ахборот оқими орасида шахга хос бўлган қадриятлар устуворлигини ўз ҳаётида белгилаб бериши мақсадида психологияда кенг қўлланиладиган М.Рокич методикасини қўлладидик [1]. Мазкур методика шахс йўналганлигини табакалашга асосланадиган қадриятли йўналишларни ўрганиш услубиёти бўлиб, ҳозирги замонавий психологияда энг кўп қўлланиладиган методикадир.

Бу методикани амалга ошириш ва респондентларда ўтказиш учун уларда икки хил қадриятлар рўйхати (ҳар бирида 18 тадан) қоғозда алфавит тартибида ёки варақаларда тақдим этилди. Рўйхатларда синовдан ўтувчи талаба ҳар бир қадрията даражали ракам кўйди, варақаларни эса аҳамиятига қараб тартибланди. Олинган натижалар барча талабалар учун терминал қадриятлар устун эканлигини намоён этди. Терминал қадриятлар орасида талабалар берилган қадриятларни ўzlари учун муҳимлилик даражасига қараб 1 дан 18 гача номерлаб бериши керак бўлади. Талабалар томонидан белгиланган аҳамиятли қадриятларга қараб талабалардаги қадриятлар йўналганлигини психодиагностика килиш мумкин бўлади.

### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Биз тадқиқот обьекти бўлган талабаларда мазкур методика ёрдамида тадқиқотни ўтказдик ва қадриятлар тизимида 18 танинг ичida энг аҳамиятли деб олинган ва кам аҳамиятли деб олинганларни натижалари акс этган жадваллар орқали шарҳлаймиз.

#### 1 - жадвал

##### Талабаларда мақсадли (терминал) ва кам аҳамиятли қадриятларнинг ўрни даражаларининг ифодаланиши

Талабалар	Мақсадли қадриятларнинг аҳамиятлилик ўрнини танлаш (% да)					
	1-ўрин 3	2-ўрин 4	3-ўрин 6	4-ўрин 7	5-ўрин 9	6-ўрин 15
ГулДУ	<b>52,3</b>	31,4	<b>49,2</b>	<b>52,4</b>	37,6	23,5
ЖДПУ	<b>51,4</b>	29,4	<b>50,1</b>	<b>50,8</b>	32,4	22,5
Талабалар	Мақсадли қадриятларнинг кам аҳамиятлилик ўрнини танлаш (% да)					
	11	14	16	5	10	1
ГулДУ	28,1	23,5	18,2	27,7	<b>38,8</b>	27,7
ЖДПУ	25,4	19,4	19,8	24,6	<b>34,6</b>	26,8

1 - жадвал натижаларидан кўринадики, талабалар учун мақсадли қадриятлар орасида кўп танлаш куйидаги қадриятларга мос келади: 3. Соғлик, фаоллик, тетиклик; 4. Қизиқарли иш; 6. Мухабbat; 7. Моддий таъминланганлик; 9. Атрофдагиларнинг хурматига, эътирофига лойиқлик; 15. Бахти оиласи ҳаёт. Бундай танланиш тадқиқотимизда жуда кўп равишда кузатилди.

Биз қадриятлар йўналганлигини ўрнини аниқлашда воситали қадриятлар ўрнини белгилашни ҳам респондентларга таклиф этдик. Олинган натижалар 2- жадвалда келтирилган.

#### 2 - жадвал

##### Талабаларда воситали (инструментал) қадриятларнинг ўрни даражаларининг ифодаланиши

Талабалар	Воситали қадриятларнинг аҳамиятлилик ўрнини танлаш (% да)					
	1-ўрин 1	2-ўрин 3	3-ўрин 10	4-ўрин 11	5-ўрин 14	6-ўрин 17
ГулДУ	<b>44,0</b>	<b>63,3</b>	22,1	33,5	<b>48,2</b>	<b>38,2</b>
ЖДПУ	<b>48,0</b>	42,4	<b>30,1</b>	<b>30,8</b>	42,4	32,6
Талабалар	Воситали қадриятларнинг кам аҳамиятлилик ўрнини танлаш (% да)					
	18	7	4	5	13	12
ГулДУ	48,1	19,4	11,4	10,5	11,1	27,7
ЖДПУ	42,4	21,4	13,8	14,6	14,6	26,3

Танланышларнинг фоиз кўрсаткичини кузатсак, соғлик, ҳиссиятлар, моддий таъминланганлик каби терминал қадриятлар ва айниқса, ижтимоий эътироф респондентлар учун муҳим экан. Шу ўринда кам танланган кўрсаткичини таҳлил этамиз. Натижалардан кўринадики, мақсадли қадриятлар орасида кам танлаш куйидаги

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

қадриятларга мос келади: 16. Бошқаларнинг баҳтиёрги; 11. Ўз-ўзини идора этиш; 14. Эркинлик; 1. Қизикарли ҳаётий фаолият; 10. Рационаллик [2].

Жадвал натижаларидан кўринадики, терминал қадриятларнинг аҳамиятлилиги ва кам аҳамиятлилиги деярли ўзаро яқин натижалар билан характерланади. Кескин тафовутларнинг кузатилмаслиги терминал қадриятларнинг талабаларда намоён бўлиши ёш кўрсаткичларига боғлик равишда намоён бўлиши хос эканлигини билдиради.

2-жадвал натижаларидан кўринадики, воситали (инструментал) қадриятлар орасида 1, 3, 11, 14, 17 юкори фоизларда кузатилади. Бу қадриятлар: 1. Тартибилик; 11. Ўз-ўзини идора этиш; 14. Сабрлилик; 17. Мехнатсеварлик.

Бу қадриятлар орасида кам танланиш кўрсаткичига эга бўлганлари ҳам кўринади. Булар: 4. Хушвақтлилик; 5. Ишчанлик, интизомлилик; 12. Ўз қарашларида қатъий тура билиш; 13. Қатъий иродади; 18. Фамхўрлик [3].

Воситали қадриятларда ўзига хос равишда шахснинг теварак-атрофдаги оламга, бошқа кишиларга, ўзига муносабатлари негизини, дунёкараши асоси ва ҳаётий фаолият мотивацияси ўзагини, ҳаётий позициясини билдиради.

Олинган натижалар талабалар учун инструментал ва терминал қадриятлар ўз ўрнига эга бўлиб, бу қадриятлар орасида мақсадли қадриятлар барча талабаларда бир хил даражада намоён бўлиши ва шунинг билан бирга, мақсадли қадриятлар воситали қадриятларга нисбатан устун даражада намоён бўлиши кузатилди. Бу эса мазкур ўшдаги талабаларнинг ҳаётдан ва фаолиятдан кутадиган мақсади, ниятларини белгилаб берди.

Биз тадқиқотимизда олинган натижаларни таҳжил этишда қадриятларни уч туркумга ажратдик: мослашиш қадриятлари; ижтимоий қадриятлар ва ўзига қаратилган индивидуал қадриятлар [4]:

- Мослашиш қадриятларига: “соғлиқ ва кучни саклаш”, “муносаб маош ва нафака”, “эртанги кунга ишонч”, “кўнгил тинчлиги”, “сабр”, “тартибилик” кабилар;
- Ижтимоийлашиш қадриятларига: “ўқиши”, “оила”, “яхши иш”, “мавқе”, “дўстлар давраси”, “эъзозлаш, тушуниш, қадрлаш” кабилар;
- Индивидуал қадриятларга: “ақлий ва маънавий ривожланиш”, “ўзини юксалтириш”, “фаоллик”, “ўзини ишга сафарбар қилиш”, “одамларга наф келтириш” кабилар.

Тадқиқот ишимизда талабаларнинг М.Рокич методикаси бўйича олинган натижаларини қадриятларнинг уч туркумига ажратдик. Натижалар 3-жадвалда берилган.


### 3 - жадвал

#### Талабаларда қадриятларнинг туркумланиш кўрсаткичлари натижалари (% да)

Талабалар Ёши	Қадриятларнинг туркумлари		
	Мослашиш	Ижтимоийлашиш	Индивидуал
18-29 ёш	36,5	46,5	17,0

Тадқиқотда олинган натижаларни бу қадриятларга мослаб туркумлаш натижаларига кўра ижтимоийлашиш ва мослашиш қадриятлари кўпроқ кузатилади, кам даражада индивидуал қадриятлар танланиши аён бўлди.

#### Талабаларда қадриятларнинг туркумланиш кўрсаткичлари, % да



1-расм. Талабалар қадриятларининг туркумланиши, % да

Бу натижалар ўз навбатида шахснинг ўзини такомиллаштириш, ўз устида тинмай ишлашдан кўра, соғлик, дўстлар, тушуниш каби бир катор қадриятларга таянишини билдиради [5].

**Хуроса.** Тадқиқотдаги иштирокчиларнинг ёш кўрсаткичларига кўра қадриятлар туркумланиши таҳлилидан кўринадики, ёшлар учун ҳаётда таълим олиш, ривожланиш, оила қуришга интилиш, ўз мавқеи

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

даражасини ўстиришни ўлаш хос эканлигини янада кўрсатади. Биз тахмин қилган талабаларнинг виртуал маданиятга, ижтимоий маконга берилишлари уларнинг хаётий қадриятларида энг устувор аҳамиятли эканлиги исботини топди. Бу ўз навбатида талабалик даврини 18-29 ёш атрофида бўлишини назарда тутадиган бўлсак, уларнинг қарашлари, фикрлари рационал тусга кириши учун катталар томонидан маслаҳатларни холис тарзда бериш, талабаларни ўз фикр – ўйлари билан қолиб кетишларига йўл қўймаслик, уларни интеллектуал, касбий, шахсий ривожланишларига имкон яратиб бериш зарурати тўлиқ кўринди. Айнан шу ёш даврида ўзга маданият, ўзга дунёкаш, ўзга миллӣ анъаналарга хайрихохлик қилмаслик, йўқотиб қўймаслик муҳим эканлиги тўлиқ исботланди.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Рокич М. Методика "Ценностные ориентации" // Большая энциклопедия психологических тестов.– Москва : Эксмо, 2009. – С. 26-28.
2. Гребень Н.Ф. Психологические тесты для профессионалов. –Минск: Соврем. Шк., 2007. – 496с.
3. Қодиров Б. Ахборот оқими ва ёшлар маънавияти // Тафаккур, 2015. №2. 82 – 6.
4. Коржова Е.Ю. Психология жизненных ориентаций человека. –СПб.: Издательство РХГА, 2006. – 384 с.
5. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари (монография). - Тошкент: Akademiya, 2010. 256–бет.

### Муаллиф:

**Шарапова Сабоҳат Джаббаровна** - Гулистон давлат университети, Психология кафедраси доценти в.б., психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

УДК 378: 372.8

## STRATEGIC SIGNIFICANCE OF INNOVATIVE APPROACH TO EDUCATIONAL SYSTEM

ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТИ

СТРАТЕГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИННОВАЦИОННОГО ПОДХОДА К ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЕ

**Алибеков Даврон Абдуракибович<sup>1</sup>, Абдурақибова Динора Даврон қизи<sup>2</sup>**

<sup>1</sup>Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллӣ университетининг Жиззах филиали. 130100, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 259 уй.

<sup>2</sup>Жиззах давлат педагогика университети, 130100. Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 4-үй.

E-mail: d-alibekov2020@g.ail.com

**Abstract.** This article discusses the theoretical aspects of the strategic importance of the innovative approach in the educational system based on innovative activity, innovative potential, innovative infrastructure, and modernization.

**Key words:** Innovative, modernization, education, activity, capacity, infrastructure, approach, strategy, trend, globalization, technology, society, thinking.

**Аннотация.** Ушбу маколада таълим тизимида инновацион ёндашув инновацион фаолият, инновацион салоҳият, инновацион инфраструктура, ва модернизациясига асосланган стратегик аҳамиятининг назарий жиҳатлари ҳакида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Инновацион, модернизация, таълим, фаолият, салоҳият, инфраструктура, ёндашув, стратегия, тенденция, глобаллашув, технология, жамият, тафаккур.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются теоретические аспекты стратегического значения инновационного подхода в системе образования на основе инновационной деятельности, инновационного потенциала, инновационной инфраструктуры и модернизации.

**Ключевые слова:** Инновация, модернизация, образование, деятельность, потенциал, инфраструктура, подход, стратегия, тренд, глобализация, технологии, общество, мышление.

**Кириши.** Таълим тизимини инновацион ривожлантириш жараёни ўзида ижтимоий ривожланишнинг сифат босқичига олиб чиқадиган, ўзига хос ижобий ўзгаришлар ва янгиланишларни вужудга келтирадиган мураккаб, бир бутун ва динамик фаолиятини қамраб олади. Таълимдаги инновацион ўзгаришлар – бу тизимли янгича технологиялар, ахборотлаштириш ва янгиликларни яратиш ва жорий этиш, тизимни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган жараёнлар орқали инсон салоҳиятини юксалтириш ва пировардида жамият соҳаларида муҳим сифатий ўзгаришлар ясаш демакдир [1].

Шунингдек, таълим соҳасида инновацион ўзгаришлар унинг барча тизимлари фаолиятида иш жараёнини янгича асослар билан ўзгаририш орқали кенг қамровли модернизация қилишдир. Бу жараёнда таълим соҳаси тизимлари фаолиятининг самарадорлиги ошади, пировардида таълим соҳаси янги ривожланишг босқичига ўтиб, жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Бу тенденция бугунги глобаллашув билан боғлиқ рақобатга асослаган шароитда даврида жамият ҳаётининг барча тизимлари билан алоқадор холда кунда таълимнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантиришга катта эҳтиёж ҳосил қилмоқда.

Тадқикот обьекти ва қўлланилган методлар

Жамиятимизда таълим тизимида инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва бу орқали ижтимоий тараққиётни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунинг билан биргаликда илм-фан соҳасини ҳам инновацион фаолиятини таъминлаш борасида кенг қамровли фаолият кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришда илмий-тадқикот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқикот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш” [1] кўзда тутилган. Тадқикот мавзусини ёритишида таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, комплекс таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили**

Илм-фанда яратилган янгиликлар, техника ва технологияларнинг замонавий қўринишлари жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларига жадал тақдим этилмоқда ва бу орқали жамият ва инсон фаровонлигини таъминланишига ижобий таъсир қўрсатмоқда. Бу жараёнлар замонавий ахборот алмашинуви, янги коммуникацион технологияларнинг салмоқли имкониятлари билан боғлиқ ҳолда глобал миёсда тарқалмоқда ва янгича моҳият касб этмоқда. Бу эса, инсоннинг техника ва технологияларни яратиш билан боғлиқ имкониятлари кўламининг жадал кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

Замонавий таълим тизими ижтимоий муҳит шарт-шароитларига боғлиқ равишида, жамият ва инсон эҳтиёжларининг кундан кунга кенгайиб бораётган шароитида трансформациялашган жамият ва унда вужудга келаётган муҳим қонуниятлар инсоният ҳаёт тарзига goҳ салбий, goҳ ижобий ҳолатда таъсир ўтказмоқда. Бу жараёнда таълим тизими олдида шундай муаммоларни ечишга қаратилган вазифалар пайдо бўлмоқдаки, бу эса, таълим тизимини модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш билан алоқадор долзарб жараёнларни ижтимоий ҳаётда рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ахборотлашган жамиятда ёшларнинг глобал ахборот тизими билан бемалол тиллаша олиш, ахборот маданиятини шакллантириш, замонавий тамаддун мақсадлари ва муддаоларига жавоб берга олишга оид инновацион қобилиятларини шакллантириш муҳим вазифага айланди.

Глобаллашув жараёнларининг бугунги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жамиятларни модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш шароитида жиддий техник-технологик рақобат муҳити юзага келмоқда. Фуқаролар, айниқса ёшларнинг замонавий инновацион анъаналарни эгаллаши ва уларга жавоб берга олиш кўнімларини шакллантиришда маълум муаммолар вужудга келмоқда. Шу боисдан ҳам ахборотлашган жамиятда ёшлар инновацион дунёқарашини тезкор ва мукаммал асосда шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини илмий асосда таҳлил этиб, муҳим хулосалар, зарурӣ методик тавсиялар ишлаб чикиш долзарб моҳият касб этмоқда.

Хар томонлама билимларни эгаллаган, инновацион тафаккурга эга бўлган ёшлар мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг асосий стратегик заҳиралари бўлиб ҳисобланади, уларнинг иштирокисиз жамияти ривожлантиришнинг имконияти йўқ. Жамиятни модернизация қилиш йўлида бирмунча мураккаб, кенг қамровли вазифаларни ҳал этишда катта ёшдаги кадрлар билан бир қаторда ёшлар ҳам муҳим ижтимоий куч сифатида иштирок этади, унинг саломгини таъминлашга кўмаклашади. Жамиятимизда тарихан шаклланган илм ва маърифатга эътибор, ижтимоий ҳаётда таълим ва тарбиянинг фаровон жамият куришнинг асосий манбай бўлиб келганлиги ёшларнинг билим олиш билан боғлиқ муҳим қадриятларини шаклланишига муҳим замин бўлиб ҳисобланади.

“Инновация” жамият ҳаётининг ҳамма тизимларида, инсонга тааллукли бўлган фаолиятининг барча соҳаларида учрайди. Илмий изланишларнинг натижаси, даражаси, қўлами ва ва ишлаб чиқаришдаги амалиётидан келиб чиқиб, инновациялар жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга ўзининг жуда катта ҳиссасини қўшади. Инновациялар эса, янги билимлар, инновацияларнинг яратилиши, уни ҳаётга жорий этилиши ва самара даражасини ифода қилиш кетма-кетлигига намоён бўлади. Бу эса, янгича шароитда инсон ҳаётий фаолияти учун замонавий кўламдаги шарт-шароитларни яратилишига хизмат қиласи.

Олимларнинг таъқидлашича, “Инновация деб, кўп киррали жамият ҳаётининг у ёки бу соҳасини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган илгор ғоялар, улар асосида яратилган илмий-амалий ишланмаларни илм-фанларнинг сўнги ютуғи, техника ва технологияларнинг янги ихтироси сифатида мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хуқуқий, маънавий-маданий ҳаётida қўлланилишига айтилади”[2]. Демак, инновация инсон тафаккури ва салоҳияти орқали жамиятнинг маълум соҳасига киритилган янгилик, кашфиёт ва ихтиоридир.

Инновациялар ўзининг кўлами, даражаси ва ҳаётий ифодаси бўйича:

- доимий давом этадиган жараён;
- янги амалиёт учун технологик кашфиёт;
- инсон фаолиятининг тўлақонли маҳсули;
- жамият ва инсон фаравонлиги учун қаралиган фаолият;
- ишлаб чиқариш ёки ижтимоий фаолиятни янги сифат даражаси;
- илмий жараён ва амалий фаолиятнинг уйғунлигини ифодалайдиган феномен.

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Х.Абдусатторованинг фикрича, “Инновациялар ишлаб чиқариш соҳасида, иктисодий, ҳуқук ва ижтимоий муносабатлар, фан, маданият, таълим ва бошқа соҳаларга мансуб бўлиши мумкин. Инновацион стратегиялар ишлаб чиқиш учун барча бошқарув поғоналарида янгиликлар киритиш таркибида ижтимоий хизматларни ҳам ҳисобга оладиган талқин тўғририқ бўлади”[3]. Мазкур фикрда инновацияга тааллукли бўлган бирмунча ўзига хос хусусиятларни кўрсатилган. Шунинг билан биргалиқда инновацияларнинг ижтимоий ҳаёт ва муносабатлар билан билан боғлик томонларини ҳам ёритган. Шуни таъкидлаш лозимки, олим ушбу ўринда инновацияларнинг яратилишида инсоннинг ўрни ва роли борасидаги масалаларга тўхталмаган.

Р.Гимуш, Ф.Матмуродовларнинг фикрича, “инновация – бошқарув обьектини ўзлаштириш ҳамда иктисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техник ёки бошқа турдаги самара олиш максадида янгиликлар жорий қилишининг якуний натижаси”[4]. Шунингдек, олимлар инновацияларнинг ижтимоий соҳа билан боғлик жиҳатларини кишилар меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш, тибиёт, таълим-тарбия, маданият ва маърифат муаммоларини ечиш билан боғлиқ жараёнларга қаратилганлигини ҳам таъкидлаганлар. Демак, олимлар инновацияларнинг ижтимоий ҳаёт билан боғлик хусусиятларини, ижтимоий соҳани тури тизимларини ривожланишига таъсир этадиган, ўз долзарблигини йўқотмайдиган муҳим жараён эканлигини эътироф этганлар.

Россиялик олим Н.Эмиров инновацияга оид тушунчаларни инновацион жараёнлар ва фаолиятга хизмат қиласидаги инновацион салоҳият, инновацион соҳа, инновацион инфратулма каби категорияларни кўлаш билан тўлдириб ёритишига ҳаракат килади, масалан:

“инновацион салоҳият” - (давлат, минтақа, соҳалар, ташкилотлар) — инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган, моддий, молиявий, интеллектуал, илмий-техник ва бошқа ресурсларни ўз ичига олган турли хилдаги ресурсларнинг йигиндисидир;

“инновацион соҳа” - инновацияларни яратиш ва тарқатиши ўзига мақсад қилиб олган инновацион маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ва инновациялар натижаларини истеъмол қилувчилар фаолияти соҳаларирид;

“инновацион инфратузилма” – инновацион фаолиятни амалга оширишни таъминловчи ташкилотлар (инновацион-технologик марказлар, технологик инкубаторлар, технопарклар, ўқув-ишлаб чиқариш марказлари ва бошқа ихтинослаштирилган ташкилотлар) [5].

Таълим тизимини ҳам инновацион ривожлантириш унинг сифати ва самарадорлигини оширишига хизмат килади, унинг замонавий ривожланишига ўзгача мазмун багишлайди. Инновациялар таълимни ўзини-ўзи ривожлантириш, юқори даражада ва сифатли билим олиш орқали самарадорлигини оширишига хизмат қиласиди. Таълим жараённинг табиий асосда, яъни ҳар қандай бюрократия, буйруқбозлиқ ва коррупция каби ички ва ташки салбий таъсиrlардан холи асосда мавжуд бўлиш омиллари унинг самарали, замонавий ва инновацион асосда ривожланишига бўлган шарт-шароитларини таъминлаб беради. Таълим жараённин инновацион асосда ривожланиши унинг жамияттага янада ижтимоийлашуви, маданий-маърифий ҳаракет касб этиши, янгиликлар ва ислоҳотларни амалга оширишда илғор соҳа сифатида мавжуд бўлиши каби ижтимоий кадриятларни ўзида мужассам этишига шароит яратади [3,4].

Инновация натижасида таълимнинг ижтимоий, иктисодий, маънавий ва сиёсий ислоҳотларга мос ҳолда ўзини-ўзи ташкил этувчи соҳа сифатида мақоми ва даражаси ошади. Инновациялар таълим тизимини ҳар бир босқичи ва бўғинига кириб бориб, унинг жамият ривожи учун муҳим янгиликлар яратиш борасидаги мазмунини мустахкамлайди. Инновацион жараёнлар ташкил этилиб борган сари таълим соҳасида иштирок этувчи барча субъектларнинг янгиликлар яратишга қаратилган фаоллиги ва мойиллиги ошиб боради. Шундай қилиб, “Таълимда инновациялар таълим жараённiga янгиликлар киритиш, таълим ва тарбия жараённин самарадорлигини ошириш учун унинг технологиялари ва мазмунига ўзгартириш киритиш тушунилади”[6].

Демак, таълим тизимида инновацион фаолият деганда унда янгиликлар борасида гояларни вужудга келиши, уларни яратиш борасидаги жараёнларни бориши, уларни ўзлаштириш, фойдаланиш ва тарқатишига қаратилган комплекс фаолиятдир. Таълим тизимида яратиладиган инновацияларнинг мазмун ва моҳиятини унинг турлари, мақсад ва вазифалари, методологик таъминоти, илмийлиги, фаолият ҳаракети, фаолият турлари, жорий этилиш кўлами, натижадорлиги, янгилик кўлами, ижобий оқибатлари, микдор кўрсаткичлари, сифат ва самарадорлиги каби омилларига кўра баҳолаш мумкин.

Таълим тизимида инновацияларнинг яратилиши, унинг самарадорлиги ва амалиётга жорий этилиши кўлами унинг илмий ишланишининг ҳар томонлама пухталиги ва лойиҳанинг мукаммалиги билан боғлиқ. Таълимда инновацион жараёнларнинг вужудга келиш ва жорий этиш босқичлари тўғрисида В.Лазеров куйидагича таъкидлайди: ўзгаришлар кўламига қараб эҳтиёжларни аниқлаш; мавжуд вазиятни таҳлил этиш ва аҳборотлар тўплаш; яратиладиган янгилик бўйича дастлабки танлов ёки уни мустақил ишлаб чиқиш; янгиликни амалиётга жорий этиш (ўзлаштириш) бўйича қарор қабул қилиш; янгиликларни жорий этиш бўйича эҳтимолий самарани прогноз қилиш ва амалиётган жорий этиш жараёни; янгиликларни таълим амалиётининг кундагик жараёнлари ва кўшимча таълимда, таълимнинг турли тузилмаларда узоқ вақт фойдаланиш [7].

Таълим тизимини ривожлантиришда инновацион омилнинг устиворлигини ташкил этилишини ижтимоий таваккалчилик (риск) жараённiga ҳам ўхшаб кетади, чунки, инновацион таълим оддий таълимнинг муқобили ҳисобланиб, жамиятда собиқ таълимий кадриятларни кўргина кўринишларини сиқиб чиқаради. Натижада таълим тизимида бирқанча давр синов муддати бўлиб, эскилик ва янгилик ўртасида қарама-қаршиликлар кузатилиши мумкин. Бу даврда таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг замонавий карашлари,

илгор технологияларни ўзлаштириши ва янгиликларни қабул қилиш даражасининг юқорилиги мухим аҳамият касб этади[5].

**Хуроса.** Демак, таълим тизими ходимларининг ҳам инновацион дунёқарашининг мукаммаллиги таълимни модернизация қилишнинг мухим элементи ҳисобланади. Бу жараённи самарали таъминлаш учун таълим тизимида тузилмавий, тизимли ва функционал даражадаги ўзгаришларни таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда таълим иштирокчиларининг касбий маҳорати, замонавий ахборотлар ва маълумотлар билан таъминланганлиги, психолигик ва педагогик тайёргарлиги ва қайта тайёргарлиги каби омиллар мухим роль ўйнайди. Мазкур ўзгаришлар таълимни тубдан ислоҳ қилиш ва қайтадан ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар билан боғланиб кетади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)
2. Яхшиликов Ж., Мухаммадиев Н. Миллий гоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. -Тошкент, “Чўлпон”, 2018. –Б. 549.
3. Абдусатторова Х. Инновацион стратегия. -Тошкент: Tafakkur bostoni, 2012. –Б. 15.
4. Гимуш Р., Матмуродов Ф. Инновацион менежмент. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2008. –Б. 14.
5. Эмиров Н. Факторы инновационной деятельности в социальной сфере. [www.m-economy.ru/art.php](http://www.m-economy.ru/art.php).
6. Рапацевич Е. Большая современная энциклопедия. –Минск, Современное слово, 2005. -С. 198.
7. Лазарев В. Понятие педагогической и инновационной системы школы. //Сельская школа, 2003. №1.-С.4.

**Муаллифлар:**

**Алибеков Даврон Абдурақибович** - ЎзМУ Жиззах филиали Оила психологияси кафедраси мудири, фалсафа доктори (PhD).

**Абдурақибова Динора Даврон қизи** - Жиззах давлат педагогика университети талабаси.

УДК 378: 372.8

**FORMATION OF INFORMATION CULTURE OF FUTURE TEACHERS BASING ON CLUSTER APPROACH**

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА  
ШАКЛЛАНТИРИШ

ФОРМИРОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НА ОСНОВЕ КЛАСТЕРНОГО ПОДХОДА

**Мерганов Шухрат Мейлиевич**

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 360-уй  
E-mail: sh-merganov2020@gmail.com

**Annotation.** This article discusses the state of formation of information culture among future teachers basing on cluster approaches and areas of improvement, as well as the role of information culture in society.

**Key words:** cluster approach, culture, information culture, formation of information culture.

**Аннотация.** Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларда кластерли ёндашувлар асосида ахборот маданиятини шакллантириш ҳолати ва такомиллаштириш йўналишлари ҳамда, ахборот маданиятининг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳакида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** кластерли ёндашув, маданият, ахборот маданияти, ахборот маданиятини шакллантириши.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается состояние сформированности информационной культуры у будущих учителей на основе кластерных подходов и направлений совершенствования, а также роль информационной культуры в жизни общества.

**Ключевые слова:** кластерный подход, культура, информационная культура, формирование информационной культуры.

**Кириш.** Жамиятда юз бераётган туб ўзгаришлар, шубҳасиз, таълим соҳасини ҳам қамраб олмоқда. Айни пайтда, кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим турлари ўртасидаги алоқа ва узвийликнинг таъминланишидаги айrim камчиликлар мақсадни белгилашдаги тарқоқликка ва таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлди.

Таълим тизимида юкорида таъкидланган масалалар худудий ҳокимларлар ва уларнинг тасарруфидаги тегишли бўлинмаларнинг айни масала бўйича тизимли иш олиб бориши натижасида ўзининг ижобий счимини топиши мумкин. Ўз навбатида таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айландикни, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳам, ракобат ҳам, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур. Таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юкори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқкан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал килишда таълим турлари ва таълим мазмунини

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

интеграциялаш узлуксиз таълимни кластерлаштириш асосида ривожлантиришни такозо қилмоқда. [1].

### Тадқиқот обьекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқотда кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим сифатини оширишга эътибор қаратилганлиги сабабли дастлаб, кластер тушунчасига, унинг тарихий тараққиёти ва даврий ўзгаришлар мазмуни бўйича келтирилган тавсифларни таҳлил этиш лозим. Тадқиқот мавзусини ёритища таснифлаш, тавсифлаш, киёслаш, комплекс таҳлил методларидан фойдаланилди.

### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Кластер тушунчаси биринчи бўлиб иқтисодиёт соҳасида жорий этилди. Иқтисодиётдаги кластер назариясининг асосчиси Гарвард бизнес мактаби профессори M.Poter кластернинг шаклланиш механизмини ўзаро ракобатбардошликтининг ўсишига сабаб бўладиган бир-бирига бевосита боғлик соҳаларнинг жамланиши, деб тушунтириди ва ушбу ҳамкорликнинг давлат иқтисодиётидаги ролини аниқлаб берди [3].

Рус олимаси Т.И.Шамова эса кластерни ракобатбардош, самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган алоҳида соҳалар бирлашишининг ташкилий шаклларини кучайтириш механизми[5], дея тавсифлайди. М.В.Беспалов кластерни ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир нечта бўлаклардан иборат бўлган тузилма [4], деб хисоблайди.

Таълим кластерларининг моделлари Европа амалиётида етарли даражада мавжуд бўлиб, Россия тажрибасида кластер сиёсати асосан уларни шакллантириш ва ривожлантириш тамойилига асосланади [3]. Т.И.Шамова таълимни ривожлантиришга кластер ёндашуви индивидуал субъектлар ва кластер иштирокчиларининг ўзига хос афзалликларини кучайтирадиган ижтимоий ҳамкорлик асосида амалга оширишга асосланганлигини кўрсатади [5].

Таълим соҳасидаги кластерли ёндашув борасидаги тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш бу борадаги бир қанча қарашларни жамлаш, уларни анализ-синтез қилган ҳолда тавсифини бериш имконини берди.

Кластер ёндашуви бу:

алоҳида соҳа (таълим, иқтисодиёт ва б.) бўлиб, ракобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар бирлашишининг ташкилий шаклларини кучайтириш механизми [3];

замонавийлик ва мунтазам ёндашувдан келиб чиқсан ҳолда бир ташкилотнинг тузилишига бирлаштирилган бир-бирига боғлик бўлган турли соҳа кўжалик субъектларининг мажмуи [5];

ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир нечта тенг ҳукуқли бўлаклардан иборат бўлган тузилма [4];

ишлаб чиқариш ва таълим дастурларининг эҳтиёжларини бирлаштириш [2] ва х.к.

Таълимга нисбатан татбиқ қилинаётган кластер ёндашувига муаллифлик асосидаги илмий фаразларни ҳам тақдим этиш мақсадга мувофиқ:

таълим соҳасида унинг ривожланиш назарияси ва технологиясини тартибга солиш учун кўшимча имкониятлар берадиган янги хизмат турларини жорий этиш, узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик асосида таълим соҳаси фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиласидиган тузилма тузиш;

таълим турларининг инновацион-интеграцион ҳамкорлик тамойиллари асосидаги ҳамда мақсад умумийлиги ва манфаат хусусийлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланган ижтимоий буюртмани таъминлашга қаратилган педагогик-технologik фаолият уйғулугини таъминлаш ва ҳоказо. Демак хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълимга нисбатан татбиқ қилинаётган кластер ёндашуви бу алоҳида бир соҳада самарали ҳамкорликка йўналтирилган тузилма тузиш, унинг ривожланиш учун кўшимча имкониятлар берадиган янги хизмат бўлиб, ундаги узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик соҳа фаолияти самарадорлигини интенсив оширишга катта таъсир кўрсатади; таълим соҳасидаги кластер ёндашуви белгиланган ижтимоий буюртмани таъминлашнинг қулай тузилмасини тизимга татбиқ этишни назарда тутади. [2]

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Таълим кластери”ни қуидагица изохлаш мумкин: “Таълим кластери таълим турларининг горизантал ва вертикал ҳолатдаги ўзаро боғлик, ўзига хос интеграл белгилардан иборат бўлган, мақсад умумийлиги ва манфаат хусусийлиги тамойили асосида рақобат муҳитини шакллантирувчи тузилма хисобланади.

Таълим кластерининг пировард мақсади ўкув ва илмий жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган. Бу эса тизимда бошқарув, тузилма ва сифат билан боғлик жиддий ўзгаришлар билан бирга мутакассисларни тайёрлаш тизимида айрим ташкилий ва таркибий ўзгаришларни ҳам талаб қиласи. Айни пайтда, бу борадаги ишларнинг барча босқичларида янги шакллар ва усулларни излаш, таълимнинг барча турлари бўйича алоқадорликни кучайтириш, интеграцияни таъминлаш масаласи ётади.

Ўкув жараёнини кластерли ёндашувлар асосида ташкил этишни самарали бўлиши ахборотлар оқимига боғлиқдир. Бу жараёнда ўқитувчи ўкув фанлари материалларини бўлажак ўқитувчиларга етказибгина қолмай балки уларнинг ахборотлардан фойдаланиш фаолиятларини ташкил этиши лозим. Шунинг учун ўқитувчи ўз фани бўйича дарс беришда кўзда тутилган натижага эришиш учун бўлажак ўқитувчиларда ахборотлар асосида ўкув жараёнини амалга ошириш, уларни мустақил таълимга йўналтириш, амалий фаолият тажрибасидан кенг фойдаланиши, таълим жараёнини дидактик ва психологик жиҳатдан асослаш манбаларини, методларини топиш, бўлажак касб эгалари дунёқарашини ҳар томонлама шакллантиришда ўқитиш мазмунини комплеклаш, мухандисларни тайёрлашда аниқ натижаларга эришилади. Бунда бўлажак ўқитувчиларнинг билим эгаллаши,

фанларни ўзлаштиришидаги қобилиятлари намоён бўлади. Бўлажак ўқитувчиларнинг дастурий материалларини ўзлаштириш даражаси, билими, тажрибаси ошиб боради.

Олий таълим муассасалари бўлажак ўқитувчиларида ахборот маданиятни шакллантириш жараёни уларни ўз-ўзини ривожлантириш, такомиллаштириш ва бошқариш, касбий билимларни шакллантириш қабиларни амалга оширади ва уларни лойихалаш ишларига тайёрлашда, “Таълимда ахборот технологиялари” фанига оид назарий ва амалий билимларни чуқур ўрганиш, белгиланган вазифаларни бажариш малакаларини шакллантиради. Ушбу фан бўйича бўлажак ўқитувчилар машғулотлар учун материаллар, маълумотлар тўплайдилар. Ахборот маданиятини шакллантириш натижасида бўлажак ўқитувчилар ижтимоий-сиёсий, ташкилотчилик ва техник воситалар билан танишадилар. Машғулотлар жараёнида бўлажак ўқитувчилар энергетика, машинасозлик йўналишига доир ахборот материалларини таҳлил қиласадилар. Мехнат ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш, ахборот хавфсизлиги бўйича ўтказиладиган тадбирларда иштирок этадилар. Якка тартибдаги топширикларни бажариш учун ахборот маълумотларини тўплайдилар. Компьютер технологияси асосида ахборотлар мазмунини ўрганиш, таҳлил этиш бўлажак муҳандисларнинг эгаллаган касбий билимларига хосдир. Шу жиҳатдан ҳам механика, энергетика, автоматика, электротехника каби таълим йўналишлари дарсликларда ахборот маданиятини шакллантиришга оид билим, кўнікма ва малакалар, амалий топшириклар, интеллектуал машқлар, лойихалар билан таъминланган бўлишига эришиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, дарс жараёнида бўлажак ўқитувчиларда ахборот маданиятини шакллантириш белгиланган билим олиш натижаларига эришиш самарадорлигини оширади.

Бўлажак ўқитувчилар таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топширикларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажарилари лозим. Ўқув жараёни ҳар бир талаба учун дунёни билишида, техник тафаккурни шакллантиришда, фундаментал фанларни чуқур ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, узлуксиз равишда амалга оширади. Бунда, бўлажак мутахассислар янгиликларни ўқиб-ўрганиш, билим ортириш учун назарий ва амалий билимларни эгаллайдилар. Ушбу жараёнлар талабанинг имконияти ва қобилиятини, эркин мулокотини, ҳақгўйлик ва танқидий фикрини ривожлантириш даражасини таъминлаш салоҳиятини намоён қила билиш имкониятини яратади. Бунинг учун бўлажак ўқитувчилар техник, илмий-оммабоп, сиёсий, педагогик, ўқув ва бошқа ахборотларни эгаллашлари, ўқув машғулотларида ижодий фикрлаши, мунозараларда иштирок этиши, айниқса, кўргазмали куроллар тайёрлаши, илфор иш тажрибаларини ўрганиши ва уларни амалиётда қўллаши, анъанавий ва илмий-амалий анжуманларида, семинарларида ўз тажрибаларини оммалаштириши, фикр ва мулоҳазалари, таклифлари, тавсиялари билан матбуотда, радио, телевидениеда иштирок этиши зарур. Ушбу жараёнлар бўлажак ўқитувчиларда мустақил ўқиш ва ўрганиш, фикрлаш, келажакка интилиш, уни тасаввур қилиш, истиқболга ишонч хусусиятларини камол топтириш, касбий ва ҳаётий кўнікмаларини эгаллаш имкониятини кенгайтиради. Шунинг учун ҳам фан ва техниканинг замонавий ютукларидан фойдаланиш, таълим мазмунини амалга ошириш ҳар бир мутахассисдан ахборот маданиятига эга бўлишни тақозо этади. Чунки, ахборот маданиятига эга бўлган мутахассис доимо ўз соҳасида янгилик киритиш каби технологияларни амалга оширади. Ушбу жараёнда бўлажак ўқитувчилар билан ишлаш, уларнинг ижодий қобилиятлари, иктидорини аниқлаш учун шарт-шароитлар яратилади. Шунинг учун ҳам фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграллашуви жараёнида техника олий ўқув юртларининг бўлажак ўқитувчиларида ахборот маданиятини шакллантиришда изланиш, аниқлаш, мақсадли тайёрлаш билим, кўнікма ва малакаларга эга бўлиш, илмий - тадқикот йўналишларига профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув ишларининг самарали амалга оширишига оид мақсадли дастурлар тузиш, илфор иш тажрибаларини ўрганиш муҳим хисобланади. [6, 7]

Бўлажак ўқитувчиларда ахборот маданиятини шакллантириш асосида уларнинг ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан такомиллаштириш, танлаган касби бўйича меҳнат қилишда узлуксиз тайёргарликни амалга ошириб бориш зарур. Албатта бунда, “Таълимда ахборот технологиялари” фанининг мақсади ва вазифалари, назарий асослари, методологияси ва илмий тадқикот методлари ҳақида билим, кўнікма ва малакаларга эга бўлиши қабилар бўлажак ўқитувчиларда ахборот маданиятини шакллантиришда изланувчанлик, топширилган ишга масъулиятни ҳис этиш, хатти-ракат ва фикрлашда мустақиллик, меҳнатта онгли муносабатда бўлиши қобилияти, техника ва технологияларни эгаллаш, истиқболни кўра билиш, жамият тараққиётида илфорликка интилиш каби хусусиятлар ривожланади. Бўлажак ўқитувчиларда ахборот олиш маҳорати, қобилият, мулокот, ахборот фаолиятини ташкил этиш ҳақидаги кўнікма ва малакалар камол топади. Албатта бунда профессор-ўқитувчилар томонидан дарслик, ўқув-қўлланма, турли адабиётлар ва услубий материалларни тайёрлаш, бўлажак ўқитувчиларнинг ахборот маданиятини шакллантириш юзасидан тегишли услубий кўрсатмалар бериш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқикот муассасалари ҳамкорлигига бўлажак ўқитувчиларнинг илмий семинарларини ташкил этиш, ўқув дастурини тузиш, машғулотларни амалга оширишда уларга ахборот маданияти ҳақида маълумотлар бериш, профессор-ўқитувчиларнинг муҳандислар тайёрлаш тажрибаларини ўрганиш, ушбу соҳа бўйича давлат грант ишларини амалга ошириш, бўлажак касб эгаларини тайёрлаш бўйича педагогика ва техника йўналишларининг узвийлигига эришиш, илмий ишлар олиб бориш мақсадга мувофиқди [6].

Олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида муҳандислар тайёрлаш истиқболларини ҳаётга жорий қилишда кўйидагиларни амалга ошириш зарур.

1. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболлари, биноан фан, техника, илфор педагогик ва ахборот технологиялари, замонавий ютуклари асосида ОТМ ларида машғулотларни ташкил қилиш ва уни

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

мунтазам такомиллаштириш.

2. Олий таълим муассасаларининг ахборот ресурс марказида бўлажак ўқитувчиларнинг ахборот маданиятини шакллантириш базасини яратиш мақсадида фан хоналари, лаборатория ва ўқув устахоналарини замонавий компьютер технологиялари билан таъминлаш, намунавий дастурларини ишлаб чиқиш ва улар асосида юқори малакали, рақобатбардош касб этагарини тайёрлаши.

3. Бўлажак муҳандисларда ахборот муҳитини, ахборот маданияти, ахборот технологияларини ривожлантириш.

4. Муҳандисларнинг ўқув амалиётларини янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида ўтказишини ташкил этиш [6].

5. Бўлажак муҳандисларнинг илмий-тадқиқотлар ва ижодий фаолиятларида фан, техника ва технологияларни ривожлантиришда фаол иштирокини таъминлаш, хорижий мамлакатларнинг ОТМ лари билан ҳамкорлик асосида муҳандислар тайёрлашни ривожлантириш ва тажриба алмашишлари узлуксиз равишда амалга ошириш кабилар бўлажак ўқитувчиларда ахборот маданиятини шакллантириш билан бирга бир қанча муаммоларни ечиш имкониятини беради. Талаба шахси ана шу синовларда тобланиб, юкалиб боради. У миллатимизнинг ёруғ ва соғлом келажагини намоён этиш билан бирга жамият тараққиётининг фаол иштирокчисига айланади.

**Хуласа.** Бу каби ишларни амалга оширишда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бўлажак ўқитувчилари учун барча шарт-шароитларни яратиш, ўз-ўзини бошқара олиш, касбий хусусиятларини ривожлантириш, жамиятдаги соғлом ижтимоий -маънавий муҳит асосида талаба-жамият-давлат манфаатларининг фан ва техника тараққиёти йўғунлигига эришиш, ахборот малакаси ва билимини ошириш уларни ижтимоий -сиёсий фаолиятга жалб этиш, ўзбек минталитетининг тарихий, миллий анъаналарига таяниш муҳимdir.

### Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Қонун хужжатлари маълумотлари миллый базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон.
2. Арутюнов Ю.А. Формирование региональной инновационной системы на основе кластерной модели экономики региона // Корпоративное управление и инновационное развитие экономики Севера. Вестник Научно-исследовательского центра корпоративного права, управления и венчурного инвестирования Сыктывкарского государственного университета. 2008. -№4 // Режим доступа: <http://koet.syktsu.ru/vestnik/2008/2008-4/1.htm>
3. Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, -Cambridge: 1980, 454 р.
- 4.Беспалов М.В. Роль и значение инновационных кластеров в осуществлении национальных и региональных инновационных программ развития // Качество. Инновации. Образование. 2009. -№2. – С. 23
5. Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем // Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24–26 окт. 2006 г.): в2 ч. / БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М. Давыденко, Т.И. Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, 2006. Ч. 1. – С. 24-29.
- 6.Тойлоқов Н.И. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётлари янги авлодни яратишнинг илмий-педагогик асослари (информатика курс мисолида). Тех.фан.док. ...дис. – Тошкент: 2006.- 331б.
- 7.Тайлақова Ш.Н. Олий таълим тизимида ахборот технологиялари асосида талаба ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг истиқболи йўналишлари// “Олий таълим тизимида илм-фан ҳамкорлигининг долзарб масалалари” мавзусида Республика илмий-амалий конферен-сиясиматериалри.-Навоий, 2013/-2-китоб.-135-137.б.

### Муаллиф:

**Мерганов Шухрат Мейлиевич** - Денов тадбиркорлик ва педагогика институти мустақил тадқиқотчиси.

UDK 372.800.2

### COMPUTER GRAPHICS COMPETENCE OF THE TEACHER AS AN IMPORTANT COMPONENT OF INFORMATION COMPETENCE

PEDAGOGNING KOMPYUTER GRAFIKASIGA OID KOMPETENTLIGI - AXBOROT KOMPETENTLIGINING MUHIM TARKIBIY QISMI SIFATIDA

КОМПЬЮТЕРНАЯ ГРАФИЧЕСКАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ УЧИТЕЛЯ КАК ВАЖНАЯ СОСТАВЛЯЮЩАЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ

**Eminov Aziz Gulomjonovich**

O'zbek tilini rivojlantirish jamg'armasi, 100100, Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Yusuf Xos Hojib ko'chasi, 103-uy  
E-mail: a-eminov2022@gmail.com

**Abstract.** This article highlights the competence of a teacher from the field of computer graphics in the system of continuing education, an important component and content of his computer competence, recommendations for the formation of the competence of a teacher from the field of information and communication technologies in the conditions of informatization of education.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

**Keywords:** computer science and information technology, competence, information competence, competence, computer graphics, competence of a teacher in the field of computer graphics.

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada uzliksiz ta’lim tizimida pedagogning kompyuter grafikasi sohasidan kompetentligi, uning axboriy kompetentligining muhim komponentsiasi va mazmuni, ta’limni axborotlashtirish sharoitlarida o‘qituvchining axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasidan kompetentligini shakllantirilishida tavsiyalar ifodalangan.

**Tayanch so‘zlar:** informatika va axborot texnologiyalari, kompetentsiya, axboriy konpetentsiyasi, kompetentlik, kompyuter grafikasi, o‘qituvchining kompyuter grafikasi sohasidagi kompetentligi.

**Аннотация.** В данной статье освещается компетентность педагога из области компьютерной графики в системе непрерывного образования, важная составляющая и содержание его информационной компетентности, рекомендации по формированию компетентности педагога из области информационно-коммуникационных технологий в условиях информатизации образования.

**Ключевые слова:** информатика и информационные технологии, компетенция, информационная компетентность, компетентность, компьютерная графика, компетентность педагога в области компьютерной графики.

**Kirish.** Bugungi kunda globallashuv jarayonida axborotlar bilan ishslash shiddat bilan juda tez rivojlanib bormoqda. Bunga sabab shundaki, kundalik turmushda axborotlar, ularni qayta ishslash va uzatishning ahamiyati ortib bormoqda. Bu esa, o‘z navbatida jamiyatning har bir a’zosidan axborotlashtirish va zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sirlarini, uning qoida va qonuniyatlарини mukammal bilishni taqozo etadi.

Jamiyatimizda axborot texnologiyalari sohasidagi kadrlarni tayyorlash tizimini takomillashtirish «Raqamli O‘zbekiston – 2030» strategiyasini muvaffaqiyatli amalga oshirish, raqamli texnologiyalarni rivojlantirish, sohasidagi kasbga tayyorlash va qayta tayyorlash tizimiining samaradorligini oshirish bo‘yicha ko‘rilayotgan choralar bularning yaqqol misolidir. [3]

Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Axborot texnologiyalari sohasida ta’lim tizimini yanada takomillashtirish, ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish va ularni IT-industriya bilan integratsiya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4851-son qarorida ushbu vazifalarni amalga oshirish bilan birga “2020 – 2023 yillarda informatika va axborot texnologiyalari yo‘nalishida uzlusiz ta’lim sifatini oshirish bo‘yicha” YO‘L XARITASI tasdiqlandi. Unda umumta’lim muassasalarida informatika va axborot texnologiyalari fanlarini o‘qitish sifatini oshirish, Oliy va o‘rta maxsus ta’lim muassasalarida informatika va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari yo‘nalishida o‘qitish sifatini oshirish va informatika va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohalarida yoshlarni ilmiy tadqiqotga jalb qilish va olimlarni rag‘batlantirish chora-tadbirlarini amalga oshirilishi belgilab berildi [1],[2].

### Tadqiqot ob’ekti va qo’llanigan metodlar

Kundan-kunga axborot-kommunikatsiya texnologiyalari rivojlanib va mukammallashib bormoqda. Bu esa zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari turli ko‘rinishdagi axborotlar - matnli, grafikli, jadvalli, ovozli, rasmlli, video va boshqa axborotlar bilan ishslashga imkon beradi. Bunda grafik axborotlarni kompyuterga kiritish va qayta ishslash vazifalari kompyuter grafika sohasiga kirib ketadi. Tadqiqotda tasniflash, tavsiflash, qiyoslash, kompleks va funksional tahlil metodlaridan foydalanildi.

### Olingen natijalar va ularning tahlili

Oxirgi yillarda kompyuter grafikasida juda katta o‘zgarishlar yuz berdi, ya’ni 16 mln.dan ortiq rang va rang turlarini (ottenok) o‘zida aks ettira oladigan displeylar, grafik axborotlarni (paper part) kirituvchi moslama - skanerlar, grafik ish stantsiyalari; dasturiy vositalar sohasida esa haqiqiy kompyuter dunyosini kashf qila oladigan dasturlar dunyoga keldi. Kompyuter grafikaning juda tez rivojlanib borishi va uning texnikaviy va dasturiy vositalarining yangilanib turilishi bu sohani xamisha takomillashtirishga, bu sohadagi yangi yo‘nalishlarni tinmay o‘rganib borishni taqozo etmoqda.

Natijada kompyuterlashtirish va axborotlashtirish davrida kadrlarning professional kompetentligiga qo‘yilayotgan talablar kuchaymoqda. Shu munosabat bilan kadrlar tayyorlashga bog‘lik tadqiqotlarda “kompetentsiya”, “kompetentlik” tushunchalari nafaqat keng, balki sinonim tarzda ham qo‘llanib kelyapti. “Kompetentsiya” va “kompetentlik” tushunchalarini farqlash zarur. Kompetentsiyaning komponentlari sifatida quyidagilarni ta’kidlab ko‘rsatish mumkin: kompetentsiyaning nomi; kompetentsiyaning tipi; kompetentsiya bilan munosabatga kirishadigan borliqning real ob’ektlari doirasi; kompetentsiyaning ijtimoiy-amaliy shartlanganligi va ahamiyati (uning sotsiumda nima uchun zarurligi); kompetentsiyaning shaxsiy ahamiyati (ta’lim oluvchi nimada va nima uchun kompetent bo‘lishi kerak); real ob’ektlarning mazkur doirasi haqida bilimlar; ta’lim oluvchining mazkur kompetentsiya sohasida minimal zaruriy tajribaga ega bo‘lishi (ta’lim bosqichlari bo‘yicha); ta’lim oluvchining (ta’lim bosqichlari bo‘yicha) kompetentligi darajasini aniqlash uchun yo‘naltirilgan misollar, o‘quv va nazorat-baholash vazifalarining namunalari. Yuqorida keltirilganlar asosida ta’lim kompetentsiyalarini loyihalash va tavsiflash uchun xarakteristikalar yig‘indisini tuzib chiqish mumkin. Ular normativ hujjatlarda, o‘quv va metodik adabiyotlarda, shuningdek muayyan mutanosib o‘lchovlarda ta’lim oluvchilarining tayyorgarligini o‘lchash uchun asos bo‘la oladi. Mutaxassis tayyorlashga nisbatan oldindan belgilab berilgan me’yorlarga ko‘ra “kompetentlik” termini mutanosib kompetentsiyalarga ega bo‘lgan mutaxassisiga nisbatan qo‘llanadi.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Ta’lim sohasiga nisbatan konpetentsiyaning uch darajasini ajratib ko‘rsatish mumkin:

- tayanch konpetentsiyalar, ular ta’limning umumiy (metafan) mazmuniga ta’lluqlidir;
- umumfan konpetentsiyalar, ular o‘quv fanlarining ma’lum bir doirasasi va ta’lim sohasiga ta’lluqli bo‘ladi;
- fan konpetentsiyalar, ular yuqoridagi ikki daraja konpetentsiyaga nisbatan xususiy bo‘lib, aniq tavsifga va o‘quv predmetlari doirasida shakllanish imkoniyatiga ega bo‘ladilar.

Bu tasnidda kompyuter grafikasi pedagogni axboriy konpetentsiyasining shakllanishi uchun asos bo‘lgan “Informatika va axborot texnologiyalar” umumta’lim fani doirasidagi umumpredmet konpetentsiyalar sirasiga kiradi.

Pedagogning axboriy konpetentsiyasi faqatgina informatika asoslarini bilish va kompyuterda ishslash malakalari bilan chegaralanib qolmasligi zarur. U pedagogning didaktika va tarbiya nazariyasi bo‘yicha ham chuqur bilimlarga ega bo‘lishini taqozo qiladi, zero bu bilimlar axborot texnologiyalarni, xususan kompyuter grafikasini o‘quv jarayonida samarali qo‘llash imkoniyatini beradi. [4]

Kompyuter grafikasining keng rivojlanishi ta’lim tizimida yangi imkoniyatlarni yaratmoqdaki, ular tufayli ta’lim oluvchilar tasvirlar tahlili jarayonida eng yaxshi ko‘rgazmalilikka erishib, ularning mazmuni, shakli, o‘lchamlari va rangini dinamik boshqara oladi. Kompyuter grafikasining bu va qator boshqa imkoniyatlari o‘kituvchilar, jumladan ta’limning axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini ishlab chiquvchilar tomonidan hali to‘liq anglab yetilmaganligi kompyuter texnikasining o‘quv imkoniyatlaridan to‘laqonli foydalanish imkoniyatini bermayapti. Bunga sabab o‘qituvchilarda kompyuter grafikasi sohasidagi bilim, ko‘nikma va malakalari rivojlanmagan va axborot-kommunikatsiya sohasidagi kompetentligi yetarlicha shakllanmaganligi.

Измия ва boshqa pedagoglar ta’limda kompetentlik bilan yondoshishni ommalashtirishning qator shart-sharoitlarini ilgari surishadi. Ta’limda kompetentlikni rivojlantirishga, birinchidan, kompyuterlashtirish katta yordam berdi. Axborot portlashi deb ataluvchi holatda u ayniqsa dolzarb bo‘lib qoldi, bunda inson katta axborot oqimiga duch kelib, uni tahlil qilishni, tushuntirishni hamda undan foydalanish yoki foydalanmaslik haqida qaror qabul qilishni bilishi kerak bo‘ladi. Kompetentlik bilan yondoshishga qiziqishning boshqa sababi – bozor munosabatlarining rivojlantirilishi va raqobatbardosh kadrlar tayyorlanishidir. Va niyoyat, uchinchi sababi O‘zbekiston Respublikasi ta’limining kompetentlik bilan yondoshuv ishlab chiqilayotgan va tadbiq etilayotgan xalqaro tizimga birlashtirilishidir. [5]

Bu yo‘nalishda olib borilayotgan ish – bu butun dunyodagi ta’lim tizimlari ta’lim natijalari bilan axborot jamiyatidagi hayotning zamonaviy talablari o‘rtasidagi uzilishni bartaraf etishga intilayotgan yo‘ldir.

Л.Митина fikricha, pedagogik kompetentlik tushunchasi bilim, malaka, ko‘nikmalarini, shuningdek ularni faoliyatga, muloqotga, shaxsni rivojlantirish va o‘z-o‘zini rivojlantirishga tadbiq etishni o‘z ichiga oladi. [4]

Shunday qilib, kompetentlik tushunchasiga asosan hamda kompyuter grafikasidan foydalanishning psixologo-pedagogik jihatlari va uning o‘quv-tarbiyaviy jarayonda o‘quvchilarning rivojlanishiga ijobiy ta’siri bizga o‘qituvchining axborot-kommunikatsion texnologiyalar sohasidagi kompetentligi tarkibiy tuzilishiga kompyuter grafikasi sohasidagi kompetentlik deb ataladigan tashkil etuvchisini ajratib ko‘rsatish imkonini berdi.

O‘qituvchining kompyuter grafikasi sohasidagi kompetentligi deganda shaxsning kompyuter grafikasi sohasidagi o‘quv faniga oid – maxsus bilim, malaka va ko‘nikmalar asosida shakllantirilgan hamda bo‘lajak o‘qituvchining pedagogik faoliyatida kompyuter grafikasi usullaridan foydalanishga tayyorligi va layoqatini ifodalovchi xususiyatini tushunamiz.

O‘qituvchining kompyuter grafikasi sohasida kompetentlik mazmuniga bir necha o‘zaro bog‘langan elementlarni kiritamiz:

- kompyuter grafikasi sohasida savodxonlik (ya’ni kognitiv jihat);
- kompyuter grafikasi sohasida turli xil standart va nostandard holatlarda omilkorlikni namoyon qilish tajribasi (ya’ni amaliy, xulqiy jihat);
- kompyuter grafikasi sohasida motivatsiyani namoyon qilishga tayyorlik (ya’ni motivatsion va qadriyatli-mazmunli jihat).

Kompyuter grafikasi sohasida savodxonligi o‘qituvchi ega bo‘lishi kerak bo‘lgan, uni shu sohada savodli deyish mumkin bo‘lgan bilim, malaka va ko‘nikmalar to‘plamini tavsiflaydi. Uni ichiga quyidagilar kiradi:

### I. O‘qituvchining kompyuter grafikasi sohasidagi bilimlari:

Kompyuter grafikasini asosiy tushunchalari: ekran yechimi, printer yechimi, tasvir yechimi, rang yechimi, rang modeli, rang palitrasи.

Kompyuter grafikasini passiv va interaktiv bo‘laklari.

Kompyuter grafikasining usullari – fraktal, rastrli va vektorli.

Kompyuter grafikasining turlari - ilmiy, muxandislikka oid, animatsion, tijoratga oid, namoyishlarga oid, ko‘rgazmaviy.

### II. O‘qituvchining kompyuter grafikasi sohasida ko‘yidagi ko‘nikma va malakalarga ega bo‘lishi lozim:

- kompyuter grafikasi dasturini (Paint, Corel Draw FotoShop va boshqa dasturlar) ishga tushirish, dasturning asosiy komponentlaridan foydalanish, dastur yordamida grafik ob‘ektlarni yaratish, grafik axborotni moslashtirish, undan foydalanish, loyihalashtirish, kashf qilish yoki ishlab chiqish yo‘li bilan umumlashtirish;
- kog‘ozda berilgan rasmlarni skaynerlash va faylga o‘tkazish, ushbu faylni bitta turidan ikkinchi turiga o‘tkazish, rasmni formatlash;
- kompyuterda rasmlarni hosil kilish, ulardan foydalanish.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

O'qituvchining kompyuter grafikasi sohasida kompetentligini namoyon qilish tajribasi turli standart va nostandard holatlarda kasbiy faoliyatning doimo o'zgarib turuvchi sharoitida kompyuter grafikasi texnologiyalaridan foydalangan holda optimal va nostandard boshqaruvchilik qarorlarini qabul qilishni va amalga tadbiq qilishni ko'zda tutadi. Ushbu komponentning ajratib ko'rsatilishi o'qituvchida kompyuter grafikasi sohasida har tomonlama chiqur bilimlarning mavjudligini, ularning tanqidiy ishlab chiqilishini va anglashilishini, nazariy qoidalarni amaliyotga tadbiq qilish malakasini, kompyuter grafikasidan foydalanishning yangi shakllarini ishlab chiqish, axborot fazosida o'z-o'zini takomillashtirish layoqatini tavsiflash imkonini beradi.

**Xulosa.** O'qituvchining kompyuter grafikasi sohasida kompetentlikni namoyon qilishga tayyorlik deganda talabani kompyuter grafikasidan foydalanishga undovchi, uning chegara va shakllarini belgilovchi, kasbiy masalalarni zamonaviy darajada hal qilishga yo'naltiruvchi ichki va tashqi harakatlantiruvchi kuchlar yig'indisi tushuniladi.

Yuqoridagilarni hisobga olib aytadigan bo'lsak hozirgi kunda ta'limga axborotlashtirish sharoitlarida o'qituvchining axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasidan kompetentligini shakllantirish hozirgi zamonning muhim talablaridan biri desak mubolag'a bo'lmaydi.

### Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4851-son "Axborot texnologiyalari sohasida ta'limga tizimini yanada takomillashtirish, ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish va ularni IT-industriya bilan integratsiya qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori. 2020-yil 6-oktyabr: <https://lex.uz/docs/5032128>
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4884-son "Ta'limga tarbiya tizimini yanada takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Qarori. 2020-yil 6-noyabr: <https://lex.uz/docs/5085887>
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-6079-son "Raqamli O'zbekiston-2030 strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish choratadbirlari to'g'risida"gi Farmoni. 2020-yil 5-oktyabr: <https://lex.uz/docs/5030957>
4. Митина Л.М. Психология профессионального развития. – Москва: Наука, 1998. – 340 с.
5. Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата современного образования // <http://www.eidos.ru/journal/2006/0505.htm> (2008).

### Muallif:

**Eminov Aziz Gulomjonovich** - O'zbek tilini rivojlantirish jamg'armasi direktori, pedagogika fanlari nomzodi.

УДК 372.800.2

## THE ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN IMPROVING THE PROFESSIONAL QUALITIES OF STUDENTS

### ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ СИФАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

### РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КАЧЕСТВ СТУДЕНТОВ

**Рахмонов Омаджон Мамасидик ўғли**

Андижон давлат университети, 170100. Андижон вилояти, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-йй.

**E-mail:** Omadbek-2016@mail.ru

**Annotation.** This article discusses information technology as a tool for improving the professional qualities of students, the role of professional qualities in the life of society. The formation of students' professional qualities with the help of information technology, the positive and negative aspects of the opinions expressed in relation to the profession, work, behavior, attitudes, norms and rules, the degree of their information culture, their awareness of world events, their knowledge, and their social relations with people.

**Key words:** Quality, professional qualities, information technology, professional development of students.

**Аннотация.** Мазкур мақолада талабалар касбий сифатларини такомиллаштиришда ахборот технологиялари восита сифатида эканлиги, касбий сифатлар жамият ҳаётида тутган ўрни ҳакида фикр юритилади. Ахборот технологиялари воситасида талабаларда касбий сифатларни шаклланиши, касбга, меҳнатга, нисбатан билдириладиган фикрларнинг ижобий ва салбий томонлари, хатти-харакатлари, муносабатлари, мөъёр ва қоидалари, қай даражада ахборот маданиятига эга эканлиги, унинг дунё воқеаларидан хабардорлиги, билими, одамлар билан бўлган ижтимоий муносабатида намоён бўлади.

**Калилчи сўзлар:** Сифат, касбий сифат, ахборот технологиялари, талабаларда касбий сифатларни такомиллаштириш.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются информационные технологии как инструмент повышения профессиональных качеств студентов, роль профессиональных качеств в жизни общества. Формирование у студентов профессиональных качеств с помощью информационных технологий, положительные и отрицательные стороны высказываемых мнений по отношению к профессии, работе, поведению, установкам, нормам и правилам,

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

степень их информационной культуры, их осведомленность о мировых событиях, их знания, и их социальные отношения с людьми.

**Ключевые слова:** Качество, профессиональные качества, информационные технологии, повышение профессиональных качеств у студентов.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими мазмунидা, айниқса олий таълим муассасаларининг ўкув жараёнида талабаларда ахборот технологияларидан таълим воситаси сифатида самарали фойдаланиши таълим сифатини янада оширилишига замин бўлмоқда. Чунки, ахборот технологиялари жамиятда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, талаба шахсига таъсир кўрсатиш интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш, таълим йўналишининг мазмуни, методлари, шакллари, воситаларини янада ривожлантиришда мухим ўринга эга.

Олий таълим муассасаларининг ўкув жараёнида талабаларда ахборотларни тушунтириш ва таҳлил килиш, маълумотларни ийғиши, тизимлаштириш ва компьютерлар ёрдамида қайта ишлаш, даврий матбуотларни мунтазам равишда ўрганиш асосида касбий билимларни назорат қилиш, аниқ мақсадга қаратилган ўкув фаолиятини ташкил этиш кабиларни амалга ошириш мухим ҳисобланади. Ушбу масалаларни амалга оширишда ижодий ёндашув функцияси алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ахборотларга бўлган ижодий ёндашув функцияси талабаларда касбга бўлган қизиқишларни, қобилиятларни ривожлантириш билан бирга уларни билимлар билан куроллантиради ва таълим сифатини ошириш, муаммоли вазиятларни ўз вақтида ҳал этиш ва ҳар қандай шароитда тўғри баҳолай олиш маҳоратига эга бўлиш қобилиятини шакллантиради. Ахборот технологияларининг аниқлиги, ишончлилиги, амалийлиги, кулагигини таққослаш, умумлаштириш орқали ҳосил қилинган билимлар уларда касбий онгини ўстиради, касбий фаолиятида мустақил ишлашга йўналтирадиган методларни ўргатади ҳамда техник атамалардан тўғри фойдаланиш малакасини ривожлантиради [1].

### Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Ўкув жараёнда талабалар ахборот воситалари ёрдамида мустақил билим олиш, муоммони чукур англаш ва қўшимча билимларни эгаллаш, интеллектуал ривожланишига ижодий таъсир кўрсатиш, қўшимча манбалар воситасида билимларни чукурлаштириш, машғулотлар мобайнида ижодий фаолликни амалга оширадилар. Тадқиқот мавзусини ёритища таснифлаш, тавсифлаш, киёслаш, комплекс ва функционал таҳлил методларидан фойдаланилди.

### Олингандаги натижалар ва уларнинг таҳлили

Мулоқот маданиятини шакллантириш функциясида ахборотларни бошқа шахсга етказишида қаттийлик, жавобгарлик, ҳамкорлик фаолиятида ўзаро ахборот алмашуви, талабаларнинг бир-бирлари билан мулоқотга киришиши жараёнида муомаланинг мухим воситалари бўлган тилга ва нутқ фаолиятида нафакат сўз орқали фикр алмашинуви, балки уларнинг хатти-ҳаракати ва хулк-атвори, ўзаро таъсир ўтказиш, бир-бирини англаш кабилар намоён бўлади. Яъни, уларда аклии, фаросатли, тажрибали, юксак тайёргарликка эга инсон сифатида мулоқот жараёнида ўз мақсад ва вазифаларига эришиш кабилар ривожланиб боради [2].

Ахборот технологиялари воситасида талабаларда касбий сифатларни шаклланиши, касбга, меҳнатга, нисбатан билдириладиган фикрларнинг ижодий ва салбий томонлари, хатти-ҳаракатлари, муносабатлари, меъёр ва қоидалари, қай даражада ахборот маданиятига эга эканлиги, унинг дунё воқеаларидан хабардорлиги, билими, одамлар билан бўлган ижтимоий муносабатида намоён бўлади. Албатта, бунда ўқитувчи талабаларда ахборот мулоқотини тарбиялашда гурух жамоаси фаолиятини тўғри ташкил этиш, назорат қилиш, хатти-ҳаракатларига алоҳида аҳамият бериш билан бирга, доимий талабчан бўлиш мақсадга мувофиқдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, талабаларнинг мулоқот муносабатлари ахборотларни билиш билан белгиланмайди. Чунки, ахборот ҳақидаги билим ва тушунчаларнинг ўзи талабаларнинг ахборот мулоқотларини яхши бўлишининг мезони бўла олмайди. Мулоқот жараёнида талабаларнинг ахборотлар ҳақидаги билимларни ўзлаштирибгина қолмай, ҳар қандай вазиятда, кундалик ҳаётда амал қилишларига кўмаклашиш имкониятини беради. Ахборотлар асосида талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантириш - бу маҳорат, фаҳм-фаросат билан муаммоларни ҳал этишда ўз касбига креатив ёндашиш, ижодий, илмий таҳлил билан бирга озроқ қуч сарфлаб, кўпроқ натижаларга эришиш имконини беради [3].

Ахборотлар технологиялари воситасида талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантириш асосида лойиха, дастур, билимлар банки, ахборотларга бўлган эхтиёжини баҳолаш, маълумотларни тўплаш, уларни бошқариш каби ишлар амалга оширилади.

Талаба мулоқот маданияти функцияси талабалар томонидан илмий-техник тизимларни ўрганиш, қўйилган муаммонинг мақбул ечимини кафолатлаш имконини яратади.

Таълим мухитини ахборотлаштиришнинг мухим талабларидан бири-бу ҳар бир дарсда ўтиладиган мавзунинг илмий асосланган бўлиши, яъни унда талаба билимлари ва имкониятини ҳисобга олган ҳолда, мавзу ҳажми ва мазмунини белгилаш, унинг мураккаблигини аниқлаш, аввалги ўрганилган мавзу билан боғлаш, бўлажак касб эгаларига бериладиган топшириқ ва мустақил ишлар кетма-кетлигини аниқлаш, кўргазмали куроллар билан бойитиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

-машғулотлар жараёнини олдиндан лойихалаш, уни талабалар иштирокида қайта ишлаб чиқиши;

-таълимни ахборотлаштириш асосида ўқув-ижодий фаолият мазмунининг талаба назарий билими, амалий кўнкіма ва малакаларини ўзлаштириш сифатини юқори даражада бўлишига эришиш;

-машғулот жараёнида янги техник воситалар ва талаба имкониятларининг ўзаро уйғунлашувини ташкил

етиш;

-талаба фаоллигига таянган ҳолда мустақил таълим машғулотларидауларнинг назарий билим, амалий кўнишка ва малакаларни ўзлаштириш жараённида йўл қўйилган хатоликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

-белгиланган баҳолар мезонларига мувофиқ тест-синов вазифаларини бажариш ва уларнинг самарадорлигига эришишда ўқитувчи талабаларнинг ўкув материалини ўзлаштириш билан боғлиқ жараёнларни назорат қилиш, уларнинг жамоавий ва шахсий ўзаро муносабатларини бошқариш услубларидан фойдаланиши ўз самарасини кўрсатади [4].

Таълим мухитини ахборотлаштириш функцияси асосан компьютерлар, компьютер тармоқлари, ахборот ва дастурий таъминот ҳамда талабаларнинг ҳамкорликда фаолият юритиш жараёнини акс эттириб, у истеъмолчи учун ахборот ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олади. Таълим-тарбия жараённида ушбу функция ўрганилаётган обьектга тегишли барча ахборотларни ишлаб чиқиши ва улардан фойдаланиш учун ахборот мухитини яратишдан иборат.

Ахборотларни эгаллаш фаоллиги функцияси шундаки, ўқитувчи талаба шахсини ахборотлар асосида шакллантириш учун улар билан доимо мулоқат ва муносабатда бўлиши, ижтимоий фойдали ахборотлар билан танишириш орқали уларнинг кобилияти, ўкиши, меҳнати ва ижтимоий фаолияти, мақсадга эришиши, ўзини бошқариш, ўз-ўзига талабчан бўлиш, ўз-ўзини тарбиялаш ва бунда кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш, ахборот маълумотларини ривожлантириш кабилар амалга оширилади. Ижтимоий ҳаётда талаба ўзининг ҳаёт фаолияти, шарт-шароитлари, турмуш тарзи билан ажрабиб туради. Яъни, ахборотларни эгаллашдаги онглилиги ҳамда фаоллиги талаба фаолиятининг асосини ташкил этади. Ахборот эгаллашдаги онглилиги ва фаоллиги талабаларнинг олий мактабда турли ижтимоий ва техник фанлар асосларини эгаллаши натижасида дунёни, коинотни забт этишга интилади [5].

Таълимда талабалар фаоллиги, ижодий фаолияти, интилишлари, харакатлари, мустақиллиги услублари, интилиши, хиссийётлари, қизиқишилари ахборот маданиятини шакллантиришнинг асоси хисобланади.

Чунки ахборотларни ўрганиш фаоллиги ҳар бир талабани маданият, маърифат, фан ва техника дунёсига олиб киради ва қасбий фаолиятини оширишга хизмат қиласди.

Талабаларда ахборотларни эгаллаш фаоллиги функциясини таълим жараёнлари учун ахборотлар тўплаш, уларни ажратиши ва уларни қайта ишлаш, мақсадга эришиш, таъсир қўрсатиши, қарор қабул қилиш, фан, техника, технология соҳасидаги маълумотлардан хабардор бўлиш, оммавий ахборот воситалари орқали воеа-ходисалар, тажрибалар, муаммолар ҳақидаги маълумотларни ўрганиш ва уларга ўз муносабатини билдириш асосида билиш ёки англашида, бошқаришида фан ва техника тараққиётини тушуниш, асосида муҳандислик меҳнат фаолиятига оид билимлар ривожланади.

Талабаларда ахборот маданиятини шакллантириш функцияларини таълим соҳасини таҳлил қилишда, бахс ва мунозаралар олиб борища, маълумотлардан тўғри амалий хulosалар чиқариш, фаолиятнинг асосий ва тўғри йўналишини белгилаб олишда фойдаланиш мумкин. Ушбу функциялар режалар тузишда баъзи масалаларга кўпроқ эътибор қаратиши, ишончли хulosалар бериш, талаба томонидан ўкув курсини ўзлаштириш, талаба ва ўқитувчи фаолиятидаги ижобий ва салбий ҳолатларни очиб бериш кабиларни ойдинлаштиради [6].

Ахборот маданиятини шакллантириш функциялари таълим самарадорлиги, иш мазмуни, олиб борилган педагогик фаолиятни таҳлил қилишда катта аҳамиятга эга хисобланади. Олий таълим муассасаларида талаба ўзлаштириши билан, ўкув материаларини тўғри танлаш, мақсадни тўғри йўналтиришда унга таълим беришни давлат ва жамиятни таълимга кўйган талабларидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг билимини тўғри адолатли баҳолашни таъминлайди.

Ахборот маданиятини шакллантириш функциялари талабани курсдан-курсга ўтишида, мутахассисликка қабул қилишида минимал талабларга жавоб беришда, таълим - тарбия жараёнини тўғри таҳлил этилади ва унинг самарадорлиги тўғри баҳолашда олий таълим муассасаларининг ўкув тарбия жараёнини такомиллаштиришга хизмат қиласди, ўкув фаолияти натижаларини холислик билан белгилаб беради. Йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга йўл очади. Талабаларда ахборот маданиятини шакллантиришда ҳаққонийлик, ишончлилик, пухталик каби мезонлар асосида тарбия жараёнининг ҳамма соҳасида мунтазамлилик ва изчиллик ҳал қилиш имкониятини яратади. Олий таълим муассасаларининг ўкув жараёнидаги фанларни ўрганиш чукур ва мураккаб ҳодисаларни ўз ичига олади. Шунга кўра олий мактаб ўкув фанларини ўқитиш жараёнидаги ахборот маданиятини шакллантириш функциялари яхлит ҳолатда талабаларнинг билиш кобилияти, ўзлаштириш даражаси ва уларнинг ижодий кучларини ривожлантириб боришига хизмат қиласди. Бунинг учун ўкув жараёнидаги ахборот маданиятини шакллантириш функцияларига риоя қилиш лозим. Яъни машғулотларда баён қилинаётган янги материалнинг талабаларнинг олдиндан ўзлаштирган илмий билимлари, кўнишка ва малакалари билан изчил ва узвий боғланиши ва келажақда янги билимларни ўзлаштиришга, шунингдек навбатдаги таълим босқичига ўтиш учун замин яратилиши назарда тутилмоғи лозим [7].

Ўқитувчи ўкув жараёнидаги материаларини баён қилишда ахборот маданиятини шакллантириш функциялари орқали талабаларда ҳосил қилинган тасаввур ва тушунчаларни кенгайтириш ҳамда чукурлаштириш, ундағи етакчи бош масалаларни ажратиши, умумий тушунчаларни аниқ ва равшан қилиб ўқитиш, талабани мустақил мантиқий фикр қилишга даъват этиш, ижодий уринишларни тарбиялаш кабилар назарда тутилмоғи лозим. Шу билан бирга ахборотлар асосида ўкув материалларини мустаҳкамлаш ва уларни тўлдиришга хизмат қилиши, узлуксиз ва изчил суратда мустақил иш, билим, кўнишка ва малакаларни хисобга олиб боришини

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

хам ўз ичига олади. Ахборотларнинг мунтазамлилиги ва унинг изчили бўлиши талабаларнинг янги билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилишни такомиллаштириш имкониятини беради.

Ўкув жараёнида талабаларда ахборот маданиятини шакллантириш функцияларини пухта ўзлаштириш уларнинг ахборотларини эсда қолдириш, эсда сақлаш ва қайта эсга тушуриш каби хотира жараёни фаолиятига боғлиқдир. Ахборотларни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш айни дарс жараёнида баён қилинаётган ўкув материалларини системали ва онгли ўзлаштиришларига боғлиқ. Бирок пухта ўзлаштиришнинг муваффакияти эса кўп жиҳатдан ахборотларни тақрорлаши ва машқ қилдиришга боғлиқдир. Ушбу жараёнда ахборотларни мустақил ва алоҳида - алоҳида ўрганиш тури хилма - хилдир. Ушбу жараёнда ахборотларни ўзлаштириш, тақрорлаш, уларни хотирада сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Ахборотларни тақрорлашнинг аҳамияти шундаки, ушбу жараёнда фақат олдиндан ўзлаштирилган ахборотларни эсга туширилмай, балки уларни ўкув материаллари билан боғлаш талабаларни касб ҳақидаги билимларни хар томонлама эгаллаш, тушуниш, мустақил хаётга тайёрлаш орқали маълумотли кишилар бўлиб етишадилар.

Ўзлаштирилган ахборотлар, ўкув материални эгаллашда талаба учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ўқитувчи талабаларнинг билим. кўникма ва малакаларини ўз вақтида текширади, ҳисобга олади ва баҳолаб беради. Ушбу жараёнда талабалар томонидан ўзлаштирилаётган ахборотларни назорат қилиш, билим сифатини аниқлаш, ўкув дастурида белгиланган материалларни онгли, изчили ва мустаҳкам ўзлаштириб олиш ва баҳолаш жараёнида талабалар изчили ишлаш, иродавий сифатларни ўстиради. Бу масалалар эса катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Талабалар билимини текшириш орқали унинг ахборотларни идрок этиб, қандай тушунганилигини, фикр юритаётганилигини, ўкув материалларини қай даражада умумлаштириб олганлигини аниқланади. Шу билан бирга талабаларнинг ахборотларни ўзлаштиришини ўрганиш ва текшириш уларнинг ўқишига бўлган муносабатини, тиришқоқлигини, ўзига талабчанлигини, билимга, эга бўлган қизиқишини билишга имкон беради. Шунингдек, талабаларнинг хотираси, билиш қобилиятининг қай даражада ўсганлиги, уларнинг мустақил ишлашга кўникма ва малакаларни қай даражада эгаллаганликлари аниқланади. Текшириш вақтида ўкув материаллари эсга олинади ва талабаларни сезиш, идрок килиш, фикрлаш қобилиятлари ҳам ўсиб боради. Бу жараёнда талабалар кенг фикр юритишига, ўкув материалларини асослашга, мулоҳаза юритиши, исботлашга ўрганадилар.

Талабаларда ахборот маданиятини шакллантириш функцияларининг яна бир муҳим томони шундаки, ушбу жараёнда уларнинг билимлари ва бажарган ишларидаги камчиликлар аниқланади. Шундай экан, талаба билимидаги камчиликларни тўлдиришга ўрганилаётган ахборотлар унинг моҳиятини тўлдиришга ёрдам беради. Тажрибали ўқитувчилар талаба билимини баҳолаш жараёнида тарбия тарбиявий таъсир этадилар. Бунда ўқитувчи ўз дикқатини фаоллаштиради. Ўз билимларни мустаҳкамлашга, ўз билимига танқидий қарашга одатлантиради. Бу эса талабани ўз вақтида виждонли, ростгўй бўлишига ўргатади [2].

Ўқитувчи талабанинг ахборот функцияларини ўзлаштириш савияси, тафаккурининг ўсиш даражаси, зехнининг ривожланиши каби хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг қобилияти, ўқишига иштиёки, нутқнинг ўсиш даражасини ўрганади. Шунингдек, айрим талабаларда учрайдиган уятчанлик, тортичоқлик ўз кучга ортиқча баҳо бериш, ишонмаслик, шошқалоқлик, камгаплик каби хусусиятлари бартараф этилади. Бунинг натижасида таълим жараёнида ўқитувчи ва талаба фаолиятининг ўйгунилиги таъминланади. Ахборотлар функцияларининг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда талабаларда ўқишига ўз ютуклари ва муваффакиятсизликларига нисбатан муносабат шаклланади, кийинчиликларни енгиш истаги туғилади.

Янги материални ўзлаштиришини эса бутун дарс давомида кузатиб боради. Ахборот маданиятини шакллантириш функцияларини ўқитувчи томонидан режали ва изчили олиб борилиши лозим. Бунда ахборотларнинг характеристи талабаларнинг билим даражаси ва индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Ахборотларни ўрганиш ўкув материалларини баён қилишда талабаларни ўз устида изчили ишлашга, пухта ўзлаштиришга, мустақилликка одатлантиради. Демак, ахборотларни ўрганиш жараёнида талабалар билимини ҳисобга олиш билан бирга, уларга янги билимлар бериш ҳамда уларда малака ва кўникмалар ҳосил қилиш кабилар мавзуулар бўйича назорат қилинади [5].

**Хулоса.** Ахборотларнинг куч-кудрати унинг қўламида эмас, балки унинг мазмунидадир. Ушбу жараёнда ахборотнинг мақсад ва вазифаларини билишда талабалар фаолиятини уюштириш, ташабbusi ва ижодий фаоллигини ривожлантириш кабиларни матн, расм, схема, жадвал, диаграмма кўринишида амалга ошириш ўкув материалларини тушенишида яхши самара беради.

- ахборот имкониятларидан унумли фойдаланишасосида таълим жараёнини юқори даражага кўтариш, талабаларда интернетда ишлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда ахборотларига бўлган қизиқишини такомиллаштириш, олий таълим муассасалари фаолиятида ўкув-тарбия ишларининг самарадорлигига эриши;

- ахборот тармоғидан тўла ва ишончли маълумотларни ўз вақтида тўплай олиш, уларни тезкорлик билан қайта ишлаб чиқиши, энг маъқулларини кабул қилиш, уни талабаларга ўз вақтида етказа олиш ва унинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш ҳамда йўл қўйилган камчиликларини бартараф этиш;

- олий таълим муассасаларида фан ва техника ютуклари ва илғор тажрибалар, замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланиш, ахборот ва телекоммуникация технологиялари марказини ташкил этиш ва улар фаолиятини тартибга солиш фаоллигини ошириш;

- олий таълим муассасаларининг фаолиятини самарадорлигини ошириш билан бирга талалабаларга керакли

ва зарур ахборотларни ўрганиш, кундалик ахборотлар билан танишиш, ахборотларни назорат қилиш ва улар асосида дунё ахборотларини кузатиш, ўз ишларини режалаштириш кабиларни амалга оширишга оид барча шарт-шароитларни ташкил қилиш кабилар бўлажак муҳандисларда қасбий билимларини ривожлантиришда ўз самарасини кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Конун хужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон.
- 2.Базаева.А.П. Формирование информационно-профессиональной компетентности будущего учителя средствами информационных технологий Автореферат канд. пед. наук. – Челябинск: 2005 -19 с.
- 3.Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари.- Т.: Фан, 2007. – 160 б.
- 4.Везиров Е.Г. Теория и практика использования информационных и коммуникационных технологий в педагогическом образовании: Дисс. ... докт.пед.наук.- Ставрополь.: 2001. – 310 с.
- 5.Гендина Н.И., Колкова Н.И.,Скипор И.Л.,Стородубова Г.А. Формирование информационной культуры личности в библиотеках и образовательных учреждениях М.:2002,- 6-38 б.
- 6.Данильчук Е.В. Методическая система формирования информационной культуры будущего педагога: Автореферат д-ра пед. наук. – Волгоград.: 2003. – 38с.
- 7.Захарова И.Г. Информационные технологии в образовании: Учеб. пособие для вузов. – 3-е изд. Стер. –М.: «Академия», 2007 – 192с.

**Муаллиф:**

**Рахмонов Омаджон Мамасидик ўғли** - Андижон давлат университети таянч докторанти.

УДК 372.800.2

**USE OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE SPIRITUAL AND MORAL QUALITIES  
OF STUDENTS**

**ТАЛАБАЛАРНИНГ МАҶНАВИЙ-АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ДУХОВНО-  
МОРАЛЬНЫХ КАЧЕСТВ СТУДЕНТОВ**

**Холбеков Абдуллоев Махамматович**

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 360-йй  
**E-mail:** a-xolbekov2022@gmail.com

**Abstract.** This article discusses the improvement of spiritual and moral qualities of students of higher education institutions through information technology. The level of development of communication culture in students through the use of information technology, informatization of the educational environment, the formation of an information culture and the mastery of information functions is revealed on the basis of scientific and practical approaches.

**Keywords:** information technology, information communication, communication culture, information acquisition activity, information culture, information functions.

**Аннотация.** Мазкур мақолада ахборот технологиялари воситасида олий таълим муассасалари талабаларининг маҷнавиий-ахлоқий сифатларини такомиллаштириш хусусида сўз юритилган. Ахборот технологиялари воситасида талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантириш, таълим муҳитини ахборотлаштириш, ахборот маданиятини шакллантириш ва ахборот функцияларини ўзлаштириш савияси илмий ва амалий ёндошувлар асосида очиб берилган.

**Калит сўзлар:** ахборот технологиялари, ахборот мулоқоти, мулоқот маданияти, ахборотларни эгаллаш фаоллиги, ахборот маданияти, ахборот функциялари.

2. O'quvchining tushunish faoliyatini rivojlantirish kerak. Bunda asosiy e'tiborni o'quvchiga bilim berishga emas, balki uni mustaqil bilim olishga o'rgatishga qaratish. Shunday qilinganda, o'quvchi bu fan bo'yicha o'z bilimini mustaqil ravishda oshirib boradi. Demak, asosiy e'tiborni 45 minutlik darsdan samarali foydalanish maqsadida, *nostonart namoyish tajribai* (NNT) ishlari mavzusini to'garak mashg'ulotlari bajarish uchun tushunchalar berish.

3. O'quvchining fizikadan sinfdan tashqari mashg'ulotlar (to'garak, konferensiya, o'tkir zehnlilar bo'yicha mushoira, ekskursiyalar)dagi faolligini kuchaytirish.


FNNTB da o'quvchi kreativ faoliyatini rivojlantirish ikki tomonlama jarayon bo'lib, u o'zida o'qituvchining faoliyatini mujassamlashtiradi. Umumta'lim maktab o'quvchisida fizika faniga qiziqish bu- FNNTB jarayonida o'quvchi

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

kreativ faoliyatini rivojlantirish natijasi bo‘lib, unda ilmiy dunyoqarashni shakllantirish, abstrakt tafakkurni rivojlantirish, mantiqiy mushohadani o‘sirish, eng muhimi egallagan nazariy bilimini amaliyotda qo’llay olish va ularni hayotga mustaqil tayyorlash hisoblanadi.[3]

Umumta’lim maktab o‘quvchisining FNNTB jarayonida fanga bo‘lgan qiziqishini orttirishda tarbiyaviy masalalarни muvaffaqiyatli hal etish shaxs shakllanishi jarayonining psixologik qonuniyatlarini, ularning yosh xususiyatlari, fiziologik, biologik va psixologik rivojlanishining individual farqlarini, o‘quvchi shaxsining yo‘nalishlari (qiziqishi, xohishi, o‘qishga, mehnatga, jamoaga va o‘z-o‘ziga munosabatlarini, iroda va his-tuyg‘u sifatlari)ni muhokama qilish va ishda mustaqillik, talabchanlik, maqsadga intilish, his-tuyg‘uni uyg‘ota olish darajasi, hissiy tashvishlar kuchi va chuqurligi (hissiyot turg‘unligi), bilish faoliyati va aqliy rivojlanish xususiyatlari (diqqat, xotira, fikrlash va nutq, o‘ylash qobiliyatlarini)ni bilishini talab etadi.[4,5]



Rasm. O‘quvchi FNNTBni tanlashda o‘zaro aloqadorlik metodlari.

Umumta’lim maktabi o‘quvchisi psixik rivojlanishining harakatlantiruvchi kuchi bevosita yangilik va eskilik o‘rtasidagi dialektik qarama-qarshilik hisoblanadi. Bu qarama-qarshiliklar o‘quvchini o‘qitish hamda tarbiyalash jarayonida paydo bo‘lib, ular asta-sekin hal etiladi. Masalan, o‘qish jarayonida tug‘iladigan talablar katta yoshdagи o‘quvchilarning o‘sib borayotgan talablari bilan ularni qanoatlantirish imkoniyatlari va psixik rivojlanishining mavjud darajasi orasidagi qarama-qarshiliklardan iborat. Barcha qarama-qarshiliklarni hal etish psixik faoliyat jarayonida sodir bo‘ladi. Natijada, yosh o‘quvchi intellektual rivojlanishning yanada yuqoriq bosqichiga o‘tadi. Yosha o‘quvchi intellektual rivojlanishning ayrim davrlarida psixika rivojlanishi uchun qulay sharoit vujudga keladi.

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Umumta’lim maktabi o‘quvchisida FNNTBda kreativ faoliyatni rivojlantirishning mezonii sifatida psixologlar uning quyidagi tavsifnomasini ilgari suradilar:

- FNNTBni o‘zlashtirish tezligi yoki qabul qilish sur’ati;
- mulohazalar soni bilan aniqlanadigan fikrlashning sekinligi, bular asosida o‘quvchi o‘ziga yangi qonuniyatlarni bilib olishi;
- tahliliy faoliyat darajasi;
- bir FNNTB asosida boshqa NNTda shakllantirilgan aqliy faoliyatni o‘zlashtirish metodlari;
- FNNTBda mustaqil olingan nazariy bilim, amaliy ko‘nikma va malakalarni tizimlashtirish hamda umumiylashtirishni bilish.[5,8]

Umumta’lim maktablarida FNNTBni shunday olib borish kerakki, bunda u o‘quvchining kreativ faoliyatini rivojlantirishga maksimal yordam bera olsin. Rivojlantirish belgilarini bilish o‘qituvchiga, bir tomondan, o‘qitishning ilg‘or metodlarini tanlab, uni amalga oshirishga imkon beradi. Ular ko‘rsatilgan metodlarga mos keluvchi fikrlash sifatlarini o‘quvchida hosil qilishga ta’sir qiladi. Ikkinchisi tomondan, o‘quvchi qiziqishi rivojlanishi bo‘yicha o‘z kreativ faoliyatining natijalarini tekshirish va baholashga imkon yaratadi. [6,10]

Munosabatlar nuqtai nazaridan qaralganda o‘quvchi kreativ faoliyati quyidagi bosqichli jarayonlardan iborat:

1. Shartli belgilari bilan ishlash. Bu jarayonda quyidagi ikki xil o‘zgarish qayd etiladi:
  - a) o‘quvchi ta’siridan belgilarning anglangan holatga kelishi; b) shartli belgilari ta’siridan o‘quvchilarda sodir bo‘ladigan o‘zgarishlar-belgilarni, ular vositasida berilgan mazmunni fahmlash.
  2. Shartli belgilari vositasida berilgan mazmunni o‘ziga tegishli sohaga ko‘chirish. Bu jarayonda ham quyidagi ikki xil o‘zgarish qayd etiladi:
    - a) o‘quvchi ta’sirida shartli belgilarni o‘zaro taalluqli mazmunga aylantirish, matn faoliyatining qaysi sohasi o‘quv faniga oidligini fahmlash; b) shartli belgilari ta’sirida o‘quvchi ongida sodir bo‘lgan o‘zgarishlar – tushunish, fikrlash, tahsil va sintez qilish.

### Xulosa

Demak, didaktikada belgilarni (masalan, chizma, rasm, grafik, jadval, diagramma, gistogramma, formulalar) o‘rganish, ularning xususiyatlariga ta’rif berish, belgi bilan u anglatadigan mazmun o‘rtasidagi munosabatni tahlil etish o‘z tadqiqotchilarini kutayotgan metodologik muammo hisoblanadi.

FNNTBni anglash; tushunish, fizik formulalar, qoida, qonunlar bilan muloqot qilish (1) hamda nazariy bilim, amaliy ko‘nikma va malakalar; faoliyat metodlari, o‘quvchi kreativ faoliyatini rivojlantirish (2); yechimlarini qabul qilish, o‘lchov asboblari bilan qilingan muloqatga ko‘ra olingan axborot (1) va o‘quvchi kreativ faoliyatining psixologik mexanizmlari-xotira, tafakkur, aqliy faoliyat metodlarini ishlatalish (2); FNNTB jarayoniga oid ongdagi tushunchalardan foydalanish (3) va mantiqiy metodlar-taqqoslash, tanlash, induksiya yoki deduksiya. FNNTB jarayonidagi natijalar va ularga doir ma’lumotlarni tanlashning o‘zaro aloqadorligi (sxema)da keltirilgan [1],[6]

Binobarin, FNNTBga doir materiallarni ularning turli shakllari - FNNTBda uch xil asosga-fiziologik, psixologik va mantiqiy texnologiyalarga erishib, o‘quvchining kreativ faoliyati rivojlanishiga olib keladi.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Avliyoqulov A.K. Umumta’lim maktablarida fizika o‘qitishda fikriy eksperimentdan foydalanish. T.,1997.-158 b.
2. Бугаев А.И. Методика преподавания физики в средней школе. – М.: Просвещение. 1981. – 288 с.
3. Kamardin I.F., Qurbanov M. O‘zgaruvchan tok bo‘limiga oid namoyish eksperimentlarini yaratish va ko‘rsatish uslublari. Metodik qo‘llanma. -T.: Universitet, 1994. - 40 b.
4. Qurbanov M. Fizikadan namoyish eksperimentlarini ko‘rsatishda proektsion qurilmalardan foydalanish uslublari. // O‘zMU xabarlar. – T.: – 2009. – № 2. – B.134–138.
5. Turdiyev N. Sh. Fizika. Umumta’lim maktablarining 11-sinfi uchun darslik. – T.: “Turon-Iqbol”, 2006. – 180 b.
6. M.Kurbanov, Sh.M.Sodiqova Kurbanov X.M. Jalolova P. Modeling of difficult effects belong to the physics on the basis of ict. – International Journal of Advanced Science and Technology, vol.29.No.5.2020, pp.1547-1553.
7. M.Kurbanov, Sh.M.Sodiqova, Kurbanov X.M Pozilova Sh. Elements of optoelectronics in the course of general physics. – International Journal of Advanced Science and Technology, vol.29.No.5.2020, pp.1854-1861.
8. Rahmanov V.T Umumiy o‘rta ta’lim maktablari o‘quv jarayonining samaradorligini oshirishda fizika fanining namoyish tajribalarni zamonaliviy qurilmalar yordamida o‘qitish - Scientific Bulletin of NamSU-Nauchniy vestnik NamGU-NamDU ilmiy axborotnomasi–2022-yil\_4-son -725 b.
9. Rahmanov V.T Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida fizik namoyish tajribalari, uning vazifalari va tizimi - Scientific Bulletin of NamSU - Nauchniy vestnik – NamDU Ilmiy Axborotnomasi - 2022\_1-son -699 b.
10. Rahmanov V. T Umumta’lim maktablarida fizikani “Elektromagnit tebranish va to‘lqinlar” mavzusini o‘qitish usullari, NamDU ilmiy axborotnomasi - Nauchniy vestnik NamGU 2021 yil 4-son -430 b.

### Mualliflar:

Rahmanov Valijon Turdaliyevich - Guliston davlat universiteti doktaranti, [valijonrahmanov4@gmail.com](mailto:valijonrahmanov4@gmail.com)

Irsaliyeva Surayyo To‘rabek qizi - Guliston davlat universiteti “Fizika” kafedrasini o‘qituvchisi.

[irsaliyevasurayyo@gmail.com](mailto:irsaliyevasurayyo@gmail.com)

IMPROVING CRITICAL THINKING SKILLS IN MOTHER LANGUAGE AND READING LITERACY  
LESSONS OF PRIMARY

BOSHLANG'ICH SINF ONA TILI VA O'QISH SAVODXONLIGI DARSLARIDA TANQIDIY FIKRLASH  
QOBILIYATINI TAKOMILLASHTIRISH

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАВЫКОВ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ НА РОДНОМ ЯЗЫКЕ И  
ГРАМОТНОСТИ ЧТЕНИЯ НА УРОКАХ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

**Haydarova Kamola Ergashboy qizi**

Guliston davlat universiteti, 120100. Sirdaryo viloyati, Guliston shahar, 4-mavze.

E-mail: haykamola230@gmail.com

**Abstract.** In this article, the definitions of our scientists who conducted scientific research on improving the critical thinking skills of primary school students and the theoretical views on critical thinking and the opinions expressed according to the results of the research serve as the basis for explaining this topic. At the same time, the opinions and comments of teachers about the need to use interactive methods, relying on more practical exercises in educational programs. It is very important to change their attitude towards their work. As a result of the use of modern approaches and innovative methods, such as the development of critical thinking in the teaching process of mother tongue and reading literacy classes, the development of students' logical thinking skills, fluency in speech, the formation of the ability to quickly and correctly answer, knowledge information is provided on the importance of a creative approach to motivation and the teaching of mother tongue and reading.

**Keywords:** Critical thinking, competence, primary education, thought, educational process, criticism, training.

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada boslang'ich ta'lif o'quvchilarining tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini takomillashtirish yuzasidan ilmiy izlanish olib borgan olimlarimizning ta'riflari va tanqidiy fikrlash borasidagi nazariy qarashlari va tadqiqotlardan olingan natijaga ko'ra bildirilgan fikrlar ushbu mavzumizni yoritib berishga asos bo'lib xizmat qiladi. Shu bilan birligida o'qituvchilarining o'quv dasturlarida ko'proq amaliy mashg'ulotlarga tayangan holda interfaol metodlardan foydalanishi kerakligi haqida fikr va mulohazalari keltirilgan. O'quvchilarda mustaqil ijodiy va tanqidiy fikrlash qobiliyatini shakllantirishda o'quvchi-yoshlarning tanqidiy fikrlashi va o'z faoliyatiga munosabatlarini o'zgartirish masalasi o'ta muhimdir. Ona tili va o'qish savodxonligi darslarida o'qitish jarayonida tanqidiy fikrlashni rivojlantirish kabi zamonaviy yondashuvlar va innovatsion usullarni qo'llash natijasida, o'quvchilarining mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlanishi, nutqi ravonlashishi, tez va to'g'ri javob berish malakasi shakllanishi, bilimga ishtiyoq uyg'otishi hamda ona tili va o'qish darslarida kreativ yondashuvning ahamiyati haqida ma'lumotlar berilgan.

**Kalit so'zlar:** Tanqidiy fikrlash, malaka, boslang'ich ta'lif, fikr, ta'lif jarayoni, tanqid, o'quv mashg'uloti.

**Аннотация.** В данной статье основой для разъяснения данной темы служат определения наших ученых, проводивших научные исследования по совершенствованию навыков критического мышления учащихся начальных классов, а также теоретические взгляды на критическое мышление и мнения, высказанные по результатам исследования. В то же время мнения и замечания педагогов о необходимости использования интерактивных методов, опоры на более практические занятия в образовательных программах очень важны для изменения их отношения к своей работе. В результате использования современных подходов и инновационных методов, таких как развитие критического мышления в процессе обучения родному языку и грамоте чтения, развитие у учащихся навыков логического мышления, беглости речи, формирование умения для быстрого и правильного ответа дается информация о знаниях о важности творческого подхода к мотивации и обучению родному языку и чтению.

**Ключевые слова:** критическое мышление, компетентность, начальное образование, мышление, учебный процесс, критика, обучение.

**Kirish.** Jahonda ta'lif sohasidagi rivojlanish tendentsiyalariga mos ravishda milliy o'quv dasturiga ko'ra bolalarni tanqidiy va ijodiy fikrlashi asosida qobiliyatlarini takomillashtirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Xalqaro pedagogik tajribalar ta'lif sifatini insonda mavjud bo'lgan qibiliyatlar darajasi asosida baholash va boslang'ich sinf o'quvchilarimizdagи tanqidiy va ijodiy fikrlash qobiliyatini ta'lifning innovatsion texnologiyalari vositasida rivojlantirish, ta'lifning yangi paradigmalarini ishlab chiqish, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va dasturlari orqali o'qitishning an'anaviy va zamonaviy usullaridan kompleks foydalanish hamda didaktik vositalarning integrativ imkoniyatlaridan samarali foydalanishga qaratilgan. Jamiyat, fan va madaniyatning rivojlanishi ta'lif va tarbiya ishlarining qay yo'sinda olib borilishiga bog'liqdir. Bu falsafiy aqida davlat ahamiyatiga ega bo'lgan ijtimoiy qonuniyat hisoblanadi. Davlatning buyuk kelajagi, albatta, yoshlarni chuqur bilimli va barkamol shaxs taqdiri bilan bog'liqligini unutmasligimiz lozim.

Ta'limga oid hujjalarda chuqur nazariy va amaliy bilimlar bilan bir qatorda tanlagan sohasi bo'yicha mustaqil faoliyat ko'rsata oladigan, o'z bilimi va malakasini mustaqil ravishda oshirib boradigan, masalaga ijodiy yondashgan holda muammoli vaziyatlarni to'g'ri aniqlab, tahlil qilib, sharoitga tez moslasha oladigan barkamol avlodni tayyorlash asosiy vazifalardan biri sifatida belgilangan. Jamiyatning ravnraqi uning o'sib kelayotgan yosh avlodga bo'lgan munosabati va ularga yaratayotgan imkoniyatlarga bog'liq. Har qanday mamlakat sog'lom va barkamol, el-yurtiga sadoqatli, iymon-

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

e`tiqodli farzandlari bilan faxlanadi, ularga suyanadi. Shunday fazilatlarga ega avlodni tarbiyalab, voyaga yetkazgan xalq kelajakka katta ishonch bilan qaraydi, istiqboli porloq bo`ladi.

Darhaqiqat, jamiyatda xilma-xil fikrlash muhitini vujudga keltirishda mustaqil, tanqidiy fikrlovchi shaxslarning o`rnii beqiyosdir. Dunyoga yangi ko`z bilan qaraydigan barkamol insonni shakllantirish, uning natijasi, mahsuli orqali mustaqil fikrlovchi, ijodiy izlanuvchi, kuchli irodali, g`oyaviy e`tiqodli, ma`naviyati yuksak, pok vijdonli shaxsmi kamol toptirish, buyuk kelajagimiz poydevorini quruvchi va yuksaltiruvchi mutaxassis kadrlarni tayyorlash, respublikamiz pedagoglari oldida turgan eng muhim va ma`suliyatli vazifadir. Shu bois ta`lim-tarbiya jarayonida o`quvchi shaxsining tanqidiy fikrlash faoliyatini shakllantirib, muntazam rivojlantirib borish, "subyekt-o`byekt" munosabat amalda ta`minlash natijada ularning ijodiy faolligi, izlanuvchanligi, irodaviy sifatlari, ishchanligi, e`tiqodini tarkib toptirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Pedagogika, psixologiya, falsafa, sotsiologiyaga oid ilmiy manbalar, o`quv adabiyotlarining tahlili hamda tadqiqot doirasidagi mavjud pedagogik amaliyotni o`rganish natijalari boshlang`ich sinf o`quvchilarining tanqidiy fikrlash darajalarini shakllantirishga yo`naltirilgan didaktik tizimni aniqlash, uni nazariy jihatdan asoslash va ta`lim amaliyotida qo`llashga ehtiyoji mavjudligini ko`rsatadi. O`quvchilarning mustaqil fikrlash ko`nikmalar, uning tarkibiy qismi bo`lgan tanqidiy fikrlash qobilyatini takomillashtirish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi.

### Tadqiqot obyekti va qo`llaniladigan metodlar

Tadqiqot obyekti sifatida boshlang`ich sinf o`quvchilarining ona tili va o`qish savodxonligi darslarida tanqidiy fikrlashni takomillashtirishga yo`naltirilgan o`quv-biluv jarayonining mazmuni olindi. Tadqiqot mavzusini yoritishda qiyosiy tahlil etish; kuzatuv, sotsiometrik metodlar (anketa, subbat, so`rovnama); tajriba-sinov ishlari o`tkazish; ta`limning interfaol metodlari (fikriy hujum, insert, klasster, ), natijalarni matematik-statistik tahlil etish usullaridan foydalaniyan.

### Olingan natijalar va ularning tahlili

So`nggi yillarda ta`lim tizimining umumta`lim bosqichida tanqidiy fikrlashni o`rgatish, o`qitish ishlari qizg`in tus oldi. Ayniqsa, muhtaram yurtboshimizning "Prezident maktablarini tashkil etish chora-tadbirlari to`g`risida" 2019-yil 20-fevraldag`i PQ-4199-sonli qarori natijasida yurtimizda tashkil etilayotgan Prezident maktablarida ta`limni davom ettirish niyatida bo`lgan o`quvchi-yoshlarni imtihonga tayyorlashda aynan tanqidiy fikrlashga doir bilimlarga ehtiyoj keskin oshdi. Yurtboshimiz mamlakatimizni 2016-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017-yilga mo`ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo`nalishlariga bag`ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma`ruzasida: "...Bugun mamlakatimizning barqaror rivojlanish yo`lida izchil ilgarilab borishini tahlil qilar ekanmiz, o`tgan yili principial muhim islohotlarni amalga oshirish bo`yicha qat`iy qadamlar qo`yildi, deb aytishga barcha asoslarimiz bor. Bu islohotlarning asosiy maqsadi – aholi uchun munosib hayot darajasi va sifatini ta`minlashdir. Jalal va barqaror rivojlanishga qaratilgan bu siyosat bundan keyin ham so`zsiz davom ettiriladi. Tanqidiy tahlil, qat`iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbarni – bu Bosh vazir yoki uning o`rinbosarlari bo`ladimi, hukumat a`zosi yoki hududlar hokimi bo`ladimi, ular faoliyatining kundalik qoidasi bo`lib qolishi kerak. Endi har birimiz, eng avvalo, davlat boshqaruvi organlari rahbarlarining vazifasi – o`zimiz mas`ul bo`lgan soha va tarmoqda ishlarning ahvolini tanqidiy baholash asosida zimmamizga yuklatilgan vazifalarni mas`uliyat bilan bajarishni ta`minlashdan iborat. Shunday davr keldi", - deya ta`kidlab o`tganlari bejiz emas [1].

Hozirgi kunning talabi barkamol va mustaqil fikrlovchi shaxslarni tarbiyalash bo`lib, ta`lim-tarbiya jarayonida bilim berishni takomillashtirish, o`quvchilar bilan ishlashning yangi yo`nalishlarini ishlab chiqish va noan`anaviylikka intilishni taqazo etadi. Shunga ko`ra, kichik yoshdagi o`quvchilarini fikrlash, izlanish va aniq maqsad sari intilib ongli ravishda bilim olish va dunyoqarashini kengaytirish uchun ta`lim-tarbiya berishda metodlarning xilma-xil bo`lishini talab etadi. Ana shunday yangi texnologiyalardan biri o`quvchilarda tanqidiy fikrlash malakasini shakllantirishdir. Boshlang`ich sinf o`quvchilarida tanqidiy fikrlash orqali, mustaqil, erkin fikrlay olish, tahlil qilish, taqqoslash, fikrlarni izohlash, baxslashish, o`z g`oyalarini himoya qilish va yangiliklarga intilish kabi malakalari bilan birga, mantiqiy tafakkur qila olish salohiyati, dunyoqarashi, o`z-o`zini anglash, kommunikativ savodxonligi, go`zallik va nafosatni his etib, undan zavqlana olish, aqlan va jismonan sog`lom bo`lish, milliy urf-odatlarni o`ziga singdirish va qadrlash kabi muhim xususiyatlari rivojlantiriladi. Bu o`z navbatida kichik yoshdagi o`quvchilarining bilimlarni chuqur o`zlashtirish va amalda to`g`ri qo`llay olishlarini ta`minlaydi. Shunga ko`ra, boshlang`ich sinf o`quvchilarini tanqidiy fikrlashlarini rivojlantirish uchun darsning maqsadini aniq, pedagogik texnologiya asosida loyihalab olish muhim ahamiyatga ega. Hayotda o`rganilmagan narsalar ko`p. Qiziquvchanlik ongni rivojlantiradi [2]

An`anaviy darslarni o`tkazishda o`quvchilarga tayyor o`quv vaziyati taklif etiladi, mavzu aytildi dars. davlat ta`lim standartining joriy etilishi bilan vaziyat o`zgarmoqda: endi talaba pedagogik jarayonning to`liq huquqli ishtirokchisi bo`lib, u o`qituvchining ko`rsatmalari yordamida dars mavzusini va o`quv vazifasini mustaqil ravishda belgilashi kerak. Pedagogik faoliyatning an`anaviy usullari va usullari doirasida talabalarni chet tilini o`rganishga undash har doim ham mumkin emas, chunki zamonaviy bolalar tez rivojlanayotgan bolalardir va ko`pincha odatiy an`anaviy dars ularning qiziqishini uyg`otmaydi. Dars - bu pedagogik jarayonni tashkil etishning asosiy shakli bo`lib, unda o`qituvchi aniq belgilangan vaqt davomida doimiy talabalar guruhining (sinfning) kollektiv kognitiv va boshqa faoliyatini ularning har birining xususiyatlarini hisobga olgan holda boshqaradi. Barcha o`quvchilarining bevosita o`rganilayotgan fan asoslarini o`zlashtirishlari uchun qulay shart-sharoitlar yaratadigan ish turlari, vositalari va usullaridan foydalananish o`quv jarayonida, shuningdek, maktab o`quvchilarining bilim qobiliyatlarini va ma`naviy kuchlarini tarbiyalash va rivojlantirish uchun" [3].

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

"Fikrlash - bu nutq bilan uzviy bog'liq bo'lgan shaxsning kognitiv faoliyatini jarayoni bo'lib, u atrofdagi vogelikni maqsadli, umumlashtirilgan va vositachilik bilan aks ettirish, yangi narsani topish va kashf etishga qaratilgan."<sup>[4]</sup> Fikrlash faqat yangi maqsad paydo bo'lgan vaziyatlarda kerak bo'ladi va unga erishish uchun eski eski vositalar endi etarli emas. Bunday holatlar muammoli deb ataladi. Muammoli vaziyat - bu odamni yangi echimlarni izlashga majbur qiladigan noaniq vaziyat, ya'ni tafakkur yangini izlash va kashf qilishdir.

I. O.Zagashvning fikrlashni rivojlantirish nazariyasiga ko'ra: aqliy qobiliyatlar faqat madaniy sharoitda rivojlanadi. Fikrlashni rivojlantirish usullari va o'quv dasturlarini (darsliklar, mashqlar) uyg'unlashtirib, siz oltin o'rta ga erishishingiz mumkin, darslarni qiziqarli o'tkazish uchun esa o'z imkoniyatlarini to'liq ro'yobga chiqarishingiz mumkin. O'qituvchi va talaba amerikalik olimlar Charlz Templ, Kurt Meredit va Jeannie Stil ushbu muammoni samarali hal qiladigan texnologiyani ishlab chiqqilar [5]. Tanqidiy fikrlash - bu har qanday bayonotdan tashqarida o'ylashga yordam beradigan, doimiy o'zgaruvchan ma'lumotlar oqimi bilan kurashishga yordam beradigan fikrlash turi. Boshqacha qilib aytganda, fikrlashning bu turi talabalarga axborotni qayta ishslash, tartibga solish, o'z fikrlarini tez va aniq ifodalash imkonini beradi, shuningdek, mustaqil ravishda o'z bilimlarini jaib qilish va boshqalar bilan konstruktiv munosabatda bo'lism qobiliyatini rivojlanadiradi.

Ko'p turli omillar o'quvchilarning tanqidiy fikrlash qibiliyatlariga ta'sir qilishi mumkin. Ta'lim sohasi bo'yicha tadqiqotlar olib borgan olimlar M.Lipman, S.Norris va R.Ennis tanqidiy fikrlashga nizbatan o'z yondashuvlarini tadqim etib kelishgan. Ular tomonidan berilgan ta'rifalrada katta tafovutlar mavjud emas, L.Elder va R.Paul fikrlariga ko'ra tanqidiy fikrlash - bu shaxslarning o'z tafakkurini boshqarish va o'z fikrlarini tahlil qilish uchun tegishli mezon va standartlarni ishlab chiqish qobiliyatini anglatadi [6]. Bundan tashqari, V.Maiorana ta'kidlaganidek, tanqidiy fikrlash bu turli xil qarashlarni tushunishga va baholashga, muammolarni hal qilish echimiga qaratilgan jarayondir[7]. Tanqidiy fikrlash imkoniyatiga ega bo'lism uchun zarur bo'lgan ko'nikmalar har xil bo'lib, ularga kuzatish, tahlil qilish, talqin qilish, aks ettirish, baholash, xulosa chiqarish, tushuntirish, muammolarni hal qilish va qaror qabul qilish kiradi [8]. Tanqidiy fikrlashga doir dars mashgulotlarini har xil yoshdag'i o'quvchilar uchun qo'llashning ahamiyati beqiyos bo'lismiga qaramasdan, biz o'qituvchilik vazifamizni va ularning maqsadiga erishish uchun nima qilishimiz kerakligini yodda tutishimiz kerak va dars jarayonida bu jihatlarni doimo inobatga olib darslarni tashkil etishimiz lozim.

O'quvchilarda tanqidiy fikrlashni shakllantirish texnologiyasi pedagoglar tomonidan maxsus turdag'i topshiriqlar, mustaqil faoliyat turlarini bajarish orqali ro'yobga chiqariladi va ularning samaradorligi muayyan mezonlar yordami bilan amalga oshiriladi. Ta'lim jarayoni to'laqonli tarzda o'quvchiga yo'naltirilsa, uning ehtiyoj va imkoniyatlari, qiziqishlari, iqtidorigi hisobga olgan holda muayyan tamoyillar asosida tashkil etilsa, bunday ta'lim natijalari, birinchi navbatda, o'quvchi shaxsining o'zini, shu bilan bir qatorda, davlat, jamiyat hamda fan va ishlab chiqarishni rivojlantiruvchi omil darajasiga ko'tariladi. Tanqidiy fikrlashni dars jarayonida qo'llashni yosh davrlardan boshlash tavsiya etiladi [9] va dars mashg'ulotlarini bolalarning yoshiga moslashtirish juda muhim, ammo iloji boricha ularning aqliy qibiliyatlaridan foydalanishga imkon berishga qaratilganligi muhim. Ta'lim jarayoni o'quvchilar tomonidan tanlangan turli yo'llarga moslashtirilib, takomillashtirilib borilgandagina ularda tanqidiy fikrlashni shakllantirishga zamin yaratiladi.

Zamonaviy hayot o'zining ustuvor yo'nalishlarini belgilaydi: shunchaki faktlarni biliш emas, balki ko'nikmalar emas, balki olingen narsadan foydalanish qobiliyati; axborot miqdori emas, balki uni qabul qilish va uni modellaشتirish qobiliyati; iste'molchilik emas, balki yaratish va hamkorlik. Maktab ta'limi tizimiga tanqidiy fikrlash texnologiyasi bo'yicha ishlarni organik ravishda kiritish shaxsiy o'sishga imkon beradi, chunki bunday ish, birinchi navbatda, bolaga, uning individualligiga qaratilgan. Tanqidiy fikrlash hech narsani oddiy deb hisoblamaydi. Undan foydalangan holda, odam savol beradi va tizimli ravishda tadqiqot usullari va axborot manbalari bilan ishslashning muayyan usullaridan foydalangan holda ularga javob izlaydi. Tanqidiy fikrlash savollardan emas, o'qituvchi tomonidan talabaning barcha savollariga javoblar bilan emas, balki muammolardan boshlanadi

Tanqidiy fikrlash dunyo haqidagi muhim va ishonchli bilimlarga erishishda to'g'ri fikrlashni nazarda tutadi. Tanqidiy fikrlovchi muhim ma'lumotlarni to'plash, ularni samarali saralash, bu ma'lumotlardan mantiqiy xulosalar chiqarish va dunyo haqidagi muhim va ishonchli bilimlarga erishish orqali muayyan savollarga javob bera oladi. Eng umumiy ma'noda, tanqidiy fikrlash qobiliyatdir va odamlar tanqidiy fikrlash qobiliyati bilan tug'ilmaydi. Tanqidiy fikrlash - bu o'rgatish kerak bo'lgan qobiliyatdir. O'qish va yozish qobiliyatlarini tanqidiy fikrlashni rivojlantirishda hal qiluvchi rol o'ynaydi, chunki ular shakllanmagan fikrlar yoki tasvirlarni tuzatishga, ularni har tomonдан ko'rib chiqishga va "ongni uyg'otishga" imkon beradi. Tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish - bu boshqa xalqlar hayoti, yashash joylari, madaniyat va tarixi haqidagi bilimlar. Bu bilimlarni olish juda mumkin, dunyo bo'ylab sayohat qilishni boshlash kifoya, ammo hamma ham bunga qodir emas. Ammo siz o'qishni boshlashingiz mumkin. Va qancha ko'p bo'lsa, shuncha yaxshi.

Bugungi kunda Internetda har qanday qiziqarli mavzu bo'yicha deyarli har qanday ma'lumotni topishingiz mumkin. Taqdim etilgan kontentning hammasi ham foydali bo'lmaydi, shuning uchun faktlar bilan ishslash va ularning talqiniga ishonmaslik muhimdir. Siz nafaqat o'zingiz yoqtirgan narsani emas, balki ko'p o'qishingiz kerak. Boshqa nuqtai nazarlar, hatto ular bizning falsafiy, siyosiy yoki diniy e'tiqodlarimizga zid bo'lsa ham, ular bilan tanish bo'lismiz kerak. Va kim nima degani muhim emas, faylasufmi yoki ko'proq oddiy odam - haqiqat har doim haqiqat bo'lib qoladi.

Qanchalik ko'p o'qisa, shuncha ko'p o'rganadi. Va bilimlar hajmi qanchalik katta bo'lsa, tanqidiy fikrlash qibiliyatlarini rivojlantirish osonroq bo'ladi. Shu bilan birga, ilmiy maqolalar va shunga o'xshash mazmunga e'tibor qaratishning hojati yo'q, badiiy adabiyot ham muhimdir: romanlar, hikoyalar, pyesalar ham boshqa odamlarning fikrlashi

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

va yashashini tushunishga yordam beradi. Shuningdek o'qish paytida tanqidiy fikrlashni unutmaslik lozim chunki bu muallifning shaxsiy fikrini yuzaga keltiradi.

Yozma nutq esa idrokni chuqurlashtiradi: yozuvchi fikrni tuzatadi, so'ngra uning yozmasini o'rganadi va bu turg'un fikrga javob sifatida yangi, undan ham qiziqroq fikr paydo bo'ladi. Yozma nutq qiziqishni kuchaytiradi, bolalarni faolroq kuzatuvchiga aylantiradi, chunki biror narsani tuzatish uchun siz uni o'rganishingiz, u haqida ko'proq bilishingiz kerak. Yozma nutq bolalarda o'qish qobiliyatini rivojlantiradi, chunki ular "yozuvchilar kabi o'qiy boshlaydilar" va shunga mos ravishda o'z maqsadlariga erishish uchun matnni qanday qurishni yaxshiroq tushunadilar. Tanqidiy fikrlash - bu insonning intellektual faoliyati turlaridan biri bo'lib, u o'zini o'rabi turgan axborot maydoniga yuqori darajadagi idrok etish, tushunish, ob'ektiv yondashuv bilan tavsiflanadi.

Tanqidiy fikrlash va o'rganish g'oya va tajribalarning turli – tumanligini pedagoglar tushungan va qadrlagan vaqtdagina amalga oshadi. Tanqidiy fikrlash "yakkayu yagona to'g'ri javobni qabul qiladigan mentalitet jarayonida yuz bermaydi. Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish oson ish emas. Bu muayyan yosh davrida tugallangan va esdan chiqarilgan vazifa ham emas. Shu bilan birga tanqidiy fikrlashga olib boradigan tugallangan yo'l ham yo'q. Lekin tanqidiy fikrlovchilarning shakllanishiga yordam beruvchi muayyan o'quv sharoitlari to'plami mavjud [10]. Buning uchun:

- tanqidiy fikrlash tajribasini egallashi uchun vaqt va imkoniyat berish;
- o'quvchiyoshlarlarga fikr yuritish uchun imkoniyat berish; - turli – tuman g'oya va fikrlarni qabul qilish;
- o'quvchi-yoshlarlarning o'quv jarayonidagi faolligini taminlash;
- o'quvchi-yoshlarlarni kulgiga qolmaslikka ishontirish kerak;
- har bir o'quvchi yoshlarning tanqidiy fikr yuritishga qodir ekanligiga o'zlarida ishonch hissini uyg'otish; - tanqidiy fikrlashning yuzaga kelishini qadrash lozim. Shu munosabat bilan o'quvchi-yoshlar: - o'ziga ishonchni orttirish va o'z fikri hamda g'oyalarining qadrini tushunish; - o'quv jarayonida faol ishtirot etish; - turlicha fikrlarni etibor bilan tinglash;
- o'z hukmlarini shakllantirishga hamda undan qaytishga tayyor turishi lozim.

Uchunchi sinf ona tili va o'qish savodxonligi darslarida grammatikani o'zlashtirishga qaratilgan turli xil ta'limi y o'yinlarni ham tashkil etish mumkin. Masalan, "Kim savodxon?", "Fikriy hujum", "Insert", "Klasster", "So'z o'rnini top" kabi qiziqarli o'yinlar shular jumlasidandir. "Kim zukko? "o'yini imlo savodxonlikni oshirishda yaxshi natija beradi. Bunda karton qog'ozlarga so'zlar yozilgan bo'lib, so'zlar to'g'ri va noto'g'ri yozilgan bo'ladi. O'quvchilardan noto'g'ri yozilgan so'zni topib, to'g'ri yozib berish va to'g'ri talaffuz qilishi talab qilinadi. Qaysi o'quvchi noto'g'ri yozilgan so'zlarini to'g'ri va birinchi bo'lib yozib berishga qarab o'yin g'olibani aniqlanadi. Hozirgi ta'limgar yarayonida o'quvchi sub'ekt bo'lishi lozim. Bunda ko'proq interfaol metodlarga e'tiborni qaratish ta'limgar samaradorligini oshiradi. O'qish va ona tili savodxonligi darslariga qo'yilgan eng muhim talablardan bira mustaqil fikrlashga o'rgatishdir. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, tanqidiy fikrlash to'g'ma yoki tabiiy shakllanadigan qobiliyat emas, balki tanqidiy fikrlash o'qitiladi va o'rganiladigan jarayon desak mubolag'a bo'lmaydi. Tanqidiy fikrlashni rivojlantiruvchi mashg'ulotlarni dars jarayonida keng foydalanish, o'quvchilariga sifatlari o'quv tajribasini taqdim etishlari uchun o'qituvchidan yuksak mahoratni talab etadi.

### Xulosa

Tanqidiy fikrlash faol jarayon hisoblanib, bunda o'quvchilarda ilmiy bilim olish bilan birga fikrlash jarayonida o'ziga ishonch ortadi, o'z fikri va g'oyalarining qadrini tushunadi, o'quv jarayonida faol ishtirot etadi, do'stlari va o'qituvchi bilan fikr almashishni o'rganadi hamda mas'uliyatliligi oshib, o'zgalar fikrini tinglay olish ko'nikmasi shakllanadi. Ba'zan haddan ortiq loqaydlik ham o'g'irlilikdan yomonroq sanaladi. Bolalarni befarq, loqayd va sodda bo'lishiga yo'l qo'ymaslik uchun ularning tanqidiy fikrlash qobiliyatini bugundan rivojlantirishimiz lozim. Shundagina kelajagimiz har tomonlama fikrlab, to'g'ri xulosa qilishga qodir qo'lida bo'ladi.

### Foydalilanigan adabiyotlar:

1. Sh.M.Mirziyoyev "Taqnidiy tahlil, qaf'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak". Mamlakatimizni 2016-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017-yilga mojhallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruzasi. 2017- yil 14- yanvar.
2. Mirman, J. and Tishman, S. (1988) Infusing thinking through connections. Educational Leadership, 45(7), 64-65.
3. Сластенин, В. А., Каширин В. П. / Психология и педагогика - М.: Академия 2007-477c
4. Орлова, В. А. Психология в вопросах и ответах: учебное пособие - М.: КНОРУС, 2009. - 200 с.
5. Загашев И. О., Заир - Бек С. И., Муштавинская И. В. Учим детей мыслит критически. - Издание 2-е. - СПб: Альянс Дельта совм. с изданием «Речь», 2003-192с.
6. Elder, L. & Paul, R. (1994) Critical thinking: Why we must transform our teaching. Journal of Developmental Education, 18(1), 34-35.
7. Maiorana, V. P. (1992). Critical thinking across the curriculum: Building the analytical classroom. (ERIC Document Reproduction Service No. ED 347511).
8. Halpern, D. F. (1998). Teaching critical thinking for transfer across domains: Disposition, skills, structure training, and metacognitive monitoring. American Psychologist, 53(4).
9. Kholmurodova, O. (2020). Journal Article Kumulyativ ertaklarning bolalar nutqiy rivojanishdagi afzallikkleri va ularni amaliyotga joriy etish ahamiyati. Arxiv Nauchnykh Publikatsij JSPI.
10. Pol, R. V., Elder, L. & Bartell, T. (1997). Kaliforniya o'qituvchisini tanqidiy fikrlash bo'yicha o'qitishga tayyorlash: Tadqiqot natijalari va siyosat bo'yicha tavsiyalar. O'qituvchilar malakasini oshirish bo'yicha Kaliforniya komissiyasi Sakramento: Kaliforniya.
11. <https://cyberleninka.ru>, <https://www.gazeta.uz>

### Mualif:

**Haydarova Kamola Ergashboy qizi** - Guliston davlat universiteti, Pedagogika fakulteti, "Boshlang'ich ta'limgar metodikasi" kafedrasи stajyor-o'qituvchisi. E-mail: haykamola230@gmail.com

DEVELOPMENT OF LOGICAL THINKING ABILITY OF PRIMARY CLASS STUDENTS BASED ON DIGITAL TECHNOLOGIES

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING MANTIQIY FIKRLASH QOBILIYATINI RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA RIVOJLANTIRISH

РАЗВИТИЕ СПОСОБНОСТЕЙ ЛОГИЧНОГО МЫШЛЕНИЯ У УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ НА ОСНОВЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Ummatkulova Sayyora Shovkatovna

Guliston davlat universiteti, 120100. Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, 4-mavze.

E-mail: [sayoras513@gmail.com](mailto:sayoras513@gmail.com)

**Abstract.** This article talks about new changes and reforms in today's education system. In particular, the importance and necessity of tasks that further develop and shape students' logical thinking skills in elementary mathematics classes, as well as effective ways of using digital technologies in this process, were discussed. This process is a novelty in the education system and has risen to the level of politics. A number of decisions are being made in order to become one of the developed countries and improve the quality of our educational process. Our President pays special attention to the formation of students' logical thinking skills in modern primary education classes. We can know this from the order of the President to further improve the activities of the school specializing in mathematics, operating under the name of Ushinsky in the city of Tashkent, and from the decisions No. 4708 of May 7, 2020. The ability to think logically is necessary as a factor that shapes students' thinking and outlook. It is said about the need for a child to think logically and think logically as a combination of real life and theoretical knowledge, as a practical application of the acquired knowledge. In order for the process to be qualitative and effective, it is discussed about the need to develop the logical thinking ability of students based on digital technologies and what exactly should be given importance in this regard.

**Key words:** logic, logical thinking, imagination, ability, thinking, outlook, primary education, skills, digital technologies.

**Аннотация.** В данной статье рассказывается о новых изменениях и реформах в современной системе образования. В частности, обсуждались важность и необходимость заданий, дополнительно развивающих и формирующих навыки логического мышления учащихся на уроках начальной математики, а также эффективные способы использования цифровых технологий в этом процессе. Этот процесс является новшеством в системе образования и поднялся до уровня политики. Принимается ряд решений для того, чтобы войти в число развитых стран и повысить качество нашего образовательного процесса. Наш Президент уделяет особое внимание формированию у учащихся навыков логического мышления в современных начальных классах. Об этом мы можем узнать из распоряжения Президента о дальнейшем совершенствовании деятельности школы математического профиля, действующей под именем Ушинского в городе Ташкенте, и из постановления №4708 от 7 мая 2020 года. Способность к логическому мышлению необходима как фактор, формирующий мышление и мировоззрение учащихся. Говорится о необходимости у ребенка логически мыслить и логически мыслить как сочетание реальных жизненных и теоретических знаний, как практическое применение полученных знаний. Для того чтобы процесс был качественным и эффективным, говорится о необходимости развития способности логического мышления учащихся на основе цифровых технологий и чему именно при этом следует придавать значение.

**Ключевые слова:** логика, логическое мышление, воображение, способность, мышление, кругозор, начальное образование, навыки, цифровые технологии.

**Kirish.** Ta'lrim tizimimiz bugungi kunda jadal rivojlanib bormoqda. Davlatimiz tomonidan rivojlangan mamalakatlarning ta'lrim tizimi chuqur o'rganilib, o'zimizga xos va mos qilinib tadbiq qilinmoqda. Bu tajribalarning asosiy negizini boshlang'ich sindf o'quvchilari tashkil etadi. Bu jarayonda eng asosiy urg'u bolalarning mantiqiy fikrlash qobiliyatiga qaratilmoqda. Zamonaviy boshlang'ich ta'lrim darslarda o'quvchilarning mantiqiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirishda Yurtboshimiz tomonidan ham alohida e'tibor qaratilmoqda. Biz buni Prezidentimizning "Matematika sohasidagi ta'lrim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" 4708-sonli 2020-yil 7-maydagi qarorlaridan ham bilishimiz mumkin. Boshlang'ich sindf o'quvchilarining mantiqiy fikrlash qobiliyatini raqamli texnologiyalar asosida rivojlanirishimiz uchun, avvalo maktab darsliklarimiz mazmunida mantiqiy fikrlashga doir topshirilqlar, masala va misollarni ko'proq berish, shu bilan birga bu jarayonni raqamli texnologiyalar asosida tashkil etishimiz muhim sanaladi [1].

Tadqiqot ob'yekti va qo'llanilgan metodlar

Tadqiqot ob'yekti sifatida boshlang'ich sindf o'quvchilarining mantiqiy fikrlash qobiliyatini raqamli texnologiyalar asosida rivojlanirish jarayoni olindi. Prezidentimizning mavzuga oid farmonlari, qarorlari, R.Mavlonova, N.Vohidova, Hayitov A.I., Muslimov N.A, Babkina N.V. kabi olimlarning ilmiy ishlari o'rganildi. Tadqiqot mavzusini yoritishda tasniflash, tavsiflash, qiyoslash, kompleks va funksional tahlil metodlaridan foydalananildi [2], [3], [4].

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

### Olingen natijalar va ularning tahlili

Dars sifatli o’tilsada, lekin o’quvchi olgan bilimlarini amaliyotda qo’llay olmasa, ko’nikmasi shakllanmasa, ko’zlangan maqsadga erishib bo’lmaydi. Egallangan bilimini amaliyotda qo’llay olishlari uchun kerak bo’ladigan mantiqiy fikrlash ko’nikmalari zarur hisoblanadi. Shu o’rinda shunday fikrni aytishimiz mumkin: mantiqiy fikrlash insonlar hayotida muhim o’rinni egallaydi.

*Boshlang’ich ta’lim* - umumiy o’rta ta’limning dastlabki bosqichi. Respublikamizda Boshlang’ich ta’lim 1 - 4-sinflarda bolalarga ilk ta’lim berish, ularni ma’naviy kamol toptirishning boshlanish davri hisoblanadi. U 1 - 4-sinflarni o’z ichiga oladi va o’qish 7 yoshdan boshlanadi.

*Mantiq*. Mantiq tushunchasi Yunon tilidan tarjima qilinganda: “fikrlash”, “to’g’ri fikrlash”, “fikrlash san’ati”, “chiroyli nutq” va hatto “aql”, “qonuniyat” degan bir nechta ma’noni anglatadi. Bugungi zamононавиyl ilmiy olamimizda “mantiq” terminining mazmuni ancha boyib, u turli xil ma’nolarda ishlataladi.

*Mantiqiy fikrlash nima?* Mantiqiy fikrlash bu insonning bizni o’rab turgan atrof – muhitdagи hamma narsani va harakatlar, narsalar yoki hodisalar o’rtasidagi munosabatlar yoki farqlarni anglash qobiliyatini tahlil qilish, taqqoslash, mavhumlashtirish va tasavvur qilish orqali kuzatish shu asosida fikrlashdir.

*Qobiliyat* — shaxsning individual salohiyati, imkoniyati hisoblanadi. Odatta qobiliyat bilimdan tubdan farq qiladi. Bilim bu mutolaa natijasi hisoblansa, qobiliyat shaxsning psixologik va fiziologik tuzilishining xususiyati sanaladi. Qobiliyat bilan ko’nikma va malaka o’zaro bir-birlaridan farq qiladi. Insoniyat tomonidan qobiliyat ko’nikma va malakalarining egallanishi jarayonida takomillashib boradi. Har qanday Qobiliyat turi shaxsga tegishli murakkab psixologik tushunchadan tashkil topgan bo’lib, u faoliyatning talablariga mutanosib xususiyatlar tizimini o’z ichiga oladi. Odatta qobiliyat deganda insonning birorta xususiyatinigina o’zini emas, balki insonning faoliyatining talablariga javob bera oladigan va shu faoliyatda yuqori ko’rsatkichlarga erishishni ta’minalashga imkoniyat beradigan xususiyatlar sintezini tushunmoq lozim. Inson uchun barcha Qobiliyatning tayanch xususiyati - kuzatuvchanlikdir. Ya’ni insonni fahmlash, obyektdan u yoki bu alomatlarni ko’ra bilish, ajrata olish ko’nikmasidir. Qobiliyatning yetakchi xususiyatlaridan biri — narsa va hodisalar mohiyatini ijodiy tasavvur qilishdir [5].

Tarixan bizga ma’lumki, mantiq ilmining asoschisi Arastu hisoblanadi. U o’zigacha mavjud bo’lgan mantiqqa oid barcha bilimlarni tartiblashtirib hamda o’zi yaratgan yangi ta’limotlar asosida boyitib, muayyan tizim darajasiga ko’tara olgan mutafakkirdir. Tafakkurning shakl va qonunlarini o’rganuvchi mazkur ilmni fan tarixida «formal mantiq» yoki «an’anaviy mantiq», yoxud «Arastu mantig’i» deb ham atashadi. Fan taraqqiyotida formal mantiq bilan birga dialektik mantiq, matematik mantiq va intuitiv mantiq singari boshqa noan’anaviy tarmoqlar ham paydo bo’lib, rivojlana bordi. Jumladan, nemis olimi G. Leybnitsning (1646–1716) matematik mantiq haqidagi g’oyasi XIX asrning ikkinchi yarmiga kelib, mantiq ilmiga matematik usullarni tatbiq qilishda keng qo’llanila boshlashi voqelikka aylanib, buning natijasida simvolik (ramziy) mantiq vujudga kela boshladi. Yana bir mashhur nemis mutafakkiri Gegel (1770–1831) o’zi yaratgan falsafiy tizimda markaziy o’rin egallovchi dialektik usulni mantiqqa tatbiq etishga harakat qildi. Marksizm falsafasi esa boshlangan ishni oxiriga yetkazdi, ya’ni Gegelning mantiqqa tatbiq etilgan idealistik falsafiy tizimini materialistik nuqtai nazardan qayta ishlab, obyektiv olamning dialektikasini bilish metodi sifatida xizmat qiluvchi dialektik mantiqni yaratdi.

Protagor, Gorgiy, Trasimax, Prodik va Gippiy kabi sofistlar esa mantiq elementlari bilan sug’orilgan notiqlik ilmini rivojlantirishga katta hissa qo’shadilar. Aflatun (mil. old. 428 – 347 y.) o’zining «Fedon», «Davlat», «Parmenid», «Teetet», «Sofist» kabi dialoglarid Suqrotning mantiqiy usullaridan foydalangan hamda ularga asoslangan holda o’z mantiqiy tizimini yaratgan.

Arastuning mantiqqa oid asarlarini arab tiliga tarjima qilgan va ularni o’z ilmlari bilan boyitgan ko’pgina buyuk mutafakkirlar, masalan, Husayn ibn Is’hoq (808 – 877), Abu Yusuf al-Kindiy (801 – 867), Abu Bashar Matto (tug’ilgan yili ma’lum emas – 939 yilda vafot etgan), Iso ibn Zurro (1000 – yillard), Abu Bakir ar-Roziy (865 – 925), Forobiy (873 – 950), Ibn Sino (980 – 1037), Ibn Rushd (1126 – 1198) kabilarni aytib o’tishimiz mumkin.

O’tmishdan tarkib topgan mantiq tushunchasi bugungi kun yoshlarining ham tasavvur va tushunchalarini shakllantirish uchun juda muhimdir. Buning uchun ta’lim tizimimizning barcha bosqichida tubdan islohotlarni amalgaloshirishimiz kerak. Darsliklar, jarayonlar, kadrlar masalasi bo’yicha qayta ish ko’rilmog’i lozim. Ta’lim maskanlarimizga raqamli texnologiyalarni to’liq joriy etish shart. Dars jarayonini jahon standartlariga javob beradigan stilga keltirish, o’quvchilarini chuqur bilim egasi qilish kerak. Bolalarimizni faraz qilaolishga, o’ylash va to’g’risini tanlay bilishga, o’rganganlarini amaliyotda qo’llay olishga o’rgatish juda muhimdir. Buning uchun ta’lim jarayoni uchun faqat va faqat moddiy texnik bazasini va kadrlar masalasini qayta ko’rib chiqish lozim bo’ladi [6].

O’quvchilarining mantiqiy fikrlash qobiliyatini raqamli texnologiyalar asosida rivojlantirish uchun avvalo, shu muhitga tayyorlash lozim bo’ladi. Savollar sodda yoki qiyin, hattoki kulgili yoki o’ta o’ylantiruvchi bo’lishi mumkin. Bunda savollar shunday tuzilganki, ularni bolalar oldida ovoz chiqarib o’qish mumkin, jamoaviy holda berish ham mumkin. Berilgan mantiqiy savollarini topishda o’quvchilarga shu savolning o’zida javobini topishga imkon beruvchi sehrli so’zlar bilan yoritiladi. Bunda faqat bola mantiqan tafakkur qilsagina, chuqurroq mushoxada qilsagina topa oladi [7].

Mantiqiy topshiriqlardan bir nechtasini havola etamiz:

Ko’lda 8 ta o’rdak suzib yuribdi. Ovchi bitta o’rdakni o’q bilan otdi. Ko’lda nechta o’rdak qoldi?

O’quvchilar savolga javobni tabiiyki, matematik jihatdan yondashib topishga harakat qiladilar. Javobini topishni matematika bilan emas, boshqa fanlar bilan aloqaga kiritib topishni o’rgatish joiz. Matematik jihatdan qaralganda 8

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

sonidan 1 sonini ayirishimiz kerak. Hisoblanadi va javob 7 ta qush qoladi. hisob noto'g'ri emas. Biz bu savolning javobi matematik nuqtai-nazardan emas balki, mantiq nuqtai-nazardan va boshqa fanlardagi bilimlardan foydalanib javob bersak to'g'ri javob chiqishini va uning yo'nalishini bolaga tushuntirmog'imiz lozim bo'ladi. Ko'ldagi o'rdakning birini ovchi o'q bilan otganada, albatta boshqa o'rdaklar qo'rqqanidan uchib ochib ketadi demak, o'rdaklar umuman qolmaydi. Matematik bilimlar asosida o'quvchini mantiqan fikrlashga, tafakkur asosida hulosa qila olishga o'rgatish kerak. Har bir mantiqiy javob bu atrofga kuzatuvchanlik asosida shakllanadi. Ko'ldagi o'rdaklarning uchib ketishi va qolgan o'rdaklarni topish bu bolaning atrof – muhitga nechog'lik diqqatli ekanligini aniqlaydi. Ko'chada o'ynab yurib ham daraxtdagi qushlarning birini haydar yuborishi, qolgan qushlarning ham uchib ketishiga sababa bo'lishini fahmlashi. Bu jarayonni har qanday savollar asosida berilgan vazifalarda yecha olishi bu mantiqan o'ylash va fikrlashdir. Shunday topshiriqlardan yana bir nechtasini ko'rishimiz mumkin [8], [9], [10]:

1. Buvisi Soiraga ikki juft paypoq to'qib berdi. Soiraga buvisi nechta paypoq to'qigan?
2. Tovuqlar hovli atrofida yurishibdi. Ahmad sanasa barcha tovuqlarning oyog'ini 6 ekan. Hovlida qancha tovuq yuribdi?
3. Sardorda 2 juft qo'lqop bor. Chap qo'lda nechta qo'lqop bor?
4. Oilada to'rtta bola bor: aka-uka va opa-singillar. Oilada. nechta opa-singil bor?
5. Hovuzdan 2 marta 2 chelakdan suv olindi. Qancha chelak suv olindi?
6. Mushukchalar savatda o'tirishibdi. Barcha mushukchalarning 3 juft quloqlari bor. Savatda nechta mushukcha bor?
7. Suxrob 3 kubga, Sevara esa 2 kubga ega. Stolda 4 kubga mos keladigan quti bor. Bolalar bu qutiga barcha kuqlarini qo'ya oladimi?

Yuqoridagi fikrlarda kelib chiqib, mantiqiy fikrlashga oid ta'lim berilganda quyidagi natijalarga erishish mumkin:  
- o'quvchilarning fanlar bo'yicha bilimlari oshib boradi;  
- darslar samarali ham mazmunli, ham mantiqiy fikrlarga va ayniqsa hayotiy bo'ladi;  
- bir fandan boshqa fanlardagi bilimlarni qo'llash orqali taqqoslash, solishtirish va  
- tizimlashtirish xulosalash kabi ilmiy bilimlarni ham o'rganadi;  
- hamma narsaga nisbatan obyekti yondashishni o'rganadi;  
- mantiqiy masalalarni ko'proq yechish orqali dunyoqarashi kengayadi;  
- o'quvchilar mustaqil fikrlash bosqichiga o'tadi.

### Xulosa

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, o'quvchilarda mantiqiy fikrlash qobiliyati rivojlanishini hohlasak, o'quvchining oladigan bilimini real hayot bilan bog'lashimiz shart. Ta'lim jarayoniga qanchalik mantiqiy masalalarni kiritsak, bola bu holatga ko'p duch kelsa shunchalik bilimlari ham, dunyoqrashi ham ortib boraveradi. Darsliklarimizda bu kabi savollarning ko'payishi orqali maqsadimizga erishishimiz mumkin.

### Foydalilanigan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Matematika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni 4708-sonli 2020-yil 7-maydagi qarori.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022-2026-yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning Taraqqiyot Strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son.
3. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni, 23.09.2020 yildagi O'RQ-637сон.
4. Maylonova R., Vohidova N.va b. Boshlang'ich ta'lim pedagogikasi, innovatsiya va integratsiyasi. O'quv qo'llanma. – T.: —Fan va texnologiya. 2011. -314 b.
5. Hayitov A.I. Boshlang'ich ta'lim pedagogikasi, innovatsiya va integratsiyasi. Uslubiy qo'llanma. T.: —Zuhra Baraka Biznes, 2021. – 129 b.
6. Muslimov N.A., va boshqalar. – Pedagogik kompetentlik va kreativlik asoslari, 2015. 4-10 betlar.
7. Babkina, N.V. Yosh o'quvchilarining intellektini rivojlantirish uchun mantiqiy muammolar - M.: Maktab matbuoti, 2006. - 24 s.
8. Ulmasovna, D. M., & Jamshidovna, F. F. (2022). Boshlang'ich sinf o'quvchilarining ijodiy rivojlanishini innovatsion texnologiyalardan yuklash (1), - B. 155-159.
9. Ulmasovna, D. M., & Norxojayevna, D. M. (2022). Boshlangich sinflarda interfaol usullardan foydalanish dolzarbliji (oqish darsi misolida). zamonaviy ta'lim tizimidagi innovatsiyalar, 2(18), - B. 914-917.
10. Tursunova, M. (2021). Matematika va tabiatshunoslik fanidan kompleks darslarni tashkil etishning imkoniyatlari va pedagogik shartlari. Ruminia Hujayra Biologiyasi Jamiyatni yilnomalari, - B. 474-478.

### Muallif:

**Ummatkulova Sayyora Shovkatovna** – Guliston davlat universiteti Boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasи o'qituvchisi.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

UDK:494.375:371.3

### THE ROLE OF EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' COMPETENCIES

O'QUVCHILARDA KONPETENTSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA TA'LIM TEXNOLOGIYALARINING O'RNI

РОЛЬ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РАЗВИТИИ КОМПЕТЕНЦИЙ УЧЕНИКОВ

**Kenjayeva Muhayyo Abdumurodovna**

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti. 100183. Toshkent shahri, Chilonzor tumani Bunyodkor ko'chasi 27

**E-mail:** m-kenjayeva2020@gmail.com

**Abstract.** This article discusses the role of educational technologies in the development of basic and linguistic competencies in the native language of 6th grade students, the importance of their application, the use of acquaintance technology to help students realize their abilities, overcome barriers to communication, and improve text analysis and communication skills.

**Key words:** Basic and linguistic competence, dating technology, text analysis, communication skills, reader ability, friendliness and free thinking.

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada 6-sinf o'quvchilarda ona tili fanida tayanch va lingvistik konpetentsiyalarni rivojlantirishda ta'lism texnologiyalarning o'rni, qo'llanilish ahamiyati, tanishuv texnologiyasi natijasida o'quvchilarning qobiliyatlarini ro'yobga chiqarish, muloqot yuritishdagi to'siqlarni bartaraf etishga yordam berishi, hamda matnni tahlil qila olish va muomala qilish ko'nikmalarini takomillashtirish to'g'risida fikr yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** tayanch va lingvistik konpetentsiya, tanishuv texnologiyasi, matn tahlili, muomala qilish ko'nikmalar, o'quvchi qobiliyat, do'stona munosabat va erkin fikrlash.

**Аннотация.** В этой статье обсуждается роль образовательных технологий в развитии базовых и лингвистических компетенций на родном языке учащихся 6-х классов, важность их применения, использование технологии знакомств, чтобы помочь учащимся реализовать свои способности, преодолеть барьеры в общении, а также улучшить анализ текста и навыки общения.

**Ключевые слова:** базовая и лингвистическая компетенция, технология знакомств, анализ текста, навыки общения, умение читать, дружелюбие и свободное мышление.

**KIRISH.** Jahonning bir qancha ilg'or mamlakatlarida hamda O'zbekiston Respublikasi ilmiy markazlari va oliv ta'lism muassasalarida tayanch va lingvistik konpetentsiyaning inson muloqot amaliyoti va faoliyatidagi ahamiyati, tilni o'rganishda testlardan foydalanishga kommunikativ yondashuvlar va uni innovatsion pedagogik texnologiyalar yordamida shakllantirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Dunyo miqyosida ta'lism sifatini oshirish, modulli ta'limga tashkil qilish, zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalardan foydalangan holda o'qitishning ilg'or uslublarini joriy qilish orqali ta'limga axborotlashtirish sharoitida o'quvchilarda konpetentsiyalarni rivojlantirish metodikasining tizimi ishlab chiqilgan. Birlashgan Millatlar Tashkilotining ta'lism, fan va madaniyat masalalari bo'yicha "Ma'rifiy, ilmiy va madaniy mazmundagi materiallarni olib kirish" to'g'risidagi bitimida dunyo miqyosida o'quvchilarni o'qitish sifatiga nisbatan teng sharoitlar yaratish, ta'lism jarayoniga innovatsion pedagogik texnologiyalarni joriy etish dolzarb vazifa qilib qo'yilmoqda [1].

Respublikamiz ta'lism muassasalarida o'quvchi-yoshlarning erkin, mustaqil fikrlashi, atrofdagi voqelikka ongli munosabatda bo'lishi, dahldorlik va ijtimoiy faoliyikni yanada rivojlantirish borasida ta'limga sifat samaradorligini oshirishga ahamiyat berilmoqda. Bu esa shaxsnинг intellektual qirralarini shakllantirishda, uning ijtimoiy, siyosiy, madaniy, ma'rifiy hayotida faol va muvaffaqiyatlari ishtirokini ta'minlashga zamin yaratadi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi "Umumiyo o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'liming davlat ta'lism standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 187-sonli qarori ta'limga tarbiya sohasini zamon talablariga mos ravishda takomillashtirish, o'qitish sifati va samaradorligini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi [2].

#### **Tadqiqot ob'yekti va qo'llanilgan metodlar**

Ferdinand de Sossyur tilshunoslik fanining asosiy vazifasi til lingvistikasini o'rganishdir [3], deb ta'kidlaydi. U lingvistikani ichki va tashqi lingvistikaga ajratib, ularni bir-biriga qarama-qarshi qo'ydi, tilshunoslik fanining asosiy vazifasi ichki lingvistikani o'rganishi kerak deb hisobladi. Bu fan qadimdan yozuvni yaratish, o'qitish, boshqa tillarni tushunish kabi amaliy ehtiyojlarini qondirish uchun xizmat qilgan. Hozirda esa uning amaliy ahamiyati yanada ortib, ona tilini o'qitish, chet tillarni o'rgatish, tarjima qilish, o'qitishni dasturlash kabi masalalar ham bu fanning vazifalariga aylandi.

X.Q.Qurbanova "Ona tili ta'limi mazmunini yangilashning lingvometodik asoslari" mavzusidagi ilmiy ishida ona tilida ta'lism mazmunini yangilashda bir necha metodlardan foydalanishning ahamiyatini yoritishga harakat qilgan [4]. Ona tili darslarida o'quvchilarning ijodiy faoliyati qancha taraqqiy ettirilsa, ular o'z oldiga qo'yilgan aqliy vazifalarini shuncha qiynalmasdan bajaradilar. O'quvchi topshiriqlarni ishlash sirlarini o'rganib borgan sari, unda ijodiy fikr yuritish qobiliyat shakllanadi. Shuning uchun ona tili darslarida 6-sinflarda tayanch va lingvistik konpetentsiyalarni rivojlantirish o'quvchilarning chuqur bilim olishlariga imkoniyat yaratibgina qolmay, nazariy bilimlarni amaliyotda qo'llashga imkon

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

beradi. Shunday ekan, ona tili darsliklariga kiritilgan har bir mavzu va topshiriqlar, avvalo shu maqsadga qaratilgan bo‘lishi lozim.

O‘quvchilar egallagan bilim, ko‘nikma va malakalarini bevosita kundalik hayotida qo‘llashga o‘rgatadigan konpetentsiyaviy yondoshuvga asoslangan davlat ta’lim standarti ta’lim jarayoniga qo‘llanilmoqda. Konpetentsiyaviy ta’lim o‘quvchilarning ma’lum bilimlar yig‘indisini egallashnigina emas, balki shaxsni rivojlantirish, anglash va yaratish qobiliyatlarini o‘stirishni mo‘ljallaydi. Til ta’limini o‘zlashtirish jarayonida o‘quvchilarda shu fanning o‘ziga xosligi mazmunidan kelib chiqqan holda tayanch va har bir fanga doir konpetentsiyalarni egallashi belgilangan. Bu tayanch konpetentsiyalar quyidagilardan iborat:

**Kommunikativ konpetentsiya** - o‘quvchining ijtimoiy vaziyatlarda ona tilida hamda birorta xorijiy tilda muloqotga kirisha olishi, muomala madaniyatiga amal qilishi, moslashuvchan va hamkorlikda jamoada samarali ishlay olish layoqatiga ega bo‘lishini nazarda tutadi.

Axborotlar bilan ishslash konpetentsiyasi - darslik, o‘quv qo‘llanma va mediamanbalar (radio, televizor, internet va boshqalar)dan zarur ma’lumotlarni izlab topa olish, saralash, qayta ishslash, saqlash, ulardan samarali foydalana olish, media madaniyatga ega bo‘lish;

O‘zini o‘zi rivojlantirish konpetentsiyasi - doimiy ravishda o‘zini o‘zi mustaqil va ijodiy rivojlantirish, hayot davomida mustaqil o‘qib-o‘rganish, hayotiy tajribasini mustaqil ravishda muntazam oshirib borish, mustaqil qaror qabul qila olish;

Ijtimoiy faol fuqarolik konpetentsiya - sinfda, maktabda, oilada, mahallada va jamiyatda o‘tkaziladigan tadbirdarda faol ishtirok etish, o‘zining burchini bilish, unga rioya qilish;

Milliy va umummadaniy konpetentsiya - vatanga sadoqatli, insonlarga mehr-oqibatli hamda umuminsoniy va milliy qadriyatlarga e’tiqodli bo‘lish, badiiy va san‘at asarlarini tushunish, sog‘lom turmush tarziga amal qilish;

Matematik savodxonlik, fan va texnika yangiliklaridan xabardor bo‘lish hamda foydalanish konpetentsiyasi - aniq hisob-kitoblarga asoslangan holda shaxsiy, oilaviy, kasbiy va iqtisodiy rejalarini tuza olish, kundalik faoliyatda jadvalli ma’lumotlarni o‘qiy olishdan iborat.

Ona tili faniga tegishli bo‘lgan nutqiy va lingvistik konpetentsiyalar quyidagilar bo‘lib:

- o‘quvchilarni fikrlashga, o‘zgalar fikrini anglashga, o‘z fikrini og‘zaki va yozma shaklda savodli bayon qila olishga qaratilgan nutqiy konpetentsiyani rivojlantirish;

- o‘quvchilarda grammatikaga oid o‘zlashtiriladigan bilimlarni ( fonetika, leksikologiya, so‘zning tarkibi, so‘z yasalishi, morfologoysi, sintaksis, yozuv va imlo, tinish belgilari, nutq uslublari, stilistikaga oid tushunchalarni) rivojlantirish;

- ona tilining keng imkoniyatlaridan unumli foydalangan holda fikrini to‘g‘ri va ravon bayon eta olishni rivojlantirishga qaratilgan lingvistik konpetentsiyalarni rivojlantirishdan iborat.

Konpetentsiyaviy yondashuvga asoslangan ta’limning asosiy maqsadi - kirishuvchan, yuzaga kelgan muammoning uch-to‘rt xil yechimini topa oladigan ijodkor o‘quvchini tarbiyalashdir.

### Olingan natijalar va ularning tahsil

Bugungi kunda pedagogik texnologiyalar tadbiqiy asosini shaxsiy faoliyatli yondashuv, tanqidiy-ijodiy fikrash, muammolarni xal etish, qaror qabul qilish va jamoada hamkorlikni qaror toptirishga oid pedagogik texnologiyalarni ishlab chiqarish extiyojini yuzaga keltirmoqda.

O‘quv jarayonida ta’lim texnologiyalarining qo‘llanilishi o‘quvchilarni mustaqil, erkin fikrlashga, izlanishga, har bir masalaga ijodiy yondashish, mas‘uliyatni his etish, tahlil qilish, qo‘shimcha vositalardan unumli foydalanishga, eng asosiyi o‘qishga, fanga, o‘zi tanlagan kasbiga nisbatan qiziqishini kuchaytiradi, ta’limda samarali natijalarga erishiladi. Ta’lim texnologiyalari qo‘llanilgan mashg‘ulotlar o‘quvchilar egallayotgan axborotlarni izlab topishga, mustaqil o‘rganib tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o‘zları keltirib chiqarishlariga qaratiladi.

Ona tili ta’limi jarayonida o‘quvchilarda tayanch va fanga oid konpetentsiyalarni shakllantirishda “**Tanishuv**” texnologiyasini [5] namuna sifatida keltiramiz:

Texnologiyaning maqsadi:

• o‘quv jamoasi ishtirokchilarini tanishtirish, samimiy do‘stona munosabat va ijodiy muhitni yuzaga keltirish.

- o‘quvchilarning ijodiy imkoniyati va shaxsiy sifatlarini ochish.
- sinf xonada ishslash uchun qulay sharoitni vujudga keltirish.

Mashg‘ulotni o‘tkazish tartibi:

Mashg‘ulot boshida o‘qituvchi o‘quvchilarni kichik guruhlarga ajratadi. Har bir kichik guruhga yilning bir faslida tug‘ilgan o‘quvchilarni kiritadi va quyidagi topshiriqni beradi:

❖ o‘zingiz tug‘ilgan faslingizga xarakteristika bering (badiiy–musiqiy, sahnali, hazil – mutoyibali va hokazo ko‘rinishda);

❖ yilning shu faslida tug‘ilganlarning umumiy xarakteri hamda guruh qatnashchilarning o‘xshashliklari va o‘ziga xos tomonlari bilan tanishtiring;

- ❖ ushbu faslga tarif bering;

❖ boshqa fasldagi guruh qatnashchilariga bag‘ishlangan fikr yoki bag‘ishlov yarating va ijodiy tilaklar bildiring.

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

O‘qituvchi o‘quvchilarni taqdimot qoidalari bilan tanishtiradi. O‘quvchilar berilgan topshiriqni o‘z vaqtida bajarishi uchun tayyorlanishga vaqt ajratiladi va ular uchun sharoit yaratiladi. Guruhlar tayyorgarlikni boshlaydilar. Ushbu chiqish adabiy-musiqiy kompozitsiya shaklida ham tayyorlanishi mumkin. “Tanishuv” texnologiyasining birinchi bosqichi orqali o‘quvchilarda o‘zaro tanishish va do‘sma munosabatda bo‘lish ko‘nikmasi hosil bo‘ladi.

Ikkinci bosqichda guruhlar tayyorlagan ijodiy chiqishlarini namoyish etadilar. Bunda o‘quvchilar 6-sinf ona tili darsligida berilgan mashqlardagi matnlar bo‘yicha fikr mulohaza bildiradilar. Ular matnlarga sarlavha qo‘yib, har biriga izoh beradilar. Dastlab matn turlari: “Hikoya matni”, “Tasviriy matn” va “Muhokama matni” [6] bo‘yicha yozilgan matnlarni o‘qib tahlil qiladilar.

Birinchi guruh: Hikoya matni haqida

Ikkinci guruh: Tasviriy matn haqida

Uchinchi guruh: Muhokama matni haqida

1- guruh. Hikoya matni. ”Iftixor” [7].

”Nihoyat, Londondan Toshkentga uchadigan bo‘ldik. Havo kemasiga chiqishimiz bilan osoyishta va yoqimli ovoz yangradi: «Assalomu alaykum, xonimlar va janoblar! Sizlarni «O‘zbekiston havo yo‘llari» milliy aviakompaniyasi nomidan muborakbos etamiz!» Rostini aytasam, ko‘zimdan yosh chiqib ketdi. Bu so‘zlar mening tilimda, ona tilimda jarangladi! Vatanimdan minglab chaqirim narida, tag‘in yuzlab xorijiy yo‘lovchilar o‘tirgan kemada!.. Aqalli mana shu holatning o‘zi uchun Istiqolga ming bora ta’zim qilishga tayyorman!” (O‘tkir Hoshimov)

Birinchi guruh ishtirokchilari ”Iftixor” sarlavhasi bilan berilgan matn, nega aynan hikoya matnida bo‘lgani va qanday hikoya berilganining ta’rifini aytadi.

2- guruh. Tasviriy matn. ”Orol va daryo” [8].

“Orol o‘sha-o‘sha. Uzoqdan turib qarasang, ko‘z to‘ymaydi. Ilon kabi buralib oquvchi daryo shu yerga kelganda, ikkiga ajralgan, uch chaqirimdan so‘ng yana birlashadi. Qo‘shkokil yanglig‘ irmoq orasidagi orol esa yashnab turibdi. Na’matak, yovvoyi jiyda, baqaterak joy talashgandek ayqash-uyqash bo‘lib ketgan. Suvga egilib turgan jiyda barglari kumush kabi tovlanadi. Atrof sokinlik hukmida. Daryoning oqishi ham, oroldagi qalin daraxtzorning epkinda tebranishi ham ulug‘vor” (Tohir Malik)

Ikkinci guruh ishtirokchilari ”Orol va daryo” sarlavhali, tasviriy matnda nima berilgani va unda nimaning tasviri yoritilganini izohlaydi.

3- guruh. Muhokama matni. ”Navro‘z” [9].

Navro‘z o‘zbek xalqining shunday bir qadriyatiki, u millatning borligini, ulug‘ligini namoyon etadi. Navro‘z hech bir shubhasiz, xalqimiz bilan birga yashab, birga ulg‘ayib, taraqqiy topgan bayramdir. Xalq tarixi va madaniyatining ajralmas qismi bo‘lgan Navro‘z qanchalik ko‘hna ildizlarga ega bo‘lsa, ayni paytda shunchalik har yili biz bilan yonmayon yangilanib, qayta quvvatga kiradi. Ushbu bayramga munosabat xalqimizning o‘tmishi, buguni va kelajagiga munosabatning ramzi sifatida ham namoyon bo‘ladi (Sh.Turdimov. «Hikmatlar xazinasi» kitobidan)

Uchinchi guruh ishtirokchilari ”Navro‘z” sarlavhali matnda nimaning muhokamasini berilgani va matn nima haqida ekanligini izohlaydi.

Har bir chiqish tugagach, boshqa guruh qatnashchilari namoyish etilgan ijodiy ishni to‘ldirishlari va mavzuga doir savollar berishlari mumkin. Savollar matn bo‘yicha bo‘lib, ular quyidagicha:

1. Hikoya matni deb nimaga aytildi?

**Javob:** Hikoya matnida muayan predmet yoki voqeа-hodisalar haqida xabar beriladi, hikoya qilinadi.

2. Tasviriy matn deb nimaga aytildi?

**Javob:** Muayyan predmet yoki voqeа-hodisalar ta’riflangan, tafsiflangan matn tasviriy matn hisoblanadi. Tasviriy matn badiiy adabiyotda ko‘proq qo‘llanadi.

3. Muhokama matni deb nimaga aytildi?

**Javob:** Muayyan predmet yoki voqeа-hodisalar haqidagi fikr-mulohazalar bayon qilingan matn muhokama matn hisoblanadi. Muhokama matni darsliklar va ilmiy kitoblarda ko‘proq qo‘llanadi.

Oxirgi bosqichda o‘qituvchi mashg‘ulotga yakun yasar ekan, sinfxonaga quyidagi savollar bilan murojaat qilib, o‘quvchilarni ochiq muloqotga chaqiradi:

- Guruh ishtirokchilari, bir-birlaringiz haqida nimalarni bilib oldilaringiz?
- O‘quvchilarning muomala madaniyati qanday bo‘lishi kerak?
- Qaysi savollar va muammolar hal qilindi?
- Dars davomida matnning qanday turlarini tushunib oldik?
- Har biringiz o‘zingiz uchun qanday xulosa chiqardingiz?
- Demak biz, qandaymiz?

Berilgan savollarga o‘quvchilar o‘z fikr mulohazalarini bildiradi. Ushbu ochiq muloqot orqali har bir o‘quvchida erkin muloqotda bo‘lish va o‘zini o‘zi rivojlantirish konpetentsiyasi rivojlantiriladi.

#### XULOSA.

“Tanishuv” texnologiyasi natijasida o‘quvchilarning quyidagi qobiliyatlarini ro‘yogga chiqarish mumkin:

- o‘quvchilar bir-biri bilan do‘sma munosabatda bo‘ladi;
- muloqot yuritishdagi to‘silarni bartaraf etishga yordam beradi;
- matnni tahlil qila olish va muomala qilish ko‘nikmalari takomillashtiriladi.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Bunda o‘quvchini ta’lim tizimiga moslashtirmay, balki o‘quvchining individual xususiyatlarini hisobga olgan holda rivojlanishi uchun imkon beriladi. O‘quvchining o‘z-o‘zini rivojlantirish, mustaqil o‘qish, o‘zligini namoyon etish, faollashtirish xususiyatlari asosida anglash, mushohada qilish, o‘z amaliy faoliyatida sinab ko‘rish, yangi g‘oya va fikrlarni bildirish, mavjud muammolar yechimining samarali yo‘llarini qidirish uchun erkinlik berish, uning ijodiy, tanqidiy tafakkurini rivojlantirish uchun sharoit yaratiladi. Bunday vaziyatda har qanday o‘quvchi o‘ziga xos takrorlanmas tabiat, xarakter xususiyatini faollashtirishga, namoyish qilishga intiladi.

Shu sababli quyidagi amaliy taklifni bildirish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

1. Oltinchi sinfda “Tanishuv” texnologiyani dars jarayonida muntazam qo‘llash o‘quvchilarda o‘ziga bo‘lgan ishonch va mustaqil fikrashni oshiradi. Natijada o‘quvchilardagi qo‘rquv, ikkilanish holatiga barham beriladi.

2. Har bir o‘quvchining fikrini diqqat bilan tinglash hamda matnni tahlil qilishiga e’tiborni qaratish kerak.

Buning uchun o‘qituvchi tayyor elektron resurslar yordamida dars o‘tish bilan chegaralanmasdan balki, zamonaviy ta’lim texnologiyalar imkoniyatlardan samarali foydalanib fan va uning tarkibiga kiruvchi bilimlar mazmunini o‘quvchilarga yetkazish malakasiga ega shaxs sifatida faoliyat olib borishi lozim.

### ADABIYOTLAR:

1. YUNESKO xalqaro me’yoriy hujjatlari. // O‘zbekcha nashrining mas’ul muharriri L.Saidova. – T.: “Adolat”, 2004. – B. 19-62.
2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi “Umumiy o‘rtta ta’lim va o‘rtta maxsus, kasb-hunar ta’limining davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida” gi 187-son qarori.
3. Фердинанд де Соссюр. Курс общей лингвистики. Извлечения. Публикуется по книге: В.А.Звегинцев. История языкоznания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Часть1. - Москва: Издательство «Просвещение», 1960.- 240 с.
4. Qurbanova X. Ona tili ta’limi mazmunini yangilashning lingvometodik asoslari. Pedagogika fanlari bo‘yicha dissertasiysi. - Buxoro. 2005. -155 b.
5. Ishmuhamedov R.J., M.T.Mirsolieva “O‘quv jarayonida innovatsion ta’lim texnologiyalari”. – Toshkent: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2014. – 186 b.
6. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabieva D. Ona tili. 6-sinf uchun darslik. – T: “Tasvir”, 2017. – 230 b.
7. Hoshimov O“. Daftar hoshiyasidagi bitiklar”.-Toshkent: “Sharq” nashriyoti, 2015. – 160 b.
8. Malik T. “Davron” qissasi.”O‘z lib” elektron kutubxona, 2011. – 180 b.
9. Turdimov Sh.N. ”Navro‘z - ardoqli ayyom”, ”Hikmatlar xazinasи” to‘plami.-Toshkent: ”Adabiyot uchqunlari” nashriyoti, 2014. – 280 b.

### Muallif:

**Kenjayeva Muhayyo Abdumurodovna** - Nizomiy nomidagi TDPU, Boshlang‘ich ta’limda ona tili va uni o‘qitish metodikasi kafedrasini dotsent v\b, PhD.

УДК 372.881.111.1

### METHODS OF APPLYING DIDACTIC PRINCIPLES IN ENGLISH CLASSES

ИНГЛИЗ ТИЛИ МАШФУЛОТЛАРИДА ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСУЛЛАРИ  
МЕТОДЫ ПРИМЕНЕНИЯ ДИДАКТИЧЕСКИХ ПРИНЦИПОВ НА УРОКАХ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

**Норимова Гулжон Абдуганиевна**

Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 4-мавзе.

**E-mail: guljalon.uz@googlemail.com**

**Abstract.** The article is about the scientific and theoretical basis for the development of students' scientific competencies on the basis of streaming technologies, their scientifically substantiated proposals to improve them on the basis of modern requirements and the combination of quality and effectiveness of education. The organization of streaming technologies in English lessons is based primarily on the classical classified principles of didactics. In this case, the principles of education can be divided into two groups: content-related and organizational-methodological principles of education. Streaming technologies are about students who focus on the comprehensive formation and development of the individual by updating the content, principles, forms and methods of educational activities of students, ensuring their interaction and unity.

**Keywords:** paradigm, trend, strimming, technology, skill, competence,didactic principles.

**Аннотация.** В статье рассматриваются научно-теоретические основы развития научных компетенций студентов на основе потоковых технологий, их научно-обоснованные предложения по их совершенствованию на основе современных требований и сочетания качества и эффективности обучения. Организация потоковых технологий на уроках английского языка основана, прежде всего на классических классифицированных принципах дидактики. При этом принципы обучения можно разделить на две группы: содержательные и организационно-методологические принципы обучения. Струминговые технологии - это студенты,

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

ориентированные на всестороннее формирование и развитие личности путем обновления содержания, принципов, форм и методов образовательной деятельности студентов, обеспечения их взаимодействия и единства.

**Ключевые слова:** парадигма, тренд, стримминг, технология, умение, компетенция, дидактические принципы.

**КИРИШ.** Олий таълим муассасаларида тил ўрганиш жараёнида стриминг технологиялари Интернетдаги замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланган ҳолда масофадан ўқитиш пайтида аудиовизуал маълумотларни шахсий ракамли қурилма ва веб-камеранинг экранидан тайёрлаш, трансляция килиш ва саклашга кенг имконият яратади. Чет тилларни мукаммал эгаллаган рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва шу аснода уларнинг глобализация шароитларида ижтимоий-маданий соҳаларда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи таълим масканларида олиб борилмоқда. Мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун бугунги кунда ҳар соҳада бўлгани каби таълим тизимида, шу жумладан олий таълимдаги инглиз тили машғулотларида ахборот-коммуникация ва технологик инновациялар ривожида стриминг технологияларини кенг жорий этиш зарур талабга айланмоқда.

### Тадқиқот обьекти ва қўлланилган методлар

Интернет, шахсий ракамли қурилмалар ва тезкор маълумотларни узатиш технологияларининг жадал ривожланиши онлайн таълим курсларини, бакалавриат дастурлари учун ўкув модулларини ўқитишнинг янги услублари, шакллари ва технологияларини ишлаб чиқиш, оқимларни ўрганиш технологиялари оммалашиб бормоқда). Стрим (инглизчадан таржима қилинган. Стрим - оқим) - фойдаланувчи томонидан маълумотларни узатиш орқали олингандан ёки аудио кетма-кетлиги. Шунингдек, ушбу атама Интернет фойдаланувчилари томонидан видеохостингда жонли эфир учун жаргон номи сифатида ишлатилади. Шунга кўра, ўқитувчи янги педагогик инновацияларга очик бўлсагина, таълим жараёнига белгиланган инновацион гоялар мақсадли кириб бориши таъминланган бўлади. Шу жиҳатдан олганда, Стриминг технологиялари асосида талabalarda фанга оид компетенцияларни ривожлантириш **долзарб** масалалар сирасига киради ва у қуидагиларда ўз ифодасини топади:

ўқитиш технологияларни қўллаш ва улар асосида янги мазмундаги турли ахборот-коммуникацияларига асосланган методик қўлланмалар, дарсликлар, ишланмаларни, чет тиллар бўйича инновацион педагогик технологияларни яратиш;

жаҳон миёсида инновацион педагогика ва янги мазмундаги педагогик технологияларнинг кенг ривожланиби бораётганлиги, уларни педагогик амалиётга қўллашга нисбатан эътиборнинг кучайиши, инновацион педагогик тамойиллар замонавий педагогик илм тараққиётининг бош омилларидан бири бўлиб, кенг тарқалаётганлиги, бироқ миллӣ педагогик жараёнда инновацион педагогика тушунчасининг ҳар бир предмет ва уни ўқитиш хусусиятлари, шарт-шароитлари, мухити ва мақсадлари нуктаи назаридан педагогик мазмуни тўла акс этмаганлиги, миллӣ педагогикада инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш жараёнининг оқсаётганлиги, илфор педагогик технологияларни таклиф этиш жараёнини такомиллаштириш ва жадаллаштириш зарурлиги, мавзунинг назарий ва амалий жиҳатлари, шу жумладан олий таълим тизимида чет тилларни ўқитишнинг бугунги замонга мос педагогик андозаси, методологияси ва технологисини ишлаб чиқиш заруряти мавжудлиги; стриминг технологияларни ташкил қилувчи ва олиб борувчи сифатида ўқитувчи фаолияти инновацион характерга эга бўлган турли методик ишланмалар, технологиялар билан мақсадли куроллантириб борилаётганлиги, ўқитувчи фаолиятига нисбатан замонавий жамиятлар учун зарур энг ноёб бўлган захира бойлик, яъни “инсон капиталини” бунёд қилувчи асос сифатида қаралаётганлиги, бироқ айрим олий таълим муассасаларида ўқитувчи фаолиятини янги мазмунда ташкил қилишга етарлича эътибор берилмаётганлигидир. Шу жиҳатдан олганда, инглиз тилининг мамлакат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда ўзга мамлакатлар билан алоказага киришивудаги тутган ўрни, чет тилларни ўқитишида ахборот-коммуникация тизимлари, электрон ва мультимедиа дарсликларидан фойдаланиш долзарб вазифалар қаторидан ўрин эгаллайди.

1. Муаммо доирасидаги мавжуд илмий-педагогик, социологик, фалсафий манбаларни ўрганиш асосида назария ва амалиётдаги ҳолатини ўрганиш;

2. Стриминг (stream) технологиялари асосида талabalarning фанга оид компетенцияларини ривожлантириш мазмуни, шарт-шароитлари, шакллари, воситалари ва услубларини аниқлаш;

3. Стриминг технологиялари асосида талabalarning фанга оид компетенцияларини ривожлантириш ижтимоий заруряят эканлигини назарий-амалий жиҳатдан асослаш;

4. Стриминг технологиялари асосида талabalarning фанга оид компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилувчи, педагогик жараён самарадорлигини оширувчи илмий-методик тавсиялар тизимини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлик даражасини аниқлаш. Инглиз тили машғулотларида стриминг технологияларини ташкилқилишида авваламбор, дидактикадаги мумтоз классификацияланган тамойилларга таянилади [1].

### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Инсон ўзининг онги, иродаси, хис-туйғуси, билиш имкониятлари орқали маданий қадриятларни ўзлаштиради, бунинг натижасида индивидуал ижодийлик шаклланади. Бундай индивидуаллilikнинг намоён бўлишининг ўзиёқ нафақат маданиятнинг меросийлиги, истеъмол қилиниши, балки ривожланишини ҳам англатади. Бундай тушуниш педагогикадаги янги парадигма – шахсга йўналтирилган таълим асосини ташкил этувчи жамиятдаги янгича қадриятлар – шахснинг ўзини-ўзини ривожлантириши, ўзига-ўзига таълим бериш ва ўзини-ўзи лойиҳалашнинг намоён бўлишини акс эттирувчи маданият билан уйғунлик тамойилини шаклланишига олиб келади. Таълим соҳасида юқорида таъкидланган мақсад ва вазифалар англанилсада, унга етарлича амал

қилинмаяпти. Натижада, талабаларда әгалланиши лозим бўлган компетенцияларни стриминг технологиялари асосида ривожлантиришга сусткашлик билан ёндашилмоқда. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда таълимнинг илмийлик тамойили алоҳида эътиборни тортади. Бунда талабанинг ўқув материалидаги қонуниятларни акс эттириши, тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шарт-шароит яратиш мақсади учун зарур аҳамият касб этади. Бу тамойил таълим мазмунини замонавий фан ва техника ривожланиш даражаси, жаҳон цивилизацияси тўплаган тажрибага мос келишини ифодалайди. Бу тамойил таълим вактида ва ўқишидан ташқари вактда амалга ошириладиган таълим мазмуни талабаларни обектив илмий далиллар, ҳодисалар, қонунлар, замонавий ютуқлар ва ривожланиш истиқболларини очиб беришга яқинлаштириб, у ёки бу соҳанинг асосий назария ёки концепциялари билан таништиришга йўналтирилган бўлишини талаб этади.

Стриминг технологияларининг хусусияти, энг аввало, таълим мазмунида акс этади. Стриминг технологияларининг иккинчи омили ўқитувчи ва талабаларнинг муносабатлари, психологик мухит, ўқиши жараёни иштирокчиларнинг онлайн ва оффлайндаги ўзаро муносабатлари, талабаларнинг идрок этиш фаолиятларига ўқитувчининг раҳбарлиги ҳисобланади. Стриминг технологияларининг ривожлантирувчи вазифаси талаба нуткининг, фикрлаши, шахснинг сенсорли ва ҳаракатланиш соҳалари, эмоционал-иродавий, интеллектуал соҳаларини ривожлантиришда ўз аксини топади. Стриминг технологияларида талабани ақлий ривожлантириш, ақлий фаолият усувлари, анализ қилиш, таққослаш, таснифлаш, кузатиш, хулоса чиқариш, обектларнинг мухим белгиларини ажратса билиш, фаолият мақсади ва усувларини аниқлашни билишга ўргатиш, унинг натижаларини текшириш малакасини ривожлантиришга эришилади.

Инглиз тили машғулотларида талабаларнинг билишга қизиқиши мотив сифатида ривожланиши ўзига хос йўлга эга бўлиши мумкин. Масалан, айрим ўқув-ҳаракатлари таъсиричисидан то бутун фаолиятнинг устувор мотивигача. Ҳатто ўқишининг етакчи мотивларидан бирига айланиб, қизиқиши шахснинг маънавий бойишига кўмаклашувчи умумий йўналгандигининг аҳамиятили кисмига айланиши мумкин. Ҳар қандай мотив сингари билишга қизиқиши ажралган ҳолда ривожланмайди, унинг тикланиши бошқа мотивлар (ахлоқий, ижтимоий, ўқув ва ҳ.к.) билан бирга кечадики, қизиқиши улар билан бойииди ва уларга ижобий таъсир этади. Маълумки, ўқув жараёни модели ўзида уч таркибий қисмни акс эттиради: ўқитувчи фаолияти, талаба фаолияти ҳамда ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг жадал ўзаро фаолияти. Ўқитувчининг талабалар билан ўзаро ҳаракатини конструктив педагогика нұқтаи назаридан қатор белгиларига кўра тасниф этиш мумкин: йўналгандигига кўра (қайта алоқалар билан ёки қайта алоқаларсиз); ахборот жараёнининг турига кўра (ўзаро ҳаракатни ташкил этишда ахборот жараёнининг йўналгандик даражаси); бошқариш ва ахборотларни узатиш воситалари турига кўра. Стриминг технологиялари асосида талабалар билимларни ўзлаштириш жараёнинда турли даражадаги фаолликни намоён этишади. Ана шу сабабли, талабаларга билимларни суст равишида қабул қиласи каби нұқтаи назардан қараш тўғри бўлмайди. Кўп жиҳатдан талабанинг билиш фаоллиги ижодийлик даражасига қўтарилиши ёки қўтарилилмасдан қолиши ўқитувчига боғлиқ. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда таълимнинг фундаменталлиги ва амалий йўналгандиги тамойилининг аҳамияти шундаки, талабалар чукур назарий ва амалий тайёрликдан ўтадилар. Мазкур ҳолат анъанавий дидактикада таълимнинг хаёт билан, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги тамойили сифатида ифода этилади.

Ўқишида фундаменталлик билимларнинг илмийлиги, тўлиқ ва чукур бўлишини кўзда тутади. У юксак интеллектуал салоҳият, фикрлаш лаёқатининг тадқиқчиллик кўринишда бўлиши, билимларни доимий равишида тўлдириб бориши истаги ва малакаларини талаб этувчи замонавий илмий-техник тараққиётга асосланганлик билан тавсифланади. Фундаментал билимлар аниқ билимларга қараганда секин эскиради, шунингдек, инсон ва хотирасида эмас, кўпроқ унинг фикрлаш лаёқатига боғлиқ бўлади. Таълимнинг фундаменталлиги билимлар мазмунининг мунтазамлиги, назарий ва амалий жиҳатдан ўзаро нисбатда бўлишини талаб этади. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда таълим ва тарбиянинг уйғулиги тамойили яхлит педагогик жараёнда таълим ва тарбиянинг бирлиги қонуниятларига таянади. Бу тамойил таълим жараёнинда баркамол ривожланган шахсни шакллантириши кўзда тутади [2].

Таълим жараёнинда тарбиялашнинг самарали кечиши шахснинг интеллектуал ривожланиши, биринчи навбатда, талабаларнинг қизиқишилари, идрок этиш ҳамда индивидуал қобилиятларининг хисобга олиниши билан боғлиқ. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш уларнинг келгусидаги фаолияти билан боғлиқ босқичларни амалга оширишга йўналтирилади: нутқ турлари бўйича касбий соҳада чет тилини амалий әгаллаш; талабани ижодий шахс сифатида ривожлантириш; соҳа бўйича адабиётларни таржима қилиш малака ва қўнікмаларини ривожлантириш.

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш учун уларнинг тинглаб тушунишлари мухим аҳамият касб этади: касбга йўналтирилган аутентик материалларни бир марта эшитиб асосий мазмунини тушуниш ва зарур ахборотни олиш; кундалик воқеалар ҳакида янгиликлар, репортажларни тушуниш, фильм қаҳрамонлари нуткини тушуниш. Шунингдек, гапириш: тил соҳиблари билан эркин мулоқотда бўлиш ва касбий мавзулара ўз фикр ва маслаҳат берниш; сухбатни бошлаш ва тугатишни билиш, сухбатдошига таклиф ва маслаҳат берниш, саволларига жавоб берниш, ахборот алмашиш, мухокама қилинаётган далилларни аниқлаштириш, ўқиган ёки эшитганларини мухокама қилиш; инглиз тилидаги матннинг асосий мазмунини ифодаловчи лексик ва синтактик курилмаларга асосланниб гапириб берниш; ассоциатив тафаккурга асосланниб мулоҳаза, танқид, баҳолаш далиллар билан исботлаш орқали ўз нуткини тузиш; риторик

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

характерга эга диалог нутқ малакаларини такомиллаштириш; касбий мулоқотлар, конференция, симпозиум, учрашув ва мунозараларда қатнашиш учун нутқ фаолияти, кўнкма ва малакаларини такомиллаштириш.

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш учун инглиз тили машгулотларида кўйидаги йўналишдаги ишларни амалга ошириш мумкин: долзарб муаммо юзасида барча “Тарафдор” ва “Қарши” далилларни келтирган ҳолда ўз фиқрини баён қилиш; инглиз тилида тинглаган ва ўқиган матн мазмунини гапириш; мазмунга баҳо бериш; мавзулар бўйича ахборот бериш ва х.к.

“Изчиллик таълим жараёнининг маълум тизим ва кетма-кетлик асосида бўлишини назарда тутади, зеро, мураккаб масалаларни оддий масалаларни ўрганмай туриб ҳал этиб бўлмайди”. Демак, тизимлилик ва кетма-кетлик инглиз тилидан у ёки бу ўқув материалини ўзлаштириш суръати, унинг элементлари ўртасидаги ўзаро мослигини таҳлил қилишга имкон беради. Таълимнинг тизимлилиги ва кетма-кетлиги талабанинг инглиз тили бўйича билим, кўнкма ва малакаларини шакллантириш, борлиқни яхлит идрок этиш ўртасидаги қарама-каршиликни ҳал этишга имкон беради. Ушбу ҳолатлар биринчи навбатда дастур ва дарслкларни муайян тизимда яратиш, фанларро ҳамда фанлар ичидаги боғлиқликни таъминлаш эвазига намоён бўлади [3].

Стриминг технологияларини кўллашда талабалар учун визуал тафаккур айниқса муҳимдир. Таълим жараённида ахборот унинг таркибий қисми хисобланади. Талабалар таълим жараённида ахборотларни қабул қиласидилар ва ўз онгларида қайта ишлайдилар. Уни ўзлаштириш натижасида талабалар муайян ўқув ҳамда ижтимоий харакатларни амалга оширадилар. Бугунги кунда мустакил билим олиш ва ўз фаолиятини ташкил этиш назарияси доирасида очиқ характердаги номунтазам воситалар ёрдамида ахборотларни ўзлаштириш ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиш механизмлари яратилган. Улардан таълим жараённида самарали фойдаланиш имкониятлари мавжуд. АКТ воситасида ташкил этилган педагогик жараён нафақат оддий, балки мураккаб дидактик вазиятлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласи.

“Талабаларнинг психик хусусиятлари, шахсий ривожланганлик даражаси, маънавий-ахлоқий сифатлари, ижтимоий етуклигини баҳолай олишни назарда тутади. Агарда кўйилаётган талаблар ёки таълимнинг ташкилий тузилиши талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштиришларида ортда қолса ёки илгарилаб кетса, ўқув фаолиятининг самараси пасаяди. Индивидуал ёндашиш талабаларнинг мураккаб ички дунёсини ўрганиш, юзага келган муносабатлар тизимини таҳлил қилиш ва шахс шаклланиши содир бўладиган кўп турдаги шароитларни аниқлашни талаб этади” [4]. Инглиз тилини ўқитишида Стриминг технологияларидан фойдаланиш муҳим ўрин эгаллайди. Бунда таълимдаги билим кўнкма ва малакаларни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш тамоили мухим дидактик талаб ва қондадарни, яъни талабалар томонидан тизимли ва онгли ўзлаштирилган илмий билимларни мустаҳкам, визуал эсда сақлаб қолиш ҳамда ўзлаштирилган илмий билимларни ўз турмуш фаолиятларида қўлай олиш малакалари билан куроллантиришни назарда тутади. Замонавий шароитда фан ва техника ривожи таълим ва унинг натижаларига кўйиладиган талабларни тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда ва ана шу асосдан келиб чиқсан ҳолда таълим мазмунини модернизациялашни даврнинг ўзи педагогларнинг олдига мухим вазифа қилиб кўймоқда. Инглиз тили машгулотларида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш учун мўлжалланган АКТ воситалари ўқитувчи томонидан ўқитишининг янги шакллари, методлари ва усууларини тақдим этиш асосида такомиллаштирилади. Бундай воситалар сирасига табақалаштирилган ишлар учун мўлжалланган электрон таълимий топшириқлар(ЭТТ), мантиқий характердаги электрон машқлар (МХЭМ), талабаларни атроф-муҳит билан таништиришга бағишлиланган саволлар ва электрон топшириқлар, баҳолаш, ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилиш характеридаги электрон топшириқлар ҳамда туркум машқларни киритиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал.

#### Талабаларда инглиз тилини ўзлаштиришга ўқитишилган стриминг технологияларидаги воситалар

№	Стриминг технологияларидаги восита турлари	Кутиладиган натижа
1	Электрон таълимий топшириқлар(ЭТТ)	Инглиз тилидаги нутқ нормаларини пухта ўзлаштириш
2	Аудиовизуал характердаги электрон машқлар (МХЭМ)	Аудиовизуал топшириқларни англаш, қарорлар қабул қилиш лаёкатининг шакллантирилиши
3	Атроф-муҳит билан таништиришга мўлжалланган электрон топшириқлар	Инглиз тили ўқув фани мазмунига таянган ҳолда ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш
4	Назорат қилиш характеридаги электрон топшириқлар	Эгалланган билим, кўнкма, малакалар, компетенцияларни аниқлаш
5	Электрон таълимий тренажёрлар	Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш

Таълимнинг чукурлиги ва мустаҳкамлиги талаби дидактикада анъанавий хисобланади ва у юзакиликка қарама-карши кўйилади. Чукур, мустаҳкам билимнинг асосий белгиси энг фундаментал гоялар, қоидалар, тушунча, категорияларни тушуниш, чукур ўзлаштириш, ўрганилаётган материаллар мазмунини пухта англашдан иборат.

Таълимнинг тушунарлилиги тамоили талабаларнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олиш, тил нормаларини ўзлаштиришларига салбий таъсир этувчи интеллектуал ва эмоционал қийинчиликлардан воз kechiшни талаб этади. Таълимнинг тушунарли бўлиши талабаларнинг ёши, билиш имкониятларини ҳисобга олиб

ўқишининг мазмунини тўғри аниқлаш демақдир. Бу тамойил ўқув жараёнининг талабаларда қийинчиликларни енгиш истагини ҳосил қилувчи ва шахсий муваффақиятларининг натижаларидан қувониш туйгусини юзага келтиришга йўналтирилганлигини ифодалайди. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билив фаолиятини ривожлантиришда талабаларнинг эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг аниқ белгиланган ҳажми ва кўлами мухимдир.

Стриминг технологиялари мазмуни такомиллашиб бориш тавсифига эга бўлиб, уни аниқловчи асосий омилларга қўйидагиларни киритиш мумкин: 1) жамиятда фан, техника ва маданиятнинг ривожланганлик даражаси; 2) жамият томонидан қўйиладиган ижтимоий буюртма; 3) таълимнинг мақсад ва вазифалари; 4) инновацион ривожланиш даражаси; 5) ахборотларнинг ҳажми ва кўлами; 6) талабаларнинг интеллектуал жиҳатдан ривожланганлик, дунёкараш кўламининг хусусиятлари [4].

Айrim ҳолатларда олий таълимда ташкил этилаётган ўқув-тарбия жараёнининг моҳияти талабаларнинг эҳтиёжлари ва қобилиятларини ривожлантириш эмас, балки ўқув фанлари бўйича асосан билимларни ахборот-вербал тарзда етказиш, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат бўлиб қолмоқда. Бундай репродуктив тарзда ўзлаштирилган маълумотлар талабанинг амалий фаолият тажрибасини ривожлантиришга етарлича имкон бермайди. Оқибатда талабаларда жуда кўп ахборотларнинг бехуда жамғарилаётганлиги, таълимнинг самараси паст бўлиши ва унинг реал воқеликка мос келмаслиги каби тафовутлар кўзга ташланмоқда. Аниқроги, талаба реал ҳаётдан узоқлашиб колгандек, унинг олдига фақат илгаридан тўпланган ахборотларнинг ўзлаштириш максади қўйилгандек туюлади. Таълимнинг мақсадини бундай тарзда белгилаш талабанинг фаоллигини чеклаб қўяди, оқибатда унинг ҳам шахсий, ҳам ижтимоий жиҳатдан англанган маъноси ўйқолади. Бундай муаммоли вазиятдан чиқишининг ягона йўли олий таълимда янгича, яъни компетент ёндашувни жорий этишдир. Шундай қилиб, инглиз тили машғулотларини стриминг технологиялари асосида ташкил қилишда талабаларнинг ўқув-билив фаолиятини ривожлантириш технологияларини такомилластириш тақоза этилмоқда. Бу эса, ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги ва бунда компетент ёндашув олий таълимни модернизациялаш нуқтаи назаридан амалий фаолият тажрибаси, компетенция ва компетентликни дидактик бирликлар сифатида кўриб чиқиши ҳамда таълимнинг анъанавий уч элементи (триада) – «Билим – Кўникма – Малака»ни олтита бирлик (сикстет) – «Билим – Кўникма – Малака – Амалий фаолият тажрибаси – Компетенция – Компетентлик» тарзида таҳлил этилишини талаб этади. Винглиз тилида тақдим қилинаётган материалнинг мазмуни унинг ҳажми, характеристи, у ёки бу гурух талабаларининг инглиз тилини ўзлаштирганлик даражасига, умумий тайёргарлигига лойик бўлиши лозим [5].

**ХУЛОСА.** Жаҳонда чет тили ўқитиши технологияларини такомилластириш, талабаларнинг ижтимоий-лингвистик билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини ривожлантириш, тил ўрганиш малакаларини узлуксиз оширишининг назарий асосларини ривожлантиришга доир илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилишига қарамасдан, талабаларнинг ўқув-билив фаолиятини, нутқий кўникмаларини ривожлантиришнинг янги моделларини жорий қилиш, шунингдек, уларнинг етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун муаммоли таълим воситасида эгалланган билим ва кўникмаларини тизимлаштиришга оид илмий тадқиқотлар олиб боришга эҳтиёж мавжуд.

Илмий манбалар, тадқиқотлар ва ишланмалар таҳлили мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшлар томонидан чет тилларни, хусусан, давлатлараро маданият воситаси бўлган инглиз тилини пухта эгаллаган, етук мутахассисларни етишириш масаласига катта эътибор қаратилиши, бу масаланинг давлат аҳамиятига молик вазифалар сирасига киритилиши ҳар жиҳатдан ўқитувчи ва педагог олимлар томонидан янги инновацион технологиялар нуқтаи назаридан жаҳон тажрибасини ўрганиш, уни танқидий асосда амалиётга татбиқ қилиш мухимлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, инглиз тилининг мамлакат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда ўзга мамлакатлар билан алоқага киришивудаги тутган ўрни, чет тилларни ўқитишида ахборот-коммуникация тизимлари, электрон ва мультимедиа дарслкларини яратиш вазифаларини амалга ошириш тақозо этилаётганлиги талабаларда инглиз тилини ўзлаштиришда Стриминг технологиялари асосида уларнинг ўқув-билив фаолиятини ривожлантириш заруратини келтириб чиқаради ва долзарб вазифалар қаторидан ўрин эгаллайди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Авганов С.С. Профессиональная подготовка будущего учителя иностранных языков на основе применения компьютерных технологий для общеобразовательных школ. - Душанбе, 2010. - 48 с.
2. Мукимова Н.Н. Педагогические условия развития языковой культуры студентов неязыковых факультетов вузов. - Душанбе, 2010. - 188 с.
3. Эмомов И.Б. Воспитание гражданственности на уроках иностранного (английского) языка в общеобразовательной школе. - Душанбе, 2010. - 169 с.
4. Ланина И.В. Формирование познавательных интересов учащихся на уроках физики. - М. 1997. - 180 с.
5. Покатилова Г.Н. Формирование интереса к общественно-политическим. -М. 1998. - 144 с.

#### Муаллиф:

**Норимова Гулжакон Абдуганиевна** - Гулистон давлат университети, Халқаро бўлим бошлиғи, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

Шавкиева Дилфуз Шакарбоевна

Гулистан давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистан шаҳри, 4-мавзе.

E-mail: [guljahon.uz@googlemail.com](mailto:guljahon.uz@googlemail.com)

**Abstract.** This article is about the emotional activity of learning English, the ability to learn the language, the level of development of competencies, the development of teaching and methodological guidelines, recommendations for their application in the learning process, the analysis of their effectiveness. The step-by-step logical structure of the English text is called a logical algorithm. The logical algorithm serves as a basic guide in achieving the goal in the study of teaching material in English, that is, in understanding the content of the material. At the same time, the text structure itself is considered an algorithm. So, today, raising the quality of higher education to a higher level, as well as increasing its effectiveness, depends in all respects on the mastery of English language teaching materials by students.

**Keywords:** clothing, technology, style, equipment, resource, digital technology.

**Аннотация.** Данная статья посвящена эмоциональной активности изучения английского языка, способности изучать язык, уровню развития компетенций, разработке учебно-методических указаний, рекомендациям по их применению в процессе обучения, анализу их эффективности. Пошаговая логическая структура английского текста называется логическим алгоритмом. Логический алгоритм служит основным ориентиром в достижении цели при изучении учебного материала на английском языке, то есть в понимании содержания материала. При этом сама структура текста считается алгоритмом. Итак, сегодня повышение качества высшего образования, а также его эффективность во многом зависит от усвоения студентами учебных материалов по английскому языку.

**Ключевые слова:** одежда, технологии, стиль, оборудование, ресурс, цифровые технологии.

**Кириш.** Олий таълим жараённида рақамли технологиялар шароитида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш бугунги куннинг энг долзарб, илмий қизиқиши ўйготадиган, ҳам хорижий элларда, ҳам мамлакатимизнинг ўзида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган кўп тармокли соҳаларидан бири саналади. Маълумки, бугунги кунда дунёда таълим тизими субъектлари фаолиятини диагностика килиш ва квалиметрик ўлчаш бўйича таълим соҳасидаги ўзгаришларни ҳалқаро баҳолаш TALIS, CIVIC, ICCS (International CIVIC and Citizenship Education Study) каби дастурлар асосида АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Хитой, Сингапур, Жанубий Корея каби дунёнинг ривожланган мамлакатларида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундай ижтимоий долзарблик касб этувчи педагогик ҳодиса таълим соҳасини модернизациялаш, инновацион ва ахборот технологияларини татбиқ этиш, ҳамда улар асосида ривожлантириш тенденцияларига мувофиқ такомиллаштиришга, ўқитишнинг глобал стратегияларини татбиқ этишга ижобий таъсир ўтказмоқда.

#### Тадқиқот обьекти ва қўлланилган методлар

Рақамли технологиялар шароитида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш учун дастурий воситалар: Moodle, Wordpress, PHP, Turbo Site, Bandicam, Audisity, Movavi Video, Editor Plus, AutoPley, Media Studio 8, Macromedia Flashдан электрон ахборот ресурсларини яратиш ва таълим сифатини ошириш жараённида самарали методик манба сифатида фойдаланиш мумкин.

#### Олингандаги натижалар ва уларнинг таҳлили

Мамлакатимизда инновацион технологияларни ривожлантириш, уларни барча фаолият соҳаларига жорий этиш, ёш авлодда улар билан ишлаш қўнималарини ҳосил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу аснода, таълим жараёнининг ҳар бир босқичида инновацион педагогик фаолият мавжуд бўлсагина, ёш авлод тафаккурида инновацион фаолиятга интилишни шакллантириш мумкин бўлади. Замонавий таълим ва тарбия жараёни - ўқитувчи шахсининг инновацион мақсадга йўналтирилганлиги, ўз фаолиятини ташкил қилишнинг инновацион шакл, усул, восита ва методларини эгаллаганлиги, таълим мазмунига мос равищда инновацион педагогик фаолиятини ташкил қила олишини тақозо этади. Шу жихатдан олганда, чет тилларини ўқитиш фаолиятини ҳар томонлама жадаллаштириш ва ривожлантириш мақсадини амалга ошириш юзасидан мамлакатимизда кенг кўламда ишлар олиб борилишида ўз аксини топмоқда.

Педагогика олий таълим муассасаларида ўкув фанларини сифатли ўқитиш, таълим жараённига инновацион ва ахборот технологияларни татбиқ этиш, интеграциялаш имкониятларидан фойдаланиш орқали таҳсил олувчиликнинг интеллектуал салоҳияти, креатив қобилиятларини ўрганиш, таҳлил қилиш, компетенциявий ёндашув асосида касбий соҳаларга йўналтирадиган замонавий методик таъминотнинг сифатини ўрганиш эҳтиёжи сезилмоқда. Шу боис, мутахассисларни замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талаблари, инновацион таълим мухитига, ўқитишнинг янги стратегияларига мослаштириш, доимий янгиланиб, ўзгариб, такомиллашиб бораётган

таълимий ахборот инфраструктураси базасининг касбий фаолиятга алоқадор параметларини эгаллаш учун ахборотлашган хизматни қўйидагича тизим доирасида яратиш ва амалиётга татбиқ этиши зарурати мавжуд [1]:

- яратилган ўқув-услубий таъминотни машгулотларга ўз вактида етиб боришини таъминлаш;
- маърузачи ўқитувчиларнинг маҳоратини узлуксиз такомиллаштириб бориш;
- фанин ўқитишига доир янги метод ва технологияларни оператив татбиқ этиш;
- курсларда таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш;
- талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини доимий мониторингини олиб бориш;
- талабалар ва магистрантларнинг билимини жорий, оралиқ ва якуний назоратини ахборот хизмати асосида мониторингини ташкил этиш.

Олий таълим жараёнида рақамли технологиилар шароитида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш қўйидаги педагогик вазифалар амалга оширилганда самарали кечади [2]:

- Олий таълим муассасаларининг таълим мазмуни такомиллаштирилиб, янги сифат босқичи тўлиқ таъминланганида;
- талабаларининг тил ўрганиш соҳасидаги индивидуал-психологик хусусиятлари, мушоҳада килиш даражаси, уларнинг тафаккур ва мотивацион доираси атрофича ўрганилиб чиқилганда;
- олий таълим учун вариатив инглиз тилини ўқитиши тизимини таъминлайдиган методик мажмуалар яратилганда;
- талабаларнинг инглиз тилидаги ўқув материалини тезкор ўзлаштиришлари учун маҳсус дастур, дарсликлар ва ўқув режалари такомиллаштирилганда;
- талабаларнинг интеллектуал ривожланишлари ва ўз қобилиятлари, мойилликларига мувофиқ ўқув материалларининг тақдимоти оптималь даражада тақдим қилинганда ва х.к.

Таълим жараёнида ўқув фаолияти ўзгариб, етакчи фаолият сифатида ўқитишининг тури сифатида гавдаланади, ўқув фаолияти эса у томонидан бошқарилади, кейинчалик таълим олувчилар ривожланишининг етарлича юқори поғонасида фаолиятнинг икки элементи орасидаги муносабат ўзгаради. Ўқитишининг кўпгина элементлари ўқув фаолияти билан бирлашиб кетади ва барчаси таълим олувчиларга узатилади, натижада мустақил таълим олиш юзага келади.

Рақамли технологиилар асосида талабаларга инглиз тилини ўргатишни моделлаштириш қўйидаги босқичларда амалга оширилади [3]:

- 1 - босқич:** Билиш – ўрганилган материалларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш учун ахборот базасида маълумотларни тўплаш;
Birinchi qadam. Olingan ma’lumotlarni tajriba sinovning rejalashtirilgan modeli bilan taqsimlash va taqqoslash, ular o‘rtasidagi yozishmalarni aniqlashtirish. Yordamchi sxemalarni tuzish: maqsadlar, vazifalar, farazlar - ularni amalga oshirish proqnozi; obyektlarning dastlabki holati, oraliq va yakuniy holatlari to‘g‘risidagi ma’lumotlar; rejalashtirilgan qayta ishlash dasturlari - ular uchun materiallarning mavjudligi; qo‘sishma ma’lumotlar (ta’sirlar, shartlar bo‘yicha). Mavjud materialni maqsad va vazifalar bilan solishtirganda baholash, uni keyingi qayta ishlashga tayyorlash.

Ikkinci qadam. Berilgan dasturlar bo‘yicha birlamchi axborotni qayta ishlash: tasniflash, guruhlash, sifatli ma’lumotlarni miqdoriy ma’lumotlarga aylantirish, obyektlarning statistik xususiyatlarini hisoblash yo‘li bilan ikkilamchi ma’lumotlarni olish.

Uchinchi qadam. Olingan ikkilamchi ma’lumotlarni turli shakllarda (jadvallar, diagrammalar, grafiklar) taqdim etish. Ularning mumkin bo‘lgan talqinini muhokama qilish.

To‘rtinchi qadam. Mavjud ma’lumotlar o‘rtasida sabab-oqibat munosabatlarini o‘rnatish. Natijalarda topilgan o‘xshashlik va farqlarning ishonchlilagini aniqlash.

Beshinchi qadam. Taklif etilgan farazlarning to‘g‘riligini aniqlash. Xulosalarni shakllantirish, ular orasidan alohida va umumiyl, fan va amaliyotda ma’lum bo‘lganlarga nisbatan yangi va faqat aniqlaydiganlar ma’lumni to‘ldiradi. Tajriba sinovning maqsad va vazifalarining bajarilishini tahlil qilish (hal qilinmagan masalalar alohida ajratib ko‘rsatiladi, keyingi tadqiqotlar uchun muammolar shakllantiriladi).

Oltinchi qadam. Tajriba sinov bo‘yicha hisobot tuzish va yozish, amaliyotga tatbiq etish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqish.

**Xulosa.** Yuqorida ko‘rib chiqilgan boshqichlarda amalga oshirilgan tajriba-sinov ishlari taqiqotchining tartibli ishlashini, tatqiqot natijalarining to‘rgi tashkil etilishini ta’minlaydi.

#### Foydalilanigan adabiyotlar ro‘yhati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi PF-6079-son “«Raqamli O‘zbekiston — 2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni //Lex.uz
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Oliy ta’lim muassasalari rahbar va pedagog kadrlarining uzluksiz malakasini oshirish tizimini joriy etish to‘g‘risida» 2019-yil 27-avgustdagi PF-5789-son Farmoni //Lex.uz
3. Mamarajabov M.E. Pedagogik tadqiqotlarda tajriba-sinov ishlarni tashkil etish va o‘tkazish texnologiyalari (Monografiya)–T.: “Bookmany print”, 2022. 128 bet.

#### Muallif:

**Mamarajabov Mirsalim Elmirzayevich** – TDPU, “Matematika va ta’limda axborot texnologiyalari” kafedrasi mudiri, p.f.d.(DSc).

UDK:894.375:371.3

### DEVELOPMENT OF PARTICULAR FEATURES OF LITERAL SPEECH COMPETENCE OF THE 8TH GRADE STUDENTS

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ РЕЧЕВЕВОЙ КОМПЕТЕНЦИИ У УЧАЩИХСЯ 8-КЛАССА

8-SINF O‘QUVCHILARIDA NUTQIY KONPETENTSIYANI RIVOJLANTIRISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

#### Meyliqulova Manzura

Surxondaryo viloyati Maktabgacha va maktab ta’limi boshqarmasi.190100. Surxondaryo v., Termiz sh., At-Termiziy ko‘chasi, 10.

E-mail: m-meyliqulova2022@gmail.com

**Abstract.** This article covers the issues of the development of students' speech competence in the 8th grade literature education, communication with students within the framework of topics, teaching students to think creatively about the work, speech development activities, especially students' interpretation of artistic works. It is said that they give great importance to reading and telling stories. Competencies that are developed in students in the field of literature are

literary-speech competencies, that is, the formation of skills such as listening comprehension, oral expression of thoughts, reading, and written expression of thoughts is the main task of the teacher of mother tongue and literature.

**Key words:** literature textbook, methods, speech competence, creative influence, communication.

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada 8-sinf adabiyot ta’limida o‘quvchilarning nutqiy konpetentsiyasini rivojlantirishda mavzular doirasida o‘quvchilar bilan muloqot qilish, asar haqida o‘quvchilarni kreativ fikrashga o‘rgatish, nutq o‘stirish mashg‘ulotlarida, ayniqsa, o‘quvchilarning badiiy asarlarni o‘qib, hikoya qilib berishlariga katta ahamiyat berish xususida so‘z yuritiladi. Adabiyot fanida o‘quvchilarda rivojlantiriladigan konpetentsiyalar bu adabiy-nutqiy konpetentsiyalar, ya’ni tinglab tushunish, fikrni og‘zaki bayon qilish, o‘qish, fikrni yozma bayon qilish kabi ko‘nikmalarini shakllantirish ona tili va adabiyoti fani o‘qituvchisining asosiy vazifasidir.

**Kalit so‘zlar:** adabiyot darsligi, metodlar, nutqiy konpetentsiya, ijodiy ta’sirlanish, muloqot.

**Аннотация.** Данная статья освещает проблему развития речевой литературной компетенции учащихся 8 класса, общение с учащимися в рамках темы, обучение учащихся творческому мышлению над произведением, деятельность по развитию речи, особенности интерпретации учащимися художественных произведений. сказали, что они придают большое значение чтению и рассказыванию историй. Компетенции, которые вырабатываются у учащихся в области литературы, - это литературно-речевые компетенции, то есть формирование таких умений, как аудирование, устное выражение мыслей, чтение, письменное выражение мыслей, является основной задачей педагога матери. язык и литература.

**Ключевые слова:** учебник литературы, методика, речевая компетенция, творческое воздействие, общение.

**Kirish.** Adabiyot fanida o‘quvchilarda rivojlantiriladigan konpetentsiyalar bu adabiy-nutqiy konpetentsiyalar, ya’ni tinglab tushunish, fikrni og‘zaki bayon qilish, o‘qish, fikrni yozma bayon qilish kabi ko‘nikmalarini shakllantirish ona tili va adabiyoti fani o‘qituvchisining asosiy vazifasi bo‘lishi shart va zarur. O‘quvchi umumta’lim maktabini tamomlagandan so‘ng, ijtimoiy vaziyatning har qanday holatida o‘z fikrini omma, jamoa oldida, o‘z suhbatdoshiga bemalol fikrini aytib, ta’sir o‘tkaza olish imkoniyati bo‘lsagina, o‘ziga va suhbatdoshiga nisbatan ishonch paydo qilishi mumkin. Yangi milliy o‘quv dasturining yaratilishiga bo‘lgan ehtiyojning vazifasi ham, maqsadi ham aslida ana shu. O‘quvchida og‘zaki nutqni shakllantirishda adabiyot fanining naqadar o‘rni katta va beqiyos. Adabiyot darslarida o‘quvchilarning og‘zaki nutqi shakllanib boraveradi. Chunki, adabiyot nafis nutq san’at turlaridan biri hisoblanadi. O‘quvhiga so‘z orqali ta’sir namoyondasi uni adabiy nutqiy konpetentsiyasi, layoqatini yuzaga chiqarish orqali vujudga keladi. So‘z bilan og‘zaki ta’sir o‘tkazish o‘qituvchining madaniy saviyasida o‘quvchi muloqotida muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki, insonning aql-zakovati, fikr-tuyg‘ulari, bilimi va madaniyat saviyasi, tafakkuri ma’lum darajada so‘zda ifoda etiladi. So‘z bilan og‘zaki ta’sir o‘tkazishni amalda o‘z pedagogik faoliyatida qo‘llovchi o‘qituvchi o‘z hissiyotlarini, ijodiy ta’sirlanishni boshqarish ko‘nikmalariga ega bo‘lishi kerak. Hozirgi davrda o‘qituvchi faoliyatida uchraydigan kommunikativ munosabatlarda so‘z bilan og‘zaki ta’sir etish niyoyatda xilma-xil bo‘lib, bevosita pedagogik ta’sir ko‘rsatishning nisbatan mustaqil ko‘rinishini o‘zida mujassamlashtiradi.

#### Tadqiqot ob’ekti va qo’llanilgan metodlar

8-sinf adabiyot darslarida o‘quvchilarning og‘zaki nutqini o‘stirish, ularda adabiy-nutqiy konpetentsiyani rivojlantirish uchun yangi pedagogik texnologiya usullaridan foydalangan holda darsni tashkil etish kerak bo‘ladi. Nutq o‘stirish mashg‘ulotlarida, ayniqsa, o‘quvchilarning badiiy asarlarni o‘qib, hikoya qilib berishlariga katta ahamiyat beriladi. Badiiy asarlarni qayta hikoya qilib berishga o‘rgatish va ularni sahnalaştirish, she’rni yod oldirish o‘qituvchidan katta mahorat va mas’uliyat talab qiladi. Asar mazmuni qanchalik yorqin ifodalangan bo‘lsa, unda ishtirot etuvchilarning nutqi o‘quvchilarga mazmunli yetkazilsa, u o‘quvchini hayajonlantiradi, asar qahramonlari bilan bo‘ladigan voqealarning uzoq esda saqlanishiga, o‘quvchi nutqining grammatik jihatdan to‘g‘ri shakllanib borishiga ijobjiy ta’sir ko‘rsatadi.

#### Olingan natijalar va ularning taholib

O‘quvchilarning og‘zaki nutqini rivojlantirishda interfaol metodlarning bir nechta turlaridan foydalanish maqsadga muvofiq. Pedagoglarga ma’lumki, “Mening fikrim” metodi o‘quvchining mashg‘ulotlar jarayonidagi faolliklarini ta’minalash, ularni erkin fikr yuritishga rag‘batlantirish hamda bir xil fikrashga inersiyasidan ozod etish, muayyan mavzu yuzasidan rang-barang g‘oyalarni to‘plash, shuningdek, ijodiy vazifalarni hal etish jarayonining dastlabki bosqichida paydo bo‘lgan fikrlarni yengishga o‘rgatish uchun xizmat qiladi. Bu uslubning asosiy tamoyili erkin muloqot-munozara jarayonida berilgan mavzu asosida yangi novatorlik fikrlar g‘oyalar to‘planadi. Aytilgan g‘oya, fikrlar muhokama ham, tanqid ham qilinmaydi. Munozara erkin va o‘zaro samimiy munosabat holatida o‘tkaziladi. To‘plangan g‘oya, fikrlar asosida mavzu bo‘yicha umumiy fikr shakllantiriladi. Aytilgan g‘oya, fikrlarning sifati va ular asosida tuzilgan umumiy g‘oya, fikrlarning qay darajada muhimligi, muammo yoki mavzu bilan tanish bo‘lgan mutaxassis tomonidan baholanadi. “Mening fikrim” usuli – biror muammo bo‘yicha o‘quvchilar tomonidan bildirilgan erkin fikr va mulohazalarni to‘plab, ularorqali ma’lum bir echimga kelinadigan usuldir. “Mening fikrim” usulining yozma va og‘zaki shakllari mavjud. Og‘zaki shaklida o‘qituvchi tomonidan berilgan savolga o‘quvchilarning har biri o‘z fikrini og‘zaki bildiradi. O‘quvchilar o‘z javoblarini aniq va qisqa tarzda bayon etadilar. Yozma shaklida esa berilgan savolga o‘quvchilar o‘z javoblarini qog‘oz kartochkalarga qisqa va barchaga ko‘rinarli tarzda yozadilar. Javoblar doskaga (magnitlar yordamida) mahkamlanadi. “Mening fikrim” usulining yozma shaklida javoblarni ma’lum belgilarni bo‘yicha guruhlab chiqish imkoniyati mavjuddir. Ushbu usul to‘g‘ri va ijobjiy qo‘llanilganda shaxsni erkin, ijodiy va nostandard fikrashga o‘rgatadi. “Mening fikrim” usulidan foydalilaniganda o‘quvchilarning barchasini jaib etish imkoniyati bo‘ladi. Shu jumladan,

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

o‘quvchilarda muloqot qilish va munozara olib borish madaniyati shakllanadi. O‘quvchilarda o‘z fikrini faqat og‘zaki emas, balki yozma ravishda bayon etish mahorati, mantiqiy va tizimli fikr yuritish ko‘nikmasi rivojlanadi. Bildirilgan fikrlar baholanmasligi o‘quvchilarda turli g‘oyalar shakllanishiga olib keladi. Bu usul o‘quvchilarining ijodiy tafakkurini va o‘quvchilarining nutqiy konpetentsiyasini rivojlantirish uchun xizmat qiladi.

“Mening fikrim” usulini qo‘llashdagi asosiy qoidalar:

1. Bildirilgan fikr-g‘oyalar muhokama qilinmaydi va baholanmaydi.
2. Bildirilgan har qanday fikr-g‘oyalar, ular hatto to‘g‘ri bo‘lmasa ham inobatga olinadi.

3. Har bir ta’lim oluvchi qatnashishi shart. Muammoli savol beriladi. Fikr va g‘oyalar eshitiladi va jamlab boriladi.

Fikr va g‘oyalar guruhanladi. Aniq va to‘g‘ri javob tanlab olinadi. “Mening fikrim” usulining bosqichlari quyidagilardan iborat:

- a) O‘quvchilarga savol tashlanadi va ularga shu savol bo‘yicha o‘z javoblarini (fikr, g‘oya va mulohaza) bildirishlari so‘raladi;
- b) O‘quvchilar savol bo‘yicha o‘z fikr-mulohazalarini bildirishadi;
- v) O‘quvchilarining fikr-g‘oyalari to‘planadi;
- g) Fikr-g‘oyalar ma‘lum belgilari bo‘yicha guruhlanadi;
- d) Yuqorida qo‘ylgan savolga aniq va to‘g‘ri javob tanlab olinadi. Masalan, 8-sinf adabiyot darsligida berilgan Ozod Sharafiddinovning “O‘lsam ayrilmasman quchoqlaringdan” maqolasi mavzusini o‘tishda ham bu metoddan samarali foydalanish asosida o‘quvchilarining yangi mavzu yuzasidan fikrlarini umumlashtirish mumkin. O‘qituvchi mavzuni tushuntirib bo‘lganidan so‘ng, ushbu parchani o‘quvchilarga o‘qitadi. Maqolada muallif, “Adibning eski jo‘vadagi ko‘rimsiz, torgina, kichik zalda eshitgan Uyg‘un qalamiga mansub,

Vatan – ona so‘zi naqadar laziz,

Sensan har narsadan mo‘tabar aziz,

Hikmatingni saqlar har bir o‘g‘il-qiz,

Muqaddas, mo‘tabar, ulug‘ Vatanim, she’ri so‘ngida

O‘lsam ayrilmasman, quchoqlaringdan deydi. Ushbu she’r haqida, hayajon bilan quyidagicha; “...she’r misralari ayniqsa, har bir band oxirida takrorlanayotgan “O‘lsam ayrilmasman quchoqlaringdan” degan ibora go‘yo yuragimda tug‘ilib, ichimdan jo‘shib chiqayotgandek, uchta oddiy so‘zdan tarkib topgan bu otashin xitob she’r emas, butun umr amal qiladigan tantanavor qasamday jaranglardи. Keyin chindan shunday bo‘ldi....” –deb yozgan. Quyidagi matnni o‘qituvchining o‘zi o‘qib beradi. Matn: “Jahon keng, dunyoda mamlakatlar ko‘p. Lekin bu olamda betakror ona yurtimiz, O‘zbekistonimiz yakka-yu yagona. Bu go‘zal yurt, bu muqaddas zamin faqat bizga atalgan. Mana shu ulug‘ tuyg‘u har birimizning hayotimiz mazmuniga aylanishini istardim. Biz shunday ma‘naviy muhit yaratishimiz kerakki, yurtimizning har bir burchagida, barcha shahar va qishloqlarimiz qiyofasida Vatandan faxrlanish hissi ko‘zimizni, qalbimizni yashnatib tursin.

Savol: Xo‘s, muallif nega “O‘lsam ayrilmasman quchoqlaringdan” degan, sizning fikringizcha quchog‘i nima ekan? O‘quvchilar ikki matn bilan tanishib bo‘lgach, yaxshigina tortishib fikrlashadilar, bir vaqtning o‘zida maqola matni bilan birga unga bog‘liq yurtimiz sarhadlari, buyuk qadamjolari haqida o‘quvchilarini mavzu ichiga chuqurroq olib kirishni nazarda tutadi. Bu usulining tanlanishidan maqsad shuki, o‘quvchilar orasida do‘stona muhitni vujudga keltirish, ona Vatanni sevish va uning tuprog‘ini e‘zozlash, tabiatga va atrofimizdagi har bir mayjudotga nisbatan mehr tuyg‘ularini uyg‘otishdan va o‘quvchilarini mustaqil fikrlashga o‘rgatishdan iboratdir.

8-sinf adabiyot darsligidagi Maqsud Shayxzodaning “Jaloliddin Manguberdi” tarixiy fojeasi. Asar drama janrida bo‘lib, yozuvchi asarda o‘z yurtining ozodligi va mustaqilligi uchun mo‘g‘ul bosqinchilariga qarshi kurashgan Xorazmshohining jangovar jasoratini tarixan aniq va haqqoniy tasvirladi. O‘quvchi asarni o‘qir ekan, o‘quvchi ko‘z o‘ngida jangovar tarix gavdalaniib qolmay, asarni har bir so‘zidan shijoat oladi. Asar o‘quvchilar bilan sahnalashtirilib o‘qilganda yozuvchining har bir so‘zni o‘z o‘rnida qo‘llagani, ijobiylar va salbiy qahramonlarga xos xarakter so‘zlar orqali ifodalanganligini o‘quvchi tez ilg‘ab oladi.

“Muloqot” texnologiyasi o‘quvchilarining dars jarayonida mustaqil fikrlashiga, o‘z fikrlarini bayon etishga hamda ularda bahslashish, og‘zaki muloqot madaniyatini tarbiyalashga qaratilgan bo‘lib, odatda bunday mashg‘ulot o‘quvchilarini kichik guruhlarga ajratgan holda o‘tkaziladi. Texnologiyaning maqsadi tanlangan mavzu, muammo asosida o‘quvchilarining fikrlarini hamda ushbu mavzuga bo‘lgan munosabatlari aniqlash, mustaqil holda fikrlash va xulosa chiqarishlariga yordam berish, erkin holda bahslashishlariga sharoit yaratish, muloqotga kirishish va muloqot qila olishga o‘rgatishdan iborat. Bu texnologiyada o‘quvchilar kichik guruhlarga bo‘linadi. O‘qituvchi tomonidan Jaloliddin Manguberdiga xos sifatlar, Jaloliddin Manguberdi otasining harakatlari, singlisining qahramonliklari, asar qahramoni haqida yaratilgan Jaloliddin Manguberdi nomi bilan bog‘liq bo‘lgan ma‘lumotlar haqida nimani bilasiz mazmunida guruhlarga savol tashlaydi. Guruhlar o‘z fikrlarini qisqacha qilib vatman qog‘ozlarga yozib boraveradi. Kichik guruhlar o‘rtasida asosiy mavzu va uning yo‘nalishlari bo‘yicha muloqot boshlanadi.

Savol: Jaloliddin Manguberdi kim?

Jaloliddin Manguberdining jasorati?

Jaloliddin Manguberdi otasining harakatlari? Siz uni oqlaysizmi?

Jaloliddin Manguberdi haqida yana qanday asarlar yaratildi? va h...

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

O‘quvchilar yuqorida savollarga javoblar yozib boraveradi. Har bir guruhdagi o‘quvchilar o‘zlariga berilgan savollar asosida kerakli misollar, faktlar, o‘z fikrlarini tasdiqlovchi materiallar va boshqalarni yozadilar. Guruh ichidan bir kishini himoyaga tayinlaydi. Guruhlar ishlarini tamomlagach o‘qituvchi himoya uchun so‘z beradi. Guruh a’zosi himoyani yakunlagach, guruhning boshqa a’zolari tomonidan ma’lumotlar to‘ldirilishi mumkin. Xuddi shu tarzda guruhlar muloqot olib boradi. Har ikkala kichik guruhning himoyasi vaqtida o‘qituvchi iloji boricha ularga xalaqit bermaslikka, o‘z fikr-mulohazasini bildirmaslikka, savol bermaslikka harakat qiladi. Hech qaysi guruhga yon bosmagan holda muloqotni boshqaradi. Aynan shu mavzuda “Bahslashuv” texnologiyasini qo‘llash ham maqsadga muvofiq bo‘ladi. Bu kabi metodlarni dars davomida qo‘llash o‘quvchini erkin fikrleshgaga, o‘z fikrini mustaqil ayta olishga, ularning nutqiy konpetentsiyasini rivojlantirishga xizmat qiladi.

**Xulosa.** O‘quvchiga shu mavzuga mos ravishda tanlangan metod orqali yetkazilgan har qanday asarni, janridan qat’iy nazar, u asarni tinglab tushunishi, uni qayta so‘zlab berishi, asar qahramonlarini va qahramonlarning vaziyatlarini tahlil qila olishi, fikrlarini yozma bayon qila olishi kerak.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. 8-sinf adabiyot darsligi. Ikkinci nashri S.Olim, S.Ahmedov, R.Qo‘chqorov. – Toshkent: G‘.G‘ulom nomidagi nashriyot matbaa ijodiy uyi. 2010. 14-22 betlar.
2. Asadov Y.M. va boshq.O‘quvchilarda konpetentsiyalarining shakllanganligini tashxislash va korreksiyalash metodikalari-T.: Qori Niyoziy nomidagi O‘zbekiston pedagogika fanlari ilmiy-tadqiqot instituti bosmaxonasi.2016.– 158 b
3. Mavlonova K.M. Ona tili fanini adabiyot fani bilan badiiy matn orqali integratsiyalab o‘qitish metodikasini takomillashtirish. – T.: 2019.- 156 b.
4. Turdiyev N.Sh., Asadov Y.M., Akbarova S.N., Temirov D.Sh. Umumiyo‘ta ta’lim tizimida o‘quvchilarning konpetentsiyalarini shakllantirishga yo‘naltirilgan ta’lim texnologiyalari. T.:Qori Niyoziy nomli O‘zPFITI, 2015. – 192 b.

#### Muallif:

**Meyliqulova Manzura** - Surxondaryo viloyati Angor tumani Maktabgacha va maktab ta’limi bo‘limi ona tili va adabiyoti fani uslubchisi.

УДК 37.015.3

### PEDAGOGICAL DESIGN OF OPEN EDUCATIONAL RESOURCES IN PREPARING STUDENTS FOR PROFESSIONAL ACTIVITIES

ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА ОЧИҚ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ЛОЙИХАЛАШТИРИШ

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ПРОЕКТИРОВАНИЕ ОТКРЫТЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ В ПОДГОТОВКЕ СТУДЕНТОВ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

#### Маматов Дилмурад Нармуратович

Тошкент шаҳридаги Янги аср университети, 100097. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 8-даха, Сўгалли ота, 5  
E-mail: matatovdil@gmail.com

**Abstract.** The article describes the issues of pedagogical design of open educational resources in preparing students for professional activities. Open educational resources are freely available, openly licensed texts, media, and other digital assets useful for teaching, learning and assessment, and research purposes. The term open educational resources describes the use, remixing, improvement, and redistribution of publicly available content and resources under certain licenses for any user. The development and promotion of open educational resources is often motivated by the desire to provide an alternative or advanced educational paradigm.

**Keywords:** Open educational resources, free access, professional activity, design, resource, content.

**Аннотация.** Мақолада талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда очиқ таълим ресурсларини педагогик лойиҳалаш масалалари баён қилинган. Очиқ таълим ресурслари эркин фойдаланиш мумкин бўлган, очиқ лицензияга эга матнлар, оммавий ахборот воситалари, таълим, ўрганиш ва баҳолаш хамда тадқиқот мақсадларида фойдали бўлган бошқа рақамли активлардир. Очиқ таълим ресурслари атамаси ҳар қандай фойдаланувчи учун маълум лицензиялар бўйича оммавий фойдаланиш мумкин бўлган таркиб ва ресурслардан фойдаланиш, қайta аралаштириш, такомиллаштириш ва қайta тақсимлашни тавсифлайди. Очиқ таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш кўпинча муқобил ёки илгор таълим парадигмасини тақдим этиш истагидан келиб чиқади.

**Калит сўзлар:** Очиқ таълим ресурслари, эркин фойдаланиш, касбий фаолият, лойиҳалаштириш, ресурс, контент.

**Аннотация.** В статье рассмотрены вопросы педагогического проектирования открытых образовательных ресурсов при подготовке студентов к профессиональной деятельности. Открытые образовательные ресурсы — это свободно доступные тексты, медиа и другие цифровые активы с открытой лицензией, полезные для преподавания, обучения и оценки, а также для исследовательских целей. Термин «открытые образовательные ресурсы» описывает использование, изменение, улучшение и повторное распространение общедоступного контента и

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

ресурсов по определенным лицензиям для любого пользователя. Разработка и продвижение открытых образовательных ресурсов часто мотивированы желанием предоставить альтернативную или передовую образовательную парадигму.

**Ключевые слова:** открытые образовательные ресурсы, свободный доступ, профессиональная деятельность, дизайн, ресурс, контент.

**Кириш.** “Очиқ таълим ресурслари” атамаси биринчи марта 2002 йилда ЮНЕСКОнинг Ривожланаётган мамлакатларда олий таълим учун очик ўқув дастурларининг таъсири форумида қабул қилингандан[1]. 2005 йилда Очик таълим ресурслари Таълим тадқиқотлари ва инновациялар маркази “очик таълим ресурслари”га нисбатан ташаббуснинг кўлами ва кўламини уларнинг мақсади, мазмуни ва молиялаштириш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва хариталаш учун 20 ойлик тадқиқотни бошлади [2]. 2007 йил май ойида чоп этилган “Билимларни бепул бериш: Очик таълим ресурсларининг пайдо бўлиши” хисоботи 2006 йилда бир нечта эксперт учрашувларини ўз ичига олган лойиҳанинг асосий натижасидир.

### Тадқиқот обьекти ва қўлланилган методлар

Очиқ таълим ресурслари (OTP) эркин фойдаланиш мумкин, очик лицензияга эга матнлар, оммавий ахборот воситалари ва таълим, ўрганиш ва баҳолаш ҳамда тадқиқот мақсадларида фойдали бўлган бошқа рақамли активлардир. OTP атамаси ҳар қандай фойдаланувчи учун маълум лицензиялар бўйича оммавий фойдаланиш мумкин бўлган таркиб ва ресурслардан фойдаланиш, қайта аралаштириш, такомиллаштириш ва қайта тақсимлашни тавсифлайди. Очик таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш кўпинча муқобил ёки илгор таълим парадигмасини тақдим этиш истагидан келиб чиқади. Тадқиқот мавзусини ёритишида таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, комплекс ва функционал таҳлил методларидан фойдаланилди.

### Олингандан натижалар ва уларнинг таҳлили

Очиқ таълим ресурси (OTP) ғояси бир нечта ишчи таърифларга эга. Бу атама биринчи марта ЮНЕСКОнинг 2002 йилда очик ўқув дастурлари бўйича форумида киритилган ва “жамоат мулкида бўлган ёки очик лицензия асосида чиқарилган ҳар қандай, рақамли ёки бошқа воситадаги ўқитиши, ўрганиш ва тадқиқот материалларига ишора қиласди. Фойдаланиш, мослаштириш ва бошқа шахслар томонидан ҳеч қандай чекловларсиз ёки чекланган чекловларсиз қайта тақсимлашга рухсат бериш. Очик лицензиялаш тегишли халқаро конвенциялар томонидан белгиланган ва асар муаллифлигини хурмат қиласидан интеллектуал мулк ҳуқуқларининг мавжуд доирасида яратилади [3]. OTPлар жамоат мулки бўлган ёки интеллектуал мулк лицензияси остида чиқарилган ўқитиши, ўрганиш ва тадқиқот ресурслари бўлиб, улардан бошқалар томонидан бепул фойдаланиш ва қайта фойдаланиш имконини беради. Очик таълим ресурслари тўлиқ курслар, курс материаллари, модуллар, дарсликлар, оқимли видеолар, тестлар, дастурий таъминот ва билимга киришни кўллаб-қувватлаш учун фойдаланиладиган бошқа воситалар, материаллар ёки усувларни ўз ичига олади.

Xewlett Foundation ўз илмий таърифини янгилади: “Очиқ таълим ресурслари - бу ҳар қандай воситада - рақамли ёки бошқа шаклда - жамоат мулки бўлган ёки очик лицензия остида чиқарилган, бошқаларга бепул киришга рухсат берувчи, Фойдаланиш, созлаш ва қайта тақсимлашга рухсат берувчи ўқитиши, ўрганиш ва тадқиқот материаллари. Янги таърифда OTP ҳам рақамли, ҳам рақамли бўлмаган ресурсларни ўз ичига олиши мумкинligини аниқ таъкидлайди. Бундан ташқари, у OTPнинг 5P фаолиятидан илҳомланган OTP рухсат берадиган турли хил фойдаланишларни санаб ўтади. OTP лар билан ишлашда 5P фаолияти рухсатлари (Европа иттифоқи стратегияси) Devid Uwayli томонидан таклиф қилингандан жумладан [4]:



1-расм. OTP лар билан ишлашда 5P фаолияти рухсатлари

Сақлаш - контентни нусхалаш, эгалик қилиш ва бошқариш ҳуқуқи (масалан, юклаб олиш, тақорлаш, сақлаш ва бошқариш)

Қайта фойдаланиш - материалдан ҳар томонлама фойдаланиш ҳуқуқи (масалан, синфда, ўқув гурухида, веб-сайтда, видеода)

Ўзгартириш - Контентни мослаштириш, созлаш, ўзгартириш ёки ўзгартириш ҳуқуқи (масалан, Контентни бошқа тилга таржима қилиш)

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Ремикс - янги нарса яратиш учун оригинал ёки ўзгартирилган материални бошқа материал билан бирлаштириш ҳуқуқи (масалан, материални машупга киритиши)

Қайта тарқатиш - асл материалнинг нусхаларини, таҳирларингиз ёки ремиксларингизни бошқалар билан бўлиши ҳуқуқи (масалан, материалнинг нусхасини дўстингизга бериш).

OTP фойдаланувчиларига очик лицензиядан фойдаланиш орқали рухсат этилган ушбу 5Р фаолиятининг ҳар қандай тури билан шуғулланишга рухсат берилади.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Таракқиёт Ташкилоти "OTP" ўкув материалларига киритилган ракамли материаллар ўқитувчилар, талабаларнинг ўзлари учун ўқитиши, ўрганиш ва тадқиқот учун фойдаланиш ва қайта фойдаланиш учун бепул ва очик тақдим этиладиган дастурий таъминот: OTPни воситалар сифатида белгилайди, контентни ишлаб чиқиши, фойдаланиш ва тарқатиш ва очик лицензиялар каби амалга ошириш ресурслари".

Таққослаш учун, Таълим Ҳамдустлиги "очик таълим ресурсларини (OTP) "эркин ва очик фойдаланиш ва мослашиш"" деб таърифлайди, ўқитиши, ўрганиш учун материал, ишлаб чиқиши ва тадқиқот OTP назарда тутган "фойдаланиш, қайта ишлатиш, мослаштириш ва алмашиш" учун бепул бўлган таълим ресурсларини (дарс режалари, тестлар, курслар, ўкув модуллари, симуляциялар ва ҳ.к.) кашф этади.

Юқоридаги таърифлар OTP билан боғлиқ баъзи кескинликларни таъкидлайди:

Ресурс табиати: Юқоридаги таърифларнинг кўпчилиги OTP таърифини ракамли ресурслар билан чеклайди, бошқалари эса таърифга ҳар қандай таълим ресурсини киритиш мумкин деб ҳисоблайди.

Ресурс манбаи: Баъзи таърифлар манба аниқ таълим мақсадига эга бўлишини талаб қиласа, бошқалари уни ўрганиш учун ишлатилиши мумкин бўлган ҳар қандай манбани ўз ичига олиши учун кенгайтиради.

Очиқлик даражаси: Кўпгина таърифлар ресурс жамоат мулки ёки тўлиқ очик лицензия остида жойлаштирилишини талаб қиласи. Бошқалар эса, тижорат мақсадларида фойдаланишдан ташқари, факат таълим мақсадларида бепул фойдаланишни талаб қиласи.



2-расм. Очик таълим ресурсларига қўйиладиган чекловлар

Ушбу таърифлар ҳам умумий элементларга эга, яъни уларнинг барчаси:

- ресурслардан фойдаланиш ва қайта фойдаланиш, қайта фойдаланиш ва ўзгартиришни қамраб олади;
- ўқитувчилар ва талабалар томонидан таълим мақсадларида бепул фойдаланишни ўз ичига олади;
- ракамли оммавий ахборот воситаларининг барча турларини ўз ичига олади.

Очиқ таълим ресурсларининг фойдаланувчилари, яратувчилари ва хомийлари хилма-хиллигини ҳисобга олсан, турли хил фойдаланиш ҳолатлари ва эҳтиёжларини топиш ажабланарли эмас. Шу сабабли, очик таълим ресурслари тавсифлари орасидаги фарқни кўриб чиқиши тавсифларнинг ўзини кўриб чиқиши каби фойдали бўлиши мумкин. OTPнинг консенсус баёнотига эришишдаги кўплаб стресслардан бири (юқоридаги таърифларда топилганидек) бу аниқ технологияларга аниқ ургу бериш керакми ёки йўқми. Масалан, видео очик лицензияга эга бўлиши ва видео оқимсиз эркин ишлатилиши мумкин. Китоб очик ва электрон шаклда лицензияланиши мумкин. Ушбу технологик таранглик очик кодли лицензиялаш нутки билан чуқур боғланган.

Шунингдек, OTPдан фойдаланиш микдорини баҳолашда қиймат топадиган субъектлар ва бундай кўрсаткичларни бепул ва очик ресурслар учун аҳамияТажриба синов ишлариз деб ҳисоблайдиганлар ўртасида кескинлик мавжуд. OTP билан боғлиқ кўрсаткичларга муҳтоҷ бўлганлар кўпинча электрон OTPларга кириш ёки таъминлаш учун зарур бўлган технологияларга иқтисодий инвестициялари бўлган, иқтисодий манфаатлари OTPлар томонидан потенциал хавф остида бўлган, ёки инфратузилма ёки киришни талаб қиласидиганлардир. Контентнинг ўзидан ўкув материалига кириш ва жойлаштириш учун фойдаланиладиган технологияларни аниқлашда семантик фарқ қилиш мумкин бўлса-да, бу технологиялар одатда очик таълим ресурслари тўпламининг бир қисми сифатида қабул қилинади [1].

Таълим ресурслари OTP бўлиши учун улар очик лицензияга эга бўлиши керак. Интернетда тақдим этилган кўплаб таълим ресурслари ракамли ўкув материалига онлайн кириш имконини бериш учун мўлжалланган, аммо контентнинг ўзи чекланган тарзда тақдим этилади. Шундай килиб, улар OTP эмас. Кўпгина ўқитувчилар халқаро даражадан қатти назар, ўз юрисдикцияларида муваллифлик ҳуқуқи қонунлари билан таниш эмас. Халқаро ҳуқук ва деярли барча мамлакатларнинг миллий қонунчилиги ва, албатта, Бутунжоҳон интеллектуал мулк

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

ташкилотига Kreativ Commons лицензияси ОТР учун халқаро миқёсда қўлланиладиган энг кенг тарқалган лицензия тизимиdir[4].

Афзалликлари ва камчиликлари:

ОТРдан фойдаланишнинг афзалликлари қўйидагилардан иборат:

- ўрганиш учун кенгайтирилган кириш - исталган вақтда исталган жойда фойдаланиш мумкин;
- курс материалини ўзгартириш қобилияти - курсга тегишли мавзулар билан чекланиши мумкин;
- курс мазмунини яхшилаш - дарслар, тасвирлар ва видеолар турли хил ўрганиш усувларини қўллаб-куватлаш учун ишлатилиши мумкин;
- маълумотни тез тарқатиш - дарсликларни нашр қилишдан кўра тезроқ онлайн режимда ўтказиш мумкин;
- талабалар учун харажатларни тежаш - Барча ўқишилар онлайн мавжуд бўлиб, талабалар кунлик харажатларини тежайди;

ОТР дан фойдаланишнинг камчиликлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

-сифат/ишончлилик билан боғлик муаммолар - Баъзи онлайн контент исталган вақтда ҳар ким томонидан таҳрирланиши мумкин, бу эса тажриба синов ишларисиз ёки нотўғри маълумотларга олиб келади;

-муаллифлик ҳуқуқи активларини ҳимоя қилишни чеклаш - ОТР лицензиясини ўзгартириш "Барча ҳуқуқлар ҳимояланган". "Маълум ҳуқуқлар ҳимояланган.", бўлимида, шунинг учун контент яратувчилари тақдим этаётган контентга эҳтиёт бўлишлари учун;

-технология муаммолари - Баъзи талабалар Интернетга уланишнинг секинлиги туфайли онлайн ресурсларга киришда қийинчиликларга дуч келишлари ёки контентга кириш учун зарур бўлган дастурий таъминотга кириш имконига эга бўлмасликлари мумкин.

Лицензиялаш ва турлари

Ресурсни очик таълим ресурсига айлантириш

Очиқ таълим ресурслари кўпинча интеллектуал мулк ҳуқуқлари билан боғлик масалаларни ўз ичига олади. Анъанавий ўкув материаллари, масалан, дарсликлар, анъанавий муаллифлик ҳуқуқи шартлари билан ҳимояланган. Бироқ, стандарт халқаро муаллифлик ҳуқуқининг "барча ҳуқуқлар ҳимояланган" шартларидан камроқ чекловга эга бўлган тайёр лицензиялаш шартномаларини тақдим этувчи Kreativ Commons нотижорат ташкилотининг иши натижасида лицензиялашнинг муқобил ва мослашувчан варианtlари мавжуд бўлди. Очик лицензиялаш факат муаллифлик ҳуқуқи остида рухсат берилмайдиган материаллардан фойдаланишга имкон беради.

МООС: МООС оммавий очик онлайн курсни англатади. Ушбу курслар бепул онлайн курслар бўлиб, рўйхатдан ўтиши хоҳловчилар учун мавжуд. МООС одамларга ўз билим ва таълимини арzon ва осон йўл билан ривожлантириш имкониятига эга бўлишлари учун турли фанлар бўйича кенг доирадаги курсларни таклиф этади. Очик таълим ресурсларининг турларига тўлиқ курслар, курс материаллари, модуллар, ўкув обьектлари, очик дарсликлар, очик лицензияга эга (кўпинча оқимли) видеолар, тестлар, дастурий таъминот ва билиmlарга киришни қўллаб-куватлаш учун фойдаланиладиган бошқа жиҳозлар, материаллар ёки техникалар киради. ОТР эркин ва очик мавжуд бўлган статик манбалар, билим изловчилар билан ўзаро алоқада бўлган ва янгиланадиган динамик ресурслар ёки ушбу ресурслар билан биргалиқдаги ўкув дастури ёки модуль бўлиши мумкин [2].

ОТР сиёсатини тартибга солиша фойдаланиш режаси

Очиқ таълим ресурслари сиёсати - бу таълим муассасаларида очик материаллар ва амалиётлардан фойдаланишни қўллаб-куватлаш учун бошқарув органлари томонидан қабул қилинган тамойиллар. Ушбу сиёсатларнинг аксарияти давлат томонидан молиялаштириладиган ресурсларнинг очик лицензияланишини талаб килади. Бундай сиёсатлар мамлакат, вилоят ва кўпроқ маҳаллий даражаларда тобора кучайиб бормоқда.

Очиқ ўкув амалиёти.

ОТР таълим контекстларида турли усувларда қўлланилган ва тадқиқотчilar ва амалиётчilar бундай амалиётлар учун турли номларни таклиф қилишган. Wiley & Hilton (2018) га кўра, иккита машҳур атама "очик педагогика" ва "очик таълим амалиёти" дир. Бу икки атама бир-бири билан чамбарчас боғлик, кўпинча фарқ қилмайди. Масалан, Weller (2013) очик педагогикага шундай таъриф беради: "Очиқ педагогика бу мўл-кўл, очик контентдан (масалан, очик таълим ресурслари, видеолар, подкастлар), шунингдек, тармоқлар ва унинг ичидаги талабалар алоқаларидан фойдаланади". Очик таълим амалиётлари, масалан, "таълимни лойиҳалаш ва таълимни қўллаб-куватлашга мўлжалланган воқеа ва жараёнларни амалга ошириш билан боғлик тадбирлар мажмуу" деб таърифланган. Буларга Очик таълим ресурслари (ОТР) ва уларни яратиш, ишлатиш, шунингдек, қайta фойдаланиш киради. Мослашув - "ОТР-ни қўллаб-куватловчи педагогика" "таълим" деб номланган ва "тўплам" деб таърифланган. ОТРни тавсифловчи 5P рухсатномалари контекстида мумкин бўлган ёки амалий бўлган ўрганиш амалиётлари", очик лицензиялардан фойдаланиш орқали ёкилган 5P рухсатларини таъкидлайди [3].

Стiven Даунснинг таъкидлашича, комбинацион нуқтаи назардан, ОТР ишлаб чиқариш истехзоли, чунки "якуний таҳлилда биз одамлар учун билим ишлаб чиқара олмаймиз [3].

Ресурсларни кўриб чиқамиз: Bookboon (реклама дастури), Масофавий таълим, таълим тадқиқотлари, таълим технологияси, FlexBook (CC BY-NC), бепул таълим, Бепул ўрта мактаб фан матнлари, Бепул ва очик кодли дастурий таъминот, интернет архиви, Ахборот тизимлари қўшма қўмитаси, Xon akademияси, MOOC, бепул билим, merlot, OER4 мактаби, очик кириш, очик таркиб, Очик дарслар кутубхонаси, очик курс Ware, OpenLearn, очик

кутубхона, очиқ манба курслари, openstax, PhET интерактив симуляцияси, Gutenberg лойихаси, Сўровлар ва тестларнинг биргаликда ишлаши спецификацияси, Stiven Dauns, Онлайн ўқув маълумотлари.

**Хуноса.** Академик аҳборот тизимларини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этишда тадқиқот ишимизда амалиёт раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилар билар бирга талабаларнинг ҳам ўрганиши ва тажриба-синов ишларида босқичма-босқич ўзлаштиришлари давомида уларнинг когнитив, психолигик ва хиссий ўзгаришлари ҳамда ўзлаштиришлари кузатиб борилди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Матюшкина А.А. Представление о решении творческой проблемы в научной школе. 2017. – 120 с.
2. Байденко В.И., Оскарсон Б. Базовые навыки (ключевые компетенции) как интегрирующий фактор образовательного процесса // Профессиональное образование и формирование личности специалиста. – М.: Профессия, 2002. – С. 23.
3. Маматов Д., Ш.Бекчонова. Масоғавий таълим жараёнларини ракамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш методикаси (монография) "Илм зиё заковат" нашриёти, Тошкент 2020. – 144 б.
4. Маматов Д. Этапы педагогическое проектирование процессов профессионального образования в электронной информационно-образовательной среде. Информатика ва унинг долзарб муаммолари. Илмий анжуман материллари. (Тошкент. 30 октябрь 2018 йил.) – Б. 120-123.

**Муаллиф:**

**Маматов Дилмурад Нармуратович** - Тошкент шаҳридаги Янги аср университети ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори, педагогика фанлари доктори (DSc).

УДК 372.851

**"MATHEMATICAL LITERACY" AND "LOGICAL THINKING" PEDAGOGICAL FACTORS OF AVERAGE CORRELATION AND DEFINING THE RELATIONSHIP**

**"МАТЕМАТИК САВОДХОНЛИК" ВА "МАНТИҚИЙ ТАФАККУР" ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ  
ЎРТАСИДАГИ КОРЕЛЯЦИОН БОҒЛИҚЛИКНИ АНИҚЛАШ**

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ КОРЕЛЯЦИОННОГО ОТНОШЕНИЯ МЕЖДУ ПЕДАГОГИЧЕСКИМИ ФАКТОРАМИ  
«МАТЕМАТИЧЕСКАЯ ГРАМОТНОСТЬ» И «ЛОГИЧЕСКОЕ МЫШЛЕНИЕ»**

**Турдибоев Дилшод Ҳамидович**

Гулистон давлат университети. 120100. Гулистон шаҳри, 4-мавзе.

**E-mail:** dilshod.turdiboyev.82@mail.ru

**Abstract.** In this article, the degree of connection between the main pedagogical factors (factors) of "Logical thinking" pedagogical factors (factors) given in determining students' mathematical literacy was mathematically based. In order to determine the importance of the "logical thinking" pedagogical factor (factor) in increasing students' mathematical literacy, the level of pedagogical correlation between the two factors was analyzed, and the regression level (correlation coefficient) was checked based on this.

**Key words:** Mathematical literacy, Logical thinking, factor, pairwise correlation, pedagogical correlation, regression, PISA, OECD, pedagogical correlational dependence.

**Аннотация.** Мазкур мақолада, ўқувчиларнинг математик саводхонлигини аниқлашда келтирилган асосий педагогик фактор(омил)лардан "Мантиқий тафаккур" педагогик фактор(омил)лари ўртасидаги боғлиқлик даражаси математик асослаб берилди. "Мантиқий тафаккур" педагогик фактор(омил)нинг ўқувчиларнинг математик саводхонлигини оширишда қай даражада аҳамиятилигини математик асосини келтиришда, жуфт омили педагогик кореляцион боғлиқлик даражаси таҳлил қилинди ва шу асосида регрессион боғлиқлик(кореляция коэффициенти) даражаси текширилди.

**Калит сўзлар:** Математик саводхонлик, Мантиқий тафаккур, фактор(омил), жуфт корреляция, педагогик корреляция, регрессия, PISA, OECD, педагогик кореляцион боғлиқлик.

**Аннотация.** В данной статье математически обоснована степень связи между основными педагогическими факторами (факторами) «Логического мышления» и педагогическими факторами (факторами), данными при определении математической грамотности студентов. С целью определения значимости педагогического фактора (фактора) «логического мышления» в повышении математической грамотности учащихся был проанализирован уровень педагогической корреляции между двумя факторами и на его основе проверен уровень регрессии (коэффициент корреляции).

**Ключевые слова:** математическая грамотность, логическое мышление, фактор, парная корреляция, педагогическая корреляция, регрессия, PISA, OECD, педагогическая корреляционная зависимость.

**Кириш.** Дунё глобаллашув шароитида ривожланиб бораётган бир даврда, таълим соҳасини ривожлантиришнинг долзарблиги ортиб бораётгандарнинг кузатишимииз мумкин. IX асрнинг иккинчи ярмида "Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)" томонидан дунё миқёсида юзага келган турли ижтимоий

ва иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида илмий изланишлар олиб борилди. Айниқса, ушбу ташкилот негизида дунё бўйича таълимнинг асосий бўғинларидан бири бўлган умумий ўрта таълим тизимини ривожлантириш мақсадида халқаро тадқиқот (PISA, TIMSS) меъзонлари асосида математика таълим жараёнини ташкил қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда. Халқаро баҳолаш мезонларида ўқувчиларнинг математик саводхонлик даражасини оширишда қандай педагогик омиллар муҳим аҳамиятлилигини аниқлаш ва шу асосида ўқув адабиётлари яратиш долзарб аҳамиятга эга [1], [2].

#### Тадқиқот обьекти ва методлари

Тадқиқот обьектлари сифатида муаллиф томонидан Сирдарё вилоятидаги аниқ фанларга ихтинослаштирилган мактабларда ўқитиладиган математика фанини ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш кўникмасини ривожлантириш жараёни. Мақолани тайёрлашда Республикализнинг умутаълим муассасаларида математика фанини халқаро баҳолаш мезонлари асосида ўқитиш бўйича олиб борлиган тадқиқот ишларини таҳлил қилиш ва математик-статистик усуллар [3,4,5,6].

#### Олингган натижалар ва уларнинг тахлили

Педагогик омил – таълимда белгиланган ўқув материалини ўзлаштириш учун таълим олувчилар ва ўқув-услубий мазмунга қўйиладиган талаблардан келиб чиқилган омиллар тушунилади.

Педагогик омиллар турли-хил бўлиб, улар ўзининг самарадорлик даражаларини акс эттирувчи кўплаб белгилари билан тавсифланади. Баъзи таълим жараёнларида педагогик омиллар ўртасидаги боғлиқлик узвий, баъзи ҳолатларда эса улар ўртасидаги боғлиқлик жуда паст кўрсаткичда бўлади. Педагогик омиллар ўртасидаги боғлиқлик даражаси узвий бўлса, қабул қилинаётган қарорлар аниқ ва таълим самарадорлигига таъсири кучли деб ҳисобланади.

Мантикий тафаккур – Шахс томонидан кўриб, эшитиб, билиб ва ҳис қилиб турган воқеликни оммабоп шаклда фикрлашни англатувчи психологик элементdir. Мантикий тафаккур қилиш барча психологик соғлом инсонларга хос жараёндир. Мантикий тафаккур маҳсули асосида пайдо бўлган фикрларни яхлит хулосаларга олиб келиш учун таҳлилий баҳолайдиган жараён ҳисобланиб, мазкур хулосалар шахснинг одоб ахлоқи, қадриятлари ва шахсий фазилатларига асосланади. Шундай қилиб, мантикий тафаккур тури орқали ўқувчиларнинг билиш қобилияти шахснинг психологик ва ҳиссий ҳисобланишлари билан бирлашади. Мантикий тафаккур қилиш нафақат шахснинг психик имкониятларига бевосита таъсири қиласи, балки, уларни янада интуитив ва таҳлилий воқеликлар асосида ижобий қарорлар қабул қилиш имкониятини беради.

Педагогик корреляция – Тасодифий педагогик омиллар таъсири этиш натижасида, муаян бир тасодифий педагогик омиллардан бирининг ўзгаришига олиб келувчи боғлиқликни аниқлашнинг математик кутилмаси.

Жуфт омилли педагогик корреляция – иккита педагогик омиллар ўртасидаги боғлиқлик тушунилади.

Педагогик корреляцион боғлиқлик – бу таълимда тайин бир ўқув материалини ўзлаштириш(математик ифодаси x ўзгарувчи) даражасига педагогик омиллар (математик ифодаси у эрксиз ўзгарувчи)нинг ўзаро боғлиқлик даражасини кўрсатувчи(ўртача қиймати) боғланиш. Педагогик корреляцион боғлиқлик, педагогик омилларнинг хилма-хиллиги, уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги келтириб чиқаради. Алоҳида ҳолатларда эмас, балки кўп ҳолатларда намоён бўлади ва уни ўрганиш учун педагогик тажриба синовлар талаб қилинади [7].

Педагогик корреляция коэффициентлари қийматини ҳисоблашни  $x_i$  ва  $y_i$  лар билан белгиланувчи педагогик омилларнинг қийматлари орқали ифодаланувчи

$$cov(y, x) = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{n}$$

формула ёрдамида ҳисобланувчи коварация деб номланувчи икки(жуфт) педагогик омилнинг боғланганлик қийматини тавсифловчи ўлчамни ўзида намоён қиласи. Бу ерда: n- педагогик таҳлил жараёнда кузатув сони,  $x_i$  ва  $y_i$  лар педагогик омилларнинг қиймати,  $\bar{x}$  ва  $\bar{y}$  лар педагогик омилларнинг ўртача қийматлари.

Тўғридан-тўғри педагогик корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлганда коварациянинг қиймати мусбат бўлади. Тескари педагогик корреляцион боғлиқлик бўлганда эса,  $(x_i - \bar{x})$  ва  $(y_i - \bar{y})$  ларнинг қийматлари ишораси турлича бўлади. Педагогик омиллар ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлмаган ҳолларда коварациянинг қиймати нолга яқинлашади. Коварациянинг қиймати педагогик омилларнинг ўзаро боғлиқлигига боғлиқ бўлади. Педагогик омилларнинг боғлиқлигининг нисбий тавсифига эриши учун коварация ўртача квадратик фарқларнинг кўпайтмасига бўлинади ва натижада, педагогик корреляциянинг чизиқли коэффициенти келиб чиқади.  $\sigma_x$  ва  $\sigma_y$  лар  $x$  ва  $y$  педагогик омиллар сон қийматларининг ўртача арифметик фарқи бўлиб,

$$\sigma_x = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}{n}},$$
$$\sigma_y = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2}{n}}$$

формула ёрдамида ҳисобланади.

Ушбу қийматларни билган ҳолда, чизиқли педагогик корреляция коэффициентини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$r_{yx} = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2 \sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2}} \quad (1)$$

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Ушбу педагогик корреляция коэффициентининг қиймати  $-1 < r_{yx} < 1$  оралиқда қийматларни қабул қиласы. Педагогик корреляция коэффициентининг мусбат қийматлари педагогик омилларнинг түгрик болиқликни, манфий қийматлар эса, педагогик омилларнинг тескари болиқликнинг мавжудлигидан далолат беради. Агар педагогик корреляция коэффициенти,  $r_{yx} = \pm 1$  га тенг бўлса, чизиқли функционал болиқлик билан ифодалаш мумкин бўлади. Агар педагогик корреляция коэффициенти,  $r_{yx} = \pm 1$  га тенг бўлса, чизиқли корреляцион болиқлик мавжуд эмас дейилади.

Педагогик корреляция коэффициенти  $r_{yx}$  нинг педагогик омиллар ўртасидаги болиқлик турли қийматларда турлича тавсифлайди[7].

- Агар педагогик корреляция коэффициентининг қиймати  $-0,3 < r_{yx} < 0,3$  оралиқда бўлса, педагогик омиллар ўртасида болиқлик деярли мавжуд эмас деб ҳисобга олинади.
- Агар педагогик корреляция коэффициентининг қиймати  $-0,5 < r_{yx} < -0,3$  ва  $0,3 < r_{yx} < 0,5$  оралиқда бўлса, педагогик омиллар ўртасида заиф болиқлик мавжуд деб ҳисобга олинади.
- Агар педагогик корреляция коэффициентининг қиймати  $-0,7 < r_{yx} < -0,5$  ва  $0,5 < r_{yx} < 0,7$  оралиқда бўлса, педагогик омиллар ўртасида болиқлик мавжуд деб ҳисобга олинади.
- Агар педагогик корреляция коэффициентининг қиймати  $-1 < r_{yx} < -0,7$   $0,7 < r_{yx} < 1$  оралиқда бўлса, педагогик омиллар ўртасида кучли болиқлик мавжуд деб ҳисобга олинади[7].

Педагогик корреляция коэффициенти ишончлилик нуқтаи назардан таҳлил қилинади ва баҳоланади. Педагогик корреляция коэффициентининг ахамиятилигини текшириш учун статистиканинг Стьюдент мезонидан фойдаланилади. Бунда,  $r_{yx}$  нинг ноль қийматга tengлиги,  $H_0$  гипотеза сифатида фараз қилинади. Агар  $H_0$  гипотеза қабул қилинмаса, у ҳолда ҳисобланган педагогик корреляция коэффициенти муҳим ахамиятга эга деб, қабул қиланиди.

Бунда, Стьюдентнинг t- мезонини ҳисоблашда қуйидаги моделдан фойдаланилади:

$$t_{xue} = r_{yx} \sqrt{\frac{n - k - 1}{1 - r_{yx}^2}}.$$

Бу ерда, k-омиллар сони.

Бизнинг мақоламизда, корреляцион таҳлил қилиш учун

$X_i$ - “Мантиқий тафаккур” педагогик омили

$Y_i$ - “Математик саводхонлик”

1-жадвал

### Ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш кўникмасига эгалиги бўйича тажриба-синов натижалари

№	Математик саводхонлик(ўқувчилар сони) $Y_i$	Мантиқий тафаккур кўникмасига эга ўқувчилар сони $X_i$
1	25	16
2	24	17
3	25	21
4	24	20
5	25	18
6	25	19
7	25	21
8	25	22
9	25	21
10	25	20

1-жадвалдаги маълумотлар асосида “ $Y_i$ -математик саводхонлик”, “ $X_i$ - Мантиқий тафаккур” педагогик омиллар ўртасидаги регрессион боғлиқликнинг жисплигини (1) формулар ёрдамида текширамиз.

Бу ерда,  $\bar{x} = \frac{\sum_{i=1}^n x_i}{n}$  ва  $\bar{y} = \frac{\sum_{i=1}^n y_i}{n}$  ўртача қийматларни ҳисобласак,  $\bar{x}=20,5$ ;  $\bar{y}=24,8$  келиб чиқади.

Юқоридаги ифодалар ва Excel дастури ёрдамида ҳисоблашлар бажариб қуйидаги жадвални хосил қиласиз (2-жадвал).

2-жадвлдаги параметрларни ҳисоблаш натижаларидан фойдаланиб, педагогик корреляция коэффициентини ҳисоблаймиз.

$$r_{yx} = \frac{4}{\sqrt{22,5 * 1,6}} = 0,67$$

Параметрларини хисоблаш натижалари

<b>Y</b>	<b>X6</b>	<b>Y-Y'</b>	<b>X-X'</b>	<b>(X-X')(Y-Y')</b>	<b>(X-X')^2</b>	<b>(Y-Y')^2</b>	<b>X^2</b>	<b>Y^2</b>
25	22	0,2	1,5	0,3	2,25	0,04	484	625
24	17	-0,8	-3,5	2,8	12,25	0,64	289	576
25	21	0,2	0,5	0,1	0,25	0,04	441	625
24	20	-0,8	-0,5	0,4	0,25	0,64	400	576
25	22	0,2	1,5	0,3	2,25	0,04	484	625
25	19	0,2	-1,5	-0,3	2,25	0,04	361	625
25	21	0,2	0,5	0,1	0,25	0,04	441	625
25	22	0,2	1,5	0,3	2,25	0,04	484	625
25	21	0,2	0,5	0,1	0,25	0,04	441	625
25	20	0,2	-0,5	-0,1	0,25	0,04	400	625
248	205			4	22,5	1,6	4225	6152

**Хулоса.** Ушбу хисобланган педагогик корреляция коэффициентининг қийматига асосан математик саводхонлик билан мантиқий тафаккур омили ўртасида жисп боғлиқлик мавжудлигини билдиради. Энди, ушбу корреляция коэффициентининг аҳамиятлилигини Стъюдентнинг t-мезони бўйича қуидагича текширамиз.

$$t_{\text{хисоб}} = r_{yx} * \sqrt{\frac{n-k-1}{1-r_{yx}^2}} = 2,53$$

Стъюдентнинг t-мезонининг жадвалдаги қиймати 0,95 ишончлилик эҳтимоли ва эркинлик даражаларининг сони Y=8 бўлганида  $t_{kp}=2,53$  га teng эканлигини кўришимиз мумкин. Мазкур ҳолатда  $t_{\text{хисоб}} > t_{kp}$  бўлганлиги боис, ушбу жуфт корреляция коэффициентининг қиймати аҳамиятли деб айта оламиз. Бундан эса, ўқувчиларнинг математик саводхонлиги учун уларнинг мантиқий тафаккур қилиш даражасини ривожлантиниш мухим фактор(омил) деган хуносани қилишимиз мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Xalq ta’limi tizimini 2030 yilgacha rivojlanтириш концепциясини тасдиqlash тўғрисида»ги 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Xalq ta’limi tizimida ta’lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to’g’risida» 2018 йил 8 декабрдаги 997-сонли Қарори.
3. PISA–2021 Mathematics Framework (second draft), 46th meeting of the PISA Governing Board, 5-7 November 2018 Prague, Czech Republic.
4. PISA Mathematics in 2021, An analysis of the center for curriculum redesign (CCR), 2016, - 13 b.
5. Implementing the Proposed Mathematics Framework: Recommendations for PISA-2021, Peggy G. Carr, Ph.D., Vice Chair, PISA Governing Board Associate Commissioner, National Center for Education Statistics. May 25, 2018, - 17 b.
6. Assessing Reading, Mathematics and Scientific Literacy: A framework for PISA 2009. OECD, 2009, -165 b.
7. B.Yu.Xodiayev, T.Sh.Shodiyev, B.B.Berkinov “Ekonometrika”, O’quv qo’llanma, T, TDIU, 2017, - 148 b.

**REFERENS:**

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining «O’zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi tizimini 2030-yilgacha rivojlanirish konseptsiyasini tasdiqlash to’g’risida» 2019-yil 29-apreldagi PF-5712-sonli Farmoni.
2. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Xalq ta’limi tizimida ta’lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to’g’risida» 2018-yil 8-dekabrdagi 997-sonli Qarori.
3. PISA–2021 Mathematics Framework (second draft), 46th meeting of the PISA Governing Board, 5-7 November 2018 Prague, Czech Republic.
4. PISA Mathematics in 2021, An analysis of the center for curriculum redesign (CCR), 2016, -27 b.
Didaktik o'yinlar bolalarda do'stlik, birodarlik, mehnatkashlik hissini tarbiyalash va taraqqiy ettirishga yordam beradi. «Kim turgan saf yaxshiroq», «Zanjircha», «Narvoncha», «Bilgan kishi sanashni davom ettiraversin» singari o'yinlar o'tkazilayotganda bolalar o'z o'rtoqlari, o'zi turgan saf va o'z sinflarining sharafi uchun kurashadilar. Bir

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

safga tizilganlar ikkinchi safda turgan o'quvchilar bilan musobaqalashayotganda topshiriqni saflardan birining bitta o'quvchisi yoki bir necha o'quvchilari, yoxud butun bir saf bajaradi. Odatda bolalar o'z sheriklariga dalda berib turadilar, agar o'rtoqlari topshiriqni to'g'ri bajarsa, undan behad xursand bo'ladilar va u bilan faxrlanadilar. Shuni ham aytish kerakki, o'yin o'tkazilayotgan paytda bolalarda hasad, qizishib ketish singari salbiy xislatlar uchramaydi.

Didaktik o'yinlar ijodiy shaxs tarbiyalashga yordam beradi, chunki har bir o'yin, uning har bir takrorlanishi topshiriqni bajarishga yangicha munosabatda bo'lishni talab qiladi. Uni hal qilish zarurati esa ijodiy izlanishlarni keltirib chiqaradi.

Didaktik o'yinlarda tirishqoqlik, matonatlilik, boshlangan ishni oxirigacha yetkaza bilish singari eng kerakli irodaviy sifatlar tarbiyalanadi. Masalan, «Doiraviy misollar» o'yinida oltita misolning hammasini yechish kerak, aks holda, oxirgi sonning birinchisiga to'g'ri kelish-kelmasligini bilib bo'lmaydi. Ana shuning o'zi bolalarni faollashtirib yuboradi va ular misolni yechmay qo'ymaydilar.

«Do'koncha» tipidagi o'yinda o'yinchoqlar «osotib olish» ning o'zi bilan ish bitmaydi, balki bir necha o'yinchoqlar narxini hisoblab (qo'shib) chiqishga, necha pul «qaytarib» berish kerakligi haqida o'ylab ko'rishga ham to'g'ri keladi.

Bolalar «Qiziqarli kvadratlар» o'yinida murakkab matematik amallarni bajaradilar. Bunda o'quvchilarga bir yo'la bir necha amallarni bajarishga, chiqqan natijalarni taqqoslashga, erishilishi mumkin bo'lgan natijalar to'g'risida o'ylab ko'rishga va noto'g'ri hisobdan voz kechishga to'g'ri keladi. Bularning hammasi tez, zo'rqiziqish va aqliy faoliyat bilan o'tadi. Katta, chiroyl to'pni ko'rgan o'quvchilarda tortinchoqlik yo'qola borib, ular dastlab qo'rqa-pisa, keyinchalik esa dadillik bilan sonlarni o'ylab topishga kirishadilar. O'yin jarayonida bolalarda tevarak-atrof haqida to'g'ri tushuncha paydo bo'lardi, bu esa bolalarga topshiriq mazmunini (mustaqil o'ylab topish paytida) xilma-xil qilishga yordam beradi. «Do'koncha», «Nimani taqillatdim?», «Teatr», «Bolalar bog'chasida» «Mehmendorchilikda» singari o'yinlarda bolalar tevarak-atrofdagi hayotni, narsalarning sifatini, og'irlilik o'lchovi, narx-navolar va boshqalarni bilib oladilar, ularda fazoviy tasavvurlar mustahkamlanadi. Didaktik o'yinlar, o'qituvchini bolalarga yaqinlashtiradi, o'qituvchi bolalar nazarida tarbiyachigina emas, balki chinakam do'stga ham aylanadi. Bu esa ayniqsa dastlabki kunlarda yuz beradigan yotsirash hollariga barham beradi. Shunday qilib, o'yinlar bolalarda o'qituvchi va o'qishga nisbatan ijobjiy munosabat paydo qiladi.

Ta'lrim jarayonida didaktik o'yinlar mazmuni va ahamiyatini chuqurroq va aniqroq tasavvur qilish maqsadida biz bu ishimizda qo'llaydigan ta'lrim, o'yin, didaktik topshiriq, o'yin topshiriqlari singari tushunchalarining ta'rifi va ularning ma'nosini ochib berishga to'xtalib o'tishimiz zarur.

O'yin — bolalarning ongi, qalbiga singib ketgan faoliyatdir, ularning bu faoliyati, o'yin turlariga qarab, obyektiv voqelikni, hayotni muayyan darajada o'zida aks ettiradi. O'yin sinfda o'tilgan o'quv faoliyatining ma'lum darajada davomi va mustahkamlanishidir. Tajribada shu narsa isbotlanganki, o'yin kichik yoshdag'i o'quvchi bolalarning zarur hayotiy ehtiyojidir.

Didaktik o'yin — ta'lrim beruvchi usul bo'lib, bu usul muayyan ta'limi maqsadlarga erishuvga, ya'ni o'tilgan o'quv materialini aniqlashga, mustahkamlashga va uni chuqurlashtirishga qaratilgan bo'ladi. Har bir didaktik o'yinni o'tkazishda muayyan maqsad, masalan, biror harakatni, biror hisoblash usulini, ya'ni ma'lum didaktik topshiriqni mustahkamlash vazifa qilib olinadi.

Masalan, «Teatr» o'yiniga qo'yiladigan didaktik topshiriq bolalarning oldingi darslarda tanishgan 5 soni haqidagi tushunchalarini mustahkamlashdan iborat.

«Doiraviy misollar» o'yinida esa ikinchi o'nlik ichida hisoblash malakalarini mustahkamlashdan iborat bo'lgan didaktik topshiriq qo'yiladi. Didaktik topshiriq darsga qo'yiladigan umumiy maqsadning bir qismini tashkil qiladi.

**Xulosa** qilib aytganda har bir didaktik o'yinining ham har qanday o'yindagi singari qoidalari bo'ladi. O'sha qoidalarga amal qilinmasa, o'yinning o'yin sifatidagi ahamiyati, binobarin, o'yinning ta'lrim-tarbiyaviy va psixologik ahamiyati yo'qoladi. O'yin qoidalari o'yin topshirig'iga kiritiladi. O'yin topshirig'i—o'qituvchining bolalarga o'yinning qanday o'ynalishini, kim g'olib chiqqan hisoblanishini va hokazolarni tushuntirish tarzida beradigan topshiriqidir.

Didaktik o'yinlar ijodiy shaxs tarbiyalashga yordam beradi, chunki har bir o'yin, uning har bir takrorlanishi topshiriqni bajarishga yangicha munosabatda bo'lishni talab qiladi. Uni hal qilish zarurati esa ijodiy izlanishlarni keltirib chiqaradi.

Didaktik o'yinlarda tirishqoqlik, matonatlilik, boshlangan ishni oxirigacha yetkaza bilish singari eng kerakli irodaviy sifatlar tarbiyalanadi. Matematika darslarida didaktik o'yinlardan foydalanish o'quvchilar zehnini o'stirish, tez hisoblash ko'nikmalarini oshirishda muhim ahamiyatga ega. Dam olish daqiqalarida og'zaki topshiriqlar aytib o'quvchilar faolligini yanada oshirish mumkin.

### Foydalilanigan adabiyotlar:

1. Adizov B. Boshlang'ich ta'limi ijodiy tashkil etishning nazariy asoslari. –Toshkent, 2003. – 276 b.
2. Axmedov M. va boshqalar. To'rtinchi sinf matematika darsligi. Toshkent. "O'qituvchi" 2005. – 160 b.
3. Axmedov M., Abduraxmonova N., Jumayev M.E. Birinchi sinf matematika darsligi metodik qo'llanma. Toshkent. "Sharq" 2005. – 160 b.

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

4. B.A.Nazarova. Bo'lajak o'qituvchilarda kreativ yondashuv asosida tadqiqotchilik layoqatini tarbiyalashning ilmiy-nazariy asoslari. –T.: “Fan va texnologiya”, 2007, - 164 b.
5. Jumayev M.E. Boshlang‘ich sinflarda matematika o‘qtish metodikasi. T., «Fan va texnologiya», 2005. - 312 b.
6. Pedagogik kompetentlilik va kreativlik asoslari moduli bo'yicha o'quv-uslubiy qo'llanma. Toshkent 2015, -40 b.

#### References:

1. Adizov B. Theoretical foundations of creative organization of primary education. Tashkent, 2003. - 276 p.
2. Akhmedov M. and others. Fourth grade mathematics textbook. Tashkent. "Teacher" 2005. – 160 b.
3. Akhmedov M., Abdurakhmonova N., Jumaev M.E. Methodical manual for the first grade mathematics textbook. Tashkent. "Sharq" 2005. – 160 b.
4. Nazarova B.A. Scientific-theoretical foundations of training research ability in future teachers based on a creative approach. - T.: "Science and technology", 2007, - 164 p.
5. Jumaev M.E., Methodology of teaching mathematics in primary grades. T., «Fan va texnologiya», 2005. - 312 b.
6. Instructional manual for the module "Basics of Pedagogical Competence and Creativity". Tashkent, 2015. - 40 p.

#### Muallif:

**Xushboqov Botir Xushboqovich** - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti tayanch doktoranti.

УДК 316.6

### PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF AGGRESSIVE BEHAVIOR IN ADOLESCENTS

ЎСМИРЛАРДА ПАЙДО БЎЛАДИГАН ТАЖАВВУЗКОР ХУЛҚ-АТВОРНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ  
ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ АГРЕССИВНОГО ПОВЕДЕНИЯ ПОДРОСТКОВ

**Jonzoqova Sayyora Anvarovna**

Guliston davlat universiteti, 120100. Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, 4-mavze.

**E-mail:** d-s-nosirova@gmail.com

**Abstract.** The largest group of young people in our society are our teenagers. When teenagers have enough information about their psychological abilities, achievements, and shortcomings, they can easily overcome any setbacks in their lives, reduce their aggressive behavior in some of them, and make more use of their opportunities to be more profound, positive, and self-aware. creates ample opportunities for the formation of perceptions with inherent social value. To further expand these opportunities, we will need to organize a number of educational activities with them. One of the most pressing psychological problems facing humanity is the problem of aggressive behavior in adolescents. After all, the social development of a teenager, his activity as a person and his self-development depend in many ways on this process. These views place great social responsibilities on educators-psychologists responsible for the upbringing of adolescents. Because today's important requirement is that before raising every teenager, it is necessary to accept him as a person in society, to pay serious attention to the social psychological opportunities in adolescence. In the language of psychologists, the fact that it is a period of "transition" or "radical turn" for the development of the individual, necessitates a serious approach to it. In our opinion, today it is necessary to study the scale of perceptions of aggressive behavior, which is characteristic of every adolescent, and to create an appropriate system of individual educational work on the basis of this "scale".

**Keywords:** Transition, radical turn, maladaptation, aggressive behavior, aggressive behavior, correctional work, measures, recommendations, deviant behavior, behavioral disorders, frustration, motivation, affective agitation, psychological explosion, period of affective agitation, transition, a period of crisis, a crisis in mental development, indifference, stubbornness, tension, inability to admit one's shortcomings, belligerence.

**Annatatsiya.** Jamiyatimizda yoshlar o'rtaida eng katta qatlama o'smir-yoshlarimizdir. O'smirlar o'zlarining ma'lum doiradagi psixologik imkoniyatlari, yutuqlari, kamchiliklari haqida yetarli ma'lumotga ega bo'lalar, bu ularning hayotda uchraydigan har qanday muvaffaqiyatsizliklarni osonlik bilan bartaraf etishga, o'zlaridagi ayrimlarida tajavvuzkor xulq-atvorni kamaytirib o'z imkoniyatlaridan yanada kengroq foydalana olishga, o'zlar haqida yanada teran, ijobiy va o'ziga xos ijtimoiy qimmatga ega bo'lgan tasavvurlarning shakllanishiga keng imkoniyatlar yaratadi. Ana shu imkoniyatlarni yanada kengaytirish uchun ular bilan olib boriladigan bir qator tarbiyaviy tadbirlarni yo'lga qo'yishimiz lozim bo'ladi. Insoniyat oldida turgan dolzarb psixologik muammolardan biri o'smirlardagi tajavvuzkor xulq-atvor muammosidir. Zero, o'smirning xar jixatdan ijtimoiy taraqqiyoti, shaxs sifatidagi faolligi va o'z-o'zini rivojlantira borishi ko'p jixatdan ushbu jarayonga bog'liqidir. Aytilgan fikrlar o'smirlar tarbiyasi uchun mas'ul bo'lgan pedagog-psixologlar oldiga juda katta ijtimoiy vazifalarni qo'yadi. Chunki bugungi kunning muhim talabi har bir o'smirni tarbiyalashdan oldin uni jamiyatda shaxs sifatida qabul qilishni, o'smirdagi ijtimoiy psixologik imkoniyatlarga jiddiy e'tiborni qaratish lozim ekanligidir. Psixologlar tili bilan aytganda, shaxs taraqqiyoti uchun "o'tish" yoki "tub burilish" davri ekanligi bilan unga nisbatan jiddiy yondashuv muqarrarligini taqozo etadi. Bizningcha bugungi kunda har bir o'smir uchun xarakterli bo'lgantajavvuzkor xulq haqidagi tasavvurlar ko'lamin o'rganishni va shu "ko'lam" asosida tegishli individual tarbiyaviy ishlar olib borish tizimini yaratish muqarrarligini taqozo etmoqda.

**Kalit so'zlar:** o'tish, tub burilish dezadaptatsiya, tajavvuzkor xulq-atvor, agressiv xulq-atvor, korrektzion ishlar, chora tadbirlar, tavsiyalar, og'ishgan xulq, xulq buzilishi, frustratsiya, motivatsiya, affektiv ko'zg'aluvchanlik, psixologik

portlash, affektiv qo'zg'aluvchanlik, o'tish davri, krizis davri, psixik rivojlanishdagi krizis, so'zga kirmasliq, o'jarlik, tajanglik, o'z kamchiliklarini tan olmaslik, urushqoqlik.

**Аннотация.** Самая большая группа молодых людей в нашем обществе – это наши подростки. Когда подростки располагают достаточным количеством информации о своих психологических способностях, достижениях и недостатках, они легко преодолевают любые неудачи в своей жизни, снижают у некоторых из них агрессивное поведение, шире используют свои возможности быть более глубокими, позитивными и самостоятельными. Осознание создает широкие возможности для формирования представлений с присущей им социальной ценностью. Для дальнейшего расширения этих возможностей нам потребуется организовать с ними ряд образовательных мероприятий. Одной из самых актуальных психологических проблем, стоящих перед человечеством, является проблема агрессивного поведения подростков. Ведь от этого процесса во многом зависит социальное развитие подростка, его активность как личности и его саморазвитие. Эти взгляды возлагают большую социальную ответственность на педагогов-психологов, ответственных за воспитание подростков. Потому важным требованием сегодняшнего дня является то, что перед воспитанием каждого подростка необходимо принять его как личность в обществе, уделить серьезное внимание социально-психологическим возможностям в подростковом возрасте. Говоря языком психологов, тот факт, что это период «перехода» или «коренного поворота» в развитии личности, требует серьезного подхода к нему. На наш взгляд, сегодня необходимо изучить шкалу представлений об агрессивном поведении, характерную для каждого подростка, и на основе этой «шкалы» создать соответствующую систему индивидуальной воспитательной работы.

**Ключевые слова:** Переход, радикальный поворот, дезадаптация, агрессивное поведение, агрессивное поведение, коррекционная работа, меры, рекомендации, девиантное поведение, поведенческие расстройства, фрустрация, мотивация, аффективное возбуждение, психологический взрыв, период аффективного возбуждения, переходный период, период кризис, кризис психического развития, равнодушие, упрямство, напряженность, неспособность признать свои недостатки, воинственность.

**Kirish.** Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning yangi bosqichiga ko'tarilar ekan ta'lim sohasida ham yangicha munosabat va yangicha yondashuvni talab qiladi. Bu talablarga javob berish uchun ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar birinchi navbatda shaxsmi aqliy va ma'naviy jihatdan shakllantirishga yo'naltirilishi asosiy vazifalardan biridir. Asosiy vazifalarni amalga oshirish uchun O'zbekiston Yoshlar ittifоqi "O'zbekiston yoshlari – 2025" kontseptsiyasini ishlab chiqishi, unda ma'naviy va jismoniy barkamol avlodni voyaga yetkazishning amaliy chora-tadbirlari belgilanishi zarur [1],[2].

Davlatimizning ta'limga rivojlanish, yosh avlodga jahon andozalariga mos ravishda ta'limga tarbiya, bilim, malaka va ko'nikmalar berish, ularni ona-Vatanga, milliy g'oya va mustaqillik mafko'rasiga sadoqat ruhida tarbiyalash borasida ko'rsatayotgan doimiy g'amho'rligi tufayli ta'limga tarbiya ishlarining bugungi xolati tubdan o'zgarmoqda.

Yuqorida qonun va dasturlarda e'tirof etilganidek, islohotlarni muvaffaqiyatli amalga oshirishga mas'ul bo'lgan jamiyat a'zolari, birinchi galda yoshlarda sog'lom e'tiqodni tarbiyalash, milliy qadriyatlarni e'zozlaydigan, o'z kasbining mohir ustasi o'lgan malakali kadrlarni yetishtirish ziyoralar, ota-onalar, murabbiylar oldiga jiddiy vazifalarni qo'yadi.

#### Tadqiqot ob'ekti va qo'llanilgan metodlar

Tadqiqotning ob'ekti sifatida Sirdaryo viloyati Yangiyer shahar 3-maktabining o'quvchi-yoshlari tanlab olindi. Tadqiqot o'tkazish jarayonida savol-javob, test metodi, tushuntirish metodlaridan va A.Asingerning agressiyani diagnostika qilish metodikasi kabi tahlil usullaridan foydalilanigan. Barcha fanlar tizimida tadqiqotlar olib borish uchun metodologiyaga tayanish muhim ahamiyatga ega bo'lib o'tkazilayotgan tadqiqotda ilmiy dalillarni aniqlash va belgilashda bir qator miyorlarga amal qilinadi [3].

Tadqiqotning metodologik asosi qilib psixikani tabiiy saralanish jarayonida insomiyatning qadimgi ajdodlari oldida turgan adaptatsiya muammolarini yechishga mo'ljallangan axborotni qayta ishlovchi mexanizmlar turkumi sifatida ko'zdan kechiradigan evolyutsion yondashuvning nazariy tamoyillarini; "Bixeviorizm" oqimi; Psixologiyadagi ong va faoliyat birligi tamoyili, Bass va Darkilar tomonidan ilgari surilgan shaxsdag'i tajavuzkor xulq-atvor shakllari namoyon bo'lishining ijtimoiy psixologik g'oyalari olindi. Tadqiqot o'tkazish jarayonida A.Asingerning agressiyani diagnostika qilish metodikasidan foydalandik. Ushbu test yordamida o'quvchi-yoshlarning o'z o'rtoqlari bilan munosabatda qanchalik darajada to'g'riligini (ochiqligini) va ularning u bilan muloqot qilishlarini qanchalik osonligini aniqladik. Javoblarning xosligini aniqlash uchun o'quvchi-yoshlar orasida bir-birini baholovchi suhbat o'tkazdik. Bu suhbat orqali ularning o'z-o'zlarini baholashlari qanchalik to'g'riligini aniqlab oldik [4], [5].

#### Olingan natijalar va ularning tahlili

- «1» Jismoniy tajovuz (k=11)1+, 9-, 17-, 25+, 41+, 55+, 62+, 68+.
- «2» Verbal tajovuz (k=8)7+, 15+, 23+, 31+, 39-, 46+, 53+, 60+, 66+, 71+, 73+, 74-, 75-.
- «3» Bilvosita tajovuz (k=13)2+, 10+, 18+, 26-, 34+, 49-, 56+, 63+.
- «4» Negativizm (k=20)4+, 12+, 20+, 28+, 36-.
- «5» Tajanglik (k=9)3+, 11-, 19+, 27+, 35-, 43+, 50+, 57+, 64+, 69-, 72+,
- «6» Shubxalanuvchanlik (k=11)6+, 14+, 22+, 38+, 45+, 52+, 59+, 65-, 70-,
- «7» Xafagarchilik (k=18)5+, 13+, 21+, 29+, 37+, 44+, 51+, 58+.
- «8» Aybdorlik xissi (k=11)8+, 16+, 24+, 32+, 40+, 47+, 54+, 61+, 67+.

**\* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \***

**\* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \***

Natijalarni tahlil qilish [3]:

K:	«1»	«3»	«5»	«4»	«7»	«6»	«2»	«8»
	1+	2+	3+	4+	5+	6+	7+	8+
	9-	10+	11-	12+	13+	14+	15+	16+
	17-	18+	19+	20+	21+	22+	23+	24+
	25+	26-	27+	28+	29+	30o	31+	32+
	33o	34+	35-	36-	37+	38+	39-	40+
	41+	42o	43+		44+	45+	46+	47+
	48+	49-	50+		51+	52+	53+	54+
	55+	56+	57+		58+	59+	60+	61+
	62+	63+	64+			65-	66-	67+
	68+		69-			70-	71+	
			72+				73+	
							74-	
							75-	
	11	13	9	20	13	11	8	11

Ballar yig'indisini har bir reaksiya bo'yicha kalitda qavslar ichida berilgan koeffitsiyentga kupaytirib, qiyosiy tahlil uchun kulay me'yoriy individual va guruxga tegishli natijalarni aks ettiruvchi ko'rsatkichlarni aniklash mumkin («0» ko'rsatkichli xukmlar hisobga olinmaydi).

Umumiy ko'rsatkichlar:

(«1» + «2» + №3№): 3 = TI – tajovuzkorlik indeksi.

(«6» + «7») : 2 = DI – dushmanlik indeksi.

Tajovuzkorlikning me'yoriy kursatkichi: indeks 21+/ - 4.

Dushmanlikning me'yoriy kursatkichi: indeksi – 6,5-7 + 3.

Natijalar tahlili.

36-44 ball. Siz o'tacha darajada tajavvuzkorsiz, lekin hayotda muvofaqqiyatlari qadam tashlayapsiz. Sizda samimiy izzattalablik va ishonch bor.

45 va undan ortiq. Siz ortiq darajada tajavvuzkorsiz va ko'pincha boshqalarga nisbatan betayin va judayam shavqatsizsiz, siz o'zingizni metodlaringizga ishongan holda rahbarlikka ko'tarilishga umid qilasiz, bunda oila a'zolaringiz va atrofingizdagilar manfaatlarini qurban qilasiz.

35 va undan past. Siz haddan ziyod tinchliksevarsiz, bu esa sizda o'zingizning kuchingizga va imkoniyatlaringizga ishonch yetarli emasligini anglatadi. Bu albatta sizni har doim egilishingizni bildirmaydi. Baribir ham sizga ko'proq qat'iylik bo'lishi halaqt bermaydi.

Agar siz 7 ta va undan ko'p savollarga 3 balldan va 7 tadan kam savollarga 1 tadan ball to'plagan bo'lsangiz, unda sizning tajavvuzkorona portlashlaringiz yaratuvchanlikdan ko'ra buzg'unchilik harakteriga ega.

Siz o'ylab ko'rilmagan ishlarga va ayovsiz munozaralarga moyilsiz. Siz odamlarga mensimaslik bilan qaraysiz va o'z xulqingiz bilan janjallli murosasizlik holathariga undaysiz, vaholanki ularni oldini olishingiz mumkin.

Agar siz 7 ta va ko'proq savollarga bir ochkodan va 7 tadan kam savollarga 3 ochkodan olsangiz, unda siz haddan ziyod odamovisiz. Bu degani sizda tajavvuzkorlik, shoshilishlik begona emas, lekin siz uni judayam bostira olasiz.

**Xulosa** qilib aytganda, kuzatish orqali tajovuzkor axloqning shakllanishi bir necha shartlarni bajargandagina mumkin. Birinchidan, ko'riganlar real ko'rinishi va odamni chulg'ab olishi zarur. Ikkinchidan, ko'riganlar aynan tajovuz sifatida anglanmog'i kerak. Uchinchidan, tajovuz qachonki tomoshabin o'zini tajovuzkor bilan o'xshatsa, tajovuzning potentsial ob'ekti esa aniq shaxs uchun filmdagi tajovuz qurboni bilan assotsiatsiyalansagina tajovuz taqlid qilib o'rganiladi. Kuzatishlarimizdan kelib chiqib quyidagi tavsiyalarni ishlab chiqdik:

1.O'smirlar bilan muloqot jarayonida bevosita muloqot va bosimdan qochish kerak.

2.O'smir muloqotda yaxshi malakaga ega emasligini his qilmasligi kerak, uni noqulay vaziyatga solmaslik zarur.

3.Birinchi emotsional aloqani o'smirning o'zi sevgan o'yin doirasida tashkil qilishdan boshlash kerak.

4.Sekin-asta o'smirda o'zidan sevinish va o'zidan qoniqish oladigan turli tuman ijodiy ko'rinishdagi ko'nikmalarni shakllantirishga o'tish kerak.

5.O'smirning (har qanday faoliyat va o'zini xulq-atvorini boshqarishda) oz bo'lsa-da erishgan yutuqlarini ta'kidlash va rag'batlantirib borish zarur.

6.O'smir bilan ishlaganda uning diqqatini sekin-asta uni shaxsiga hamohang ravishda, atrof-muhit bilan birgalikdagi aloqaga qaratish maqsadga muvofiq.

7.O'smir uchun eng kerakligi ota-onaning vaqt ajratishi, doimo uning yonida turishi, sabr-bardoshli bo'lishi, tushunish, his qilishdir.

8. Tajavvuzkorlikka xos bo'lgan bolalarning oilasi bilan yaqindan tanishib chiqish, ota-onasi bilan uchrashib buning sababini aniqlashga va birgalikda chora ko'rishga erishish kerak.

**Foydalilanlgan adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 2020-yil 29-dekabr.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

2. O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lif tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish kontseptsiysi, 2019-yl, 8-oktabr.
3. Karimova V.M. Ijtimoiy psixologiya. T. "Fan va texnologiya" – 2010, - 190 b.
4. Karimova V. Ijtimoiy psixologiya va amaliyat. Toshkent, Sharq 2009. – 96 b.
5. Ismoilova N., Abdullayeva D. Ijtimoiy psixologiya. T.: O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati – 2013, - 205 b.

**Mualliflar:**

**Jonzoqova Sayyora Anvarovna** - teacher department of Pedagogy, Gulistan State University

UDK 373.3.018

### SPECIFIC CHARACTERISTICS OF FORMING NATIONAL PRIDE IN YOUTH

YOSHLARDA MILLIY G'URURNI SHAKLLANTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI  
ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОРДОСТИ У МОЛОДЕЖИ

**Anorqulov Baxtiyor Norqul o'g'li**

Guliston davlat universiteti, 120100. Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, 4-mavze.

**E-mail:** b-n-anorkulov@gmail.com

**Abstract.** It is known from history that Eastern manners have been formed and improved over thousands of years based on the rules of Islamic education. Since the human being came into the world, he is always looking for a perfect image, striving for perfection and searching for the way of spiritual salvation. As a result of this desire, incomparable discoveries were made in the field of spirituality. The doctrine of the perfect person envisages that a person will reach high perfection. Perfection is that everything done by a person on Earth is imbued with spiritual faith.

**Key words:** tradition, morality, individual, nation, national value, national feelings, national self-awareness, national pride, universal values, personality.

**Annotatsiya.** Sharqona odob ming yillar mobaynida islomiy tarbiya qoidalari asosida tarkib topib, takomillashib borganligi tarixdan ma'lum. Odamzod dunyoga kelibdiki, mudom mukammal timsol axtaradi, komillikka intilib, ruhiy najot yo`lini qidiradi. Shu orzu-intilish samarasi o`larоq, ma'naviyat bobida beqiyos kashfiyotlar qilingan. Komil inson haqidagi ta'limot insonni yuksak kamolotga yetishini ko`zda tutadi. Komillik bu - insonning Yerda qilgan hamma ishlari ma'naviy e'tiqod bilan sug'orilishidir.

**Kalit so'zlar:** an'ana, axloq, individ, millat, milliy qadriyat, milliy his-tuyg'ular, milliy o'z-o'zini anglash, milliy g'urur, umuminsoniy qadriyatlar, shaxs.

**Аннотация.** Из истории известно, что восточные нравы формировались и совершенствовались на протяжении тысячелетий на основе правил исламского воспитания. С тех пор, как человек появился на свет, он всегда ищет совершенный образ, стремится к совершенству и ищет пути духовного спасения. В результате этого стремления были сделаны несравненные открытия в области духовности. Учение о совершенном человеке предусматривает, что человек достигнет высокого совершенства. Совершенство в том, что все, что делает человек на Земле, проникнуто духовной верой.

**Ключевые слова:** традиция, нравственность, личность, нация, национальная ценность, национальные чувства, национальное самосознание, национальная гордость, общечеловеческие ценности, личность.

**Kirish.** Yuksalish va taraqqiyot yo'lidan borayotgan O'zbekistonda barcha sohalar qatori ta'lif sohasida ham qator islohotlar amalga oshirilmoqda. O'zbekiston Respublikasi "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasida yoshlarning ma'naviy, intellektual, jismoniy va axloqiy jihatdan kamol topishiga ko'maklashish yoshlarga oid davlat siyosatining asosiy yo'nalishlaridan biri deb ko'rsatilgan. (2016 yil 14 sentyabr, O'RQ-406-son) [1].

Inson va jamiyatning mavjudligini ta'minlaydigan qadriyatlar milliy tarbiya tufayli, ajdodlardan asta-sekin tadrijiy ravishda avlodlarga o'tadi. Milliy tarbiya atamasi keng va tor ma'nolarda ishlataladi. Keng ma'noda, u inson shaxsini shakllantirishga, uning ishlab chiqarish va ijtimoiy, madaniy, ma'rifiy hayotda faol ishtirokini ta'minlashga qaratilgan barcha ma'naviy ta'sirlar, tadbirilar, harakatlar, intilishlar yig'indisini anglatadi.

#### Tadqiqot ob'ekti va qo'llanigan metodlar

Xalqimiz yuksak va o'ziga xos madaniyatni vujudga keltirishda juda katta va mashaqqatli yo'lni bosib o'tgan. Ajdodlarimiz qoldirgan ma'naviy merosning o'zi bir xazina. Bu xazinadan oqilona foydalanishimiz lozim. Xalqimizning milliy ongi, iftixori, g'ururi hamda ma'naviyati boyib bormoqda. Bu merosni avaylab asrash, uni ijodiy boyitish va yosh avlodga singdirish-mustaqillikni mustahkamlashning asosidir. Tadqiqot mavzusini yoritishda tasniflash, tavsiflash, qiyoslash, kompleks va funktsional tahlil metodlaridan foydalanildi.

#### Olingen natijalar va ularning tahlili

Har bir millatning o'ziga xos etnomadaniyati, etnopsixologiyasi, etnopedagogikasi mavjud. Shuningdek, har bir millatning o'ziga xos tarixiy taraqqiyotga ega. Ularning o'ziga xosliklari bir jihatdan mavjud tabiiy muhitning shart-sharoitlariga bo'liq. Millat - etnos rivojlanishining oliy bosqichi bo'lib, jipslashgan yagona hududga ega bo'lgan, tili, madaniyati, milliy psixik sifatlarga va iqtisodiy aloqalarga kirishadigan katta ijtimoiy guruhdir.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Millatning shakllanishini asoslovchi ko‘rsatkichlarga quyidagilar kiradi [4]:

- Tarixiy xotira
- Milliy ong
- Milliy qiziqishlar, madaniyat va til
- Milliy o‘z-o‘zini baholash
- Milliy g‘urur hissi
- Vatanparvarlik

Har bir individ shaxs sifatida shakllanar ekan, faqatgina o‘zi yashab turgan davrdagi ijtimoiy munosabatlar ta’siri ostida eas, balki avloddan avlodga o‘tib kelayotgan madaniy meroslar va milliy qadriyatlar ostida ham shakllanadi. Demak, etnopsixologiyaning asosiy o‘rganish ob’ekti- urf-odatlar, an’ana va udumlar, marosimlarning vujudga kelishi, saqlanishi, namoyon bo‘lishi, o‘zgarishi qonuniyatlarini ochib berish muhim ahamiyatga ega.

Bugungi ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning globallashib borayotgan bir davrda yoshlarni milliy o‘zlikni anglash, milliy qadriyatlar va an’alar hamda umuminsoniy qadriyatlarga nisbatan chuqur hurmat va ehtirom ruhida tarbiyalash bugungi kunning eng muhim vazifalaridan biridir. Milliy tarbiyada milliy g‘oyaga, milliy g‘ururni yuksaltirishga xizmat qiladigan timsollar, ramzlarning har biri – katta bir darslik, kuchli tarbiya vositasi hisoblanadi. Bundan tashqari, buyuk ajdodlar tavallud sanalarini nishonlash ham ma’naviy va tarixiy ahamiyatga ega. Bunday marosimlarni o‘tkazish orqali yoshlar yangi qadriyatlar asosida tarbiyalanadilar, ular qalbiga tarixni anglash va qadrlash, o‘tmishga hurmat bilan yondashish, ularni asrab-avaylash, shu xalqqa mansubligi bilan g‘ururlanish tuyg‘ulari singdiriladi.

Yoshlarda milliy o‘zlikni anglash, milliy qadriyat va an’alar hamda umuminsoniy qadryatlarga nisbatan chuqur hurmat va ehtiromda bo‘lish tuyg‘ularini rivojlantrishda quyidagi muhim jihatlarga e’tibor qaratish lozim:

- milliy va umuminsoniy qadriyatlar, ularning mohiyatini tushuntirish, mustaqillik yillarda milliy qadriyatlarning tiklanishi va insonparvar, adolati demokratik jamiyat qurishda milliy va umuminsoniy qadriyatlarni o‘mini anglash;
- an’alar xalqning tarixiy shakllanishi va rivojlanishi jarayonida yaratilgan va ajdoddardan avlodlarga muqaddas meros sifatida o‘tib kelayotgan bebafo ma’naviy boylik ekanligini keng targ‘ib qilish;
- yoshlarda milliy o‘zlikni anglash, milliy qadriyat va an’alar hamda umuminsoniy qadriyatlarga nisbatan chuqur hurmat va ehtiromda bo‘lish tuyg‘ularini rivojlantrish bo‘yicha yangicha fikrlash, yangicha tafakkur xususiyatlarini o‘rganish, o‘qitish, targ‘ib etish;
- O‘zbekistonda oila institutining, o‘zaro hurmat va ehtiromga asoslangan ota-onva farzandlar o‘rtasidagi munosabatlarning betakror qadriyat ekanligini, mehmono‘stlik, sahovatpeshalik, o‘zganining g‘am-tashvishiga hamard bo‘lishlik kabi fazilatlar jamiyatimiz barqaror rivojlanishining muhim ma’naviy omili sifatida qarash, ularni avaylab asrash hamda avloddan avlodga etkazishning muhimligiga alohida e’tibor qaratish.
- yoshlarda milliy o‘zlikni anglash, til, madaniyat, tarix va kelajakka teran nazar solish, inson huquq va erkinliklarini har narsadan ustun qo‘yish tafakkurini shakllantirish.

Milliy g‘urur hissi insonning o‘z millatining boshqa millatlarga nisbatan qadrli ekanligini ichki his qilish, tuyishdir. Milliy g‘urur har bir millatning o‘z-o‘zini anglashi natijasida sodir bo‘ladigan ichki ruhiy kayfiyati. Bu tuyg‘u Vatani, tarixi, moddiy va ma’naviy merosi, buyuk ajdodlari, yurtining obro‘-e’tiboridan faxrlanish hissiyotidir.

Yoshlar ongida Vatanga, boy tariximizga, milliy qadriyatlarimizga nisbatan hurmat va ehtiromni qaror toptirish, yet mafkuralarga qarshi milliy immunitetni shakllantirishimiz darkor [2].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Ma’naviy-ma’rifiy ishlар samaradorligini oshirish bo‘yicha qo‘sishma chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2019 yil 3 maydagi PQ-4307-son qarori ijrosini ta’minalash maqsadida Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 31-dekabrda “Uzluksiz ma’naviy tarbiya konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 1059-sonli qarorida uzluksiz ma’naviy tarbiya konsepsiysi to‘rt bosqichda amalga oshirilishi belgilangan bo‘lib, unda jamiyatimiz ijtimoiy ma’naviy muhitni sog‘lomlashtirish, milliy qadriyatlarimizga zid bo‘lgan turli ma’naviy tahdidlarga qarshi mafkuraviy immunitetni shakllantirishga qaratilgan profilaktik tadbirlarni tashkil etish belgilangan [3].

Konsepsiada yoshlarning ma’naviy tarbiyasida oila, mahalla va ta’lim muassasalari, ommaviy axborot vositalari va boshqa ijtimoiy tuzilmalar o‘rtasida samarali hamkorlik mexanizmini yo‘lga qo‘yish vazifasi belgilangan.

Milliy g‘ururni tarbiyalashni, eng avvalo oiladan boshlash, oilaning etnopsixologik xususiyatlarini, oila a’zolari ongiga sog‘lom fikrlarni singdirishning pedagogik tamoyillarini, psixologik mexanizmlarini, oila a’zolari o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarning ma’naviy-madaniy jihatlarini inobatga olish maqsadga muvofigdir. Milliy g‘oyani oila muhitida bolaning ongi, qalbiga singdirishning muhim vositasi – bu oilaviy qadriyatlarini saqlash va ilg‘or oilaviy an’alarini kundalik tarbiya tizimiga joriy etish, turmush tarzining bir bo‘lagiga aylantirishdir. Bunda ota-onaning o‘rnii va roli bevosita xarakterga ega bo‘lib, faqat sog‘lom muomala va samimiyyat muhitigina o‘smirning dunyoqarashi shakllanishiga ijobjiy ta’sir ko‘rsatadi. Shu maqsadda Konsepsiada oilada ota-onalarning farzand tarbiyalash metodlariga oid bilimlarini muntazam oshirib borish maqsadida mahallalarda “Ota-onva universitetlari” faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yish uchun vazifalar belgilab berilgan.

Milliy g‘oyani yoshlar ongi va qalbiga singdirish, milliy g‘ururni shakllantirishda ta’lim va tarbiya jarayoni bilan bir qatorda ommaviy axborot vositalarining ahamiyati beqiyosdir. Chunki, ommaviy axborot vositalari ta’lim-tarbiya jarayonni bugungi kun talablari darajasida olib borish, mafkura borasida bilimlarni chuqurlashtirish, erkin tafakkurni shakllantirish, ularning iymon – e’tiqodini mustahkamlashga xizmat qiladigan muhit yaratish kabi vazifalarni amalga

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

oshiradi. Birinchi Prezident Islom Karimov butun jamiyatimiz oldida turgan ulug‘vor va murakkab vazifalar haqida fikr yuritib, “...matbuot orqali odamlarda ma’rifatparvarlik g‘oyalarni tarbiyalash, maorif va oliv ta’lim tarmoqlariga homiylik, sahovatpeshalik, savobtalablik kabi ezgu xususiyatlarni kuchaytirish zarur ...” deb ta’kidlagan edi. Shu sababli Konsepsiya “Tarbiya rukni” ostida ota-onalar, pedagoglar uchun teleko’rsatuvalar, bolalar, yoshlardan turli rasmlar bilan bezatilgan yorqin, rang-barang qo’llanmalar, multimedia mahsulotlari kabi didaktik materiallar turkumini yaratish vazifasi qo’ylgan. Shuningdek, Respublika Ma’naviyat va ma’rifat markazi huzurida Uzluksiz ma’naviy tarbi konsepsiyasini amalga oshirish jarayonini muvofiqlashtiruvchi “Ma’naviy tarbiya” respublika jamoatchilik kengashi tavsiysi asosida O’zbekiston milliy teleradiokompaniyasi tizimidagi “Oilaviy”, “Bolajon” telekanallari, bolalar nashriyotlari va ommaviy axborot vositalarining faoliyatini “Uzluksiz ma’naviy tarbiya” konsepsiysi asosida takomillashtirishga qaratilgan chora-tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirish vazifasi yuklatildi [3].

Yoshlarda milliy xususiyatlarni shakllantirishda quyidagi jihatlar inobatga olinishi zarur [5], [6]: har bir yosh davrlarining o’ziga xos psixologik xususiyatlari; ichki his-tuyg‘ular, emosional munosabatlarning namoyon bo‘lishi; ma’naviy-axloqiy prinsiplarning, axloqiy hamda siyosiy dunyoqarashning, fuqarolik pozisiyasining shakllanganlik darajasi; umuminsoniy hamda milliy qadriyatlarga hurmatning namoyon bo‘lishi.

Milliy tarbiyada milliy g‘oyaga, milliy g‘ururni yuksaltirishga xizmat qiladigan timsollar, davlat ramzlarining har biri – katta bir darslik, kuchli tarbiya vositasi hisoblanadi. Bundan tashqari, buyuk ajdodlar tavallud sanalarini nishonlash ham ma’naviy va tarixiy ahamiyatga ega. Bunday marosimlarni o’tkazish orqali yoshlardan yangi qadriyatlar asosida tarbiyalanadilar, ular qalbiga tarixni anglash va qadrlash, o’tmishtga hurmat bilan yondashish, ularni asrab-avaylash, shu xalqqa mansubligi bilan g‘ururlanish tuyg‘ulari singdiriladi. Ushbu vazifani amalga oshirish maqsadida Konsepsiya 1-9 sinflar uchun “Odobnama”, “Vatan tuyg‘usi”, “Milliy istiqlol g‘oyasi va ma’naviyat asoslari”, “Dinlar tarixi” fanlarini birlashtirgan holda “Tarbiya” fani joriy etilmoqda. Umumiyo‘rtta ta’lim maktablarida buyuk ma’rifatparvar siymolar merosini targ‘ib etishga qaratilgan “O’n ikki oy-o’n ikki alloma” kitobxonlik oyliklari tashkil etish rejalashtirilgan. Shuningdek, maktablarda milliy o‘yinlar, sport musobaqalari mazmunini milliy tarbiya ruhi bilan boyitish, uning milliy g‘urur, oriyat, halollik, mardlik, iroda kabi fazilatlar asosida o‘quvchilarni birlashtirish shakllarini ishlab chiqish, milliy va jamoaviy sport o‘yinlari spartakiadalarini tashkil etish belgilangan [3].

**Xulosa.** Umuman olganda, yoshlarning etnik qiyofasi millatning bugungi milliy tarbiyasi, mentaliteti, madaniyatining o’zaro dialektik munosabati vositasida shakllanadi. Ma’naviy jihatdan yaxshi tarbiya olgan shaxs o‘z aqli, o‘z tafakkuri, o‘z mehnati, o‘z mas’uliyati bilan ongli ravishda, ozod va hur fikrli inson bo‘lib yashaydi.

### Foydalilanigan adabiyotlar:

1. O’zbekiston Respublikasi “Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida”gi Qonuni. 2016-yil 14-sentyabr, O‘RQ-406-son.
2. Mirziyoyev Sh.M. Millatlararo do’stlik va hamjihatlik-xalqimiz tinchligi va farovonligining muhim omilidir. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Respublika baynalmilal madaniyat markazi tashkil etilishining 25 yilligiga bag‘ishlangan uchrashuvdagi nutqi. ”Xalq so‘zi“ gazetasi. 2017-yil 25-yanvar, №18(6712)
3. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Uzluksiz ma’naviy tarbiya konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 1059-tonli Qarori. 2019-yil 31-dekabr.
4. Abdurazakov A.M. Milliy qadriyatlar va ularning milliy o‘z-o‘zini anglashdagi o‘rni. T.1994.- B-158.
5. Botirov B.M. O’zbek mentalitetining psixologik xususiyatlari.-T.: TDPU, 2011.-143 b.
6. Nishanova Z.T., Alimbayeva Sh.T., Umrzoqov D.X. O‘quvchilarda milliy xususiyatlarni tadqiq etishning ilmiy-uslubiy asoslari., Toshkent, 2018 yil. -125 b.

### Muallif:

**Anorqulov Baxtiyor Norqul o‘g‘li** - Guliston davlat universiteti, Sport turlarini o‘qitish metodikasi kafedrasи stajor-o‘qituvchisi.

UDC 372.83

## THEORIES OF STUDENTS' CREATIVE THINKING DEVELOPMENT BASED ON INNOVATIVE APPROACH

INNOVATION YONDOSHUV ASOSIDA TALABALAR LARNING IJODIY FIKRLARINI RIVOJLANISH NAZARIYALARI

ТЕОРИИ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННОГО ПОДХОДА

**Rakhimov Bakhtiyor Khudoyberdievich**

Guliston State University, 120100, Guliston City, Uzbekistan

E-mail: 1967.baxtiyor@mail.ru

**Abstract.** While the educational goals of educational institutions until our time are focused only on the acquisition of ready-made knowledge, modern technologies teach them to be creative, find the knowledge necessary for acquiring, and even draw their own conclusions. Innovative technologies in the pedagogical process are innovations, changes in the activities of teachers and students that require the use of interactive methods in their implementation. In addition, computer

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

training in the classroom allows you to provide an interesting process, an individual approach to each student. At the same time, firstly, through a wide range of information and communication technologies, it will be possible to convey to students a lot of knowledge, facts and information. Secondly, the full implementation of the innovative plan, ideas and thoughts of the teacher is easy and effective. This article discusses innovation, these aspects of innovative development

**Keywords:** innovative development, innovative technologies, keratin competence, creative thinking, scientific research.

**Annotatsiya.** Ta’lim muassasalarining hozirgi kungacha bo‘lgan ta’lim maqsadlari faqat tayyor bilimlarni egallashga qaratilgan bo‘lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni ijodkorlikka, egallash uchun zarur bo‘lgan bilimlarni topishga, hatto o‘zicha xulosa chiqarishga o‘rgatadi. Pedagogik jarayondagi innovatsion texnologiyalar - bu innovatsiyalar, o‘qituvchi va o‘quvchilar faoliyatidagi o‘zgarishlar bo‘lib, ularni amalga oshirishda interfaol usullardan foydalanishni taqozo etadi. Bundan tashqari, sinfda kompyuterni o‘qitish qiziqarli jarayonni ta’minlash, har bir o‘quvchiga individual yondashish imkonini beradi. Shu bilan birga, biringchidan, keng ko‘lamli axborot-kommunikatsiya texnologiyalari orqali o‘quvchilarga ko‘plab bilim, fakt va ma’lumotlarni yetkazish mumkin bo‘ladi. Ikkinchidan, o‘qituvchining innovatsion rejasi, g’oya va fikrlarini to’liq amalga oshirish oson va samarali. Ushbu maqolada innovatsiyalar, innovatsion rivojlanishning ushbu jihatlari muhokama qilinadi.

**Kalit so‘zlar:** innovatsion rivojlanish, innovatsion texnologiyalar, keratin kompetentsiyasi, ijodiy fikrlash, ilmiy tadqiqotlar.

**Аннотация.** В то время как воспитательные цели образовательных учреждений до нашего времени ориентированы только на получение готовых знаний, современные технологии учат их быть творческими, находить необходимые для приобретения знания и даже делать собственные выводы. Инновационные технологии в педагогическом процессе – это нововведения, изменения в деятельности педагогов и учащихся, требующие использования интерактивных методов при их реализации. Кроме того, компьютерное обучение на занятиях позволяет обеспечить интересный процесс, индивидуальный подход к каждому ученику. При этом, во-первых, посредством широкого спектра информационно-коммуникационных технологий можно будет донести до учащихся много знаний, фактов и информации. Во-вторых, полная реализация новаторского замысла, идей и мыслей педагога осуществляется легко и эффективно. В данной статье рассматриваются инновации, эти аспекты инновационного развития

**Ключевые слова:** инновационное развитие, инновационные технологии, кератиновая компетентность, творческое мышление, научные исследования.

**INTRODUCTION.** One of the global tasks of innovative development in the world is the formation of creative abilities in people. This includes the production of new ideas, the ability to find solutions in complex processes, a creative approach to professional activities, the ability to take reasonable risks, and professional excellence. On a global scale, the development of creative potential, the creativity of teachers, the creation of intellectual resources for socio-economic growth through the use of modern teaching aids through information and communication technologies and programs are of great importance [1].

As world pedagogical experience shows, the socio-economic needs of society depend on the creative thinking and creativity of higher education students, and the educational process in the field of technological education is carried out using software training tools. Adapting to the innovations of the modern world, preparing the younger generation for the life of a constantly renewing society and educating it in accordance with modern requirements is an important professional task of a higher education teacher.

The Action Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan defines such areas as further improvement of the system of continuous education, increasing the potential of quality educational services, continuing the policy of training highly potential personnel in accordance with the possibilities of the labor market, improving the quality and efficiency of higher education the development of students' creative abilities is of great importance. Rapid changes in the country are opening the way to the education system on a global scale, including the rapid development of modern information technologies, the improvement of global telecommunication technologies requires a creative approach to science in e-learning [2, 3].

The above views are the main criteria in determining the current and future priorities of specialties taught in the field of technological education in higher education institutions. This is due to the fact that specialization is a science that aims to generalize and integrate into practice all natural and socio-economic knowledge in accordance with its content, essence and objectives. From this point of view, professional, special sciences are the main factor ensuring the unity of theory and practice, allowing students to apply their knowledge in practice. This, in turn, requires special attention to improving the creative approach of students, increasing the effectiveness of this system.

**MATERIALS AND METHODS.** Innovative training of future teachers is inextricably linked with their creative competence, and scientists from foreign countries and our country have conducted many studies on the use of teaching software. In particular, T. D. in his scientific work covered the development of the creative abilities of future teachers of labor education through manual labor [4], K. A. Sharipov developed the scientific and pedagogical foundations for the training of future teachers of vocational education and labor education. - students for creative work [6]. In the research work carried out by A.R. Khodjaboev, theoretically developed the pedagogical foundations of educational and methodological support for teachers of labor and vocational education, shows the ways of their application in practice [7].

Scientist-teacher N.A. Muslimov developed the scientific and methodological foundations for the formation of professional qualities in students [8]. According to the scientist-teacher V. M. Blinov, in order to achieve high efficiency of educational work, it is necessary to set differentiated tasks, considering the individual abilities and talents of students [9]. Based on the foregoing, we have identified one of the main objectives of our study as the organization of lesson content based on software based on innovative technologies in order to increase the effectiveness of training future technology teachers.

There are various definitions of the concept of "creativity", and we can see a number of studies by some domestic and foreign scientists on the creative approach.

A.A. Arizhanova, considering the specifics and approaches to pedagogical work on the study of creativity, determined the need to consider the creative potential of teachers: active, effective, personal, environmental, problematic aspects.

In the studies of O. Jamoliddinova, O. Musurmonova, M. Urazova, N. Egamberdieva, E. Yuzlikaeva, Sh. Sharipov, Sh. personality, as well as the ways and forms of the formation of critical, creative thinking among students, the existing pedagogical conditions, didactic support, as well as the content of pedagogical creativity [6, 10].

A. Abdukadyrov, N. Azizkhodjaeva, U. Begimkulov, Zh. Yuldashev, Yu. Kruglova, I. Ridanova, V. Slastenin, N. Sayidakhmedov, U. Tolipov activation, ways to create a personality-oriented free learning environment that serves to create creative developments (products).

In the studies of G. N. Ibragimova, it is emphasized that creativity is a set of skills associated with a person's creative abilities, creative qualities, including a high level of sensitivity to problems, intuition, foresight, imagination, research and reflection [11].

Creativity is described by P. Torrens as a process of manifestation of sensitivity to these problems, ignorance, their inconsistency, fixing these problems, finding solutions, putting forward, testing, modifying and rechecking hypotheses, forming and announcing the result [6].

E. Trick describes creativity in the most general sense as a description of the process in the past, present and future, as a result of which a person creates something that did not exist before. Therefore, he identifies the following areas of creativity in the study of creativity [13].

- 1) as a product;
- 2) as a process;
- 3) as an ability;
- 4) as a general trait of a person's character.

According to the studies of such scientists as A. Bodo, J. Berret, G. Leputra, R. Remusham, R. Mato, M. Mato, a creative person is a person who is never indifferent, never at rest. He is quite chaotic, skeptical of many things, has a wide range of interests, thinks independently, seeks to adjust others to his worldview [6, 12].

The psychological and pedagogical foundations of creativity were determined by M. M. Akeshova, A. S. Seitbekkyzy, L. Yu. Koroleva and other scientists. In their work, creativity is considered as a creative intellectual ability, that is, the ability to innovate in experiments, the ability to create original ideas when posing and solving problems, as well as the ability to form hypotheses for the educational process.

B. Jeffrey and A. Scientists such as Jefffrey, J. Rinkevich, V. Glavyanu, Z. Sierra and L. Tanggaard (V. Glavyanu, Z. Sierra, L. Tanggaard) say that creativity is not only an intellectual potential, but also the level of motivation, emotionality, aesthetic development, exclusivity, communicativeness. Systemic mental abilities have been identified, related to both parameters and competencies [14].

M. A. Kholodnaya, Sun Ye Hwang and others included originality, consciousness, variability and coherence in the criteria of creativity.

In the studies of A. I. Ostroumov and O. F. Ostroumov, creative learning is defined as the creation by the subjects of the educational process of a new creative product that combines the features of creativity [15, 16].

From the above descriptions, we can see that special attention is paid to the development of creative learning of students. However, in the context of the rapid development of the information society, it should be noted that the methods of creative education of students of the higher school "Technological Education" have not been studied deeply enough and comprehensively.

**THEORY AND DISCUSSION.** The acquisition of professional and creative skills requires not only the integration of practical skills and abilities, the development of methods and means of effectively organizing the activities of a specialist, but also the mastery of the methodology of professional creativity, the development of creative thinking and adequate mastery of it. creative personal qualities [17, 18, 19].

Har qaysi xalqning milliy qadriyatlarini uning o‘tmishi, tarixi, ma’naviy dunyosi, madaniyati, o‘ziga xos urf-odatlari, an‘analarisiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. «Qadriyat – inson va insoniyat uchun ahamiyatli bo‘lgan millat, elat va ijtimoiy guruhlarning manfaatlari va maqsadlariga xizmat qiladigan va ular tomonidan baholanib, qadrlanadigan tabiat va jamiyat ne‘matlari, hodisalari majmuidir» [1]. Qadriyatlarga yana boshqa bir qancha ta‘riflar berilgan. Jumladan, «Qadriyatlar – jamiyatda kishilar o‘rtasida obro‘ga, e’tiborga, hurmatga, nufuzga ega kishilar, munosabatlar, holatlar, moddiy narsalar va ma’naviy boyliklar majmuasi» [2]. Shuningdek, «Qadriyat inson va jamiyat ma’naviyatinining tarkibiy qismi, olamdagi voqealar, hodisalar, jarayonlar, holatlar, sifatlar, talab va tartiblarning qadrini ifodalash uchun ishlataladigan tushuncha» [3]. Boshqa manbada keltirilishicha, «Qadriyat – vogelikdagi muayyan hodisalarning umuminsoniy, ijtimoiy-axloqiy, madaniy-ma’naviy ahamiyatini ko‘rsatish uchun qo‘llanadigan tushuncha» [4] deb izohlangan. Yana bir o‘rinda qadriyat tushunchasiga quyidagicha munosabat bildirilgan: «Kishini qurshab turgan cheksiz ko‘p narsa va hodisalar, shu jumladan, milliy ma’naviyat ichidan ham, muayyan shaxs yoki ijtimoiy guruh yo konkret bir millat yohud butun insoniyat uchun alohida ahamiyatga, qadrga ega bo‘lganlarini qadriyat deyiladi» [5]. Barcha ta‘riflardan milliy qadriyatlarning millat hayotida naqadar muhim ahamiyat kasb etishini anglash mumkin.

Haqiqatan ham, milliy qadriyatlar har bir xalq uchun bag‘oyat katta ahamiyatga ega bo‘lgan, o‘zida etnik xususiyatlarni jo qilgan xoslik shakli hisoblanadi. Dunyoda o‘z qadriyatları bo‘laman biror millat uchramaydi. Chunki har bir xalqning tarixiy o‘tmishi mavjud. Milliy qadriyatlar ana shu millatning tarixi, yashash tarzi, ma’naviyati, madaniyati bilan uzbek bog‘liq holda namoyon bo‘ladi. Ayniqsa, keyingi vaqtarda mamlakatimizda milliy qadriyatlarga e’tibor yanada kuchaydi. Bu jihat o‘zbek va qoraqalpoqlarning ona yurtga ehtirom, ajodolar yodini muqaddas bilib, ular xotirasiga sadoqat, yoshi ulug‘ kishilarga hurmat, kichiklarga izzat, or-nomus, hayo, andisha kabi xususiyatlarning ustuvor darajaga ko‘tarilganligida ko‘rinadi. Avvalo, qadriyatlarning eng oliysi insonning o‘zi, hayoti, huquqi va erki, sog‘lom va farovon turmushi sanaladi. Inson qadr-qimmatini, sharafini ulug‘lash jamiyatimiz poklanishi va ravnaqining muhim omilidir [6]. Umuman, muayyan xalq milliy-madaniy qadriyatlarining lisonda voqelanishiga oid masalani lingvokulturologik jihatdan o‘rganish bag‘oyat katta ahamiyat kasb etadi. Shu orqali har bir millat lisonida uning o‘zigagina xos muayyan qadriyatlar tizimining tasvirlanishi xususida tasavvurga ega bo‘lish mumkin.

#### Tadqiqot obyekti va qo‘llanilgan metodlar

Har bir xalq milliy-madaniy qadriyatları ham, albatta, tilda voqelanadi. Muayyan millatning tarixiy kechmishi, uzoq o‘tmishdagi yashash sharoiti, turmush tarzi, madaniy merosi, ma’naviyatiga daxldor qadriyatlar manzarasining ifodachisi tildir. Inson borliqni milliy nigohi bilan kuzatishi, eshitganlarini tafakkuri orqali anglashi, idrok etishi natijasida o‘zida har qanday qadriyatning lisoniy manzarasini yaratadi. Ta‘kidlash kerakki, turkiy tillarga mansub xalqlarning milliy ma’naviyati, qadriyatları, asosan, bir xillikka ega. Xususan, o‘zbek va qoraqalpoq xalqlarining qadriyatlar tizimi ko‘philik hollarda umumiyligini vujudga keltirsa, ba‘zan xususiy jihatlar ko‘zga tashlanadi. Shu nuqtayi nazaridan, har qaysi xalqning o‘tmishiga daxldor qadriyatlarning tilda voqe bo‘lishiga oid jihatlarni qiyosiy holda o‘rganish muhim ahamiyatga molik vazifadir. Shunga muvofiq, bu ikki qardosh xalqning o‘tmiiy madaniyatidan guvohlik beruvchi qadriyatlarini til sohiblari lisonida o‘ziga xos manzara yarata olish imkoniyatlarini madaniy-tarixiy va qiyosiy jihatdan o‘rganish kun tartibidagi e’tibortalab masala hisoblanadi.

#### Olingan natijalar va ularning tahlili

Xalqimiz qadimiy rasm-rusumlari, dunyoqarashi, ishonch-e’tiqodi, turmush tarzi, asrlar davomida to‘plagan hayot tajribalari va ko‘nikmalarini o‘zida aks ettirgan eng jozibali marosimlardan biri – nikoh to‘ylaridir. Xalqimizning qadimiy e’tiqodlari, madaniyati, orzu-umidlari, hayotga munosabatlarini kuzatishda nikoh to‘yi bilan bog‘liq marosimlar bag‘oyat katta ahamiyatga molik. Dunyodagi ko‘plagan boshqa xalqlar singari o‘zbeklar tantanalari orasida nikoh to‘ylari o‘zining turli marosimlar, irim-sirimlarga boyligi, milliy qadriyatlarning rang-barangligi bilan alohida ajralib turadi.

Nikoh to‘yi tantanalarini boshlab beradigan dastlabki marosim **sovchilik** hisoblanadi. Sovchilar haqidagi ilk ma’lumotlarni VII-VIII asrlarga oid O‘rxun-Enasoy bitiklarida uchratish mumkin. Buyuk davlat arbobi To‘nyuqq (VII asr) bitiktoshida «sov» – «so‘z», «gap» ma’nosida ishlatilgan. Iрq bitigi (fol kitobi) da «sab» – «so‘z», «sabchi» – «xabarchi, so‘z keltiruvchi» mazmunini ifodalagan. Ushbu manbalardan **sovchilik** ning shakllanishi uzoq o‘tmishga borib taqalishiga amin bo‘lamiz.

O‘zbek tilidagi **sovchilar** so‘zi qoraqalpoqlarda **jawshilar** («bosib oluvchilar»), **elshiler** («elchilar») deb nomlangan. O‘tmish davrlardan tomonlarni murosaga olib kelib, yarashtirib ko‘yishda **jawshilar** ning o‘rnii niyoyatda muhim hisoblangan [7]. Ular qiz olib qochilgandan keyin kuyov va kelin ota-onalari orasida ilqlik munosabatini o‘rnatish, ayniqsa, kelin tomonning to‘yga roziliginini olish maqsadida uning uyiga **sovchilik** ka borishgan. Bu xalqda **jawshilar** atamasi vujudga kelishining tarixiy sabablari bor.

Qadimgi davrlarda aholi yashaydigan hududlar bosqinchilar hujumiga uchrab, ular tomonidan bosib olingan. Istilochilar chindan ham mahalliy xalq uchun *jaw* // *yov* sanalgan. Ularning tinch, osoyishta kun kechirayotgan xalq

hayotiga tajovuz qilishi odat tusiga aylangan. Dushman bosqinlar orqali dehqonlar yerlarini ishg‘ol etgan. Hattoki, ular ko‘lga kiritgan makonlardan qizlar, ayollarga ham ko‘z tikishgan. Bosqinchilar askarları – *jawshilar* ning hujumi oqibatida har qanday oila qizi yoki ular qo‘liga o‘tib ketgan. Bu haqida quyidagi manbada qayd qilinib, harbiy kuch va bosqinchilik hukmron bo‘lgan vaqtida asosiy qo‘lga kiritilgan boyliklar qatorida qiz va ayollar ham bo‘lgan. Aksariyat turkiy tilli epik asarlarda keltirilishicha, qo‘lga o‘lja sifatida tushgan qiz va ayollar askarlar o‘rtasida taqsimlangan hamda ularning qonuniy xotiniga aylangan [8]. Katta ehtimol bilan aytish mumkinki, *jawshilar* atamasi *sovchilik* an’analari paydo bo‘lishigacha ishlataligan. Yigit va qizni unashtririb qo‘yish an’anasi boshlangach, mazkur so‘z birlamchi ma’nosini yo‘qotgan va boshqa ma’no kasb eta boshlagan [9]. Bizning fikrimizcha ham, *jawshilar* so‘zi keyinchalik tamoman o‘zgacha qiyofa kasb etib, mazmun-mohiyati o‘zgarib, qizni unashtririb qo‘yish bilan bog‘liq *sovchilik* an’analari vujudga kelgunga qadar xalq orasida qo‘llangan.

O‘zbek xalqi, xususan, surxon vohasi aholisi o‘zining tabiiy, tarixiy va madaniy qadriyatlariga kuchli hurmat va e’tiqodi tufayli juda ko‘p qadimiyo marosimlarni, urf-odatlarni, shuningdek, rasm-rusumlarni bajarish chog‘ida ijro etiladigan qadimiyo qo‘shiqlarni hozirgi kungacha saqlab kelmoqda [10]. Asosan, o‘xshatish va metaforalar har bir xalqning muayyan voqeа-hodisalarga, buyum va ashyoga nisbatan tarixan shakllanib ulgurgan majoziy qadriyatlar, qarashlarini o‘zida jamlaydi. Shunday ekan, o‘zbek tilining to‘y marosimlari bilan bog‘liq urf-odatlarining aks ettirilishida ham ana shunday tasviriy vositalardan foydalanilgani ko‘plab kuzatiladi. Binobarin, o‘xshatishlarning milliylikka boy ko‘rinishlari aynan nikoh to‘yining bezagi *kelin salom* marosimida bor bo‘y-basti bilan namoyon bo‘ladi [11].

**Kelin salom** o‘zbek xalqi madaniyatining go‘zal odatlardan biridir. U kelining salom berishdagi ta’zim bajo keltirishi, boshqa nozik harakatlardan o‘sib chiqib, nikoh to‘yi marosimi tizimidagi *kelin salom* qo‘shig‘ining shakllanishiga asos bo‘lgan, deyish mumkin. Bu esa xalq donishmandligidan dalolat berib, uning zamirida qadimiyo tushunchalar, mifologik, shomonistik, animistik, totemistik tasavvurlar, hosildorlik, suv, olov, ostona kulti bilan bog‘liq tushunchalar va islomiy qarashlarni o‘rganish imkoniyati mavjudligini ko‘rsatadi [12]. Shunga bog‘liq holda *kelin salom* larda milliy qadriyatlarimizni ifodalaydigan ko‘plab qirralar ko‘zga tashlanadi.

To‘y qo‘shiqlarning mazmun-mohiyatida duo, istak, o‘xshatish, *kelin* va kuyovlarning ta’rifi, kinoya, piching, nasihat, maslahat kabi mavzular yetakchilik qiladi [13]. Bunda dastlab xonadonga yangi tashrif buyurgan kelinchakka oila a’zolarini ta’riflab tanishtirish jarayoni boshlanadi. Ayniqsa, momolarimiz qiyofasi aks etgan *kelin salom* larda keksa yoshdagi onaxonlarning duogo‘yligi, ularning ko‘nglida hamisha samimiy tuyg‘ular jo‘sh urishi, barchaga yaxshilik tilab, hech kimga yomonlikni ravox ko‘rmasligi tasvirlanadi:

*Oq ro‘mollar o‘ragan,  
Oxiratni o‘ylagan,  
Qo‘li doim duoda,  
Yurtga tinchlik so‘ragan,  
Salom, salom, *kelin salom*,  
Momolariga juftdan salom!*

Ushbu *kelin salom* da momolarimizning boshiga oppoq ro‘mol o‘rab olishi, bu bilan mudom oxiratni o‘ylab yashashi, yurtiga tinchlik-farvonlik tilab duo qilishi ifodalaydigan. Xalqimizda qadimdan oq rang, oq ro‘mol ulug‘vorlik, poklik ramzi sanalgan. Haj ziyoratini amalga oshirgan onalarimiz boshiga, albatta, oq ro‘mol tashlab yurishga odatlanishgan. Shunga asosan, *kelin salom* dagi «*oq ro‘mollar o‘ragan*» degan qaydda ko‘proq muborak haj safarini ado etib qaytgan hoji onalarimiz nazarda tutiladi. Shuningdek, *kelin salom* qo‘shiqlarida *kelin*, kuyov, ota-onalar, quanda-andalar, to‘yda qatnashayotgan qarindosh-urug‘larni tavsiflashga alohida diqqat ag‘dariladi.

*Kelin* yangi xonadonga katta orzu, niyatlar bilan qadam bosib kirib keladi. O‘sha xonadonning kelinlari, yangi kelinchakning bo‘lg‘usi ovsinlari unga suyanchiq bo‘lishi, bilmaganini o‘rgatishi farz. Quyidagi *kelin salom* da xuddi shu mazmun aks etgan:

*Yelka bo‘lgan, bel bo‘lgan,  
O‘zga uyda el bo‘lgan,  
Ipak ro‘mol boshida,  
Doim o’sma qoshida,  
Salom, salom, *kelin salom*,  
Ovsinlariga juftdan salom!*

Haqiqat ham, yelka – insонning eng asosiy tayanch a’zosi. U inson qaddining bukiluviga yo‘l qo‘ymaydigan, tananig tik holatda turishini ta’minlaydigan vujud. Tana a’zolarining o‘rtasida joylashgan bel esa har ikki oraliqdagi jamiki qismlarni harakatga kelishida muhim ahamiyatga ega. Bu o‘rinda ovsinlar yelka va belga qiyos qilinyapti [14]. Chunki oilada avvaldan istiqomat qilib kelayotgan ovsinlar bir-birini qo‘llab-quvvatlab kelishgan. Ular o‘zga uyga kelib, o‘zaro hamfikr, sirdosh tutinishgan. Boshiga o‘rab olgan ipak ro‘mol, qoshlariga qo‘yilgan o‘sma ular chiroyiga yanada chiroy qo‘shgan. Zero, o‘tmish davrlardan xonadondagi kelinlarning ipak ro‘mol o‘rashi va qoshiga o‘sma qo‘yishi qadriyat sanalib, bu esa o‘zbek kelinlari milliy qiyofasini aks ettirish uchun xizmat qilgan. Demak, *kelin salom* da yangi tushgan *kelin* uchun bundan keyin xonadondagi ovsinlar ana shunday, biri yelka, biri bel kabi mehribonchilik ko‘rsatishi, unga suyanchiq bo‘lishi kerakligiga doir ishora bor. Umuman, *kelin salom* lar oilaga yangi kelgan kelinlarning xonadon ahli va atrofdagilar bilan yaqindan tanishuvida, ular bilan keyinchalik til topishib ketishlarida o‘ta muhim hisoblanadi.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Qoraqalpoqlarning bet ashar (bet ochar) odati o‘zbek xalqining kelin salom lariga birmuncha o‘xshaydi. «Qoraqalpoqlarda to‘y boshlash degan an’ana mavjud. Bu bet ashar oldidan o‘tkaziladi. Bet ashar ning o‘zi kichik bet ashar hamda katta bet ashar deb ikkiga ajraladi. Kichik bet ashar kelinchak xonadonga kelgan vaqtida kuylanadi. So‘ngra kelin chimildiqqa kuzatilib, yaqinlari qurshovida bo‘ladi. To‘yning eng qizg‘in pallasida to‘y boshlash va katta bet ashar boshlanadi. Ana shu orada to‘yda kurash, qo‘chqor urishtirish, ot choptirish va boshqa o‘yinlar o‘tkazilgan. Shunday davomiylik tufayli qadimgi davrlarda, hattoki, bir haftaga cho‘zilib ketgan to‘ylar ham bo‘lgan» [15].

O‘zbekistonning ayrim hududlarida bet ochar to‘y kunining ertasi kuni o‘tkaziladi. Bunda nikoh to‘yi udumiga ko‘ra, to‘ydan keyingi kun kuyovning barcha yaqin kishilari, qarindosh-urug‘lari, qo‘ni-qo‘shnilari kelunga atab sovg‘alar olib kelishgan. Ushbu kun kelinning onasi boshchiligidagi kelin tomon ayollari kuyov uyiga yuz ochdi marosimiga yig‘ilishgan. Bu marosim Farg‘ona vodiysida yuz ko‘rsatar, bet ochar, ro‘ykushon (tojikcha «ro‘y» – yuz, «kushon» – ochar) kabi nomlar bilan yuritiladi [16]. Bu marosimda kelin yangalari yordamida yuziga oq ro‘mol tashlangan holda yig‘ilganlar huzuriga boshlab chiqilgan. Shundan so‘ng xonadonning yosh bolasi tomonidan uning yuzidagi ro‘mol ochilgan va uzoqroq joyga olib qochilgan [17]. Kelinning yuzini ochishda mevali daraxt shoxidan foydalilanligini ta’kidlash kerak. Buning zamirida, xuddi o‘sha mevali daraxtning serhosilligi kabi kelin ham kelajakda unib-o‘ssin, serfarzand bo‘lsin, degan niyat yashiringan. Qolaversa, yosh bola tomonidan kelin yuzining ochilishi ham ushbu jarayonning serfarzandlik e’tiqodi bilan bevosita bog‘liq bo‘lgan afsungarlik ko‘rinishi ekanligini tasdiqlaydi [18]. To‘yning ertasi kuni o‘tkaziladigan bet ochar tadbiri respublikamizning ko‘pgina hududlarida salom, kelin salom deb yuritiladi [19].

Bet ochar tadbirida uch yoki to‘rt yoshli o‘g‘il bola qo‘lida o‘qloq bilan, xususan, Surxondaryoning Muzrabot, Angor, Sherobot tumanlarida paxta savash uchun tayyorlangan maxsus cho‘p – sava cho‘p bilan, yoki mevali daraxtning ingichka va uzun shoxchasi bilan kelinning yuzidagi chimmatini olgan. Chimmat bu – oq mato parchasi bo‘lib (chimmat sifatida oq surp, oq doka, oq ipak mato, ba‘zan oq ro‘moldan foydalilanligan), kelinning yuzini atrofdagilar ko‘rmasligi uchun, sari yoki ro‘molning tagidan tutilgan. Kelinning yuzini yashirish bilan birga, oq rang yana boshqa ma‘no-mazmun ham ifodalagan. Ya‘ni, oq rang soflik, sokinlik rangi hisoblangan. Shunga muvofiq, voha aholisida oq rang barcha yomonlik va baxtsizliklarni o‘zidan qochiradi, degan tasavvur shakllangan [20].

Qoraqalpoqlarda to‘y mehmonorchiligi nihoyasiga yetgach, kuyovning barcha yaqin kishilari, qarindosh urug‘lari, qo‘ni-qo‘shnilari, umuman, to‘yga tashrif buyurgan barcha mehmonlar bet ashar marosimiga taklif qilingan. Bu marosim nikoh to‘yining eng muhim va qiziqarli qismi hisoblanib, bunda kelin kuyovning yangalari yordamida yuziga oq ro‘mol tashlangan holda qurga, yig‘ilganlar huzuriga olib chiqilgan. To‘yga kelganlar oldida ushbu marosim maxsus tayyorlangan bet ashar qo‘shiqlari jo‘rligi orqali amalga oshirilgan. Ushbu tadbir qoraqalpoq xalqi tomonidan hozirgi kunda ham o‘tkazilib, bunda mevali daraxtning ingichka shoxchasi uchiga 2-3 metrdan iborat biror mato bog‘lanadi. Shoxchaga ulangan o‘sha matoning keyingi uchi kelinning yuzidagi ro‘mol, chimmatga bog‘lab qo‘yiladi. Kichik yoshdagi o‘g‘il bola kelin ro‘parasida turib bu shoxchani qo‘liga ushlab oladi. Shu o‘rinda, qoraqalpoqlarda ham kelinning yuziga tashlanadigan chimmata oq mato parchasidan iborat bo‘lishini qayd qilish kerak.

Manbada keltirilishicha, o‘tmishda bet ashar tadbiri quyidagicha o‘tkazilgan: «kelinni kuyovning uyiga olib kelayotganda, kelin karvoni kuyovning ovuliga yaqinlashgan vaqtida, u to‘xtatilib, kelinning boshiga oq ro‘mol o‘ralgan. Qishloq ayollari, bolalar, qizlar kelinni kutib olgani oldiga peshvoz chiqqan, kelin mingan aravani har yer-har yerda to‘xtatishib, turli qâdeler, ya‘ni to‘lovlar in‘om etishgan. Kelinni aravadan tushirib olishgandan so‘ng, ikki yanga kelin yuziga shimildiq, ya‘ni chimildiq to‘sgan holda yosh kelin-kuyovlarga atab tayyorlab qo‘yilgan oq o‘tovning ostonasigacha kuzatib kelishgan. Keyinchalikni to‘yga yig‘ilgan kishilarga tanishtirish maqsadida uning yuzi ochilgan» [21]. Odatda, murindiq ene (vakil ona) kelinni arava yoki otdan tushirib, boshiga oq ro‘mol solib, kuyov ostonasini tavof ettirib, uya olib kirgan va chimildiq ichiga o‘tirg‘izgan. Faqat bet ashar marosimidan so‘nggina ushbu oqni olish, kelinning yuzini ochish va go‘zalligini namoyish qilish mumkin bo‘lgan [22].

Shunga o‘xshash yana bir manbada qayd etilishicha, bet ashar kelin ovulining oxiriga yetganda yoki kuyov ovulining ostonasiga kelgan vaqtida aytildi [23]. Bu qo‘shiqlar ijrosiga guvoh bo‘lgan axborotchilar fikriga qaraganda, ushbu marosim ikki bosqichda yoki ikki holatda o‘tkazilgan. Uning birinchisi, kórimlik aytum yoki aytum deb nomlangan. U kelinning kuyov xonadoniga ilk tashrifi chog‘ida ijro etilgan. Haqiqiy bet ashar qo‘shiqlari esa to‘y tantanalarining eng oxirgi yakuniy qismida kuylangan [24]. Bet ashar tadbiridan keyin jirov va baxshilar qo‘shiqlar ijro etgan. Bu esa, o‘z navbatida, elga kelgan kelin ushbu xonadon va ovulning haqiqiy a‘zosiga aylanganligini anglatgan.

Bet ashar qo‘shiqlarining o‘ziga xos xususiyati shuki, ular faqat qoraqalpoq va qozoqlar to‘y marosimlaridagina ijro etilgan [25]. Uning ayrim elementlari o‘zbeklarning kelin salom lariga juda o‘xshaydi. Shuningdek, turkmanlarning toy aydimlari da ham uchraydi [26]. Bu xalqlarning barchasida kelin salom lar nikoh to‘yi kunida kelin ta‘zim bilan salom berishiga bog‘liq holda, shuningdek, uning yonida turgan bir yoki bir qancha ayollarning kelin va kuyovni, boshqa qarindoshlarni ta‘riflashga aloqador muayyan matnlarni jo‘r bo‘lib ijro etishi asosida vujudga kelgan, deyish mumkin. Ushbu qo‘shiqlar mazmun-mohiyati jihatidan rang-barang bo‘lib, ayniqsa, ularning ko‘philigidagi kelinga nasihat qilish ohangi yetakchilik qiladi:

Shaqrilmagan jiyingā,  
Zin‘kildemeň kelinshek.

Aytilmagan toylarǵa,  
Jelkildemeň kelinshek.

Chaqirilmagan yig‘inga,  
Chopib yurmang kelinchak,

Aytilmagan to‘ylarga,  
Borib yurmang kelinchak.

Dúńkiytip qos qabaqtı,  
Tasurlatıp tabaqtaqı,  
Qonaqlardın kózinshe,  
Gúnkildemeń kelinshek.

Uyb qosh-u qovoqni,  
Tarsillatib tovoqni,  
Mehmonlar ko'z oldida,  
Javrab yurmang kelinchak [27].

Darhaqiqat, qiz o'zining kindik qoni to'kilgan xonadonni tark etib, tamoman boshqa oilaga, ovulga, o'zga kishilar orasiga kelin bo'lib tushadi. Turmushida notanish odamlarga ro'baro' keladi. Ba'zan ular bilan suhbat quradi. Har joyda bor tosh-u tarozi, deganlaridek, u borgan joyida toshdek qotishi uchun, avvalo, o'sha xonadondagi tartib-qoidalarni o'rganishi va ularga so'zsiz rioya etishi lozim. O'zining odob-axloqi, hayosi, ibosi bilan nafaqat oila a'zolari, balki qo'ni-qo'shnilar, ovuldoshlari hurmatiga ham sazovor bo'lishi kerak. Shuningdek, kelindan oiladagi yumushlarni sidqidildan ado etish bilan birga turmush o'rtog'iga, uning ota-onasiga, qolaversa, barcha yaqinlariga hurmat-e'tibor ko'rsatish talab etiladi. Xullas, qoraqalpoqlar o'tmishdagi milliy qadriyatini ifodalovchi *bet ashар* lar orqali yangi xonodon ostonasidan xatlab kirib kelgan kelinchak qalbiga uning ilk kunidan boshlab xuddi ana shunday nasihatmuz xarakterdagи fikrlarni singdirishga odatlanishgan.

Hozirgi kungacha *bet ashар* lar qo'shiq shaklida ijro etilib, ularni o'ta sinchkov, so'zamol, mohir ijrochilik qobiliyatiga ega kishilar kuylab keladi. Bunda kuyov, kelinning qaynotasi, qaynonasi, boring-ki, hamma yaqin qarindoshlar ismlari birin-ketin sanab o'tiladi. Ularning fe'l-atvori, insoniylik fazilatlariga baho berilib, shug'ullanadigan kasb-korigacha tilga olinadi. Kishilarga ta'rif berishda ko'pchilik hollarda hazil-mutoyibaga moyil so'zlar qo'llaniladi. Bu bilan davradoshlar kayfiyati yanada ko'tariladi. Ijrochi tomonidan qo'shiq kuylanayotgan paytda kelin har bir qarindoshlar ismi keltirilgandan so'ng, ularga hurmat va tavoze' bilan, egilib-egilib salom beradi.

Jon bor joyda qazo bo'lishi muqarrar. Oyning o'n beshi yorug' bo'lsa, o'n beshi qorong'u bo'ladi, deb bejizga aytmagan dono xalqimiz. Insonlar hayotida xursandchilik bilan birga qayg'uli, tashvishli kunlar ham yonma-yon yuradi. Oila boshiga tushadigan eng katta musibat bu – o'limdir. Bunday yo'qotish natijasida oila a'zolari qattiq qayg'uga botadi, g'am-anduh chekadi.

O'zbek xalqi motam marosimlarida **yig'i** alohida o'rinni egallaydi. Bu dunyonи tark etgan kishining dafn kunida erkak va, ayniqsa, ayollar dod solib yig'laydilar. Vafot etgan kishiga marsiya aytib yig'lash ko'plab xalqlarda kuzatiladi. Aslida, bunday odatning ildizlari qadimgi davrlarga borib taqaladi. O'tgan zamonalardagi ota-bobolarimiz tasavvuriga ko'ra inson o'ladi, ammo uning hayoti o'z nihoyasiga yetmaydi. Tana jonsiz yotishi mumkindir, biroq u atrofidagilarni ko'radi, ularning so'zlarini eshitadi. «Shu sababli marhum yaqinlarining dastlabki qayg'usi tabiiy ravishda ayriliq nolas, yakkalanishdan hasrat, ojizlik, marhumning mardona xatti-harakatlari va yaxshi amallarini madh etish ko'rinishidagi baland ovozli bo'zlash shaklini olgan» [28].

O'zbeklarda vafot etgan kishining barcha yaqinlari, xususan, erkak kishilar dafn marosimida yangi, oxorli to'n kiyib, bellarini bog'lab, boshiga do'ppi kiyib, yangi qirqilgan qora tol novdasini qo'llariga hassa qilib olib, unga suyangan holda marhum qo'yilgan xona atrofida aylanib marsiya aytib yig'laganlar. Farg'ona vodiyisida bunday maxsus yig'ichilar go'yanda deb nomlangan [29]. Islom dinida yig'lab aytuvchilar – *marsiachilar* – noix va noixa deyilib, motam marosimida marhum uchun yig'lash navxa solish deb ataladi [30].

O'tmish davrlarda ham marhumni so'nggi manzilga kuzatish uchun uning ta'ziyasiga ko'plab kishilar kelgan. Ular judolikkka uchragan oilaga dalda bo'lish, ularning dardiga sherikligini izhor qilish maqsadida yig'ichilar safiga qo'shilgan. Xonodon ahliming g'ammok holati ularga ham qattiq ta'sir qilgan, albatta. Yig'ichilar safiga qo'shilganlar o'z hayoti davomida yuz bergen yo'qotishlarni xotirasida qayta jonlantirib, ularga jo'r bo'lishgan. Ana shu tariqa yig'ichilar soni ko'payib boravergan. «Qazo qilgan kishi yaqinlarining, ya'ni qarindoshlarining hassaga suyanib yig'lash odati vodiy bo'yicha keng tarqalgan bo'lib, ular *hassakashlar* deb nomlangan [31]. Bunday odat nafaqat vodiy o'zbeklari orasida, balki tojik, qozoq va xakaslar orasida ham uchrashi xususida ilmiy manbalarda qayd qilingan [32].

Shuni ta'kidlash kerakki, bu o'rinda hassa ramziy belgi ifodalagan. Birinchidan, yig'ichilar dafn kuni uzoq muddat tik oyoqda turishiga to'g'ri kelgan. Shuning uchun ularga hassa tirkak, suyanchiq vazifasini bajargan. Ikkinchidan, qo'lga ushlab olingan hassa o'sha xonadonning o'z rahnamosi, ustunidan judo bo'lganligi ma'nosini anglatgan. Shuningdek, xalq hayolida hassaga suyanib yig'lovchilar miqdori qanchalik ko'p bo'lsa, marhum shunchalik yengil tortadi degan tasavvur shakllangan. Motam marosimlarida ayollar o'ziga xos tarzda yig'lashni odat bilgan. Ayollar erkaklardan alohida, marhumning atrofida davra qurib olgan holda baland ovoz bilan marsiya aytib yig'lashgan [33]. Agar marhum uylammagan yoki turmushga chiqmagan bo'lsa, u yotgan uyga chimildiq teskari shaklida tutilib, xotinlar ta'sirli ravishda hasratli motam yor-yorlarini aytishgan [34]. Mabodo ayol kishi o'z umr yo'ldoshidan ayrılgan bo'lsa, ular ko'kraklariga urib, sochlarini to'zg'itib, boshimdagi panohkorimdan ajralib qoldim, endi mening boshim ochiq qoldi, degan ma'noda uvvos solib yig'lashgan. «Qayd qilish muhim, baland ovoz bilan sochlarini yoyib, mushti bilan o'ziga urib yig'lash nafaqat o'zbek, balki butun O'rta Osiyo xalqlariga xos odat bo'lib, uning ildizlari juda qadim davrlarga borib taqaladi. Qadimgi turkiy xalqlarda faqat marhumning bevasigina emas, shu bilan birga, yaqin qarindoshlari ham marsiya aytib, sochlarini yulib, yuzlari va quloqlarini tirnab yig'laganlar» [35].

Qoraqalpoqlarda qazo qilgan kishining yaqinlariga hamdardlik bildirish, ta'ziyada ishtirok etish maqsadida uzoq-yaqindan yosh-u qari keladi. Vafot etgan kishining hurmati uchun tashrif buyurgan odamlar uy egasi yoki uning qarindosh-urug'laridan ko'ngil so'raydi. «Azal-azaldan bu millat erkak-ayollarining tushkun kayfiyati, og'ir judolikka duchor bo'lganligi **dawis shıgariw** (ovozi chiqarish) odati orqali ifodalananadi. Marhumning umr yo'ldoshi, qiz opasi, singlisi va qizlari ta'ziya kunida *joqlaw* aytishi ham mumkin. Chunki qadimgi davrlardan boshlab xalqimiz ayol-

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

qizlarining o‘z yaqinlaridan ajralganligini anglatuvchi *joqlaw* larni aytishi dastur hisoblangan» [36]. Bunda, asosan, marhumning fazilatlari, yaxshi sifatlari birma-bir aytib eslanadi. Bu qazo butum xonadon ahli uchun juda og‘ir musibat bo‘lganligi, marhumning barcha yaqinlari yuragini tilka-pora qilganligi yig‘i aralash dardli ohangda bildiriladi.

Vafot etgan kishining dafn marosimiga hozirlik ko‘rib, uni yerga qo‘yish arafasida turgan oiladagilar, barcha yaqin qarindoshlar, albatta, o‘z qayg‘usini yashirmsandan, ko‘nglida kechayotgan g‘am-alamini yig‘isi orqali ifodalaydi. Ammo qoraqalpoqlarda yana bitta odat borki, ta’ziyaga kelayotgan har qaysi kishi janoza bo‘layotgan xonadonga yaqinlashgach, yurib borayotib, tashqaridan **way-way, way-way** (voy-voy, voy-voy) degan so‘zlarni yig‘lagan ohangda, takroran ovoz chiqarib aytib, keyinchalik ichkariga, ya‘ni marhum yotgan xonaga emas, balki boshqasiga kirib, bir muddat tik oyoqda turib, marhum ruhi taskin topishini tilab, so‘ngra tashqariga chiqadi. Shundan keyin bu dunyonи tark etgan kishining yaqinlari bilan ko‘rishib, ularga hamdardligini bildiradi.

«Musulmonchilik qoidasiga binoan marhum tezda yerga qo‘yilgani ma’qul. Biroq qoraqalpoqlar tarqoq holda joylashgan el bo‘lganligi uchun uzoqdagi qudalar, oshna-og‘aynilarning yetib kelishini kutib, marhumni kamida 2-3 kun saqlashga odatlanishgan. Bu odatga hozirgi kunda ham amal qilinadi» [37]. Ta’ziya marosimiga doir ushbu odat xususida boshqa bir manbada keltirilishicha, marhum yoshi katta kishi bo‘lsa, ikki kun uyda saqlanadi. Agar yosh bola bo‘lsa, shu kunning o‘zida dafn etiladi [38]. Xullas, marhum uyda saqlangan kunlarda o‘sha xonadonga yaqin barcha kishilar, oshna-og‘aynilar, do‘sut birodarlar, quda-andalar, qarindosh-urug‘lar qanday bo‘lmasin ta’ziyaga kelishga harakat qiladi. Qayd qilinganidek, marosimga *voy-voy, voy-voy* degan taxlitda ovoz chiqarib kirib kelish, bu bilan oila boshiga tushgan og‘ir musibatga, tashvishga sheriklikni izhor qilish ushbu qadimiyl qadriyat qoraqalpoqlar orasida mustahkam qaror topganligini isbotlaydi.

**Xulosa.** Xullas, o‘zbek va qoraqalpoq xalqlari milliy-madaniy qadriyatlar turfa xil. Ular har qaysi xalqning tarixiy o‘tmishidan guvohlik beradi. O‘sha qadriyatlarning ifodachisi tildir. Har qanday tarixiylikka daxldor qadriyat tilda muayyan leksika orqali ta’riflanadi. Qardosh xalqlar milliy-madaniyatini o‘zida namoyon etuvchi qadriyatlardan ayon bo‘ladiki, o‘tmish davrlarda har bir xalqning o‘z milliy nigohi shakllangan. Xalqlar olamni o‘z idrok intizomiga muvofiq tasavvur etgan. Atrofidagi narsa va hodisalar, sir-sinoatlarni anglab, tafakkuriga joylagan. Shundan keyin o‘sha mohiyat til sohiblarida o‘ziga xos lisoniy manzara hosil qilib, har bir xalq bu tushunchalarni mentalitetiga muvofiq tarzda nomlagan. Bu qadriyatlar vaqt o‘tishi bilan milliy-madaniyat ko‘zgusi darajasiga ko‘tarilib, lisondan mustahkam o‘rin egallagan.

#### Adabiyyotlar ro‘yxati:

1. Qadriyatlar va ijtimoiy taraqqiyot (ilmiy ishlar to‘plami). –Toshkent: «O‘zbekiston», 1997. –B. 198; Komilov T., Abidova S. Milliy axloqiy qadriyatlar va ularning tarbiyaviy ahamiyati. O‘zR FA, «Fan», 2000. –B. 20; Ortikov N. Ma’naviyat: milliy va umuminsoniy qadriyatlar. –Toshkent: «O‘zbekiston», 1997. –B. 48.
2. Mustaqillik izohli ilmiy-ommabop lug‘ati. (A.Jalolov va Q.Xonnazarov tahriri ostida). –T.: Sharq, 1998. –B. 279.
3. Ma’naviyat: asosiy tushunchalar izohli lug‘ati. –Toshkent: G‘.G‘ulom, 2010. –B. 707.
4. Tarbiya ensiklopediyasi. –Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2010. –B. 509.
5. Ziyomhammadov B. Komillikka eltuvchi kitob. –Toshkent: «TURON-IQBOL», 2006. –B. 73.
6. To‘lanov J. Qadriyatlar falsafasi. –Toshkent: «O‘zbekiston», 1998. –B. 333.
7. Begjanova B.K. Qoraqalpoq to‘y marosimi folklorining tarixiy-etnografik xususiyatlari (nikoh to‘yi marosimlari misolida): Tarix. fan. falsafa dok-ri diss (PhD). –Nukus, 2020. –B. 94.
8. Malov S.E. Pamyatniki drevnetyurskoy pismennosti. –M., L.: Nauka, 1951. –S. 29.
9. Begjanova B.K. (7-Ko‘rsatilgan ish). –B. 95.
10. Xudayqulova L.A. Surxondaryo to‘y-marosim qo‘shiqlari. Filol. fan. nomz. diss. –Toshkent, 2011. –B. 7.
11. Kurbanazarova N.Sh. Surxondaryo vohasi to‘y marosimi etnografizmlarining semantik tabiatini va lingvomadaniy tadqiqi: Filol. fan. falsafa dok-ri diss (PhD). –Termiz, 2021. –B. 116.
12. Ismonova O. O‘zbek to‘y marosim folklorida «kelin salom» janri (genezisi, o‘ziga xos xususiyatlari va poetikasi): Filol. fanlari. nomz. diss. Avtoref. –Toshkent, 1999.
13. Hayitova F.B. Nikoh to‘yi qo‘shiqlарining lisoniy tadqiqi. Filol. fanlari nomz. diss. avtoref. –Toshkent, 1998. – 16 b.
14. Kurbanazarova N.Sh. (11-Ko‘rsatilgan ish). –B. 118.
15. Mambetov K. Qaraqalpaqlardiñ etnografiyalig tariixi. –Nekis: Qaraqalpaqstan, 1995. –B. 156.
16. Ashirov A. O‘zbek xalqining qadimiyl e’tiqod va marosimlari. –Toshkent: Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007. –B. 100.
17. Dala yozuvlari. Namangan viloyati, Chust tumani, Sho‘rbuloq qishlog‘i. 2000-yil.
18. Ashirov A. (16-Ko‘rsatilgan manba). –B. 100.
19. Nurillayeva Sh.M. Turkiston qarluq til shevalarida to‘y marosimi nomlari: Filol. fan. nomz. diss. –T. 2001. –B. 48.
20. Kurbanazarova N.Sh. (11-Ko‘rsatilgan ish). –B. 79.
21. Daóqarayev N. Shig‘armalariniñ toliq jiynag‘i. Tom. II. –Nekis: Qaraqalpaqstan, 1977. –B. 151.
22. Begjanova B.K. (7-Ko‘rsatilgan ish). –B. 132.
23. Dala yozuvlari. Qoraqalpog‘iston Respublikasi Kegayli tumani Kumshungil MFY, 2015-yil.
24. Aimbetov Q. Xalq danalig‘i. –Nekis: Qaraqalpaqstan, 1968. –B. 14.
25. Uaxatov B. Qazaqtin turmis-salt jirlariniñ tipologiyasi. –Almati: G‘ilim, 1983. –B. 29.
26. Berkadiyev K. Xalq doredijiliginde dap-dastur poeziyasi. –Ashgabad: Ilim, 1985. –B. 158.
27. Begjanova B.K. (7-Ko‘rsatilgan ish). –B. 140.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

28. Ashirov A. (16-Ko'rsatilgan manba). –B. 110.
29. Ashirov A. (16-Ko'rsatilgan manba). –B. 110.
30. Rahmatillo Qosim Usmon al-O'shiy. Marhumni dafn etish marosimlari va sha'riy vasiyat. –O'sh, 1993. –B. 14.
31. Dala yozuvlari. Namangan viloyati, Yangiqo'rg'on tumani, Cho'ngbag'ish qishlog'i. 2003-yil.
32. Usmonova M.U. Derevo v traditsionix predstavleniyax xakasov // Voprosi etnokulturnoy istorii Sibiri. –Tomsk, 1980. –S. 100-106.
33. Ashirov A. (16-Ko'rsatilgan manba). –B. 111.
34. Dala yozuvlari. Namangan viloyati Chust tumani Qiziltosh qishlog'i. 2003- yil.
35. Aydarov G. Yazik orxonskix pamyatnikov drevnetyurkskix pismennosti. –Alma-Ata, 1971. –S. 15.
36. Mambetov K. (15-Ko'rsatilgan manba). –B. 157.
37. Mambetov K. (15-Ko'rsatilgan manba). –B. 157.
38. Nizanov M. Qoraqalpoqlar. Ikkinch kitob. –Nukus: «Bilim», 2021. –B. 350.

### Muallif:

**Kazakov Ilhom Rozmamatovich** – Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti O'zbek tilshunosligi kafedrasи dotsenti, filologiya fanlari nomzodi. E-mail: ikazakov1973@mail.ru

UDK 372.881.11

### INTERSECTION OF HYPOONYMY AND ECONOMY IN THE SYSTEM OF TERMS

TERMINLAR TIZIMIDA GIPONIMIYA VA EKVONIMIYA HODISALARINING KESISHUVI

ПЕРЕСЕЧЕНИЕ ЯВЛЕНИЙ ГИПОНИМИИ И ЭКВОНИМИИ В СИСТЕМЕ ТЕРМИНОВ

**Ermatov Ixtiyor Rizakulovich, Toshtemirova Nasiba Xasanovna**

Guliston davlat universiteti, 120100. Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, 4-mavze

**E-mail:** ermatov.ixtiyor@mail.ru

**Abstract.** In this article, the functional-semantic features of the terminological system of Uzbek intralinguistic (immanent) linguistics related to the content plan are studied, and the issues of the terminological systems of modern directions of syntax are discussed in it. The terms of the syntax department of linguistics serve as illustrative material of the article.

**Key words:** Syntax, phrase syntax, sentence syntax, text syntax, equal conjunction, subordinating conjunction, text, macrotext, microtext, hyponym, equonym.

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada o'zbek intralingvistik (immanent) tilshunosligi terminologik tizimining mazmun plani bilan bog'liq funktional-semantik xususiyatlari o'r ganilgan bo'lib, unda sintaksisning zamonaviy yo'naliishlarining terminologik tizimlari masalalariga bag'ishlanadi. Tilshunoslikning sintaksis bo'limining terminlari maqolaning illyustrativ materiali sifatida xizmat qiladi.

**Tayanch so'z va iboralar.** Sintaksis, so'z birikmasi sintaksisi, gap sintaksisi, matn sintaksisi, teng bog'lanish, tobe bog'lanish, matn, makromatn, mikromatn, giponim, ekvonim.

**Аннотация.** В данной статье исследуются функционально-семантические особенности терминосистемы узбекского интралингвистического (имманентного) языкоznания, относящиеся к содержательному плану, и в ней обсуждаются вопросы терминосистем современных направлений синтаксиса. Иллюстративным материалом статьи служат термины синтаксического отдела языкоznания.

**Ключевые слова.** Синтаксис, синтаксис словосочетания, синтаксис предложения, синтаксис текста, союз равенства, подчинительный союз, текст, макротекст, микротекст, гипоним, эквоним.

**Kirish.** XX asrning 80-yillaridan boshlab o'zbek tili sintaktik qurilishini sistem tadbillar asosida ilmiy bosqichda o'r ganishlar boshlandi. Sintaksis, bir tomondan, so'z shakllarining bog'lanish qoidalari, ikkinchi tomondan, tarkibida bu qoidalari ro'yogga chiqadigan bir butunlikni – gapni o'r ganadi. Anglashiladiki, morfologik birlik bo'lgan so'zning shakli ham sintaksis uchun ahamiyatlidir. Lekin faqat so'zning boshqa shakllari bilan aloqasi va sintaktik birlik ichida uning bir qismi sifatida bajaradigan vazifasi nuqtai nazaridangina sintaktik qimmatga ega bo'ladi [4]. Ushbu predmetlarni o'r ganadigan bo'limda shu predmetlar bilan bog'liq terminlar ham mavjud. Ular jins-tur va tur-tur munosabatiga kiradi hamda gipero-giponimik, ekvonimik aloqadorlikni namoyish qiladi. Dastlab, bunday xususiyatni *sintaksis* termini misolida ko'rib o'tamiz.

Biz terminlar tizmida giponimiya va ekvonimiya hodisalarini izohlashda quyidagi ilmiy adabiyotlardagi *sintaksisiga* oid terminlarga etibor qaratdik [2]. Grammatikaning *sintaksis* (yun. suntaxis – tuzish) bo'limida o'zarbo'ganishli nutq qurilishi o'r ganiladi. Bu bo'lim ikki asosiy qismidan *so'z birikmasi sintaksisi* va *gap sintaksisidan* iborat. *Sintaksis* termini gipreonom bo'lsa *so'z birikmasi sintaksisi*, *gap sintaksisi* terminlari uning giponimlarini tashkil etadi.

### Tadqiqot obyekti va qo'llanilgan metodlar

*Sintaksis* termini o'r ganish obyektidan kelib chiqib, *so'z birikmasi sintaksisi*, *gap sintaksisi*, *matn sintaksisi* terminlari bilan jins-tur munosabatiga kiradi va bu terminlarning giperonimi bo'ladi. Tur maqomidagi terminlar shu

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

giperonimning ichiga kirishi, oidligi belgisiga ko‘ra giponimlariga aylanadi. Mazkur terminlar bir-biri bilan gorizontal aloqaga kirishadi va tur-tur munosabatida bo‘ladi. Bunday munosabatda ular differentials xususiyatlariga ko‘ra farqlanadi. Xususan, so‘z birikmasi, gap va matnning bog‘lanish xususiyatlari o‘rganilishiga ko‘ra ekvonimik munosabatga kirishib, o‘zaro munosabatlarda ekvonimiya hodisasini namoyon qiladi. Ekvonimik munosabatdagi so‘z birikmasi sintaksisi, gap sintaksisi, matn sintaksisi terminlari o‘zaro ekvonimlarga aylanadi. Sintaksis terminining so‘z birikmasi sintaksisi, gap sintaksisi, matn sintaksisi terminlarining jins-tur munosabati bilan so‘z birikmasi sintaksisi, gap sintaksisi, matn sintaksisi terminlarining tur-tur munosabati o‘rtasida giponimiya va ekvonimiya hodisalari kesishadi.

#### Olingen natijalar va ularning tahlili

O‘z navbatida, gap sintaksisi termini giperonim bo‘lishi mumkin. Xususan, jins maqomida keladi, uning tur maqomidagi terminlari sodda gap sintaksisi, qo‘shma gap sintaksisi terminlari bo‘ladi. Sodda gap sintaksisi termini ostida bir grammatik asosdan iborat birliklar, qo‘shma gap sintaksisi termini ostida ikki grammatik asosdan iborat birliklar o‘rganilishi bilan tur-tur munosabati farqlanadi va ular ekvonimlarga aylanadi. Giponim va ekvonimlarning tutashishiga shu tur-tur munosabati xizmat qiladi.

So‘z va gaplarning orasidagi bog‘lanish sintaktik aloqa deyiladi. U ikki turli bo‘ladi: teng bog‘lanish, yoki teng aloqa; tobe bog‘lanish, yoki tobe aloqa. Teng bog‘lanish sintaktik jihatdan teng huquqli bo‘lgan, biri ikkinchisiga bo‘ysunmagan so‘zlarning yoki gaplarning aloqasidir. Bunda teng aloqadagi so‘zlar yoki gaplar o‘zaro teng bog‘lovchilar, teng bog‘lovchi vazifasidagi yuklamalar, sanash ohangi (ohang) yordamida munosabatga kirishadi. Teng bog‘lanish (teng aloqa) va tobe bog‘lanish (tobe aloqa) sintaktik aloqa giperonimining giponimlari maqomida keladi. Shu munosabatdoshlikda (teng bog‘lanish, tobe bog‘lanish; teng aloqa, tobe aloqa) ekvonimiya hodisasi yuz beradi.

So‘zlar orasidagi tobe bog‘lanish ikki xil bo‘ladi: predikativ tobe bog‘lanish va noprifikativ tobe bog‘lanish. Ega va kesimning bog‘lanishi predikativ tobe bog‘lanish hisoblanadi va bunday bog‘lanishdan gap hosil bo‘ladi. Tobe (ergash) bog‘lanishning qolgan ko‘rinishlari (aniqlovchi/aniqlanmish, to‘ldiruvchi/to‘ldirilmish, hol/hollanmish) noprifikativ tobe bog‘lanish bo‘lib, bunday bog‘lanishdan so‘z birikmasi yuzaga keladi.

Ega va kesim munosabatida ham, aniqlovchi aniqlanmish, to‘ldiruvchi to‘ldirilmish, hol hollanmish munosabatida ham bog‘lanish mayjud. Lekin anglashilganidek ega va kesim bog‘lanishidan gap hosil bo‘lsa, bog‘lanishning qolgan ko‘rinishlarda esa so‘z birikmasi hosil bo‘lmoqda. Mana shu kabi munosabatdoshlikda predikativ tobe bog‘lanish, noprifikativ tobe bog‘lanish tobe bog‘lanish giperonimining giponimlari va ayni vaqtida ekvonimiya hodisasini yuzaga keltirgan. Shu o‘rinda giponimlar ekvonimlar bilan birga sinkretlashgan.

Odatda, nutqda, gapda so‘zlar ma’lum qonun-qoidalar asosida o‘zaro ma’no va grammatik jihatdan bog‘langan bo‘ladi. Masalan, qiziqarli kitob, toqqa chiqmoq, tez o‘qimoq kabi. Bunday juftlik bir butunlik hosil qilib, yaxlit, lekin o‘z ichida qismlargina bo‘linadigan bir butun tushunchani bildiradi. Ikki yoki undan ortiq mustaqil so‘z va so‘z shakllarning noprifikativ tobe aloqasi asosida birikishidan hosil bo‘lgan bog‘lama so‘z birikmasi deyiladi. So‘zlarning noprifikativ tobe bog‘lanishi (tobe aloqa) uch xil bo‘ladi: boshqaruv aloqasi, bitishuv aloqasi, moslashuv aloqasi.

Tobe so‘zning hokim so‘z talab etgan shaklda kelishi boshqaruv aloqasi deyiladi. Bunda boshqariluvchi so‘z bosh va qaratqich kelishigidan tashqari boshqa kelishik shaklini yoki ko‘makchini olib keladi. Qaysi kelishik yoki ko‘makchi bilan shakllanish boshqaruvchi so‘zning ma’nosи, semantikasi bilan belgilanadi. Masalan: kitobni o‘qimoq, qariyalarga g‘amxo‘rlik qilmoq, universitetda o‘qimoq, ishdan qaytmoq, o‘quvchilar bilan suhbatlashmoq va boshqalar. Boshqaruv ikki xil bo‘ladi: kelishikli boshqaruv aloqasi va ko‘makchili boshqaruv aloqasi.

Kelishikli boshqaruv aloqasida boshqariluvchi so‘z ma’lum kelishik shaklida qo‘llanadi: kattalarni hurmat qilmoq, toqqa chiqmoq kabi. Ko‘makchili boshqaruv aloqasida boshqariluvchi so‘z ko‘makchi orqali shakllanadi: ukasi bilan kelmoq, telefon orqali gaplashmoq kabi. Boshqaruv usuli bilan bog‘lanish to‘ldiruvchi-to‘ldirilmish, hol-hollanmish munosabatlarini yuzaga keltiradi.

Tobe so‘z hokim so‘zga grammatik shakl yordamida emas, balki tartib va ohang orqali bog‘lanadigan sintaktik aloqa bitishuv aloqasi deyiladi. Masalan, tinch hayot, yaxshi o‘quvchi, tez yurmoq kabi.

Moslashuv aloqasida tobe so‘z o‘z shaklini hokim so‘zga moslaydi, shu tipda hokim so‘zga bog‘lanadi, hokim so‘z o‘zgarsa, tobe so‘z ham shunga mos holda shaklini o‘zgartiradi. O‘zbek tilida moslashuv asosan ega-kesim va qaratuvchi-qaralmish aloqasida bo‘ladi: men aytyapman, sen aytyapsan, u aytyapti; mening iltimosim, sening iltimosing kabi.

Boshqaruv aloqasi, bitishuv aloqasi, moslashuv aloqasi tobe aloqa giperonimining giponimlaridir. Boshqaruv aloqasi, bitishuv aloqasi, moslashuv aloqasi ma’nolaridagi farqlanish ekvonimik munosabatlarni yuzaga chiqargan.

Kelishikli boshqaruv aloqasi, ko‘makchili boshqaruv aloqasi boshqaruv aloqasi giperonimining giponimlari maqomida ekvonimik munosabatlarning hosil bo‘lishiga sabab bo‘lgan. Bog‘li aloqa tushunchasi bilan bog‘langan jins-tur, tur-tur munosabati boshqaruv terminida yana davom etadi. Xususan, boshqaruvning kelishikli yoki ko‘makchili bo‘lishi mumkinligi bu uch terminni yangi gipero-giponimik va ekvonimik munosabatga tortadi. Boshqaruv, kelishikli boshqaruv, ko‘makchili boshqaruv terminlari o‘rtasida bo‘lgan jins-tur munosabatida boshqaruv termini giperonim, kelishikli boshqaruv, ko‘makchili boshqaruv terminlari uning giponimlari bo‘ladi. Keyingi ikki terminning lingvistik mohiyat-mundarijasi kelishikli bo‘ladimi, ko‘makchili bo‘ladimi, baribir, boshqaruv aloqasiga mansubligi nuqtai nazaridan bir giperonim – boshqaruv asosida birlashadi. O‘z navbatida, ta’kidlash kerakki, kelishikli boshqaruv, ko‘makchili boshqaruv terminlari bir-biridan kelishik va ko‘makchi vositasida boshqarilishi bilan farq qiladi, bu differentials xususiyatlar terminlarning o‘zaro ekvonimik munosabatga kirishishini ta’minlaydi.

So‘z birikmalari hokim qismning qaysi so‘z turkumidan ekanligiga ko‘ra quyidagi turlarga ajratiladi: *otli birikma, fe’lli birikma, sifatli birikma, ravishli birikma, modal so‘zli birikma*. So‘z birikmasi giperonim bo‘lsa, *otli birikma, fe’lli birikma, sifatli birikma, ravishli birikma, modal so‘zli birikma* terminlari uning giponimlaridir.

So‘z birikmalari tuzilishiga ko‘ra ham ikki xil bo‘ladi: *oddii so‘z birikmasi* va *murakkab so‘z birikmasi*. So‘zshakl bilan so‘z (leksema)ning yoki ikki so‘zshaklning bog‘lanmasi *oddii so‘z birikmasi* hisoblanadi: *keng dala, tekisroq yo‘l, tinchlikka da’vat qilmoq, davlatlarning hamdo’stligi, maktab hovlisi*. *Murakkab so‘z birikmasida* birikmaning qismlaridan biri yoki har ikkisi so‘z birikmasi bilan ifoda etiladi. Masalan, *mehnat qilishni sevadigan odam, odamlarga xayrixoh bo‘lgan kishi* kabi so‘z birikmalarining tobe qismi (“mehnat qilishni sevadigan”, “odamlarga xayrixoh bo‘lgan”) so‘z birikmasi shaklida qo‘llanib, hokim so‘zga bitishuv yo‘li bilan bog‘langan. Bu o‘rinda *so‘z birikmasi* giperonim, *oddii so‘z birikmasi, murakkab so‘z birikmasi* so‘z birikmasining giponimlari bo‘lib kelgan.

Sintasisning asosiy mazmuni sintaktik aloqada aks etadi. Til birliklarining asosiy amali ham sintaktik aloqa bilan bo‘ladi. Sintaktik aloqa yo‘nalishiga ko‘ra ikkiga bo‘linadi: a) ikki tomonlama aloqa (koordinatsiya), b) bir tomonlama aloqa (subordinatsiya) [4]. Anglashildiki, jins-tur munosabatida *sintaktik aloqa* termini giperonim bo‘ladi, uning giponimlariga *ikki tomonlama aloqa* (koordinativ aloqa), *bir tomonlama aloqa* (subordinativ aloqa) terminlari aylanadi. Giperonim termin bu yerda ikki giponim uchun umumiylar xarakterli, giponimlar giperonimga mansub, uning ichki turlari. *Bir tomonlama aloqa* va *ikki tomonlama aloqa* terminlari tobelanib bog‘lanishning yo‘nalishiga asoslanib, bir-biridan farqlanadi. Shu farqlanish terminlarning ekvonimligi amalini ta‘minlaydi, o‘zaro ekvonimiya hodisasini yuzaga keltiradi.

Ma‘lumki, tobe qismning qanday shaklda kelishi hokim qismga bog‘liq bo‘lgan aloqa *bog‘li aloqa* deyiladi. Masalan, *kitobni o‘qi* birikmasida tobe qism o‘timli fe’ldan ifodalangan hokim qism talabiga muvofiq tushum kelishigida keladi. Bog‘li aloqa uch turga bo‘linadi: a) moslashuv; b) boshqaruv; v) bitishuv [4]. Mazkur iqtibos bizga giperonim va giponimlarni ko‘rsatib bermoqda. Giperonim – *bog‘li aloqa* termini; giponimlar – *moslashuv, boshqaruv, bitishuv* terminlari. Ushbu terminlar tobe va hokim qismlarning o‘zaro bir-biriga bog‘liqligiga ko‘ra integral belgini namoyon qiladi. Shu xususiyat ularni jins-tur munosabatiga kiritgan, o‘z giperonimiga bo‘ysundirgan. Giponimik terminlar o‘zaro tur-tur munosabatiga tortilganda integral belgi rol o‘ynamaydi, balki differentialsel belgi sintaktik aloqaning asosini tashkil qiladi, terminlar bir-biri bilan ekvonimik munosabatdorlikda bo‘ladi.

Sintaksisda o‘rganilanligan asosiy sintaktik birlik *gap* hisoblanadi. Gap – kishilar nutqining eng kichik birligi bo‘lib, u grammatick jihatdan tashkil qilingan, mazmun va ohang jihatdan nisbiy tugallikka ega bo‘lgan so‘zlar bog‘lamasi yoki yakka so‘zdir. Aloqa birligi bo‘lmish *gap* fikrni ifodalash va shakllantirish birligi hamdir. Shunga ko‘ra gap kommunikativ (aloqa qilish) va kognitiv (fikr ifodalash) vazifalarni bajaradigan nutq birligi sanaladi. Gapning mazkur xususiyatlari uni so‘zdan va so‘z birikmasidan farqlaydi. O‘zbek tilida gaplar turli nuqtai nazardan tasnif qilinadi: *Ifoda maqsadiga ko‘ra. Emotsionalikka ko‘ra. Tuzilishiga ko‘ra*. Ifoda maqsadiga ko‘ra va bu maqsad bilan bog‘liq bo‘lgan ohangga ko‘ra gaplar *darak, so‘roq, buyruq* gaplarga ajratiladi. Tuzilishiga ko‘ra gaplar *sodda* va *qo‘shma* bo‘ladi. Gaplarning bunday bo‘linishi ularning tarkibidagi predikativlik birliklarning soniga, miqdoriga asoslanadi.

So‘roq gaplar so‘roqning xususiyatiga ko‘ra uch turga bo‘linadi: *sof so‘roq gaplar, ritorik so‘roq gaplar, so‘roq buyruq gaplar*. *Sof so‘roq gaplar* tinglovchidan so‘roqqa javobni talab qiladi. Masalan: Kechagi maqola nima bo‘ldi, Rahim aka? (F.Musajonov). Qishloq xo‘jalik bo‘limi shumi? (F.Musajonov). *Ritorik so‘roq gaplarda so‘roq ichida* uning javobi ham anglashilib turadi. Masalan: Dunyoda sizga ishongan, sizni jonidan aziz ko‘radigan kishining yuziga oyoq bosishdan og‘ir jinoyat bormi? (A.Muhiddin). *So‘roq-buyruq gaplar* so‘roq orqali buyruq jilvasini o‘z ichiga oladi. Masalan: Aka, nega indamaysiz? (P.Qodirov). Uka, Murtazobekning o‘zi qayerdaligini aytil berolmaysizmi? (O‘.Usmonov).

Sintaksis terminlari ichida *gap* termini har xil jins-tur, tur-tur munosabatlarini o‘zida namoyish qiladi. Gapning sintaktik xususiyatlari, semantik o‘ziga xosliklariga ko‘ra turlari har xil bo‘ladi. *Sof so‘roq gap* va *ritorik so‘roq gap* terminlari bir-biri bilan javob talab qilish va javob talab qilmasligi asosida differensiatsiyalashadi va differentials xususiyatiga ko‘ra ekvonimiga aylanadi. Giponimiyva ekvonimiya hodisalari tur-tur munosabatida tutashmoqda.

Gaplar emotsionallikka ko‘ra ikki xil bo‘ladi: *his-hayajonsiz gaplar* va *his-hayajon* yoki *undov gaplar*. Yuqorida keltirilgan xususiyatlariga ko‘ra *gap* giperonimi dastlab quyidagi giponimlarni o‘z ichiga oladi: *sodda gap, qo‘shma gap* (tuzilishiga ko‘ra); *darak gap, so‘roq gap, buyruq gap* (ifoda maqsadiga ko‘ra); *his-hayajonli gap, his-hayajonsiz gap* (emotsionallikka ko‘ra). Bu giponimlar o‘zaro farqlanib ekvonimlikni hosil qiladi. Xuddi shu holat *so‘roq gap* giperonimining *sof so‘roq gap, ritorik so‘roq gap, so‘roq buyruq gap* kabi giponimlarda ham ko‘rish mumkin.

Gapda biror so‘roqqa javob bo‘lgan va o‘zaro tobe bog‘langan so‘z yoki so‘z birikmasi *gap bo‘lagi* deyiladi. Gap bo‘laklari ikki turga ajratiladi: *bosh bo‘laklar va ikkinchi darajali bo‘laklar*. Gapning bosh bo‘laklari ega va kesim bo‘lsa, *ikkinchi darajali bo‘laklarni aniqlovchi, to‘ldiruvchi* va hol tashkil etadi.

Sintaksisda gap bo‘laklari masalasi alohida qimmatga ega. Gapning bosh bo‘lagi bo‘lgan *kesim* ifoda materialiga ko‘ra (qaysi so‘z turkumi bilan ifodalanganiga ko‘ra) ikki turga ajratiladi: *fe’l kesim* va *ot kesim*.

Kesim tuzilishiga ko‘ra ham ikki xil bo‘ladi: *sodda kesim* va *tarkibli kesim*.

1) *sodda kesim* yakka bir asosli fe’llar bilan ifodalangan kesimlar hamda bog‘lamasiz kelgan ot kesimlardir. Sodda kesim ifoda materialiga ko‘ra ikki xil: *sodda fe’l kesim, sodda ot kesim*.

a) *sodda fe’l kesim* tuslangan fe’l, ravishdosh, sifatdosh bilan ifodalangan kesimdir. Masalan: Ot yiqilayotganda, Humoyun oyoqlarini uzangidan chiqarib egardan qumga sakradi. (P.Qodirov). Qalin qorlar erib, o‘tlar ko‘karib qoldi. (Ch.Aytmatov).

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

b) *sodda ot kesim* fe’ldan boshqa so‘z turkumlari: ot, sifat, son, olmosh, ravish, undov so‘z, modal so‘z, shuningdek, fe’lning harakat nomi bilan ifodalangan kesimdir. Masalan: Yolg‘onchi kishi har kim qoshida beobro‘dir. (“Oz-oz o‘rganib dono bo‘lur”) Keng-keng ko‘chaları boru, lekin markazi tıqilinch. (P.Qodirov). Soyda tosh ko‘p, terib chiqaraverasan. (P.Qodirov).

2) *tarkibli kesim* ikki va undan ortiq so‘z shakllarining qo‘shiluvidan hosil bo‘lgan kesimdir. U doim yetakchi va yordamchi qismlardan tashkil topib, yetakchi qism asosiy ma’noni, yordamchi qism qo‘sishimcha ma’noni ifodalaydi. Ifodalishiga ko‘ra tarkibli kesim ham ikki xil: *tarkibli fe’l kesim*, *tarkibli ot kesim* bo‘ladi.

a) *tarkibli fe’l kesim* fe’lning analitik shakli bilan ifodalanadi. Bunda o‘zining leksik ma’nosini saqlagan fe’l yetakchi fe’l, qolganlari esa ko‘makchi fe’l yoki to‘liqsiz bo‘lib, yetakchi fe’ldan anglashilgan harakatning bajarilishi bilan bog‘liq bo‘lgan turli qo‘sishimcha ma’nolarni ifodalaydi. Yetakchi fe’l asosan ravishdosh shaklida bo‘ladi. Masalan: Bu yumshoq, mulohazali odamga yotoqdoshlarning mehri oshib qolgan edi. (A.Muxtor). O‘rmon ichidan qushlarning sayrashi... eshitilib turadi. (P.Qodirov).

b) *tarkibli ot kesim* fe’ldan boshqa so‘z turkumlarining bog‘lama bilan birikishidan yuzaga keladi. Bunda tarkibli ot kesimning ot qismini ot, sifat, son, olmosh, ravish yetakchi qismini tashkil qiladi, yordamchi qismini esa bog‘lama vazifasidagi “bo‘lmoq”, “sanalmoq”, “hisoblanmoq”, “tuyulmoq” kabi fe’llar, shuningdek, “edi”, “ekan”, “emish” to‘liqsiz fe’li tashkil etadi.

Yuqorida keltirilgan munosabatdoshlikdan *gap bo‘lagi* giperonimining giponimlarini *bosh bo‘laklar* va *ikkinci darajali bo‘laklar*; *bosh bo‘laklar* giperonimining giponimlarini *ega*, *kesim*; *ikkinci darajali bo‘laklar* giperonimining giponimlarini *aniqlovchi*, *to‘ldiruvchi*, *hol*; *kesim* giperonimining giponimlarini (ifoda materialiga ko‘ra) *fe’l kesim*, *ot kesim*; *kesim* giperonimining giponimlarini (tuzilishiga ko‘ra) *sodda kesim*, *tarkibli kesim*; *sodda kesim* giperonimining giponimlarini *sodda fe’l kesim*, *sodda ot kesim*; *tarkibli kesim* giperonimining giponimlarini *tarkibli fe’l kesim*, *tarkibli ot kesim* tashkil etmoqda. Keltirilgan gipero-giponimik munosabatlaridan ekvonimik hodisalar yuzaga chiqmoqda. Shu bilan birga ekvonimik paradigma ham hosil bo‘lgan. *Gap bo‘laklari* tizimida bu jarayon yana boshqa gipero-giponimik munosabatlarni hosil qilib, taggruhlarga bo‘linib ketaveradi.

O‘zbek tilshunosligida eng ko‘p muhokama qilingan gap bo‘lagi *kesim* hisoblanadi. Mustaqillik davrida o‘zbek tilshunoslari kesimni gapning markazi bo‘lagi sifatida tan oldilar. Kesimning gapni shakllantiruvchilik rolini aniq ko‘rsatib berdilar. Bizningcha, kesim termini bilan bog‘liq holatda gipero-giponimik hamda ekvonimik munosabatlar reallashadi. Jins-tur munosabatida *kesim* giperonim vazifasida kelganda unga *ot kesim* va *fe’l kesim* terminlari giponim bo‘ladi. Teskoy yo‘nalishda talqin qilinganda ham *ot kesimmi*, *fe’l kesimmi*, baribir, *kesim* umumiy nomi ostida birlashadi. Biroq giponimlarning giperonimga munosabatida farqlanish sezilmasa-da, giponimlarning gorizontal yo‘nalishdagi tur-tur munosabatida kesim vazifasidagi so‘zning qanday turkumda ekanligi giponim maqomidagi terminlarni ekvonimga aylantiradi, mazkur terminlar tur-tur munosabatidagi farqli xususiyatlarida giponimlar bo‘lib qola olmaydi. Giponimiya hodisasi o‘rnida ekvonimiyta hodisasi shakllanadi.

Gapning ikkinchi darajali bo‘laklari: *to‘ldiruvchi* (vositali *to‘ldiruvchi* va vositasiz *to‘ldiruvchi*), *aniqlovchi* (sifatlovchi aniqlovchi, qaratqich aniqlovchi, izohlovchi aniqlovchi), *hol* (o‘rin holi, payt holi, ravish holi, maqsad holi, sabab holi...); *gapning ajratilgan bo‘laklari* qaysi gap bo‘lagiga oid ekanligiga ko‘ra quyidagi turlarga bo‘linadi: *ajratilgan to‘ldiruvchilar*, *ajratilgan aniqlovchilar*, *ajratilgan izohlovchilar*, *ajratilgan hollar*; *ajratilgan aniqlovchilar* yana ikkiga bo‘linadi: *ajratilgan sifatlovchi*, *ajratilgan qaratuvchi* kabi.

Shuni alohida ta’kidlashni istardikki, gipero-giponimik munosabatda giperonim va giponimlar o‘rtasida hokim – tobelik aloqasi ko‘zga tashlanadi. Undan farqli ravishda tur-tur munosabatida ekvonimlar o‘rtasida hokim – tobelik aloqasi o‘rnida teng munosabat amal qiladi [1]. Ana shunday teng va tobe munosabatdagi *to‘ldiruvchi*, *aniqlovchi*, *hol* terminlari tizimida ham giponimiya va ekvonimiya hodisalari tutashadi. Masalan, *to‘ldiruvchi* giperonimining giponimlari bo‘lgan *vositali to‘ldiruvchi* va *vositasiz to‘ldiruvchi* terminlari tur-tur munosabatida giponimligini yo‘qtib, ekvonimga aylanadi. *Aniqlovchi* termini doirasida *sifatlovchi* *aniqlovchi* va *qaratqich aniqlovchi* terminlari o‘zaro differensiatsiyaga kirishib, ekvonimiya hodisasini namoyon qiladi.

Yuqorida ham ta’kidlaganimiz kabi gaplar tuzilish jihatdan ikki guruhga bo‘linadi *sodda gap* va *qo‘sma gap*. *Sodda gap* bir predikativ birligidan iborat bo‘lib, uning tarkibi ayrim gaplarga bo‘linmaydi. *Qo‘sma gap* mazmun va grammatic jihatdan birikkan ikki va undan ortiq predikativ birliklardan tuzilib, uning tarkibi ikki va undan ortiq gaplarga bo‘linadi. Sodda gaplar grammatic asosining tarkibiga ko‘ra ikkiga bo‘linadi: *ikki bosh bo‘lakli gaplar* va *bir bosh bo‘lakli gaplar*

*Grammatik asosi* ikki bosh bo‘lakdan ega va kesimdan iborat bo‘lgan gaplar *ikki bosh bo‘lakli gaplar*, bir bosh bo‘lakdan iborat bo‘lsa bir bosh bo‘lakli gaplar deyiladi. *Bir bosh bo‘lakli gaplarga* shaxsi aniq gap, shaxsi noaniq gap, shaxsi umumlashgan gaplar, atov (yoki nominativ) gaplar, infinitiv va vokativ gaplar kiradi.

Sodda gaplar bo‘laklarga ajralish-ajralmasligiga ko‘ra ham turlarga ajratiladi. Bu jihatdan ular ikkiga bo‘linadi: *bo‘laklarga ajraladigan gaplar* va *bo‘laklarga ajralmaydigan gaplar*.

*Sodda gap* (grammatic asosining tarkibiga ko‘ra) giperonimining giponimlarini *ikki bosh bo‘lakli gaplar*, *bir bosh bo‘lakli gaplar* hosil qiladi. *ikki bosh bo‘lakli gaplar* giperonimining giponimlari *ega*, *kesim*. *Bir bosh bo‘lakli gaplar* giperonimining giponimlari *shaxsi aniq gap*, *shaxsi noaniq gap*, *shaxsi umumlashgan gaplar*, atov (yoki nominativ) gaplar, infinitiv va vokativ gaplar tashkil etadi.

Hozirgi kunda mavjud adabiyotlarda *qo'shma gaplar* quyidagi turlarga ajratilganligini ko'rish mumkin: 1. Ikki komponentli *qo'shma gaplar*. 2. Ko'p komponentli *qo'shma gaplar*. 3. Murakkab *qo'shma gaplar*. 4. Bog'lovchili *qo'shma gaplar*. 5. Bog'lovchisiz *qo'shma gaplar*. 6. Bog'langan *qo'shma gaplar*. 7. Ergash gapli *qo'shma gaplar*. 8. Bog'lovchisiz *qo'shma gaplar* [5].

Yuqorida keltirilgan *qo'shma gap* turlari quyidagicha paradigma hosil qiladi. *Qo'shma gap* giperonimining giponimlarini (1-2-3-tur *qo'shma gaplarning tuzilishi*, material belgisiga ko'ra) *ikki komponentli qo'shma gaplar*, *ko'p komponentli qo'shma gaplar*, *murakkab qo'shma gaplar* tashkil etadi.

*Qo'shma gap* giperonimining giponimlarini (4-5-turda *qo'shma gap qismlarini* bog'lashda bog'lovchilarning ishtiroki yoki ishtirot etmasligiga ko'ra) *bog'lovchili qo'shma gaplar*, *bog'lovchisiz qo'shma gaplar* tashkil etadi.

*Qo'shma gap* giperonimining giponimlarini (6-7-8-turda esa komponentlarning ma'lum mazmun munosabatlari, bog'lanishi, grammatic belgilari, tuzilishi va ohangiga ko'ra) *bog'langan qo'shma gaplar*, *ergash gapli qo'shma gaplar*, *bog'lovchisiz qo'shma gaplar* tashkil etadi.

Bu yerda *qo'shma gaplar* uch nuqtai nazardan, uch xil mezon asosida tasnif qilingan. Ana shunga ko'ra *qo'shma gap* giperonimi uchta paradigma hosil qilgan.

*Qo'shma gaplarning tasnifi* bu bilan yakun topmaydi. Aloqa munosabatiga ko'ra *qo'shma gaplarni* yana uch turga bo'lish mumkin: 1.Teng tarkibli (aloqali) *qo'shma gaplar*. 2.Tobe tarkibli (aloqali) *qo'shma gaplar*. 3.Aralash tarkibli (aloqali) *qo'shma gaplar*.

*Qo'shma gap* qismlarining o'zaro mazmun-munosabati, strukturasi va birikish yo'llari xilma xildir. Shularni hisobga olganda, *qo'shma gaplar* uch turga bo'lib o'rganiladi: *bog'langan qo'shma gap*, *ergashgan qo'shma gap*, *bog'lovchisiz qo'shma gap*. Bog'lanish yo'llari va mazmun munosabatiga ko'ra *qo'shma gap*:

a) *bog'langan qo'shma gap* – teng aloqada bo'ladi hamda biriktiruvchi, zidlov, ayiruv, qiyoslash va izohlash, sabab-natija, payt munosabatlarini ifodalaydi;

b) *ergashgan qo'shma gap* – bosh gapga nisbatan ega, kesim, aniqlovchi, to'ldiruvchi, ravish, o'rin, payt, sabab, maqsad, miqdor, shart, to'siqsizlik, o'xshatish, chog'ishtirish, natija munosabatlarini ifodalaydi;

v) *bog'lovchisiz qo'shma gap* – (faqat ohang orqali bog'langan) biriktiruv, zidlov, payt, shart, to'siqsizlik, natija, sabab, o'xshatish, izohlash munosabatlarini ifodalaydi. Keltirilgan munosabatdoshlikdan *qo'shma gap* giperonim, *bog'langan qo'shma gap*, *ergashgan qo'shma gap*, *bog'lovchisiz qo'shma gap* uning giponimlariga aylangan. Mana shu nuqtada giponim va ekvonimlar tutashib, sinkretlik hosil qilmoqda. Yuqorida keltirilgan *qo'shma gaplarning uch xil mezon asosidagi tasnifida* ham, aloqa munosabatidagi tasnifida ham gipero-giponimik va ekvonimik munsabatlarning sinkretlashuvini kuzatish mumkin. Xuddi shu munosabatlarni *murakkab qo'shma gapning bog'langan qo'shma gapga* sinonim bo'lgan bog'lovchisiz *qo'shma gaplar*, ergash gapli *qo'shma gapga* sinonim bo'lgan bog'lovchisiz *qo'shma gaplarda kuzatish* mumkin.

*Qo'shma gap* termini giperonim sifatida amal qilganda *bog'langan qo'shma gap*, *bog'lanmagan qo'shma gap*, *ergashgan qo'shma gap* terminlarini giponimlar bo'ladi. Jins-tur munosabati giponim bo'lgan terminlar o'zaro tur-tur munosabatiga kirishganda bir-biridan tarkibidagi sodda gaplarni bog'lovchi vositalariga ko'ra farqliliklarga ega bo'ladi. Mana shunday farqlanishlar asosida terminlar ekvonimlarga aylanadi. Demak, giponimiyaning tugashi va ekvonimiyaning boshlanishida har ikki hodisa bir-biri bilan tutashadi.

"Sintaksis" terminologiyasida "o'zga gapli qurilmalar" (termin A.Berdialiyeva tegishli) o'z tizimiga ega. O'zga shaxsning muallif bayoniga kiritilgan gapi o'zga gapi deyiladi. Leksik-sintaktik vositalari va berilish usullariga ko'ra o'zga gapi ikki turga bo'linadi: *ko'chirma gap* va o'zlashtirma gap. Mazmuni sahlangan holda shakli o'zartirilib berilgan o'zganing gapi o'zlashtirma gap, *ko'chirma gapli tuzilmalarda muallifning o'zi aytgan gap muallif gapi* deyiladi. *O'zga gapi*, *muallif gapi*, *o'zlashtirma gap* giponimlarining giperonimi o'zga gapli qurilmalar bo'lib, ular o'zaro ekvonimik munosabatlarga kirishgan [3].

*Matn sintaksisi* tilshunoslikning yaqin vaqtarda muomalaga kirgan lisoniy kategoriyalardan biridir. Matn gapdan katta sintaktik birlıklarni aniqlash jarayonida kashf qilingan hodisadir. Unga quyidagicha ta'rif berish mumkin: mazmun tugalligi, tuzilish, bog'lanish vositalari, ohang va uslub jihatdan o'ziga xos xususiyatga ega bo'lgan nutq parchasi *matn* deyiladi. Matn ikki turli bo'ladi: *makromatn* va *mikromatn*.

*Makromatn* matshunoslikning o'rganish obyekti hisoblanadi. Yozilgan yoki bosilgan, aytilanutq, kitob, gazeta, jurnal va shu kabilarning rasm, jadval, bezaklardan boshqa qismi, rasmiy hujjatlarning sharh va izohlardan boshqa qismi, musiqa asarlariga asos bo'lgan so'zlar, she'rlar makromatnning ko'rinishlaridir.

*Mikromatn* tilshunoslikning o'rganish obyekti, yuqori darajadagi sintaktik birlikdir. Mikromatn tilshunoslik nuqtai nazaridan yuqorida zikr etilganidek yuqori darajadagi sintaktik birlik, *murakkab sintaktik butunlik*, *supersintaktik butunlik* sifatida qaraladi. *Supersintaktik birlik* terminida gapdan katta, yana ham aniqrog'i, eng katta sintaktik butunlik ma'nosi aniqroq ifodalangan.

*Supersintaktik butunlik* qismlarini bog'lovchi vositalar xarakteriga ko'ra ikki xil: *supersintaktik butunlik* qismlarini chapga (oldingi qismga qarab) bog'lovchi vositalar, *supersintaktik butunlik* qismlarini o'ngga qarab (keyingi qismga qarab) bog'lovchi vositalar. Bularning birinchisi *anaforik*, ikkinchisi *kataforik vositalar* deb ham yuritiladi. *Anaforik vositalar* to'rtga bo'linadi: *almashish*, *takror*, *tushish*, *muvofiglashish*, *almashish* barcha til sathlariga oid birlıklarni o'z ichiga oladi.

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Matn giperonimining giponimlari *makromatn*, *mikromatn* va shu o'rinda ular o'zaro ekvonim hamdir. *Supersintaktik butunlik* giperonimining giponimlari *kataforik vositalar*, *anaforik vositalardir*. *Anaforik vositalar* giperonimining giponimlari *almashish*, *takror*, *tushish*, *muvofiglashish*, *almashishdan* iborat.

Matn doirasidagi terminlarda ham giponimiya va ekvonimiya hodisalari tutashadi. Masalan, *matn* termini keng tushunchali termin hisoblanadi va *makromatn* hamda *mikromatn* terminlari uning ichki turlari hisoblanadi. *Mikromatn* va *makromatn* terminlari o'zlarining struktur va semantik o'ziga xosliklari asosida ekvonimik munosabatni hosil qiladi. Ekvonimik munosabatni tashkil qilgan ikki termin o'rtasida farqlanishning yuzaga kelishi ekvonimiya hodisasini paydo qiladi.

"Sintaksis" soha nomi sifatida lug'aviy mazmuniy guruhni nomlovchi *giper-giperonim* termindir. Uning giponimlik va giperonimlik maqomi qorishiq quyidagi turlari mayjud: a) sinxron sintaksis; b) diaxron sintaksis; v) dialektal sintaksis; g) kontrastiv (qiyosiy) sintaksis. Bularning har biri o'ziga xos giponim terminlar paradigmaсини o'z ichiga olgan *giperonim* terminlardir. Sintaksis sohasining terminologik tizimi "nominativ xarakterdagи sintaktik butunliklar", "kommunikativ xarakterdagи sintaktik butunliklar" terminlari bilan farqlanadigan sathlarga bo'linadi. Bular ham oraliq giperonim terminlar sifatida o'z giponim terminlari paradigmaga ega.

**Xulosa.** Grammatika tizimi terminlari morfologiya va sintaksis terminlari vositasida giponimiya va ekvonimiya hodisalarini o'zlarida birlashtira oladi. Mazkur sohalar terminlarida ham jins-tur hamda tur-tur munosabatlari kesishuviro'y beradi. Bu vaqtida giponimiya tugab, ekvonimiya boshlanadi. Giponimianing tugashi va ekvonimiya boshlanishida ularning sinkretlashuvi sodir bo'ladi.

#### Foydalilanigan adabiyotlar:

1. Абдуалиева З. Гипонимо-эквонимические отношения в системе зоонимов. – Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2015. – С.24.
2. Бердиалиев А. Ўзбек тилида омоним моделли эргаш гапли қўшма гаплар. – Т.: Фан, 1989. – 112 б.
3. Бердиалиев А. Ўзбек тили эргаш гапли қўшма гапларида синтактик алоқа ва синтактик муносабатлар. – Т.: Университет, 1993. – 112 б.
4. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 232 б.
5. Hamroyev M., Muhamedova D., Shodmonqulova D., G'ulomova X., Yo'ldoshyeva Sh. Ona tili. – Т., 2007. – B.431.

#### Mualliflar:

**Ermatov Ixtiyor Rizakulovich** - Guliston davlat universiteti, O'zbek tilshunosligi kafedrasи dotsenti, filologiya fanlari doktori (DSc).

**Toshtemirova Nasiba Xasanovna** - Guliston davlat universiteti, O'zbek tilshunosligi kafedrasи o'qituvchi.

УДК: 811.512.133ъ

## METHODOLOGICAL DEVELOPMENT OF ANCIENT WRITTEN MONUMENTS

QADIMGI YOZMA YODGORLIK LARNING USLUBIY TARAQQIYOTI

МЕТОДОЛОГИЧЕСКАЯ РАЗРАБОТКА ДРЕВНИХ ПИСЬМЕННЫХ ПАМЯТНИКОВ

Allambergenova Muqaddas Ruslanovna

Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti, 230100.Qoraqalpog'iston Respublikasi, Nukus shahri, Ch.Abdirov, 1-uy.

E-mail: [Ruslanovna.4224@mail.ru](mailto:Ruslanovna.4224@mail.ru)

**Abstract.** In this article, the stylistic aspects of Orhun-Enasoy monuments, which are the oldest written monuments, are studied. Ancient Turkic monuments are a special type of written literature. The monuments reflect the attitude of the authors to the heroes and certain events. the text of the monuments is comparatively studied in the article. During the centuries-long historical development of the Uzbek language, a very complex and high-level system of written language was used. Some aspects of the old written language styles are so rich and diverse that they cannot fit into the current stylistic dimensions. Therefore, it is argued in the article that it is necessary to study the styles of written monuments in a specific direction, not in the current dimensions of stylistics. The dimensions and standards of the written literary language (final word) are expressed in the text. Text styles differ depending on the purpose and direction. The style of the text means the ideas expressed in writing, the finished message (saw or word), the expressive appearance of any work in the text, the style of the statement, normative patterns, lexical and grammatical depending on the requirements of the text (finished) selection of units, a harmonious system of text components is understood. Textual style is studied in the stylistics or stylistics branch of linguistics. The stylistic standards of the past are never equal to the present form of narrative. As a result of the centuries-long historical development of our language, in addition to phonetic, lexical-semantic, morphological changes, syntactic-stylistic changes, as well as a renewal of the method of written expression, took place. Theories on these issues are reflected in the article.

**Key words:** written monument, Kultegin, style, historical text, written style, feudal state, Turkish beggars, Balbal, people, khagan period, runa, blue Turkish inscriptions.

**Аннотация.** В данной статье исследуются стилистические аспекты памятников Орхун-Энасой, которые являются древнейшими письменными памятниками. Древнетюркские памятники представляют собой особый вид

письменной литературы. Памятники отражают отношение авторов к героям и определенным событиям. в статье сравнительно исследуется текст памятников. В ходе многовекового исторического развития узбекского языка использовалась очень сложная и высокоуровневая система письменности. Некоторые аспекты стилей старой письменности настолько богаты и разнообразны, что не могут вписаться в нынешние стилистические измерения. Поэтому в статье утверждается, что изучать стили письменных памятников необходимо в конкретном направлении, а не в текущих измерениях стилистики. Размеры и нормы письменного литературного языка (окончательное слово) выражаются в тексте. Стили текста различаются в зависимости от назначения и направления. Под стилем текста понимаются мысли, выраженные в письменной форме, готовое сообщение (пила или слово), выразительный вид какого-либо произведения в тексте, стиль изложения, нормативные закономерности, лексические и грамматические зависимости от требований текста. (законченный) подбор единиц, понятна стройная система компонентов текста. Текстовый стиль изучается в стилистике или стилистическом разделе языкоznания. Стилистические стандарты прошлого никогда не сравняются с современной формой повествования. В результате многовекового исторического развития нашего языка, помимо фонетических, лексико-семантических, морфологических изменений, произошли синтаксико-стилистические изменения, а также обновление способа письменного выражения. Теории по этим вопросам отражены в статье.

**Ключевые слова:** письменный памятник, Культегин, стиль, исторический текст, письменный стиль, феодальное государство, тюркские нищие, Балбал, народ, каганский период, руна, синие тюркские надписи.

**Kirish.** Qadimgi turkiy yodgorliklar yozma adabiyotning o‘ziga xos turi sanaladi. Yodgorliklarda mualliflarning qahramonlarga, ma’lum voqealarga munosabati aks ettililadi. Ayniqsa, feodallarning, umuman, hokim sinfning omma bilan munosabati, ommaga qarashlari, feudal shaxsni ideallahtirish yodnomalarning muhim xususiyatlaridan biridir. Epos qahramonlariga yondosh obrazlarga asos solinganini yodnomalardagi jang lavhalarida ko‘rish mumkin. Fitrat shunday qaydini keltiradi: “*Qabilachiliq davrida boshlang‘an doston adabiyotining feodalliq davrida ham kengayib, badiiy kamchiliklarni to‘ldirib, tugallanib davom qilg‘ani ma’lum. Bu davrning dostonlari voqealarni har vaqt katta feodallar tegrasida yurguzib, shu munosabat bilan ularni maxtaydirlar*”. [9]. Shu munosabat bilan ayni xususiyatni o‘zida aks ettingan “Kultegin” bitiktoshi majmuuning ikkinchi bo‘limidan o‘rin olgan. Fitrat feodalilik davrining ilk namunasi sifatida berilayotgan O‘rxun-Yenisey bitiktoshlaridan, aynan, “Kultegin” yodnomasidan parcha keltirganligining sababini quyidagicha izohlaydi: “*Bu davrning bizga eson-omon kelgan eng burung‘i namunasi Yenisey O‘rxunda topilgan toshbitiklardirikim, eng muhimlari milodiy oltinchi asrda ulug‘ bir davlat qurg‘an Tukyu turklarning sakkizinchasi asrdagi xonlari Bilka qoon bilan uning inisi Kultakining yodnomalaridir. Men bu kitobda feodalliq davrining birinchi namunasi etib, “Kultakin” yodnomasidan bir bo‘lagini xulosa qilib oldim*”. [9] Demakki, olim “Kultegin” yodnomasini boshqa bitiktoshlardan muhim deb bilgan. Majmuada keltirilgan parchalar u qadar katta hajmga ega bo‘lmasa-da, olim toshbitikning asl mohiyatini ochib beruvchi matnlarni tanlab olgan. Bugungi kunda O‘rxun-Yenisey yodgorliklari turli manbalarda nashr etilgan. Ularning to‘liq variantlari ham mavjud. Feodallik adabiyoti namunasi sifatida keltirilgan “tukyu” feodalligi davridan qolgan O‘rxun-Yenisey yozuvidagi yodgorliklar qadimgi turkiy adabiyotning alohida bir qatlami sifatida turkiyshunoslikda, o‘zbek adabiyotida kam o‘rganilgan. Bu yodgorliklarning o‘ziga xos badiiy hamda til xususiyatlarini o‘rganish esa jahon turkiyshunosligida, adabiyotshunosligida yetakchi mavqeni egallaydi. Ayni paytda, bu yodgorliklar qadimgi turkiy qavmlarning ijtimoiy, siyosiy tarixi, dini, urf-odatlari, tarixini o‘rganishda ham muhim manba hisoblanadi. Bir so‘z bilan aytganda, turkiy yozuv yodgorliklari Turk xoqonligi va undan oldingi davr manzarasidir.

#### Tadqiqot obekti va qo’llanilgan metodlar

Tadqiqotning obekti sifatida qadimgi yozma yodgorliklar, ya’ni O‘rxun-Enasoy obidalari matni olindi. Shuningdek nazariy jihatdan 2010-yili bosmadan chiqqan, Qosimjon Sodiqov, Qudratilla Omonovning “O‘zbek tilining yozma uslublari tarixidan” nomli asari tanlandi. Tadqiqot mavzusini yoritishda tavsiflash, qiyoslash, matn tahlili, sinxron va diaxron tahlil singari usullardan foydalanildi.

#### Olingan natijalar va ularning tahlili

“Kultegin” bitiktoshi ikki qismdan iborat bo‘lib, birinchi qism kichik bitik, ikkinchi qism ulug‘ bitikdan iboratdir. Yo‘llig‘ tigin bitiktoshning muallifi sanaladi. Fitrat o‘z majmuasida “Kultegin” bitiktoshining ulug‘ bitik qismidan namunalar keltiradi. Ulug‘ bitik qismida Kulteginning jasoratlariga alohida e’tibor beriladi. Kichik bitik esa qadimgi turk davridagi notiqlik san’atidan xabardor etadi. *Bitiktoshlarning keng xalq ommasi bemalol ko‘ra oladigan ochiq joylarga qo‘yilishi savodlilik qator mamlakatlarda bo‘lgani kabi sanoqli kohinlar-u din o‘choqlari bilan chegaralanmaganligidan dalolat beradi*. [6] Yevropadagi qadimgi yodgorliklar monastir-u qadimgi yunon butxonalarida mujassamlangan bo‘lsa, turkiy yodgorliklar yuz minglab turkiylar o‘tadigan katta chorrahaldarda, sahrolarda o‘rnatilgan. Qadimgi turkiy yodgorliklarning V.Tomsen, V.V.Radlov, P.M.Melioranskiy, S.E.Malov, X.N.Orhun, G.Ramstedt, A.Kononov kabi tadqiqotchilar yodgorliklarda xalqqa murojaat qilingan quyidagi so‘zlarni alohida ajratadilar: “Turk beklari, xalqi, buni eshitir! Turk xalqini to‘plab davlat tutishni bu yerda [toshga o‘yib] yozdim. Adashib ayrliganingni ham bu yerda yozdim. qanday nima so‘zim bo‘lsa, mangu toshga o‘ydim. Unga qarab biling, Turkning endigi xalqi, beklari. Uy, dunyoga[gina] qaraydigan (ko‘ziga faqat mol-mulki ko‘rinadigan) beklar sizlar sizlар gumarohsizlar.

Turk yodgorliklari sayrgohlarda, odamlar gavjum joylarda qo‘yilgan. Demak, yodgorliklardi yozuvlarni xalq o‘qigan, yozuvlarni o‘qiy olgan xalq savodli bo‘lgan. Xalqning savodli bo‘lishi uchun ularni ham o‘qitanlar. O‘sha davrdagi maktab qanday bo‘lgan, o‘qitish qay yo‘sinda bo‘lgan, bu bizga ma’lum emas. Biroq turkiy maktablar bo‘lganligi, ta’lim o‘choqlarida o‘qitish turkona ekanligi, uning boshqa xalqlarning ta’lim tizimidan farq qilishi ham runiy

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

yodgorliklarda o‘z aksini topgan. Bu “Kultegin” yodgorligidagi “... oltin, kumush, ichkilik, ipakni shuncha hisobsiz berayotgan Tabg`ach xalqi so‘zi shirin, debosi (ipak kiyimlik va kiyim) nafis ekan. Shirin so‘zi, debosi bilan aldab yiroq xalqni shu xilda yaqinlashtirar ekan. Yaqin qo‘sni bo‘lgandan so‘ng yovuz ilmni u yerda o‘rganar ekan” degan so‘zlardan anglashiladiki, turkona bo‘lmagan bilim yovuz billim deb baholangan. Demak, ezgu deb sanaladigan turkona bilim ham bo‘lgan. Buni To‘nyuquq yodgorligi ham tasdiqlaydi. Turkiy yozuv, turkiy til, turkiy tarbiya tizimi o‘zga xalqlarnikidan farqli, ya’ni turkona bo‘lgan. Bundan tashqari ismi-sharifi yuqorida zikr etib o‘tilgan qadimga turkiy yodgorliklarning tadqiqotchilar bu yodgorliklar bizga yetib kelguncha uzoq tarixiy taraqqiyot boshqichini bosib o‘tgan degan fikrni ilgari suradilar. Jumladan, O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan fan arbobi akademik A.N. Kononov shunday yozadi: “O‘zining morfologiysi va sintaksisi yuksak darajada rivojanganligi bilan qadimgi turkiy yodgorliklarning tili bizga yetib kelguncha uzoq adabiy an‘anaga ega bo‘lganligidan dalolat beradi”. Demak, turkiy tilda ta’lim, turkiy tilni o‘qitish ishlari katta tarixga ega.

Til uslublari ikki xil-oq‘zaki va yozma ko‘rinishga ega. Yozma uslub deganda matn uslubi, uning bayon tarsi, biron bir asarning, hujjatning matnidagi ifodaviy ko‘rinishi, me’yoriy qoliplar, matn talabidan kelib chiqqan holda leksik va grammatic birliklarning tanlanishi, matn komponentlarining uyg‘un bir tizimi tushiniladi. Tilning yozma uslublari, og‘zaki turidan farqli shaklda qat’iy o‘lchovlar chegarasida ishlaydi. U matn tuzish an‘analarining yuzaga kelishi? Kishilik o‘z ma‘naviy olamini boyitish? Yoshlar tarbiysi, ularga bilimberish, o‘y-qarashlarini kelajak o‘g‘il-qizlarga yozib qoldirish maqsadida olib borgan urinislari yo‘lida, jamiyatning madaniy, ijtimoiy-siyosiy hayotida, davlat boshqaruvida, ichki va xalqaro diplomatik aloqlarda yozma matnning, adabiy til mavqeining ko‘tarilishi bilan bog‘liq holda takomillashib kelgan. [7]

O‘zbek tilining uzoq asrli tarixiy taraqqiyoti davomida yozma tilning o‘ta murakkab va yuksak darajadagi bir tizimi amal qilgan edi. Eski yozma til uslublarining ayrim qirralari o‘ziga yarasha boy va xilma-xilki, ular hozirgi stilistika o‘lchovlarigida sig‘may qoladi. Shuning uchun yozma yodgorliklar uslublarini stilistikating hozirgi o‘lchovlariga solmay, xos bir yo‘nalishda o‘rganishni talab qiladi.

Yozma til uslublarining kelib chiqish tarixi ancha kech-yozuvning yaratilishi bilan bog‘liq. Biroq, yozuvning o‘zi yozma uslubni belgilay olmaydi. Masalan, kishilar tasavvuridagi tushunchalar rasmarda yoki harfiy belgilarda ifodalangani, biron so‘zning yozib qo‘ylGANI bu hali yozma uslub degani emas. Yozma uslub matnda yuzaga chiqadi, kishi o‘z o‘y-qarashlarini matnda bayon eta boshlagani, matn turish an‘analari ishlab chiqilgani, matn janrlari farqlana boshlaganidan keyingina tilning yozma uslublari, matn uslubi yuzaga kelishi, yozma adabiyot tarixi, qadimgi turkiy xalqlarning ijtimoiy-siyosiy, madaniy hayoti bilan uzviy bog‘liq.

Yozma adabiy til (bitig so‘z)ning o‘lchovlari, me’yorlari matnda o‘z ifodasini topadi. Maqsadi, yo‘nalishiga qarab matn uslublari bir-biridan farq qiladi. Matn uslubi deganda yozma bayon etilayotgan o‘y-qarashlar, bitigli xabar (saw yoki so‘z), biron bir asarning matndagi ifodaviy ko‘rinishi, bayon tarsi, me’yoriy qoliplar, matn (bitig) talabidan kelib chiqqan holda leksik va grammatic birliklarning tanlanishi, matn komponentlarining uyg‘un bir tizimi tushiniladi. Matn uslubi tilshunoslikning stilistika yoki uslubshunoslik bo‘limida o‘rganiladi. [3]

O‘tmishdagi uslubiy me’yorlar har qachon ham hozirgi bayon shakliga teng kelavermaydi. Tilimizning uzoq asrli tarixiy taraqqiyoti natijasida fonetik, leksik-semantik, morfologik o‘zgarishlar bilan bir qatorda, sintaktik-stilistik o‘zgarishlar, yozma bayon usulida ham yangilanish sodir bo‘lgan. Buni bir necha misolda ko‘rib chiqamiz.

Burungi turklarning maqoli bor. Buni Maximud Koshg‘ariy o‘zining “Devonu lug‘atit turk” asarida bergan: Tilin tergika tegir, deydi. Ushbu maqoldagi tilin-vosita kelishigida bo‘lib, “so‘z bilan, nutq bilan, muomala bilan” degan ma‘noni beradi. Tergi-asli “dasturxon”, bu o‘rinda “ovqat, yegulik, ne‘mat” anglamida; “tegir-yetishadi, erishadi” degani. Maqolda kechgan so‘zlarning ko‘chma ma’nolarini ko‘zda tutib, uni hozirgi tilimizga (“Kishi) shirin so‘zi bilan dasturxonga (ya’ni ne‘matga) yetishadi” deb o‘girishimiz mumkin.

Kelib chiqishiga ko‘ra til uslublarining eng eskisi badiiy uslubdir. Badiiy uslubning tarixi xalq badiiy tafakkurining yuzaga kelishi va yuksalishi, xalq og‘zaki ijodining tarixi bilan bo‘ylashadi. U yozma adabiy tilning, yozma adabiyotning yuzaga kelishidan ancha burun kelib chiqqan. Xalq og‘zaki adabiyotining yuzaga kelishi bilan bog‘liq ravishda badiiy uslub ham shakllana bordi. Jamiyat orasidan saylangan so‘z ustalari, so‘zga chechan kishilar xalq yaratgan rivoyat-u afsonalar, qo‘schiqlar, maqollarning ta’sirini oshirish, tinglovchiga ularni ta’sirchan ko‘rinishda yetkazib berish maqsadida asarlarning badiyligi, jumlalar uslubi, ravnligi, qolaversa, ohangiga jiddiy e’tibor qarata boshladilar. Bu talab-ehtiyoj tilda o‘ziga yarasha bir uslubning yuzaga keluvini ta’minlab berdi.

Yozma adabiy til, matn tuzish an‘anasi endigina yuzaga kelayotgan bir chog‘da xalq og‘zaki ijodi va uning uslubi allaqachon shakllanib, yuksalish bosqichiga o‘tgan edi. Badiiy uslub o‘zining og‘zaki bosqichidayoq pishib yetilgan. Yozma badiiy uslub o‘z qolipini, bichimini og‘zaki adabiyotdan oldi. Og‘zaki ko‘rinishda asrlar osha takomillashib kelgan badiiy uslub yozma adabiyotga ko‘chib o‘z yo‘lini yangi bir shaklda davom ettirdi. Shu bois ham boshlab badiiy ijod namunalarini yozuvga tushirish uqadar mushkullik tug‘dirmagan. Yozuvchi-ijodkorlar ham boshda og‘zaki adabiyot uslubidan keng foydalandilar. Qadimgi turkiy adabiyot namunalarining ko‘proq xalq ijodiga ergashganligining boisi ham ana shunda edi.

Badiiy uslub, yozma uslublarning boshqa turlaridan farqli turda, badiiy tasvir vositalarining keng ishlatilishi, bayon tarsi, stilistik o‘lchovlarning erkinligi, turki-tumanligi bilan ajralib turadi. Masalan, badiiy matnlarda narsa-hodisalarning ta’rifi berilganda ularning sifatlari qo‘sib aytilgan. To‘nyuquq bitigida: qizil qanim-qizil qonim, qara terim-qora terim. Yoki “Qutadg‘u biling”da yerga, tuproqqa yag‘iz (yag‘iz yer-bo‘z yer), tunga qara (qara tun-qaro tun), kunduzga

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

nisbatan yaruq sifati berilgan (yaruq Kunduz-yorug‘ Kunduz) va boshqalar. Bitiglarda osmonning sifati ko‘k sifati bilan (ko‘k tangri), yer esa yag‘iz sifati bilan (yag‘iz yer) qo‘llaniladi.

Shuningdek, badiiy matn maqol va iboralar, badiiy tasvir vositalarining keng qo‘llaniluvi bilan ta’sirlidir. Matn uslubi muallifning yoki asar qahramonlarining ruhiy holatini aks ettirishga, asarning badiiy-g‘oyaviy ta’sirini oshirishga xizmat qiladi. Turkiy xalqlar og‘zaki adabiyotining eng ko‘hna namunalaridayoq badiiy uslubning xarakterli belgilarini kuzatamiz. Qadimgi turk eposi “O‘g‘uzxoqon” dostoni bunga yorqin misol bo‘la oladi. Doston ajoyib bir uslubda yozilgan. Ushbu dostonning ildizi miloddan avvalgi davrlarga borib tutashadi. Dostonda turkiy xalqlarning qadim ishonchlari o‘z aksini topgan. Ushbu epos yuz yilliklar osha turkiy xalqlarning dunyoqarashi, badiiy tafakkuri ta’sirida yuksalib kelgan. Doston g‘oyasi va syujetining taraqqiyoti bilan bog‘liq holda uning uslubi ham ravonlashib borgan.

Badiiy uslubning ixcham, ammo go‘zal bir ko‘rinishini xalq maqollarida kuzatamiz. Maqol-xalqning yuz yil kuzatib, bir aytgan so‘zi. Ularda xalqning falsafiy mushohadasi, borliq, tiriklik va kishilik to‘g‘risidagi qarashlari, ularga munosabati aks etgan. Maqolning kuchi shundaki, u kishini tarbiyalaydi, tiriklikning o‘nqir-cho‘nqiri, oq-qorasni haqida saboq beradi. Ota so‘zlarida bor narsaga parda ortidan qarash, nokasning aybini yashirish, xushomad, ko‘zbo‘yamachilik tushunchasi yo‘q. Ular kishini tetik va irodali qiladi, hayotga to‘g‘ri ko‘z bilan qarashni o‘rgatadi. Xalqning bu dono fikrлari lo‘nda va aniq jumllalarda berilishi bilan ham ajralib turadi. Maqollar uslubiy va badiiy jihatdan mukammal bo‘lib, xalq badiiy tafakkurining yuksak maxsulidir. Ular uslub jihatdan poetik turga tenglashadi.[8]

Ko‘k turk bitiglarida, Turfon xarobalaridan topilgan eski qo‘lyozmalarda, ilmiy, tarixiy va adabiy manbalarda, o‘rni bilan, qadimgi xalq o‘gitlari keltirib o‘tilgan. Qadimgi turk otaso‘zlarining katta bir qismini XI asrda yashab o‘tgan ulug‘ tilshunos Mahmud Koshg‘ariy o‘zining “Devonu lug‘atit-turk” asarida keltirgan. Olim turkiy so‘zlarining ma’nosini izohlamoq istagida ulardan foydalangan. Maqol kishi nutqining bezagidir. Maqolni o‘rnida ishlata bilgan odamning so‘zi ta’sirli bo‘ladi. Shuning uchun ham o‘tmishda maqollarga, ularning badiiyatiga katta e’tibor qaratilgan, asarlarda esa badiiylikni oshirish maqsadida ulardan keng foydalanilgan.

Yozma uslubning yuzaga kelishi badiiy uslub tarixidagi muhim bosqichdir. Turkiy yozma badiiy uslubning eng ko‘hna, shuning bilan birga, o‘ta ajoyib namunalarini biz ko‘k turk bitiglarida uchratamiz. Bitiklar ulug‘ yo‘lboshchilar, milliy qahramonlar xotirasiga bitilgan yodnomalar bo‘lib, ularda xalq qahramonlarining ko‘zi tirikligida olib borgan ezgu ishlari, yurt erki va faravonligi, tinchligi yo‘lida ko‘rsatgan jasoratlari yod etiladi. Bitiklarda tarixiy voqealar ajoyib til bilan, badiiy uslubda bayon etiladi. Tarixiy voqealar milliy qahramonlar obrazini, ularning ideal hayotini madh etish uchun fon bo‘lib xizmat qiladi. Xalq milliy qahramonlarining faoliyatni badiiy tilda yoritiladi, mualliflar turli badiiy vositalardan foydalanadi. Matnlarning g‘oyaviy va uslubiy xususiyatlari ularni badiiy asar darajasiga ko‘targan. Bitiglar tarixiy asarlarga emas, qadimgi turk adabiyotining ajoyib namunalarini hamdir.[8]

Bitiklardan namunalar keltiramiz:

*Тәнгри күч бертуқ учун қанғам қаған суси бўри төг әрмис, йағысы қонӣ төг әрмис, илгәру қуриғару суләп тәрмии, қобуртмиши қамуғи* (Kultegin, 12) (Bu o‘rinda yodgorlik nomi va satr raqami ko‘rsatilgan). bitiklarda xoqonning ulug‘ yutuqlari ta‘riflanar ekan, tangrining qo‘llagani tufayli ana shunday ishlar amalga oshganligi e’tirof etiladi. Bunda *Тәнгри күч бертуқ учун* (tangri kuch bergani uchun), *тәнгри йарлықадуқ учун* (tangri yarliqagani uchun) singari iboralardan foydalaniladi. Ushbu jumlada tangri kuch bergani uchun xoqon qo‘shinining kuch-qudrati orta borganligi ta‘riflanib, uning jasur va yengilmasligi bo‘riga, dushmanning ojizligi, bo‘ysinuvchanligi esa qo‘uga qiyoslanmoqda. Кырқ артуқы йәтий болиқ суләмис, йәғирми сунгус сунгусмис, тәнгри йарлықадуқ учун эллисиг әлсираётмис, қағанлығығ қағансыратмыс, йағығ баз қылмыс, тизлигис сўкурмис, башилъығығ йуқунтир... (Kultegin, 15). Qirq yetti marta lashkar tortgan, yigirma marta jang qilgan. Tangri yarliqagani uchun davlatini davlatizlantirgan, xoqonlini xoqonsizlantirgan, dushmanni el qilgan, tizzasi borni cho‘kkalatgan, boshi borni ta‘zim qildir...

Xoqonlar xalqqa qilgan yaxshiligi, el farovonligi yo‘lida olib borgan ishlarining ta‘rifida, ularning qo‘l ostida xalq tinch-osoyishta, to‘q va boy yashagani, xalq ko‘payganini bildirib qo‘yish uchun ana shunday jumlalardan foydalangan. Yoki Bilga xoqon otasi Eltarish yurtga egaligi chog‘ida yuz bergen o‘zgarishlar, xalqning to‘q va boy yashaganligini eslab: ол ёдка қул куллуг болмыс әрми (Kultegin, 1)-deb yozgan edi. Bu jumla “O‘sha chog‘lar qulning ham quli bor edi” degan ma’noni bildiradi. [5]

Boshqa bir misol: *қанынг субча йуғурти, сөнгугуғ тағча йатды, бәғлик уры, оғлунг қул болты, силик қызы оғлунг қунг болты, билмәдук учун...*(Kultegin, 24). Qoning suvday oqdi, suyaging tog‘day uyulib ketdi, bek bo‘ladigan o‘g‘il bolang qul bo‘ldi, suluv qiz bolang cho‘ri bo‘ldi.

Ushbu jumlada birinchi ko‘k turk xoqonligi qulab, xalq yov qo‘lida qolgan chog‘lar ta‘riflangan. Unda turk xalqining bosqinchilar siquvi ostida uqubatda qolgani, uning qirilib borayotgani ta‘riflanib, kishilar qonining to‘kilishi daryoga, suyaklarning uyumi esa tog‘ga qiyos etiladi. Harakatning belgisi (gap bo‘lagiga ko‘ra hol) *subca, tabca* ravishlari yordamida berilgan. Keyingi jumladagi o‘g‘il bola, qiz bola; erkaklarga nisbatan- қул, xotin-qizlarga nisbatan esa қунг so‘zi qo‘llanilgan-u “joriya”ni bildiradi. Ushbu jumlada o‘sha kezlar turning beklikka loyiq yigitlari qul, suluv qizlari esa joriyaga aylangani aytimoqda.

O‘rxun bitiklarini tekshirgan olimlar matnlarning tuzilishi to‘g‘risida ikki xil qarashda: ayrimlar mazkur yodnomalarni she‘riy asar desa, boshqa birlari ularni nasriy asar sanaydilar. Bitiklarni nasrda yozilgan deb qarovchilarning fikricha, jumlalarning she‘rga xos bir ohangda o‘qilishiga sabab, ularda sajdan keng foydalanganligidir. Ta‘kidlash kerak, o‘rxun bitiklari, xususan, Kultegin va Bilgaxoqon yodnomalarining tuzilishi o‘ta murakkab. Qadimgi turk monumental matn tuzish an‘anasi yuksak darajada takomil topganidan dalolat beradi. Matnning bayon shakliga kelsak, u, asosan,

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

nasrda. Biroq ora-orada she’riy bo‘laklar ham joy olgan. Muhim tarixiy hodisalarning kulminatsion nuqtalari, milliy qahramonlarning faoliyati, qiliqlariga oid chizgilar she’r bilan bayon etiladi (buni o‘zbek xalq dostonlariga qiyoslash mumkin). Yodnomalarning bu tarzda tuzilganligi ularning badiiyligini yanada oshirgan. Kultegin bitigining so‘ngida Bilgaxoqon tilidan aytilgan marsiya bunga o‘rnakdir: *Кўлтигин йоқ эрсәр, қон ёлмәчи ёртисиз. Иним кул тигин кәргәк болты, ёзим сақынтым: кўрур кўзум кўрмәз тәг, билир билигим билмәз тәг болты, ёзим сақынтым, Ѻд тангри ўасар, киси оғлы қон ёлугли төрумис.* (Kultegin, 10). Bu she’r yenisey bitiklaridagi qayg‘uli yig‘i mazmunini eslatadi. Ushbu she’riy bo‘lak bitikda nasr singari qilib bitilgan.

Turk monumental matnlari ichida enasoy bitiklarining tuzilishi va uslubi o‘ziga xos. Enasoy bitiklarining muhim belgilaridan biri ularda matn o‘lkning tilidan so‘zlanadi. Mangutoshlarda marhumning o‘z yaqinlari, yorug‘ dunyodan ayriliq dardi, o‘kinchi bayon etiladi. Bu yig‘inlarni o‘liklar nidosi deyish mumkin. Bitiklarda undovlar, mungli bir mazmun yetakchi. Rasmiy uslub kelib chiqish tarixi yozuvning yaratilishi, shuningdek, jamiyat o‘rtasida rasmiy-huquqiy munosabatlarning yuzaga kelishi, davlatchilik tarixi bilan bog‘liqidir. Davlat tashkil topgandan keyin ish yuritish va rasmiy hujjatchilik sohasi ham yuzaga keldi.[8]

Rasmiy uslubning tarixi yozma yodgorliklarda qo‘llangan matn bilan bog‘liq atamalarning lug‘aviy ma’nosida ham o‘z izini qoldirgan. Masalan, eng eski turkiy yozma yodgorliklarda **bitim** degan so‘z uchraydi. Bitim so‘zi **biti-** “yoz” fe‘lidan yasalgan bo‘lib, kelib chiqishiga ko‘ra, yozma hujjatlar asosidagi kelishuvni bildiradi. Demak, bitim so‘zining qadimiyligi kishilar yoki jamoalar o‘rtasidagi yozma kelishuvning, uning huquqiyligini ta‘minlaydigan ana shu hujjat turining eskiligidan dalolat beradi.

Bundan tashqari eski bitiklarda **yarliq-yarlig‘** so‘zi ham bor. Ushbu atama asli “tangrining yorlig‘i, buyrug‘i, hukmi” ma’nosini anglatgan. Bitiglarda **тангри йарлықасу** degan tilak-duo tez-tez uchrab turadi, bu “tangri yorliqasin; tangri buyursin;; tangrining buyrug‘i ana shunday bo‘lsin” deganidir. Yoki **Уза тангри йарлықади** deyiladi. Bu “yuqorida tangri yorliqadi; ko‘k-tangri shuni buyurdi; ko‘k tangri shuni istadi degan ma’nolarni beradi. Keyinchalik yurt egasining buyrug‘ini ifodalash uchun ham ana shu so‘z qo‘llanilib ketgan. Rasmiy yozmalarда yarliq-yarlig‘ ataması “yorliq, farmon” ma’nosini bildiradi; **йарлық йарлықади** deydi, bu “farmon berdi” degani. Muhimi, qadimgi turkiy tilda hujjatchilik ishlari, rasmiy-huquqiy munosabatlarga tegishli butun bir atamalar tizimi amal qilgan. Bu ham bo‘lsa rasmiy uslubning takomillashganligini ko‘rsatuvchi belgidir.

#### Xulosa

Xulosa qilib aytganda, o‘rta asr yorliqlari unvonlarining qolipi qadimgi turk davriga ildiz otgan deyishga to‘la asos bor. Turkiy unvonlar qolipi ko‘k turk xoqonliklari davrida ishlab chiqilib, zamonlar osha yozma til (bitig so‘z) uslublari bilan tengma-teng yuksalib kelgan.

Turkiy hujjatchilik tarixi turklar yer yuzida o‘z davlatlarini qura boshlagan, davlat idoralarida boshqaruvi ishlari turkiy tilda yuritila boshlagan davrlarga ildiz otgan. Bizgacha qadimgi skif va xun davlatlarida yaratilgan rasmiy yozmalar saqlangan emas. Eng eski turkiy rasmiy bitiklar ko‘k turk xoqonliklari davridan qolgan. Shunday bo‘lsa-da, ushbu matnlar rasmiy uslubning davrlar osha yuksalib, ana shu ko‘rinishga kelganidan dalolat beradi. Rasmiy yozmalar o‘zining maqsadi, darajasi, huquqiy mavqeい nuqtai nazaridan turlarga bo‘lingan. Bunday hujjatlar tuzilishi, matn komponentlariga ko‘ra o‘zaro farqlanadi.

#### Foydalilanigan adabiyotlar:

1. Айдаров Г. “Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века. Алма-ата: Наука, 1971, 380 с.
2. Айдаров Г. “Язык орхонских памятника Бильге-кагана, Алма-ата: Наука, 1966, 96 стр;
3. Айдаров Г. “Қоңе турки жазба ескерткиштерин тили, Алма-ата: Мектеп, 1971, 272 бет;
4. Аманжолов, А.С. Тюркская руническая графика, Алма-ата: Наука, 1980, 180 стр;
5. Азимов И, Раҳматов М, «Қадимги туркий тил», Тошкент, 2005, 134-бет;
6. Абдураҳмонов Ф.,Шукуров Ш.,Махмудов Қ. “Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси”, Т-2008, 140-бет;
7. Содиков Қ, «Эски туркий матнлар», Т-2009, 36-бет.
8. Содиков Қ. “Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши” Т.2006, 24-бет.
9. Ўзбек адабиёти намуналари. Тошкент-Самарқанд. Ўзашш, 1928. 50-бет.

#### References:

1. Aydarov G. "Yazyk Orkhonskikh pamyatnikov drevneturkskoy pismennosti VIII veka. Alma-Ata: Nauka, 1971, 380 p.
2. Aydarov G. "Yazyk Orkhonskikh pamyatnika Bilge-kagana, Alma-ata: Nauka, 1966, 96 p.
3. Aydarov G. "Language of old Turkic jazz eskertkisherin, Alma-ata: Mektep-1971, 272 p.
4. Amanjolov, A.S. Turkic runic graphics, Alma-ata: Nauka, 1980, 180 p.
5. Azimov I, Rahmatov M, "Ancient Turkic language", Tashkent-2005, page 134.
6. Abdurahmonov G', Shukurov Sh, Mahmudov Q "Historical of the Uzbek language grammar", T-2008, page-140.
7. Sodikov Q. "Old Turkish texts", T-2009? Page-36.
8. Sodikov Q. "The language of Turkish written monuments: the emergence and revival of the literary language" T.2006, P.24.
9. Samples of Uzbek literature. Tashkent-Samarkand. Self-published, 1928. Page 50.

#### Muallif:

Allambergenova Muqaddas Ruslanovna - Qoraqalpoq davlat universiteti, “O‘zbek tilshunosligi” kafedrasi dotsenti, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori, (PhD).

UDC 372.881

COMMENTS CONCERNING THE LINGUISTICS CHARACTERISTICS OF THE CONCEPT

TUSHUNCHА TILI XUSUSIYATLARI BO‘YICHA FIKRLAR

КОММЕНТАРИИ, КАСАЮЩИЕСЯ ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК КОНЦЕПТА

Nurmuhamedov Yusuf Shakarboyevich

Samarkand State Institute of Foreign Languages, 140100, Samarkand region, Samarkand, street Bustonsaroy, 93.

E-mail: [nurmuhammad.yu@gmail.com](mailto:nurmuhammad.yu@gmail.com)

**Abstract.** In the article, approaches to the linguistic characteristics of the concept term, which is widely used to reveal the mutual relations between the concepts of language, human and culture in modern linguistics, are highlighted.

**Key words:** concept, category, notion, approach, integrative, semantic interpretation, association, periphery.

**Annotatsiya:** Maqolada hozirgi zamон tilshunosligida til, inson va madaniyat tushunchalarining o‘zaro munosabatlarini ochib berish uchun keng qo‘llanilayotgan konsept atamasining lingvomadaiy xususiyatlari haqidagi yondashuvlar yoritiladi.

**Kalit so‘zlar:** konsept, kategoriya, tushuncha, yondashuv, integrativ, sematik talqin, assotsiyatsiya, periferiya

**Аннотация.** В статье выделены подходы к лингвистической характеристике термина концепта, который широко используется для выявления взаимоотношений между триады языка, человека и культуры в современном языкоznании.

**Ключевые слова:** концепт, категория, понятие, подход, интегративный, семантическая интерпретация, ассоциация, периферия.

**Introduction.** In world linguistics, special attention is paid to clarifying the issue of national-cultural identity of universal concepts on the example of phraseological units. After all, in modern anthropological linguistics, it is noted that phraseological units (PhU) play a crucial role in the formation and development of the national worldview and clearly express its characteristics specific to a particular linguistic and cultural community. From this point of view, PhU is critical in increasing the linguo-cognitive potential of the language owner, in the human perception of the world reflected in the language, and in the perspective of revealing the anthropocentric importance of strengthening the fragments of existence in thinking through the means of language.

**Literature review.** One of the basic means of categorizing reality - the term concept is one of the main concepts of cognitology and cognitive linguistics. In science, the concept is explained based on different approaches. The basis of naming as an ethnospesific sign of a concept can be seen in stereotyping of models of perception and behavioral reactions of the world reflected in the internal form of the name and the semantics of the concept [5]. In the following chapters, we will dwell on them in detail with examples. It is known that the phenomenon resulting from the combination of concepts has the names "conceptosphere" [7] and "simple (traditional) view of the world" [1]. Conceptosphere is interpreted as "an orderly set of people's concepts, a database of thinking." [8]. In our opinion, the conceptosphere reflects the landscape of the world restored as a result of the analysis of linguistic means. The conceptual picture of the world reflects the sociocultural reality filled with cultural content and certain conventions.

**Analysis and Results.** One of the studies of concept was presented by A. Vejbitskaya on a logical-conceptual basis. According to her, the concept is interpreted as an object in the world of "Ideal" that reflects culturally bound perceptions of the world of "Reality". According to this theory, concepts are phenomena that exist and represent phenomena created based on thinking about how objects are structured. Concepts should be described through language in the form of several explanatory constructions. Through language, knowledge about life and its laws is materialized in the form of various linguistic signs and transmitted from generation to generation. The most important aspect of A. Vejbitskaya's concept is the expressed opinion about the national characteristic of concepts [4].

Within the framework of the psychological approach, the concept is understood as a mental derivative that replaces several objects of the same type in the process of thinking. Academician D.S. Likhachev explains the concept as an "algebraic expression of meaning", because "a person does not have time or is unable to grasp the meaning in all its complexities, sometimes he interprets it in his own way." Therefore, the concept, in addition to its dictionary meaning, also includes a complex of associations connected with the individual and cultural experience of the language owner [7].

In the cultural approach, attention is paid to the social content of concepts rather than their individual-psychic characteristics. In Yu.S. Stepanov's view, the concept is the main unit of culture, it represents the "cream of culture" in the human mind, and through it culture enters the human mental world. From the point of view of cultural development, the concept structure consists of several "layers" that are the result of "traces" of the cultural life of different periods. The structure of the concept includes everything that makes it a fact of culture: the origin form (etymology); a compact composition of the most important historical symbols; modern association; assessment, etc. [11]. According to Yu.S. Stepanov, the concept, by the semantic point of view, consists of three main components or layers:

- 1) a relevant sign for a specific culture;
- 2) one or more weak or historical characters;

3) internal form or etymological sign.

At a deeper level, a concept becomes known and meaningful to all language users in a particular culture. In weak signs, the concept gains relevance only for a few social groups of a culture. The internal form is only relevant for researchers, and for speakers of other languages, this layer is indirectly available. Based on these, concept analysis researchers offer ethnographic, cultural and historical methods. The internal form or etymological symbol of the concept layer is directly present in the human mind. The spiritual and embryonic core of the etymon is the inner form of the name of the concept. Revealing the inner form of the concept is carried out through the etymological analysis of the language sign that objectifies it. The inner form of the concept reveals its initial meanings in totality. As a constant element of the concept, the internal form is always open to potential changes. "The internal form of the word is the relation of the content of the thought to the mind; it shows a person how his thoughts are manifested" [9].

The semantic interpretation of concepts is expressed in the book "Concept types in the lexical-phraseological semantics of the language" by A.P. Babushkin. The author studies the concept within the framework of cognitive semantics. It is in the meanings of words that the results of perception of reality are stored, and therefore, by applying the practice of component analysis, it is possible to obtain information about the conceptual parameters of the word, that is, in the sense of the word, its logical - object content, the image that reflects the state of objects in reality. The variety of concepts requires the following types: mental landscapes, schemes, hyperonyms, frames, scenarios, insights, kaleidoscopic concepts. There is no clear boundary between them. Conceptual landscapes show objects of reality or myth; concept-schemas are represented by spatial words; hyperonymic concepts reflect hypo-hyperonymic relations in the lexicon; frame concepts are interconnected with several situations or situational images; insight concepts store information about the structure and function of the subject; scenario concepts show the sequence of events, their interconnection; kaleidoscopic concepts represent socially oriented abstract noun concepts in the form of a specific structure [3].

An integrative approach allows studying concepts from linguistic, cognitive, cultural, sociological perspectives. As a result, it becomes possible to reveal even the most invisible layers of the phenomenon. According to this approach, concepts are the basic unit of culture in the human mental world. They store information about the real or possible state of things in the world, that is, what a person thinks, knows, guesses and imagines about objects in reality. V. Karasik distinguished the "concept, image, value" aspects of the cultural concept, which is one of the main units of linguistic and cultural studies [6]. The conceptual element of the concept is formed on the basis of linguistic embodiment of the studied phenomenon or evidential information about the real or imaginary object that serves as the basis for the formation of the concept [6]; [10]. According to Stepanov, apart from the conceptual component, the concept includes everything that makes it a fact of culture - etymology, modern associations and values [11]. It is impossible to describe the conceptual component of the concept by enumerating the important features of the object. Therefore, the concept is more informative if it is explained through contrast.

The evaluation element of the concept is an important condition for its formation. "What is necessary for a person and humanity (physical or spiritual) is evaluated. ... The universe appears evaluated as an environment and means for human existence" [2].

The figurative component of the cultural concept is interconnected with cognitive and perceptual aspects. The figurative element of the concept includes all the traditional images that have a strong place in the language, the internal form of the word that serves to express the given concept, stable mental landscapes [10]. It is known that the internal form takes place in the content plan of phraseology.

According to V. Vorkachev, the conceptual component reflects the symbolic and explanatory structure of the cultural concept; the figurative component attaches a cognitive metaphor using it in the actual zone of linguistic consciousness; the semantic component is determined by the position of the name of the concept in the language system. The internal form of the name, which forms the basis of naming, is considered an ethnosecific sign. Ethnosecificity can be seen in the stereotyping of models of perception of the world and behavioral reactions reflected in the semantics of the concept [5].

**Discussion.** On the above considerations, we can see the structure of the cultural concept in the following figure Figure 1.




Figure 1. Cultural concept structure.

Phraseologisms representing concepts are divided into two major areas: the core and the periphery according to the method of the field, or more precisely, the phrase-semantic field, and are expressed in the form of the following layered structure Figure 2.

In this case, stable compounds that directly express the concept take place from the core, a large group of language units belonging to the core from the center of the core, and language units that indirectly express the concept from the peripheral area. It is known that the concept is a substance with a unique complex structure and no fixed boundaries. This situation requires a special approach based on the nature of each specific concept and the purpose of the research. The frequency of this or that concept in a certain ethnocultural community and the fact that the amount of language units expressing certain signs of the concept is not less is the reason for the emergence of relevance. For example, in the Uzbek nation, the macro concept of "child" is in the center of the core of the concept of "family", and the micro concept of "girl child" is in the center of the core of the core according to the frequency symbol, and it is considered one of the indicators of the value status. Researching the components of this concept with the help of integrative methods and methods provides a more complete understanding of the culture of the studied linguistic community.




Figure 1.2. The layered structure of the concept

**Conclusion.** Concepts combine results (knowledge) created through individual and social experience. There are scientific, traditional and artistic forms of knowledge. The cognitive process takes the form of the meaning of a concept in scientific cognition, the semantics of words in a normal situation, and the image format in artistic cognition, and all this is depicted in linguistic form. Concept and lexeme structures are manifested in the diversity of their formation and content, and expression methods. The national-cultural specificity of concepts is demonstrated in the presence of national-cultural cognitive signs and unique concepts in the semantics of close concepts in the concept sphere. The information coded in linguistic form is revealed by means of analytical methods and concepts of cognitive linguistics. Categorization is one of the mental processes of understanding which carry out generalization and classification of experience. Prototypical categorization in a language is the result of a traditional form of cognition. The study of prototypical categorization helps to reveal linguistic and cultural identity. National identity is shown in the process of choosing a prototype of a category to represent a category at the superordinate and subordinate levels of ordinary cognition. National-cultural verbalization of ethnocultural identity is manifested in cognitive methods, principles, models and ways of systematizing knowledge. In general, a concept is considered a mental way of representing reality in the human mind. It shows a spiritual derivative that combines the traditional meanings accepted by the subjective and linguistic community.

#### References:

1. Apresyan Yu.D. Izbrannye trudy: monograph. T.1 Lexical semantics. M.: "Yazyki russkoy kultury" 1995. P. 472
2. Arutyunova N.D. Yazyk i mir cheloveka. - M.: "Yazyki russkoy kultury", 1999.P.841
3. Babushkin A.P. Typic concepts and lexical-phraseological semantic language. Voronezh: Izd-vo Voronezh. Mr. flour, 1996. P.103
4. Vejbitskaya A. Semanticheskaya universalii i opisanie yazykov. M.: YaRK, 1999. P.790
5. Dobrovolsky D. National cultural specification and phraseology (I) // VYa. No. 6.1997. Pp.37-48.
6. Karasik V.I. Literary circle: lichnost, concept, discourse. - Volgograd: Peremeny, 2002. P. 477
7. Likhachev D.S. Konceptosfera Russian language. // Russkaya slovenost. Ot teorii slovesnosti k strukture teksta: anthology.- M.: Akademia, 1997.P.287
8. Popova Z., Sternin I. Semantic-cognitive analysis of language. – Voronezh, 2007.P.250
9. Potebnya A.A. Polnoe sobranie trudov: Mysl i yazyk. - M.: "Labyrinth", 1999.P.300
10. Slyshkin G.G Lingvokulturnye konsepty precedentnyx tekstov. - M.: Academia, 2000. P.141
11. Stepanov Yu.S. Konstanty: Slovar russkogo yazyka M.: Yazyki russkoy kultury, 1997. P. 824

#### Author:

**Nurmuhammedov Yusuf Shakarboyevich** - Doctor of Philosophy in Philological Sciences (PhD), Samarkand State Institute of Foreign Languages, E-mail: [nurmuhammad.yu@gmail.com](mailto:nurmuhammad.yu@gmail.com)

Nasrullayev Elmurod Jumaboyevich

Jizzax davlat pedagogika universiteti 130100. Jizzax viloyati, Jizzax shahri, Sharof Rashidov ko'chasi, 4-uy

E-mail: [nasrullayev1978@mail.ru](mailto:nasrullayev1978@mail.ru)

**Abstract.** In this article, Navoi's work is multi-faceted, multi-layered, colorful and extremely deep philosophical observations, problems and pains that have plagued humanity for centuries, concern for human destiny and its perfection. it is said that its main concept is an honorable dream-harmony. In particular, scientist N. Komilov assessed the publication of Alisher Navoi's works in full in twenty volumes as a great achievement in the field of restoration of our rich spiritual heritage. Although the great poet's works were published several times in different forms during the last century, but due to the pressure of the ideology of the Soviets, this priceless treasure was subjected to various reductions and classifications and did not reach the readers in its entirety. as a result, it is scientifically based that our people are deprived of the opportunity to enjoy all the sources of Navoi's creativity. Navoi scholar N.Komilov acknowledges that the publication of the twenty-volume collection will not only allow a wide readership to become fully acquainted with the immortal legacy of Navoi, but will also serve as a valuable resource for researchers of the work of the great poet and thinker. First of all, it was thoroughly researched that Hazrat Navoi's worldview based on Islam and Sufism was manifested as a whole system, and the root roots of Navoi's humanism were revealed. Navoi's work is multi-faceted, multi-layered, colorful and extremely deep philosophical observations, the problems and pains that have plagued mankind for centuries, his main concept is concern for the fate of man and his perfection, it has been proven through analysis that it is fully revealed that it is an honorable dream-harmony.

**Key words:** Key words: humanism, Sufism, humanism, worldview, navoiology, heritage, symbol, Islam, thinking, maturity, ability, foundation, artistic-aesthetic interpretation, literary creation, conceptual generalization, poetic perception, artistic idea, creative imagination, aesthetic interpretation, sociological, biographical, psychoanalytical, structural and hermeneutic research methods.

**Аннотация.** В данной статье творчество Навои представляет собой многогранное, многослойное, красочное и чрезвычайно глубокое философское наблюдение, проблемы и боли, терзавшие человечество на протяжении веков, заботу о человеческой судьбе и ее совершенстве. мечта-гармония. В частности, ученый Н. Комилов расценил издание произведений Алишера Навои полностью в двадцати томах как большое достижение в области восстановления нашего богатого духовного наследия. Хотя в течение прошлого века произведения великого поэта неоднократно публиковались в разных формах, но из-за давления советской идеологии это бесценное сокровище подвергалось различным редакциям и классификациям и не дошло до читателей в полном объеме. в результате научно обосновано, что наш народ лишен возможности пользоваться всеми истоками творчества Навои. Навоинист Н.Комилов признает, что издание двадцатитомного сборника не только позволит широкому кругу читателей в полной мере познакомиться с бессмертным наследием Навои, но и послужит ценным ресурсом для исследователей творчества великого поэта прежде всего, было тщательно исследовано, что мировоззрение Хазрата Навои, основанное на исламе и суфизме, проявлялось как единая система, и были выявлены коренные корни гуманизма Навои. Творчество Навои многогранно, многослойно, красочно и чрезвычайно глубоко, философские наблюдения, проблемы и боли, мучившие человечество на протяжении веков, главная его концепция - забота о судьбе человека и его совершенстве. что полностью раскрывается, что это благородная гармония сна.

**Ключевые слова:** гуманизм, суфизм, гуманизм, мировоззрение, навоиология, наследие, символ, ислам, мышление, зрелость, способность, основа, художественно-эстетическая интерпретация, литературное творчество, концептуальное обобщение, поэтическое восприятие, художественная мысль, творческое воображение, эстетическая интерпретация, социологические, биографические, психоаналитические, структурные и герменевтические методы исследования.

**Kirish.** Atoqli navoiyshunos Maqsud Shayxzoda e'tiroficha, "G'azal mulkining sultoni" sanalgan Hazrat Alisher Navoysi nafaqat she'riyatda, balki nasrda ham o'limas asarlar yaratib, mumtoz adabiyotimiz xazinasiga ulkan hissa qo'shdi.

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi, Alisher Navoiy nomidagi til va adabiyot instituti hamda H.S.Sulaymonov nomidagi qo'lyozmalar instituti 1987-yilda adabiyotshunosligimiz ravnaqiga katta ta'sir ko'rsatgan ibratli ishga qo'l urdi: Hazrat Alisher Navoiyning 20 jiddlik "Mukammal asarlar to'plami"ni chop etishga kirishdi. Albatta, bu jarayon uzoq muddat hamda qattiq mehnatni talab etishi aniq edi. Bu boradagi ishlar, ayniqsa, Mustaqillik sharofati bilan yanada avj oldi. Ateizm – dahriylik tamoyillariga asoslangan qizil mafkura tufayli ulug' mutafakkirning diniy-falsafiy ruhdagi asarlari bo'yicha tadqiqot ishlari olib borilishiga imkon berilmas edi. Shu sababli ulug' allomaning bunday mazmundagi asarlari to'laligicha kitobxonlarga yetib bormagan edi.

Olim N.Komilov Alisher Navoiy asarlarining to‘liq holda yigirma jild hajmida nashr etilishini boy ma’naviy merosimizni tiklash sohasida qo‘lga kiritilgan ulkan yutuq sifatida baholaydi. Chunki o‘tgan asr davomida ulug‘ shoir asarlari bir necha bor turli ko‘rinishda chop etilgan bo‘lsa-da, biroq sho‘rolar mafkurasi tazyiqi tufayli bu bebahoxazina har xil qisqartirish va randalashlarga uchrab, kitobxonlar qo‘liga yaxlit holda yetib bormadi, natijada xalqimiz Navoiy ijodining hamma chashmalaridan bahramand bo‘lish imkonidan mahrum bo‘ldi [2].

Navoiyshunos olim yigirma jildlik to‘plamning nashr etilishini nafaqat keng kitobxonlar ommasini Navoiyning o‘lmas merosi bilan to‘liq tanishtirishga imkon berishini, balki ulug‘ shoir va mutafakkir ijodini tadqiq etuvchilar uchun ham qimmatbaho manba bo‘lib xizmat qilishini e’tirof etarkan, eng avvalo, hazrat Navoiyning islam va tasavvufga tayangan dunyoqarashi yaxlit bir tizim sifatida namoyon bo‘lganligini, Navoiy gumanizmining tub ildizlari ochilganini ta’kidlaydi. Zero, Navoiy ijodi ko‘p qirrali, ko‘p qatlamlari, rang-barang va g‘oyat teran falsafiy mushohadalar, insoniyatni asrlar davomida qiyab kelgan muammo va dardlar ila yo‘g‘rilgani, inson qismati, uning kamoloti uchun qayg‘urish uning bosh konsepsiysi, ardoqli orzu-armoni ekani to‘la ayonlashdi.

#### Olingan natijalar va ularning tahlili:

Nashr ishlari uchun sarflangan qariyb o‘n besh yil muddatning o‘n bir yili Istiqlol davriga to‘g‘ri kelganligi uchun ulug‘ shoirning asarlarini tom ma’noda to‘la, mukammal holda chop etildi. Unda ulug‘ mutafakkirning she’riy va ilmiy asarlar bilan birga, diniy, axloqiy va tarixiy mavzulardagi “Nasoyim ul-muhabbat”, “Mahbub ul-qulub”, “Siroj ul-muslimiy”, “Tarixi muluki Ajam” kabi nasriy asarlarini ham o‘rin oldi. Albatta, ularning barchasida Hazrat Navoiy qalamiga xos mushtaraklik – ma’rifatga, axloqiy poklikka da’vat ruhi yaqqol sezilib turadi.

Milodiy VIII asrning boshidan XV asrning oxiriga qadar Osiyo, Afrika va Yevropa qit’alarida yashab o‘tgan avliyolarining tarjimai holi, ibratli hikoyatlar hamda o‘git va hikmatlaridan namunalar keltirilgan “Nasoyim ul-muhabbat” asarining tanqidiy matni dastlab 1996-yilda muallif yashagan davrda ko‘chirilgan nusxa asosida Anqara(Turkiya)da atoqli turk navoiyshunosi Kamol Eraslan tomonidan yaratildi. 2011-yilda navoiyshunos olim H.Islomov ham mazkur asarning ilmiy-tanqidiy matnnini yaratib, chop qildirdi.

To‘liq nomi “Nasoyim ul-muhabbat min shamoyil ul-futuvvat”, ya’ni “Mardlik xushbo‘yliklarini taratuvchi muhabbat shabadalari” bo‘lgan mazkur asar Abdurahmon Jomiuning “Nafahot ul-uns min hazarot ul-quds” (“Muqaddas dargohdan esgan do’stlik tarovati”) asarining ijodiy tarjimasi sanaladi. Asar 1495-96-yillarda yaratilgan.

Atoqli olim N.Komilov bu asar bo‘yicha olib borgan tadqiqotlari yuzasidan chiqargan ilmiy xulosalarini o‘zining “Tasavvuf” nomli asarining “Irfon va komil inson” faslida bayon etadi. [2].

Olimning qayd etishicha, orif odam dunyoviy bilimlarni egallash barobarida botiniy quvvat bilan g‘ayb ilmini ham egallay olgan Komil insondir. Ilohiy ma’rifat uning qalbida buloqday qaynab turadi. Demak, Haqqa yetishish ham ilmdir.

Ustoz N.Komilov “Nasoyim ul-muhabbat”da Hazrat Navoiy tomonidan bir qancha shayxlar ta’rifida “zohiriya va botiniy ilm sohibi”, degan e’tirofning qo‘llanilganiga diqqatni qaratadi. Chunonchi: “Abu Abdulloh Muxtor b. Muhammad b. Ahmad Hiraviy mashoyixining akobiridindur, zohir ulumi va botin ulumig‘a jome”, “Abu Nasr b. Abu Ja’far b. Abu Ishoq Hiraviy Xonchabodiy... zohiru botin ulumig‘a olim va ro‘zgor faqiji”, “Shayx Ziyouddin Abun-najib Abdulqodir Suhravardiy zohir va botin ulumida komil erdi...” [4].

Olim asarda muallifning tasavvuf ma’rifatini aql bilan idrok etib, tushuntirish lozimligi haqidagi fikrini mutasavvuf Junayd Bag‘dodiy ta’rifida keltirganligini ta’kidlaydi va Navoiy hazratlari fikrining isboti sifatida ul zotning ilmning kashf-u karomatdan ustunligi haqida yozgan quyidagi fikrini keltirishi asarning badiiy qimmatini oshirganligini e’tirof etadi: «Ilmning vajdu holg‘a g‘olib bo‘lishi vajdu holning ilmg‘a g‘olib bo‘lishidin yaxshiroqdur».

Olim Navoiyning kitobxonida tasavvuf ta’limoti haqida muayyan tasavvur uyg‘ota olish maqsadida bu ta’limot borasida Junayd Bag‘dodiy fikrlarini keltirganligiga diqqatni tortadi: Junayd nazarida, tavhid idrokida ham vajdiy-hissiy intilishdan ko‘ra, fikriy mushohada ko‘proq samara beradi. Junayd deydiki, oriflikning boshi barcha ilmlarni Allohdan deb bilishdir, kishi «o‘zi egallagan ilmlarni ham Haq kamolining ifodasi, odam ilmini esa nisbiy, nuqsonli va Alloh ilmiga nisbatan to‘lishib boradigan», deya hisoblashdan boshlanadi. Ilohiy ilm sifatini o‘z ma’rifati suratida idrok etishi kerak. Shayx Abu Bakr Tohir Abhاري ham shu aqidani tasdiqlagan. Undan: «Haqiqat nadur?» – deb so‘raganlarida: «Haqiqat barcha ilmdur», – deb javob bergen. «Ilm nadur?» – deb so‘raganlarida esa: «Barcha haqiqatduri», – deb aytgan ekan .

Olimning fikricha, haqiqat – Haqning o‘zi, uning zoti va sifatlari. Uni ilmsiz tanish va bilish mumkin emas. Olim ushbu fikrining isboti sifatida Navoiy asaridan yana bir iqtibos keltiradi:

Muhyiddin ibn al-Arabiyning shogirdi Shayx Sadriddin Kunyavyidan so‘radilar: «Qayerdan qayoqqa borasiz va o‘rtada nima hosil bo‘ladi?» Javob berib dediki: «Ilmdan Asl manbagaga boramiz, o‘rtada hosil bo‘lgani – dunyoviylik va ilohiylik hukmi bilan zohir bo‘lgan ikki tarafni birlashtiruvchi nisbatni yangilashdir» [2].

Olim ushbu fikrdagi bir necha jihatlarni sanab o‘tadi: birinchidan, «Ilmdan Asl manbagaga boramiz», deganda Sadriddin Kunyavyi so‘fiy dunyoviy ilmlar(jumladan, shariat ilmi)ni egallash vositasida Asl manba – Alloh tomon boradi va Uni taniydi, dunyoviy bilimlarsiz Iloh ilmini anglash va egallashi mumkin emas, degan qarashni bayon etgan. Ikkinchidan, orif-so‘fiy, shu tariqa, dunyoviylik va ilohiylikni birlashtiradi, bu ikki tarafning birini inkor etgan kishi orif yoki komil emas, demoqchi. Uchinchidan, ilohiylik va dunyoviylik nisbati har bir yangi orif shaxsida yangi kuch bilan namoyon bo‘lishi kerak, degan g‘oyani bayon etadi. Ya’ni inson – moddiylik va ruhoniylilik, dunyo va oxirat chegarasida turadigan xilqat – har ikki taraf unda o‘zaro muvozanatda aks etishi lozim, bu nisbat o‘zgarsa, odamning sifati, axloqi ham

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

o‘zgaradi. Ilohiylik tarafi dunyoviylik tarafini boshqarib, maqsadga muvofiqlashtirib borgani ma’qul. Dunyoviylik tarafi bosib ketsa, nafsi ammora qudrat topadi, ilohiylik baland kelsa, u Arshga qarab intila boshlaydi, yuksaladi.

Ko‘rinib turibdiki, olim Navoiy asaridagi ma’rifiy mushohadalarni o‘ziga xos tarzda talqin qilgan. Olim shu o‘rinda irfon va hikmat, orif va hakim (faylasuf) masalasiga ham diqqatni tortadi, zero, ular orasida yaqinlikni ko‘ra bilgan mualliflar buni ijobiy hodisa sifatida qayd etadilar. Olimning fikricha, X asrdan boshlab tasavvuf bilan falsafa bir qancha nuqtalarda o‘zaro ta’sir eta boshlaydi. Zotan, tasavvuf ilmida shariat va hikmat mag‘zi singib ketgan.

Olim tasavvuf borasidagi bilimlarni o‘rganib, qator xulosalarga keladi. Eng e’tiborli tomoni, olim o‘z xulosalarini Hazrat Navoiy ijodiga mansub namunalardan keltiradi. CHunonchi, olim inson ko‘nglini Alloh ishqining xazinasi deb biladi va bu xazinani ko‘ngil g‘uborlardan toza bo‘lsa, bamisoli zang va changi artib tozalangan ko‘zguday musaffo bo‘lsagina ochilishini ta‘kidlaydi. Zero, ko‘ngilning ko‘zguga tashbeh qilinishi ham uning tozalanishi va ilohiy nurni aks ettirishiga ishoradir. Olim nur musaffo ko‘zguda aks etganiday, Iloh jamoli sof ko‘ngillarda aks etadi, degan xulosaga kelarkan, ba‘zan adabiyotda ma‘shuqaning toza yuzi ko‘zguga qiyos etilishiga diqqatni tortadi va bu xulosasini Navoiy misrasi bilan isbotlaydi: «*Orazing ko‘zgusimu ter kasratidan suvdadur*» [1].

Olim shu ma’noda so‘fiylar suv, terni ham soflik ifodasi deb qaraganliklariga, yorning musaffo yuzida terning paydo bo‘lishi – pokiza nurning yog‘ilishi va ayni vaqtida hayo ramzi sifatida talqin etilganligiga, zotan, hayo – pok qalbli insonlar xislati, vijdon va iyomon belgisi ekanligini qayd etadi va pok qalbli odamlarning ta‘bi ham nozik bo‘lishini, bunga sabab ular Alloh go‘zalligi, jamol-u jalolini ayricha his bilan idrok etishlarini hamda ularning bundan mast-u mustag‘riq bo‘lishlarini qayd etadi. Shunga ko‘ra so‘fiylar ma‘shuqani farishta xislatli, malaksiymo, parizod, paripaykar deb tavsiflashlarini ham poklik va noziklikka ishora, ya‘ni ta‘b nozikligi, so‘z va ifoda nozikligi, zavq va idrok nozikligi, fe‘lning yumshoq va latif bo‘lishi ham so‘fiy qalbining pokligidan nishonalar sifatida baholaydi hamda buning isboti sifatida Hazrat Navoiyning quyidagi baytini keltiradi:

*Soda ko‘nglum ichra la‘lingning xayoli tushgali,  
Shisha edurkim, oning ichiga solmishlar nabot.* [1].

Ya‘ni, toza, musaffo ko‘nglimga la‘l labingning xayoli tushdi. Bu xuddi shisha idish ichiga nabot solib qo‘yganday.

Olim diqqatni so‘fiyona adabiyotda soflik, safo ana shunday kuylanganligi va qalb sofligi oshiqlik, sidq-u vafo, ixlos va e’tiqodning asos poydevori deb qaralganligiga tortar ekan, safo bo‘lmasa, sadoqat bo‘lmaydi, sadoqat bo‘lmasa, soflik yuzaga kelmaydi, sadoqat, albatta, Allohgadir, sadoqat, sidq imonni mustahkamlaydi, ixlosni kuchaytirib, kishini mosuvallohdan xalos etadi, degan ilmiy xulosaga keladi.

Olim so‘fiylar poklikni shu ma’noda tushunib, uni *ixlos, maxlas* tushunchalari bilan birga olib izohlashlarini aytarkan, avvalo «*ixlos*» so‘zining ma’nolarini sharhlashni ma’qul ko‘radi. Shundan so‘ng asl maqsadga o‘tadi: olim riyokor shayxlarning barcha zohiriyl amallardan muddaolari shoh va amirlar, boy-badavlat kishilarning diqqatini o‘zlariga qaratish va shu bilan boylik to‘plash, tekin maishat payida bo‘lishligini ta‘kidlab, bunday shayx-u so‘fiylar ulug‘ gumanist shoirlarimiz tomonidan qattiq qoralanganligiga qayd etadi va Hazrat Navoiy «*Hayrat ul-abror*» dostonidagi to‘rtinchi maqolotida «*riyo xirqapo‘shlar*» larning shaytonni hamyo‘lda qoldiruvchi nayranglarini fosh qilsa, «*Mahbub ul-qulub*» asarining o‘ttiz sakkizinchil faslida «*riyo shayxlar zikri*» gamaxsus to‘xtalib o‘tganligini bayon qiladi va ulug‘ adibning riyokor shayx haqidagi ta‘rifini keltiradi: «*Shayxi riyoyi – ra’noliq jilvanamoyi*. Miseduroltunbila ro‘kash, tashi xushnamo va ichi noxush. Surati darveshvash vama’nosi sarosar g‘ash. Orastaliqu barcha qayd va karomati tamomshayd. Ammomasi rayosat yuki, boshida bir fosid xayol har tuki» [2].

Olim bu parchani hozirgi tilimzga mohirlik bilan tabdil qilar ekan, Hazrat Navoiy nazdida bunday shaxslar odamlarning chin oriflar, haqiqiy so‘fiylarga bo‘lgan ixlosini susaytirishini, Xudoga bo‘lgan ixlosni yemirishini, jamiki muqaddaslik, e’tiqodni bozorga olib chiqib, ma’naviyatni xarob etishini qayd etadi. Chunki odamlar ularga ergashib aldanadi va Haq yo‘ldan adashishadi. Zero oddiy insonlar qalloblik, soxtakorlikni tezda anglab yetmaydi, chin va yolg‘onni ajratolmaydi.

Navoiyshunos olim aynan shu bois hazrat Bahouddin Naqshbandning xilvatnishinlikni ham, raqsu samoga asoslangan jahriya zikrni ham riyoga aloqador, debrad etganligini qayd etadi va Naqshband hazratlarining «*Dar xilvat shuhrat ast, va dar shuhrat ofat ast*» («*Xilvatda shuhrat bor, shuhratda esa ofat bor*»), –degan fikrini keltirib, uni atroflicha talqin qiladi. Zero, xilvatnishinlik, uzlatga chekinish ham riyoning bir turi bo‘lib, bu da‘vo zamirida kibr va manmanlik, o‘zini boshqalardan ustun qo‘yish fikri yotadi. Aynan shu fikr shuhratparastlik – boshqalar diqqatini o‘ziga jaib qilish, obro‘-e’tibor da‘vo qilishdir. Holbuki, xilvatga chekinmay ham botinni sidqidildan poklab borish mumkin. Agar Xudo yo‘lida zikr aytish bo‘lsa, kishi ichida Uning nomlarini qaytarib, dilda naqshlab borishi afzal. Bunda riyo yo‘q, o‘zini ko‘z-ko‘z qilish, boshqalar diqqatini qaratish yo‘q. Aksincha, bunda sadoqat va sidq bor. Zotan, ixlosning oliv kamoli ham sidkdir. So‘zda sidq, fe‘lda sidq, ishda sidq, ahvolda sidq. Olim bu fikrlarni isbotlash uchun yana Navoiyga murojaat qiladi:

*Tasavvuf emas zuhdu taqvo-yu toat,  
Ki anda riyo yo‘l topar betavaqquf.* [1].

Ya‘ni tasavvuf garchi shariati islomga suyansa-da, ammo u faqat zuhdu taqvo-yu toatdan iborat emas.

Olimning ta‘kidlashicha, zuhd(parhezkorlik), taqvo va toatning o‘zi olinadigan bo‘lsa, bunda narigi dunyoda mukofotga umidvorlik ilinji va bu dunyoda o‘zini alohida shaxs qilib ko‘rsatish istagi bor. Olim Hazrat Navoiyning aynan shu sababli bunda riyo yo‘l topishi muqarrarligrini qayd etganligiga e’tiborni qaratib, ulug‘ mutafakkirning ushbu baytini

tasavvuf riyosiz taqvo, sof, beg’araz bandlik va mehru muhabbat, odamlardan hech narsa da’vo qilmaslik va o’zini odamlar gardaniga solmaslik, butun ixtiyorini o’z Parvardigori ixtiyoriga topshirish – «Haq vujudida o’z vujudini mahv etish» sifatida talqin qiladi.

Olimning e’tiroficha, tasavvuf g’oyalari inson tafakkurini ozod qilishga intilgan, zohirbinlik va mutaassiblikka qarshi bosh ko’targan fikriy-hissiy to’lqin bilan qo’shilib zuhur etadigan bo’ldi. Olim buni qalb va ruh hurriyat, ichki hurriyat sifatida baholaydi va Boyazid Bistomiy, Zunnun Misriy, Mansur Halloj, Najmuddin Kubro kabi bir qator shayxlar faoliyati va so’zlarida, Xoja Ahmad Yassaviy, Jaloliddin Rumiy, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy kabi shoirlar ijodida irfoniy g’oyalarning umuminsoniy gumanistik g’oyalari bilan qo’shilib ketganligini, tafakkur teranligini ko’rish mumkinligini aytadi. Bu shayxlar va shoirlar nazarida ichki hurriyatni ta’minlaydigan, kishini oliv qadriyat, abadiy hayot manbai Parvardigori karim olamiga yaqinlashtiradigan, ruhni Mutlaq ruhga ulaydigan yagona kuch sifatida ishqni keltiradi. Olimning nazdida, aynan ishq odamni zohirbinlik va aqidaparastlikdan xalos etadi.

Olim qalbi bunday ishq bilan to’liq orif uchun nafaqat shariat rusumlari, balki tariqatning zohiriylar ham ortiqcha, keraksiz narsaga aylanishini, oshiq rindlar xonaqohlardagi tartib-qoida, odob nazorati, so‘fiyona kiyim(xirqa, kuloh)larni ishq yo‘lidagi to’siq, Illo bilan qalb orasidagi pardalardan deb hisoblashlarini, zero, xirqa ham, zikru chilla ham riyo belgisi ekanligini ta’kidlaydi. Buning isboti sifatida Navoiyning lirik qahramoni xonaqohdagi shayx suhbatidan bezor bo’lganini («Shayx birla xonaqoda chun yorug’luq ko’rmadim»), o’zini piri xarobotiy majlisiga yetkiranini va o’sha mayxona(komil inson huzuri)da murodiga yetganini so‘zlaganligini keltiradi. [2].

Olim Hazrat Navoiyni donishmand Sharqning ulug‘ va mumtoz mutafakkiri, Uyg‘onish davri dahosi sifatida baholar ekan, unda benazir shoirlik iste’dodi, til go’zalligi, ifoda mo’jizakorligi, tafakkur teranligi mujassam va bu uning har bir asari, har bir satrida yarq etib porlab turishini, ulug‘ shoirlarning har bir bayti bir hikmat, bir durdona ekanligini e’tirof etadi. Shu bilan bir qatorda, Navoiyni ulug‘ Muallim, axloq Muallimi deb ataydi. Zero, bu ulug‘ allomaning xoh epik asarlari, xoh lirik yoki nasriy asarlarida bo’lsin, ulug‘ adib, birinchi navbatda, insondagi salbiy xislatlarni ko’zguda aks ettirganday ko’rsatib, najib ezgu xislatlar, fazilatlarni egallahga chorlaydi. Jannatdan quvilgan Odam Ato avlodni yana poklanib, o’z asl Vatani – Parvardigor huzuriga qaytishi kerak.

### XULOSA

Navoiy nasri zaminidagi ma’rifiy mushohadalar talqini bo‘yicha quyidagicha xulosaga kelish mumkin:

- birinchidan, O’zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi, Alisher Navoiy nomidagi til va adabiyot instituti hamda H.S.Sulaymonov nomidagi qo’lyozmalar instituti 1987-yilda adabiyotshunosligimiz ravnaqiga katta ta’sir ko’rsatgan ibratli ishga qo’l urdi: Hazrat Alisher Navoiyning 20 jildlik “Mukammal asarlar to’plami”ni chop etishga kirishdi. Albatta, bu jarayon uzoq muddat hamda qattiq mehnatni talab etishi aniq edi. Bu boradagi ishlar, ayniqsa, Mustaqillik sharofati bilan yanada avj oldi. Ateizm – dahriylik tamoyillariga asoslangan qizil mafkura tufayli ulug‘ mutafakkirning diniy-falsafiy ruhdagi asarlar bo‘yicha tadqiqot ishlari olib borilishiga imkon berilmas edi. Shu sababli ulug‘ allomaning bunday mazmundagi asarlar to’laligicha kitobxonlarga yetib bormagan edi;

- ikkinchidan, 1495-96-yillarda yaratilgan, to’liq nomi “Nasoyim ul-muhabbat min shamoyil ul-futuvvat”, ya’ni “Mardlik xushbo’yliklarini taratuvchi muhabbat shabadalari” bo’lgan asar Abdurahmon Jomiyning “Nafahot ul-uns min hazarot ul-quds” (“Muqaddas dargohdan esgan do’stlik tarovati”) asarining ijodiy tarjimasi sanaladi. Atoqli olim N.Komilov bu asar bo‘yicha olib borgan tadqiqotlari yuzasidan chiqargan ilmiy xulosalarini o’zining “Tasavvuf” nomli asarining “Irfon va komil inson” fasilda bayon etadi;

- uchinchidan, olim N.Komilovning qayd etishicha, orif odam dunyoviy bilimlarni egallah barobarida botiniy quvvat bilan g’ayb ilmini ham egallay olgan Komil insondir. “Nasoyim ul-muhabbat”da Hazrat Navoiy tomonidan bir qancha shayxlar ta’rifida “zohiriylar va botiniylar” degen e’tirofning qo’llanilganiga diqqatni qaratadi. Olim asarda muallifning tasavvuf ma’rifatini aql bilan idrok etib, tushuntirish lozimligi haqidagi fikrini mutasavvuf Junayd Bag’dodiy ta’rifida keltirganligini ta’kidlaydi va Navoiy hazratlari fikrining isboti sifatida ul zotning ilmning kashf-u karomatdan ustunligi haqida yozgan «Ilmning vajdu holg’a g’olib bo’lishi vajdu holning ilmg’ a g’olib bo’lishidin yaxshiroqdur» fikrini keltirishi asarning badiiy qimmatini oshirganligini e’tirof etadi. Olim Navoiyning kitobxonada tasavvuf ta’limoti haqida muayyan tasavvur uyg’ota olish maqsadida bu ta’limot borasida Junayd Bag’dodiy fikrlarini keltirganligiga diqqatni tortadi: Junayd nazarida, tavhid idrokida ham vajdiy-hissiy intilishdan ko’ra, fikriy mushohada ko’proq samara beradi. Junayd deydiki, oriflikning boshi barcha ilmlarni Allohdan deb bilishdir, kishi «o’zi egallagan ilmlarni ham Haq kamolining ifodasi, odam ilmini esa nisbiy, nuqsonli va Alloh ilmiga nisbatan to’lishib boradigan» deya hisoblashdan boshlanadi;

- to’rtinchidan, olimning fikricha, haqiqat – Haqning o’zi, uning zoti va sifatlari. Uni ilmsiz tanish va bilish mumkin emas. Olim «Ilmdan Asl manbagaga boramiz», degan fikrni mutasavvuf Sadriddin Kunyavyi so‘fiy dunyoviy ilmlar (jumladan, shariat ilmi)ni egallah vositasida Asl manba – Alloh tomon boradi va Uni taniydi, dunyoviy bilimlarsiz Illo ilmini anglash va egallashi mumkin emas, degan qarashni bayon etgan. Orif-so‘fiy, shu tariqa, dunyoviylik va ilohiylikni birlashtiradi, bu ikki tarafning birini inkor etgan kishi orif yoki komil emas, demoqchi. Ilohiylik va dunyoviylik nisbati har bir yangi orif shaxsida yangi kuch bilan namoyon bo’lishi kerak, degan g’oyani bayon etadi. Ya’ni inson – moddiylik va ruhoniylilik, dunyo va oxirat chegarasida turadigan xilqat – har ikki taraf unda o’zaro muvozanatda aks etishi lozim, bu nisbat o’zgarsa, odamning sifati, axloqi ham o’zgaradi. Ilohiylik tarafi dunyoviylik tarafini boshqarib, maqsadga muvoqiflashtirib borgani ma’qul. Dunyoviylik tarafi bosib ketsa, nafsi ammora qudrat topadi, ilohiylik baland kelsa, u Arshga qarab intila boshlaydi, yuksaladi;

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

- beshinchidan, atoqli navoiyshunos zuhdni tariqat talablaridan biri, ya’ni zuhd tariqatning ham, tasavvufning ham quiyi bosqichi, yana aniqroq aytilganda, tariqatni shariat bilan bog‘laydigan halqa sifatida ko‘rsatadi. Zero, qat’iy taqvo va parhezni saqlamagan odam tariqatda muvaffaqiyat qozonmaydi. Olimning fikricha, agar solik faqat zuhdning o‘zi bilan cheklansa, darhaqiqat, u chin so‘fiy bo‘la olmaydi. Taqvo bir poydevor bo‘lsa, bu poydevor ustiga hol martabasidagi kashf-u karomat, muroqaba va mushohada qobiliyatlari tiklanib, rivojlanishi kerak. Buni esa ishq va oshiqlik orqali qozonish mumkin, degan to‘g‘ri xulosaga keladi;

- oltinchidan, olim aynan shu sababli ham Navoiyning «Mahbub ul-qulub» asaridagi ikkinchi qismning o‘nichi – oxirgi bobini «Ishq zikrida» deb nomlaganligini qayd etarkan, Navoiyning ishq ta’rifida boshqa asarlarida ham to‘xtab o‘tganligi va har galgiday ishqni vafst etganda uchqun, olov, quyosh, o‘t, alanga, dengiz, ajdarho, oy, shu’la, kabi tashbehlarni qo‘llaganligini ta’kidlaydi.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Alisher Navoiy. Tanlangan asarlar to‘plami. 14-jild, – Toshkent: Fan, Sharq, 2006. – B.44.
2. Alisher Navoiy asarları izohli lug‘ati / E.Fozilov tahriri ostida., To‘rt jildlik: 2-jild, – Toshkent: FAN, 1983, – B.48.
3. Komilov N. Tasavvuf. – Toshkent: Movarounnahr. – Toshkent: 2009. – B.50.
4. Alisher Navoiy. Mahbub ul-qulub. – Toshkent: Yoshlar nash uyi. 2018. – B.42.
5. Xayitov Sh. “Mahbub ul-qulub”da tasavvufi jilolar. – Toshkent: Fan, 1996. – B.44.

### Muallif:

**Nasrullayev Elmurod Jumaboyevich** - Jizzax davlat pedagogika universiteti, Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent. E-mail: [nasrullayev1978@mail.ru](mailto:nasrullayev1978@mail.ru)

UDC: 811.512.133'271:398.9

### REFLECTION OF NATIONAL VALUES IN ARTICLES

MAQOLLARDA MILLIY QADRIYATNING NAMOYON BO‘LISHI

ОТРАЖЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В СТАТЬЯХ

**Axrорор Alisher Akbarovich**

Guliston davlat universiteti, 120100. Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, 4-mavze.

E-mail: [axrorov891115@gmail.com](mailto:axrorov891115@gmail.com)

**Abstract.** Increased attention in linguistics is paid to the relations of language and culture, language and spirituality, language and communication. Scientific research of linguistic and cultural proverbs that vividly reflect them is aimed at revealing the possibility of language to preserve and express national culture and spirituality in their unity. In particular, the moral value of folk proverbs with the semantics of "cultural speech" and the task of their literal expression require the search for an adequate solution to such scientific issues as the role in the communication system, the study of problem, language knowledge and speech situations, as well as cultural aspects. This article also highlights how the concepts of national thinking, national culture, national spirituality, national mentality are expressed in folk proverbs reflecting national values, customs, everyday lifestyle, history, culture and spirituality of the people, polished and widely used today in oral and written speech. After all, folk proverbs, embodying the concepts of diligence, hospitality, eloquence, Andijan, courage, creativity, patriotism, demonstrate the values of this people, who are its user and creator. For centuries, our people have paid special attention to relationships. For example, his language, proverbs reflect special attention to the relations between guests: waiting, engagement, wedding, brother, sister, brother, borinka, between relatives, kuchada, work in the room, to the elder, to the younger-all this and much more. Special attention in such relations was paid to the issues of communication, address, speech etiquette.

**Keywords:** National consciousness, national thought, national culture, national spirituality, national mentality, diligence, hospitality, literature, Andijan, courage, creativity, patriotism, dialogue.

**Annotatsiya.** Tilshunoslikda til va madaniyat, til va ma’naviyat, til va muloqot munosabatiga e’tibor kuchayganligi ularni o‘zida yaqqol aks ettiruvchi lingvomadaniy maqollar bo‘yicha amalga oshirilgan ilmiy izlanishlar tilning milliy madaniyat va ma’naviyatni o‘z birliklarida saqlash hamda namoyon qilish imkoniyatini ochib berishga qaratilmoqda. Jumladan, “madaniy nutq” semasiga ega xalq maqollarining axloqiy qiymati va tagma’no ifodalash vazifasi muloqot tizimidagi o‘rnii, vazifaviy, lisoniy bilim va nutq vaziyatiga oid hamda madaniy jihatlari ustida tadqiqot olib borish kabi ilmiy masalalarga munosib yechim topishni taqozo qiladi. Mazkur maqolada ham xalqning milliy qadriyati, urf-odatlari, kundalik turmush tarzi, tarixi, madaniyati va ma’naviyatini o‘zida namoyon etuvchi, sayqallanib, bugungi kunda og‘zaki va yozma nutqida keng qo‘llaniluvchi xalq maqollarida milliy tafakkur, milliy madaniyat, milliy ma’naviyat, milliy mentalitet tushunchalarining qay tarzda ifoda etilganligi yoritib berilgan. Negaki, xalq maqollari mehnatkashlik, mehmondo’stlit, so‘zamollik, andishalik, jasurlik, yaratuvchanlik, vatanparvar – elparvarlik tushunchalarini o‘zida aks ettirib, foydalanuvchisi va yaratuvchisi bo‘lmish shu xalqning qadriyatlarini namoyon etadi. Asrlar davomida xalqimiz o‘zaro munosabatlarga alohida e’tibor qaratib keladi. Misol tariqasida mehmon kutish, quda-andachilik, to‘y, aka-uka, opa-singil, aka-singil, borinki, qarindoshlar o‘rtasida, kuchada, ish xonada, kattaga, kichikka – bularning barchasiga

bo‘lgan munosabatlarga alohida diqqat qaratilgani uning tilida, maqollarda o‘z aksini topadi. Bunday munosabatlarda muloqot, muomala, nutq odobi masalasiga ham alohida to‘xtalib o‘tildi.

**Kalit so‘zlar:** Milliy ong, milliy tafakkur, milliy madaniyat, milliy ma’naviyat, milliy mentalitet, mehnatkashlik, mehmono‘stlik, so‘zamollik, andishalik, jasurlik, yaratuvchanlik, vatanparvar – elparvarlik, muloqot.

**Аннотация.** Повышенное внимание в лингвистике уделяется отношениям языка и культуры, языка и духовности, языка и общения научные исследования лингвокультурных пословиц, которые их ярко отражают, направлены на раскрытие возможности языка сохранять и выражать национальную культуру и духовность в их единстве. В частности, моральная ценность народных пословиц с семантикой "культурной речи" и задача их буквального выражения требуют поиска адекватного решения таких научных вопросов, как роль в системе коммуникации, исследование задачных, языковых знаний и речевых ситуаций, а также культурных аспектов. В данной статье также освещается, как выражаются понятия национального мышления, национальной культуры, национальной духовности, национального менталитета в народных пословицах, отражающих национальные ценности, обычай, повседневный образ жизни, историю, культуру и духовность народа, полированных и широко используемых сегодня в устной и письменной речи. Ведь народные пословицы, воплощая в себе понятия трудолюбия, гостеприимства, красноречия, андижанства, мужества, созидательности, патриотизма, демонстрируют ценности этого народа, который является его пользователем и творцом. На протяжении веков наш народ уделял особое внимание взаимоотношениям. Например, в его языке, пословицах отражается особое внимание к отношениям между гостями: ожидание, помолвка, свадьба, брат, сестра, брат, боринки, между родственниками, кучада, работа в комнате, к старшему, к младшему-все это и многое другое. Особое внимание в таких отношениях уделялось вопросам общения, обращения, речевого этикета.

**Ключевые слова:** Национальное сознание, национальная мысль, национальная культура, национальная духовность, национальный менталитет, трудолюбие, гостеприимство, словесность, андижанство, мужество, творчество, патриотизм, диалог.

**Kirish.** Tilning birlamchi va bosh vazifasi aloqa almashinuv vazifasi hisoblanadi. Shunday ekan, tilga berilgan ta’riflarda ham uning aloqa almashinuv quroli sifatida ijtimoiy tabiatga ega ekanligi ta’kidlanadi. Tildagi bu jihatlar uning faqat bir tomonlama ko‘rinishi – ta’riflanishidir. Kishilar o‘rtasida aloqa vositasi uchun zarurat asosida yaratilgan til o‘zining shunday taraqqiyot bosqichiga yetdiki, insonlarning bir-biriga taskin beradigan, yupatadigan, xursand qiladigan jihatlarining ham mavjudligi asosiy o‘ringa chiqdi. Shu bilan birga, har bir xalq tili shu tilda so‘zlashuvchilarining kundalik turmush tarzini, urf-odatlarini, udumlarini, bir so‘z bilan aytganda, xalqning milliy qadriyatlarini namoyon etuvchi vosita hisoblanadi.

Xalq maqollari ham qadimdan xalq bilan birga shakllanganligi, o‘zida hayotiy dalillarning mukammal jihatlarini namoyon etganligi uchun tilda eng faol qo‘llaniluvchi og‘zaki ijod namunasi hisoblanadi. Bugungi kunda ham o‘zaro suhbatlarda fikr asosi sifatida maqollarga ko‘p murojaat qilinishi ham bejiz emas. Ularning ijodkori xalq bo‘lganligi sababli ularda shu xalqning milliyligi har jihatdan mukammal ifodasini topgan. Shuning uchun ham maqollardagi bu jihatlarni o‘rganish dolzarb hisoblanadi.

#### Tadqiqot obyekti va qo‘llanilgan metodlar

Tadqiqot obyekti sifatida o‘zbek xalq maqollari tanlab olindi. Masalani yoritishda tarixiy-qiyosiy, semantik-struktural, qiyosiy-tipologik, etnofolkloristik, kontekstual metodlardan foydalananildi.

#### Olingan natijalar va ularning tahlili

Xalqning milliy qadriyatlari, urf-odatlari va an‘analari uning tilida, shu jumladan, maqollarda ham o‘z aksini topgan bo‘ladi. Ya’ni bunday tushunchalarni o‘zida ifodalaydigan, milliylikni aks ettiruvchi vositalaridan biri maqolladir. Til xalqning asrlar mobaynida saqlanib kelayotgan milliy qadriyatidir va bu qadriyatlар shu tilda namoyon bo‘ladi. Masalan, *Og‘ani ko‘rib ini o‘sar, Opani ko‘rib – singil, Urug‘ingga so‘z aysang, Orasini uzib ayt maqollarida qarindoshchilikning nozik masalalariga e’tibor qaratilsa, Kelish mezbondan, ketish mehmondan, Mezbon borini qo‘ysa, mehmon oz sanamas, Mehmon kelgan uyning chirog‘i ravshan* kabi maqollarda mehmon kutish madaniyatini ko‘rsatib beradi. Shuning uchun ham, tilning milliyligini o‘zida ifoda etadigan ko‘plab vositalardan biri maqollar hisoblanadi. Bugungi kunda ko‘p qo‘llaniladigan “milliy ong”, “milliy tafakkur”, “milliy madaniyat”, “milliy ma’naviyat”, “milliy mentalitet” kabi tushuncha va so‘zlar ham ma’lum darajada tilshunoslik bo‘yicha olib boriladigan tadqiqotlar maydoniga kirib keldi. Bu tushunchalar anglatgan ma’nolar-mohiyatlar tilimizdagи mayjud birliklar vositasida ongimizda muhrlanadi va nutqiy vaziyatga bog‘liq holda kishilarining nutq orqali amalga oshadigan aloqalarida o‘z aksini topadi. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”da qayd qilinishicha, bu tushunchalar mohiyatini o‘zida birmuncha jamlagan “mentalitet” (lot. mentalis – aqliy) – ayrim kishi yoki ijtimoiy guruhga xos aqliy qobiliyat darajasi, ma’naviy salohiyatdir. Jamiyat, millat yoki shaxsning mentaliteti ularning o‘ziga xos tarixiy an‘analari, urf-odatlari, diniy e’tiqodini ham qamrab oladi. Har bir millatning mentaliteti uning tarixi, yashab turgan shart-sharoiti, ijtimoiy faolligi va boshqa bir qancha omillar bilan bog‘langan bo‘ladi. Masalan, o‘zbek millati mentalitetining shakllanish jarayoni deyarli uch yarim ming yillik tarixga ega. O‘zbeklar shakllana boshlagan davrlardan boshlab, o‘z mehnatkashligi, ilm olishga ishtiyoqmandligi, mehmono‘stligi, so‘zamolligi, andishaligi, jasurligi, yaratuvchanligi, vatanparvar – elparvar ekanligi, o‘zaro munosabat va muloqotlaridagi bosiqlik, muloyimlik, katta-kichiklarga hurmat, xushmuomalalik, sukut saqlashni bilishlik, hotamtoylilik, sahovatparvarlik kabi yana ko‘pgina, asosan, ijobiy fazilatlarni o‘zlarida mujassam etgan qadriyatlarga ega. O‘zbek xalqining mentaliteti

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

ana shu qadriyatlar asosida shakllangan” [8]. Bu xususiyatlar, ya’ni yuqorida sanab o’tilgan, “mehnatkashlik, ilm olishga ishtiyoqmandlik, mehmondo’slik, so’zamollik, andishalik, jasurlik, yaratuvchanlik, vatanparvar – elparvarlik, o’zaro munosabat va muloqotlaridagi bosiqlik, muloyimlik, katta-kichiklarga hurmat, xushmuomalalik, sukut saqlashni bilishlik, hotamtoylig, sahovatparvarlik” to’laligicha maqallorda o’z ifodasini topadi: *Avval o’yla, ketin so’yla, Aytigan so’z – otigan o’q, O’ynab gapirsang ham – o’ylab gapir, Bilmagan qopib gapiradi, bilgan topib gapiradi, Ming o’yla, bir so’yla, Sihat tilasang – ko’p yema, izzat tilasang ko’p dema, Tilingni tut, tishing sinmasin, So’ramaslaridan oldin so’z so’zlama, Ko’p yomg’ir yerni buzar, ko’p so’z erni buzar* kabi. Bu maqollarda xalqimiz tamonidan nutq madaniyatni, muloqot odobiga alohida e’tibor qatatilganligini ko’rish mumkin. Xalqimiz azaldan muloqot madaniyatiga, muomala odobiga alohida e’tibor qaratgan. Shu sababli bunday masalalarga jiddiy yondashilgan. Maqollarda ham o’ylab, mushohadakorlik bilan gapirish, oz so’zlashning foydasi kabi ma’no nozikliklarini o’zida namoyon qilgan. Chunki muomala odobi ham xalq milliyligini ko’rsatuvchi, shu xalqning madaniyatining bir ko’rinishi hosoblanadi.

Kishi, u qaysi millat vakili bo’lishidan qat’i nazar, o’z tilida aloqaga kirishar ekan, uning nutqida shu tilga xos mental birlklarda u mansub bo’lgan xalqning boshqa barcha jihatlari bilan birga, ayniqsa, madaniyati ham o’z ifodasini topadi. Masalan, *Qudang qul bo’lsa, quldek bo’l, Yaxshi qo’shni uzoq qarindoshdan yaxshi, Kutilgan qozon qaynamas, Yeyiviga chidasang to’y qil* kabi maqollarda ham xalqimizning kundalik hayotida va mentalitetiga xos jihatlarni ko’rshimiz mumkin. Elimiz doimo quda-andachilikka alohida e’tibor qaratgan va bugungi kunda milliklikni o’zida ifodalovchi nozik masalalardan biriga aylangan. Birinchi maqolda aynan quda-andachilikning nozik madaniyatni ifodalangan bo’lsa, ikkinchi maqolda qo’shnichilik azaliy qadriyatlardan biri sifatida namoyon bo’ladi, uchinchisi va to’rtinchi maqolda mehmondo’slik, elga hurmat, xalqimizning asrlar davomida xalqparvarligini ko’rsatuvchi to’y tasviri ifodalangan.

“Til, tafakkur va madaniyat bir-biri bilan shu qadar zinch bog’langanki, amalda ayni uch unsurdan tarkib topgan yaxlit butunlikni tashkil qiladi, ularning birontasi boshqa ikkitasisiz yashay (demakki, mavjud bo’la) olmaydi. Ularning barchasi birgalikda real olam bilan munosabatda turadi, shu olamga zidlanadi, unga bog’liq bo’ladi, uni aks ettiradi va ayni paytda uni shakllantiradi”[6]. Shunday ekan, maqollar nutqimizda faol qo’llanuvchi birlik sifatida xalq tili, tafakkuri va madaniyati bir-biridan ajralmas hodisalarining muhim tarkibiy qismi sifatida namoyon bo’ladi. Chunki bu uch hodisa ham tilda o’z ifodasini topadi. Har bir til shu uch komponent asosida o’zining milliylik darajasini tildagi mavjud birliklar orqali ko’rsatadi. “Til – ko’p yo’nalishli, juda murakkab hodisa. O’zining ijtimoiy va moddiy tabiatiga ko’ra moddiy va ma’naviy madaniyatning barcha sohalari, barcha tarkibiy qismlarining mazmuni hamda boshqa tomonlarini bevosita yoki bilvosita aks ettiradi, ifodalaydi. Til madaniyat yaratish, ijod qilishning eng asosiy vositalaridan biridir. U madaniyatga erishish, uni tushunish, uning sohalari doirasida muloqotda bo’lish, rivojini oldindan aytib berish vositasi hamdir. Madaniyat til rivojlanishiga ta’sir qilsa ham, u til ichki rivojlanishining asosiy vositasi va quroli emas. O’zining universalligi va tabiatiga ko’ra til madaniyat bilan o’zaro solishtiriladigan hodisalar doirasiga kirmsaligi mumkin. Til va madaniyatni yaratuvchi va rivojlantiruvchi ijodkor kuch xalq va jamiyatdir” [5].

Shunday ekan, kundalik turmushumizni, kishilarning nutqi orqali amalga oshadigan muloqotlarini maqollarsiz tasavvur etish qiyin. Maqollar kecha yoki bugun paydo bo’lgan emas. Ular xalqimizning asrlar davomida shakllangan, davrlar o’tishi bilan sayqallanib, puxtalanib borgan, tabiat va jamiyat, unda yuz berayotgan o’zgarishlar, kishilar o’rtasidagi turli munosabatlar to’g’risidagi fikrlarning qaymog’i hisoblanadi. U ana shu xususiyatlariga ko’ra, bir tomonidan falsafaga yaqinlashsa, ikkinchi tomonidan badiiy ijodga xos jihatlarni ham o’zida aks ettiradi.

Maqol o’zbek xalq og’zaki ijodining eng ixcham, ammo o’zida olam-olam ma’nolarni qamrab olgan janri sifatida muhim o’rin tutadi. Maqolda xalqimiz turmush tarzi, madaniy va ma’naviy saviyasi, teran falsafiy mushohadalari, milliy o’ziga xosligi, tajriba natijalari asosidagi xulosalari kabilar aks etadi. U o’zi anglatgan ma’nolari bilan xalqimizning ko’p asrlik tarixi davomida erishgan ma’naviy merosiga ishora qilib turadi. Unda ajodolarimiz hayotiy tajribasi, tabiat va jamiyat to’g’risidagi xulosalari, yashash tarzi, insoniy munosabatlar, ta’lim-tarbiya, kasb-hunar to’g’risidagi pand-nasihatlar, o’gitlar qisqa va aniq tarzda aks etgan. Maqol fikrlarni ixcham, lo’nda, aniq, mantiqli, ta’sirchan tarzda o’zida qamrab olganligi bilan oson o’zlashadi, xotirada saqlanadi. Shu bois, xalq og’zaki ijodi janrlari orasida o’rin olgan. U fikr ifodalashning oson va qulay, ta’sirchan vositasi sifatida keyinchalik og’zaki nutqdan yozma adabiyotga ham ko’cha boshlagan. Shu bois, maqollar bugungi kunda og’zaki va yozma nutq ko’rinishida faol qo’llanilmoqda. Ularning ayrimlari tariximizning faqat ma’lum bir davrlarida qo’llanilgan bo’lsa, ayrimlari bugungi kunda ham nutqimizda ishlatalib kelinmoqda va o’rganilmoqda [1]; [2]. Shundan ham ko’rinadiki, maqollar tabiat, yashovchanligi bevosita xalq tarixi bilan bog’liq. Davrlar o’tishi bilan ularning ayrimlari iste’moldan chiqib ketsa, boshqalari nutqimizga kirib keladi. Maqolga fikr ifodalashning nozik va go’zal ifodasi sifatida badiiy adabiyotda tez-tez murojaat qilib turilgan. O’zbek adabiyoti tarixiga e’tibor berar ekanmiz, Mahmud Qoshg’ariydan tortib bugungi kunga qadar bo’lgan ijodkorlar asarlarida maqollardan o’rinli foydalanib kelinayotganligining guvohi bo’lamiz. O’tmisahifalariga nazar tashlar ekanmiz, Mahmud Qoshg’ariyning “Devoni lug’atit turk” asarida, Muhammad Sharif Gulxaniyning “Zarbulsasal” asari tarkibida, Sulaymonqul Rojiyning “Zarbulsasal” asarida maqollarning ko’plab qo’llanilishi fikrimizni dalillaydi. XIX asr oxiri, XX asrning birinchi yarmida va undan keyingi davrda ijod qilgan juda ko’p adiblar, jumladan, A.Qodiriy, Fitrat, Behbudiy, Hamza, Oybek, A.Qahhor, S.Ahmad, P.Qodirov va yana boshqa ijodkorlarning asarlarida maqollarning ishlatalganligi, asar tilining ta’sirchan etganligi kabi masalalarning, hamda ijodkorlarning maqollardan foydalanish bo’yicha mahoratlarining ochib berilishini ko’rsatib turuvchi ko’pgina tadqiqotlarning yuzaga kelganligi ham fikrimizni to’ldiradi.

Maqollar xalq og‘zaki ijodi janrlaridan biri hisoblanib, o‘z turlarining ko‘pligi, inson faoliyatining hamma sohasiga biday aloqador ekanligi bilan ajralib turadi. O‘zbek xalq maqollari bo‘yicha kuzatish olib borgan Sh. Shomaqsudov va Sh. Shorahmedovlar haqli ravishda ta’kidlaganlaridek, “Hikmatli so‘zlar, maqollar – hech bir podshoh e’lon qilmagan farmon, hech bir prezident muhrlamagan qonun, hech bir davlat tomonidan bitilmagan konstitutsiyadir” [7]. Shuning uchun ham maqolga alohida qadriyatni aks ettiruvchi vosita sifatida qarash mumkin.

M.Qoshg‘ariyning “Devonu lug‘otit turk” asarida xalq og‘zaki ijodi namunalari bo‘lgan maqol va matallarni keltirishi xalqimizning hikmatli so‘zlarini, maqollarini o‘rganish va to‘plashga qiziqish o‘sha davrlardayoq boshlanganligidan dalolat beradi [3]. O‘zbek nutqi madaniyati bo‘yicha kuzatishlar olib borgan R.Qo‘ng‘urov va boshqalarning ko‘rsatishicha, M.Qoshg‘ariy to‘plagan maqollar, asosan, inson odob-axloqi bilan bog‘liq. Olimlar shunday yozadilar: “Maxmud Qoshg‘ariyning “Devonu lug‘atit turk“ asarida “Erdam boshi til”, ya’ni “Odobning boshi til” deyilgan maqol keltirilgan. Ushbu maqol o‘tmish davrlarda turkiy xalqlar nutq madaniyati borasida amal qilgan etakchi omil – inson odobining (axloqining) boshlanishi tilida (nutqda) ko‘rinadi, deyilgan dono mazmunni ajoyib tarzda ifodalagan” [4].

### Xulosa

Xullas, o‘zbek xalq maqollari xalqimiz milliy-ma’naviy qadriyatlari ifodasi sifatida og‘zaki va yozma nutqda qo‘llanilib kelinmoqda va ko‘plab ilmiy-tadqiqot ishlaringning tadqiq obyekti sifatida o‘rganilmoqda. Shu bilan birga, xalq maqollarida turli variantlarda ham qo‘llaniladi. Masalan, H.Berdiyorov, R.Rasulovlar “O‘zbek tilining paremiologik lug‘ati”da paremalaming so‘z, so‘z yasash elementlarini, grammatic ko‘rsatkichlarini almashtirish, struktura variantlari asosida shakllanishini aytib, *Ahmoqqa To‘yterpa nima yo‘l*, *Ahmoqqa Quva bir tosh* maqollari Toshkent va Andijon dialektikasi nuqtayi nazaridan dialektal leksikasi farqlanganligini Xorazm, Buxoro, Surxondaryoda boshqa variantlari bo‘lishi mumkinligini aytib o‘tadi [9]. Shuningdek, *Gap desang – qop-qop*, *Pul desang – Samarqanddan top*; *Gap desang – qop-qop*, *Pul desang – Olatog ‘dan top*; *Gap desang – qop-qop*, *Pul desang – Qoratog ‘dan top*. Keltirilgan maqollarning ham, yuqorida ta’kidlanganidek, dialektal leksikasi farqlanadi. Maqollarda joy nomlaridan tashqari shaxs nomlari, shu dealektga xos fonetik, leksik, grammatic jihatlarining qo‘llanish holatlari ham variant sifatida keng uchraydi. Umuman olganda, xalq maqollari shu xalq vakillari tilida keng qo‘llaniluvchi birlik ekan, tabiiy ravishda undagi variantivlikni, ya’ni dealektal variantivlikni o‘rganish dolzarb masallalardan bo‘lib qolaveradi va milliylikning aks ettirishi jihatdan o‘rganilaveradi.

### Adabiyotlar:

1. Axrorov Alisher Akbarovich. (2022). The problem of the role of proverbs in the event of a speech act. *Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching*, 15, 49–53. Retrieved from <https://www.geniusjournals.org/index.php/ejlat/article/view/2816>
2. Jurayev, J. (2022). Ахроров Алишер Ақбарович. МАҚОЛЛАРДА УМУМЯШИРИН МАҲНОНИНГ ИФОДАЛАНИШИ. FILOLOGIYA UFQLARI JURNALI, 11(11). извлечено от <https://hp.jdpu.uz/index.php/hp/article/view/6440>
3. Абдураҳмонов Ф. “Девону луготит турк” асарининг ўрганилиш тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009, 6-сон. 49-б.
4. Кўнгурев Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. –Тошент:Ўқитувчи,1992. – Б.22.
5. Нурмонов А., Искандарова Ш.Тилшунослик назарияси. Ўкув кўлланма. – Тошкент, 2008. –Б.161.
6. Т е р-М и н а с о в а С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слово, 2000. –С.40.
7. Шомақсадов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек халқ мақолларининг изоҳли лугати. –Т., – Б. 1990.
8. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" 5 том. – Б.426-427.  
[http://n.ziyouz.com/books/uzbekiston\\_milliy\\_ensiklopediyasi](http://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi).
9. Berdiyorov H., Rasulov R. O‘zbek tilining paremiologik lug‘ati. – Toshkent: O‘qituvchi, 1984, – В. 21.

### Muallif:

**Axrorov A.A.** – Guliston davlat universiteti “O‘zbek tilshunosligi” kafedrasи dotsenti, filologiya fanlari falsafa doktori (PhD).

UO‘K: 821.512.133 (09)

### INDIVIDUALITY IN IMAGING PROCESS

### TASVIR JARAYONIDAGI O‘ZIGA XOSLIK

### ИНДИВИДУАЛЬНОСТЬ В ПРОЦЕССЕ ИЗОБРАЖЕНИЯ

**Mamatqulov Muzaffar Rahmonqulovich**

Guliston davlat universiteti, 120100. Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, 4-mavze

E-mail: [mamatqulov1973@mail.ru](mailto:mamatqulov1973@mail.ru)

**Abstract.** The article talks about Saiqali’s epic “Bahrom and Gulandom” and the issues of Shali identity and folklore traditions contained in it. The influence of folklore is strongly felt in these epics. In particular, the combination of prose and poetry typical of folklore, and the syncretic potential of genres were widely used. The types of masnavi, ghazal

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

and musammat in the epic “Bahrom and Gulandom” indicate such pictorial uniqueness. The epic “Bahrom and Gulandom” shows that the mixed use of verse and prose in the image process has been successfully continued in the works of Saigali, typical of folklore. This issue ensures that the nature of the artistic elements that create the image in the researched artistic text will be revealed more clearly.

**Keywords:** image, imagery, epic, fairy tale, folklore, verse and prose.

**Annotatsiya.** Maqolada Sayqaliyning “Bahrom va Gulandom” dostoni va uning tarkibidagi shaliy o‘ziga xoslik hamda folklor an’analari masalasi xususida so‘z boradi. Mazkur dostonlarda xalq og‘zaki ijodining ta’siri kuchli seziladi. Jumladan, xalq og‘zaki ijodiga xos nasr va nazmning birga kelishi, janrlarning sinkretik imkoniyatidan keng foydalanilgan. “Bahrom va Gulandom” dostoni tarkibidagi masnaviy, g‘azal va musammat turlari ana shunday tasviriy o‘ziga xoslikdan darak beradi. “Bahrom va Gulandom” dostoni tasvir jarayonida nazm va nasrning aralash holda qo‘llanilishi folkloriga xos an’ananing Sayqaliy ijodida ham muvaffaqiyatli davom etganligini ko‘rsatadi. Ushbu masala tadqiq qilinayotgan badiiy matnda tasvirni yuzaga keltirigan badiiylik unsurlari mohiyatini yanada yaqqolroq ochilishini ta’minlaydi.

**Kalit so‘zlar:** obraz, obrazlilik, doston, ertak, folklor, nazm va nasr.

**Аннотация.** В статье рассматривается эпос Сайгали «Бахром и Гуландом» и содержащиеся в нем вопросы шалинской идентичности и фольклорных традиций. В этих эпосах сильно чувствуется влияние фольклора. В частности, широко использовались типичные для фольклора сочетание прозы и поэзии, синкретический потенциал жанров. На такое живописное своеобразие указывают типы маснави, газели и мусаммат в эпосе «Бахром и Гуландом». Эпос «Бахром и Гуландом» показывает, что смешанное использование стиха и прозы в образном процессе успешно продолжено в произведениях Сайгали, характерных для фольклора. Этот вопрос обеспечивает более четкое раскрытие характера художественных элементов, создающих образ в исследуемом художественном тексте.

**Ключевые слова:** образ, образность, эпос, сказка, фольклор, стих и проза.

**Kirish.** Og‘zaki adabiyot namunalari tasvir jarayoni o‘ziga xos xususiyatlarga egaligi bilan ajralib turadi. Xalq og‘zaki ijodidagi dostonlar tasvirida nasr bilan nazmning uyg‘un holdagi ko‘rinishi kuzatiladi. Bu doston janriga o‘ziga xoslik bilan birgalikda joziba ham bag‘ishlaydi. Nasr asosan voqealar tasvirida o‘z vazifasini bajarsa, nazm ko‘proq qahramonning ichki ruhiy holati bilan bog‘liq jarayonlarni ham yuzaga chiqaradi. Do‘mbiraning jo‘rligi esa nazmning yanada ta’sirlri chiqishini ta’minlaydi. Og‘zaki adabiyotdagi dostonni baxshisiz tasavvur qilish qiyin. U musiqa jo‘rligidagi o‘z ijrosi bilan dostonga o‘zgacha zavq bag‘ishlaydi. Baxshi, doston va uning ijrosi yaxlit bir butunlikni tashkil etadi.

Sayyodiyning “Tohir va Zuhro”, Sayqaliyning “Bahrom va Gulandom” asarlari bo‘yicha bir qator ilmiy tadqiqotlar amalga oshirilgan, lekin mazkur dostonlarning tasvir jarayonidagi o‘ziga xos xususiyatlari jiddiy tahlil qilinmagan. Shu nuqtayi nazardan qaralsa, badiiy tasvir unsurlari va vositalarining dostonchilik rivojidagi o‘rniga baho berish bevosita milliy qadriyatlarni targ‘ib etish masalasi bilan bog‘lanishi dolzarblik kasb etishi shubhasiz.

Tadqiqotning maqsadi Sayyodiyning “Tohir va Zuhro”, Sayqaliyning “Bahrom va Gulandom” dostonlarining tasvir jarayoni va shakliy xilma-xillagini tahlil qilish, mazkur asarlarga xos xususiyatlarni aniqlash, shu asnoda ijodkorlarning badiiy tafakkur imkoniyatlarini ko‘rsatib berish, o‘rganilayotgan davr adabiy jarayonining shakllanishidagi o‘ziga xos qonuniyatlarini yoritish umummilliy qadriyatlarni o‘rganishga qo‘shilgan muhim hissa bo‘ladi.

### Tadqiqot obyekti va qo‘llanilgan metodlar

Tadqiqot obyekti sifatida Sayyodiyning “Tohir va Zuhro”, Sayqaliyning “Bahrom va Gulandom” dostonlari tanlab olingan. Masalani yoritishda tarixiy-qiyosiy, semantik-struktural, qiyosiy-tipologik, etnofolkloristik, kontekstual metodlardan foydalanildi. Mazkur maqola, asosan, Sayyodiy va Sayqaliy tomonidan yozilgan dostonlarining tasviriy o‘ziga xosligini o‘rganishga bag‘ishlanganligi bilan muhim ahamiyatga ega.

### Olingan natijalar va ularning tahlili

Doston badiiy adabiyot taraqqiyotida muhim rol o‘ynagan janrlardan biri hisoblanadi. Epiklik, ya’ni voqealar bayonining mavjud ekanligi dostonning imkoniyatlarini yanada kengaytiradi va uning eng yirik janr sifatidagi mavqeini ta’minlaydi. Manbalarda doston so‘zi qissa, hikoyat, afsona kabi ma’nolarni anglatishi haqida ma’lumot beriladi. Adabiy istiloh sifatida esa katta hajmga ega bo‘lgan epik asarlar tushunilishi aytildi. Doston janri og‘zaki ijodda ham, yozma adabiyotda ham keng tarqalgan. Yozma adabiyotdagi dostonlar she’riy usulda yaratiladi. Aruz ularning asosiy vazni bo‘lsa, masnaviy asosiy shakli hisoblanadi. Og‘zaki adabiyotdagi dostonlar erkin qofiyalanish va band tizimiga ega bo‘lsa, yozma adabiyotdagi dostonlarda qat‘iy qofiya tizimi amal qiladi.

Har ikkala adabiyotdagi dostonlarni yuzaga chiqaruvchi omil – ularagi tasvir jarayoni hisoblanadi. Tasvir – badiiy ijod namunalarini boshqa manbalardan farqlashga ham xizmat qiladi. Tarixiylik, reallik, aniqlik, faktlarning to‘g‘riligi tarixiy asarlarning yetakchi belgisi bo‘lganidek, obrazlilik va badiiylik badiiy ijod namunalarining asosiy xususiyatidir. Yozma va og‘zaki adabiyotdagi obrazlilik jarayoni turli shakllarda yuzaga keladi. Tasvir jarayoni ana shu shakllarni yuzaga chiqaruvchi asosiy vosita hisoblanadi.

Nasr va nazmning uyg‘un holda kelishini faqat folklor asarlariga xos deyish to‘g‘ri bo‘lmaydi. Bu adabiy hodisa yozma adabiyot namunalarida ham uchraydi. Xususan, turkiy-islomiy adabiyotda yaratilgan nasrning ilk namunasi bo‘lgan “Qisasi Rabg‘uziy” asarida bu hodisa kuzatiladi. “Qisasi Rabg‘uziy” nasriy asar bo‘lsa-da, unda Rabg‘uziy fard, qit’a, g‘azal kabi janrlarni mahorat bilan qo‘llaydi. Demak, nasr va nazmning aralash holda qo‘llanilishini badiiy ijod uchun

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

tabiiy adabiy hodisa sifatida baholash mumkin. Albatta, bu adabiy hodisaning paydo bo‘lish zamini folklorda ekanligini unutmaslik zarur.

Sayyodiyning “Tohir va Zuhro” dostoni nazmda yozilgan. Dostonda “Hikoyati Zuhroxonim”, “G‘azali Mirzo Tohibek”, “G‘azali Zuhroxonim”, “Qosidning o‘qug‘on g‘azali”, “Nasihat shohi Xubon” kabi birikmalar berilishi orqali masnaviydan so‘ng boshqa janrlar, xususan, g‘azal boshlanadi. Bu birikmalar doston kompozitsiyasida o‘ziga xos izoh berish vazifasini ham bajaradi. Shuningdek, dostonda nasrning belgisi bo‘lgan “Qul Sayyodiyning Tohir bilan Zuhroni tushida ko‘rganini ayturlar”, “Boboxonning vaziri Xudodin farzand tilagining bayoni bu turur”, “Zuhroxonim Mirzo Tohir bilan Bog‘i Maydonda so‘zlashganining bayoni”, “Zuhroxonim Mirzo Tohirni otasining xizmatig‘a yuborgani”, “Yasovullar Mirzo Tohirni tutub sanduqqa solg‘oni”, “Bag‘dod podshohi qizining tush ko‘rgani bu turur”, “Zuhroxonim Tohirning kelganini enagasiga xabar bergenining voqeasi” kabi gaplar ham uchraydiki, ular o‘zidan keyin nazmda beriladigan voqealar bayonining qisqacha nasriy izohi yoki xabari vazifasini bajaradi.

Sayqaliy ham “Bahrom va Gulandom” dostonida yozma hamda og‘zaki adabiyot yutuqlaridan unumli foydalanishga harakat qiladi[5]. Ayniqsa, dostonda xalq og‘zaki ijodi, xususan, xalq dostonlarining ta’sirini sezish qiyin emas. “Bahrom va Gulandom” dostoni tasvir jarayonida nazm va nasrning aralash holda qo‘llanilishi folkloriga xos an‘ananing Sayqaliy ijodida ham muvaffaqiyatli davom etganligini ko‘rsatadi: “Shahzoda Bahrom Sayfur birodarina boshdan ayog‘ kechon qissa ahvolini sharh aydikdin so‘ngra, mahvashi tug‘yon edub hazrat Olloho taolloya yalborib, bir iltijo etdiki, mojarosi bu turur”[1]. Nasriy qism hajm jihatidan unchalik ham katta emas. U bu yerda Bahromning o‘z boshidan kechirganlarini Sayfurga aytganligi haqida ma‘lumot berish uchun xizmat qilmoqda. Shundan so‘ng ichki histuyg‘ular mahsuli sifatida berilgan g‘azalga o‘tiladi. G‘azaldan keyin yana nasriy qism beriladi: “Shahzoda matlab Sayfuri ijobat eydub va yorini dev ilindin xalos etmok uchun Sayfur birlan ul deb makonina ketub va dev ila muhoriba idib va devning qatl idub xalos ettiki, Ruhafzoyi bechora yana Sayfur bila maqsadina yettiki, aning mojarosi bu turur”[1]. Ko‘rinadiki, dostondagi ikkinchi nasriy qism ham hajman birinchisidan unchalik ham farq qilmaydi. Sayqaliy bu yerda Sayfurning Ruhafzo ismli sevgilisini o‘g‘irlab ketgan devning Bahrom tomonidan qatl etilishi va Ruhafzoning ozod qilinishi haqidagi xabarlarni berishda nasrning imkoniyatidan foydalanmoqda.

“Bahrom va Gulandom” dostonida nasr yetakchi xususiyatga ega emas. Hattoki, ko‘p o‘rinlarda ham qo‘llanilmaydi. Dostondagi nasr namunalari xalq dostonlari bilan solishtiriladigan bo‘lsa, ular o‘rtasida anchagina farqli xususiyatlar ham ko‘zga tashlanadi. Nasr og‘zaki adabiyotda asosan voqealar tasviri jarayonida ishtirop etadi. Hajm jihatidan esa chegaralangan emas. Katta hajmdagi nasriy qismlar ham, kichik hajmdagi nasr namunalari ham uchraydi. Nasriy qism tasvir jarayonida baxshining maqsadidan kelib chiqqan holda syujetning navbatdagi ifodalash lozim deb hisoblangan voqealarini to‘liq qamrab oladi: “Ana endi Zevarxon va Hakimjon qirq karvon bilan qo‘shilib, Sangilxon dan oq fotiha olib, Shamshod shahri qaydasan, deb jo‘nab ketdi. Tuya oyog‘i bilan yigirma kun yo‘l tortdi. Amudaryoga yetdi. Bularning borayotgan yo‘li Balx shahri bilan o‘tar edi: Daryodan nariga o‘tgani kemaga o‘tirdilar. Tuyalarni ham kemaga soldilar. Kema qo‘zg‘alib, yurib ketdi. Nogahon yomon shamol qo‘zg‘alib, kemani surib, Jayhun baliqning og‘ziga to‘g‘ri qildi: Jayhun baliq kemani yutgani ishqiraverdi. Shunda kema chappasiga aylanib ketdi. Hakimjon Zevarxonga qarab deydi:

Balo keldi og‘zin ochib bul yona,  
Aziz do‘srim, vafodorim, bormisan?  
Qolibmiz qiyomat g‘ovg‘a ichinda,  
Jondan ortiq yo‘ldosh yorim bormisan?  
Shamol kam-kam bizni olib suradi,  
Baliqning og‘ziga eltib beradi.  
Sal o‘tmasdan anga oqib boradi,  
Musofirman, yo‘qdir orim, bormisan?”[2].

Matn Zevarxonning do‘siti Hakimjon bilan Shamshod eliga qarab yo‘lga chiqishi va safarning dastlabki oyidagi bo‘lgan voqealarni o‘z ichiga oladi. Ayniqsa, kemadagi voqealar, Jayhun baliqning kemani yutishga bo‘lgan ishtiyogi tasviri qahramonlar hayotida va ruhiyatidagi kechinmalar nasr va nazmning imkoniyatlari orqali to‘liq yuzaga chiqarilmoqda. She’riy qism kuchli shamol natijasida Hakimjonning ko‘nglida kechgan qo‘rquvni tasvirlashning eng asosiy vositasi sifatida namoyon bo‘lganligi ko‘rinib turibdi.

“Zevarxon” dostonida she’riy qism faqat ruhiy holat, ichki his-tuyg‘ular bilan bog‘liq jarayonlarni yuzaga chiqaribgina qolmasdan, balki dostondagi ayrim voqealar jarayonini tasvirlashda ham faol ishtirop etadi. Xususan, Hakimjonning aytganlariga Zevarxon tomonidan javob sifatida berilgan she’riy matnda voqealar bayonining ham o‘ziga xos o‘rni bor. Unda kuchli shamol, ya’ni to‘fondan qo‘rqib qolgan Hakimjonning ko‘nglini ko‘tarish, uni ruhlantirish orqali baliq bilan kurashishga undash ruhi kuchli. O‘q-yoyni qo‘liga olishi lozimligi, Jayhun baliqning chap ko‘zini mo‘ljallashi zarurligi, Zevarxonning o‘zi esa baliqning o‘ng ko‘ziga otmoqchi ekanligi, so‘ng ikkalasi baliqning ikki ko‘zini ko‘r qilishlari kerakligi haqidagi ma‘lumotlar nazm orqali beriladi. Shundan so‘ng Hakimjonda dadillik paydo bo‘ladi, do‘sining gaplariga amal qilgan holda kemani baliqning domidan qutqarish va omon qolish uchun harakat qiladi:

Hakimjon Zevarning so‘zin eshitdi,  
Quvonib yuragi tog‘day bo‘p ketdi.  
Kemadan mo‘ralab, shinakni olib,  
O‘q yoyni to‘g‘rilab baliqqa otdi.

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Ikko‘ziga endi ikki o‘q yetdi,  
Ko‘ring endi Jayhunday katta baliqdi.  
O‘q borib ko‘zining ichidan o‘tdi,  
Jayhunning yuzida ag‘nadi yetdi.  
Ko‘ring endi Jayhunday zo‘r baliqdi,  
Tog‘day bo‘lib suvning betida oqdi.  
Suv ham keldi yuqoridan zo‘r berib,  
Jayhunni ob borib g‘uburga tiqqi [2].

Ko‘rinadiki, Hakimjon Zevarxonga qarab aytgan she’riy qism bilan yuqorida tasvirlangan she’riy parcha o‘rtasida katta farq bor. Dastlabki qismda Hakimjonning his-tuyg‘ulari, ko‘nglida qo‘rqinch aralash paydo bo‘lgan kechinmalarini berishga alohida e’tibor qaratilgan bo‘lsa, ikkinchi she’riy bo‘lakda esa voqealar bayonimi tasvirlash yetakchilik qiladi. Hakimjon va Zevarxonning mo‘ljalni to‘g‘ri olishlari, natijada Jayhun baliqning o‘ldirilishi va kemadagilarning omon qolganliklari to‘g‘risidagi xabarlar nazmning imkoniyatlari orqali yuzaga chiqariladi.

“Bahrom va Gulandom” dostonida nasriy qism asosan “mojarosi bu turur”, “bu turur”, “g‘azal aytg‘oni”, “mustahzod aytg‘oni” kabi birikmalar orqali yakunlanib, so‘ng she’riy qism tasviriga o‘tiladi.

“Bahrom va Gulandom” dostoni masnaviyda yaratilgan. Dostonda ham masnaviy tarkibida boshqa janrlardan foydalanish an‘anasi mavjudligini kuzatish mumkin. Bu bir tomondan doston yaratilgan davr yozma adabiyot an‘anasining Sayqaliy ijodida ham davom etganligidan dalolat bersa, ikkinchi tomondan, asli genezisi folklorda bo‘lgan bu adabiy hodisaning yozma adabiyotga xos bo‘lgan dostonchilikda ham o‘ziga xos o‘ringa ega ekanligini ko‘rsatadi. Sayyodiyining “Tohir va Zuhro” dostonida uchraganidek, Sayqaliyning “Bahrom va Gulandom” asarida ham g‘azal janri imkoniyatlardan foydalanish yetakchi xususiyatga ega. Sayyodiy g‘azallarni berishda u kimga tegishli ekanligini “Zuhroxonimning o‘qug‘on g‘azali”, “Mirzo Tohir o‘qug‘on g‘azalining bayoni”, “G‘azali shohi Xubon bu turur”, “G‘azali Qorabahodirbek”, “Tohirning otasi Bohirning o‘qug‘on g‘azali”, “Mohimxonim Tohirning sha’nig‘a o‘qug‘on g‘azali” kabi aniq alohida nasriy izohlar yordamida ko‘rsatishga harakat qilsa, Sayqaliy asosan masnaviy tarkibidagi misralarda, ya‘ni nazm orqali bayon qilishni lozim ko‘radi:

Qilib tag‘yiri surat shoh Bahrom,  
Gulandom deb, Gulandom deb, Gulandom.

Borur erdi qalandarvor shahzod,  
Qilibon bu g‘azalni anda bunyod:  
Nigoro, shahrunga bul kun gadodin kam bo‘lo keldim,  
Kechibon toj-taxtimdin, bu kun adham bo‘lo keldim.

To‘lon oydek yuzingni ko‘rgali aylab tamannosi,  
Hiloli mag‘ribidek ta’ziminga xam bo‘lo keldim.

Xumori bodai la‘li labing birlan kezib cho‘llar,  
Asaldin tavba aylab shurbi jom g‘am bo‘lo keldim.  
Na bo‘lg‘oy partavi husning bila tortsang qaribingga,  
Gulistoni visoling o‘tig‘a shabnam bo‘lo keldim.  
Qiloydi axyolingni solib bo‘ynumg‘a, ey dilbar,  
Ko‘yingni itlарига, Sayqaliy, hamdam bo‘lo keldim[1].

Dostonda “Der erdi bu g‘azalni arzi darhol”, “O‘qurdi bu g‘azalni misli bulbul”, “O‘qurdi shavqi birlan bu g‘azalni”, “O‘qurdi bu g‘azalni oh tortib” kabi misralardan so‘ng ham g‘azal keltiriladi. Albatta, bu misollar masnaviyining ikkinchi misralari hisoblanadi. Ular masnaviyning dastlabki misrasi bilan she’riy qonun-qoidalarga ko‘ra qofiyadosh bo‘lib keladi. Demak, boshqa kichik she’riy janr namunasini nazm tarkibida berish Sayqaliyda yetakchi xususiyatga ega ekanligi shoir ijodining o‘ziga xosligini belgilovchi omillardan biri sanaladi.

Har ikkala dostonda ham g‘azallarning vazifasi deyarli bir xil. Sayqaliy ham Sayyodiy kabi qahramonlarning ruhiy kechinmalarini tasvirlashda g‘azalning imkoniyatlardan foydalanishni ma’qul ko‘radi. Bu esa o‘scha davr yozma adabiyotidagi mavjud an‘analardan biri ekanligini unutmaslik lozim.

#### Xulosa

Tasvir qanday shaklda bo‘lishidan qat‘iy nazar, xoh u nazmda bo‘lsin, xoh u nasrda bo‘lsin shoir uchun keng imkoniyatlar beradi. Biroq har ikkalasining imkoniyatlardan unumli holda birdek foydalanish barcha ijodkorlarga ham nasib etavermaydi. Nasr va nazmning aralash holda qo‘llanilishi XVII-XVIII asrlarda yaratilgan ayrim dostonlarda adabiy an‘ana darajasiga ko‘tariladi. Folklor va yozma adabiyotdagi mavjud yutuqlar bu adabiy an‘ananing yuzaga kelishida muhim rol o‘ynaydi. Shoirning iqtidori va mahorat darajasi tasvirning yuqori saviyada bo‘lishini ta‘minlagani holda uning imkoniyatlarini yanada oshiradi.

#### Adabiyotlar:

1. Sayqaliy. Bahrom va Gulandom. Toshkent, O‘zbekiston Fanlar akademiyasi nashriyoti, 1960. B.62-63.
2. Zevarxon//Tohir va Zuhra. O‘zbek xalq ijodi. Ko‘p tomlik. Toshkent, Adabiyot va san‘at, 1974. B. 85-86.
3. Nishotiy. Nishotiy. Husn va Dil. Lirika. Toshkent, G‘afur G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti, 1967.
4. Mamatkulov M. R. Saikali’s Epic “Bakhrom and Gulandom” and the Folk Tales // Scientific Reports of Bukhara State University. –2020. Vol. 5(81).

5. Mamatqulov M. R. Sayqaliyning “Bahrom va Gulandom” dostonida folklor motivlari talqini //O‘zbekistonda xorijiy tillar. –2021. –№ 1(36). –B. 207–214. <https://doi.org/10.36078/1619511351>
6. Mamatqulov M. R. Nishotiyning “Husn va Dil” dostonida mubolag‘a san’ati // Namangan davlat universiteti ilmiy axborotnomasi. –2020. –№ 9. –B. 247–252.

**References:**

1. Sayqaliy. Bahrom va Gulandom. Toshkent, O‘zbekiston Fanlar akademiyasi nashriyoti, 1960. B.62-63.
2. Zevarxon//Tohir va Zuhra. O‘zbek xalq ijodi. Ko‘p tomlik. Toshkent, Adabiyot va san’at, 1974. B. 85-86.
3. Nishotiy. Nishotiy. Husn va Dil. Lirika. Toshkent, G‘afur G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti, 1967.
4. Mamatkulov M. R. Saikali’s Epic “Bakhrom and Gulandom” and the Folk Tales // Scientific Reports of Bukhara State University. –2020. Vol. 5(81).
5. Mamatqulov M. R. Sayqaliyning “Bahrom va Gulandom” dostonida folklor motivlari talqini //O‘zbekistonda xorijiy tillar. –2021. –№ 1(36). –B. 207–214. <https://doi.org/10.36078/1619511351>
6. Mamatqulov M. R. Nishotiyning “Husn va Dil” dostonida mubolag‘a san’ati // Namangan davlat universiteti ilmiy axborotnomasi. –2020. –№ 9. –B. 247–252.

**Muallif:**

**Mamatqulov M.R.** – Guliston davlat universiteti, “O‘zbek adabiyotshunosligi” kafedrasi professori, filologiya fanlari doktori (DSc).

UDK: 821.512.133-12

**THE USE OF PICTURE MEANS IN STORIES WITH SPIRITUAL AND MORAL SUBJECTS**

MA’NAVIY-AXLOQIY MAVZUDAGI HIKOYALARDA TASVIR VOSITALARINING QO’LLANILISHI

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СРЕДСТВ ИЗОБРАЖЕНИЯ В РАССКАЗАХ НА ДУХОВНО-НРАВСТВЕННУЮ ТЕМАТИКУ

**Ro‘ziboyev Bobir**

Guliston davlat universiteti, 120100. Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, IV mavze

**E-mail:** [rozibayevbobur@gmail.com](mailto:rozibayevbobur@gmail.com)

**Abstract.** In this article, the stories of Tolqin Hayit and Ahmad Azam, who have their place in the Uzbek short story writing of the last period, especially in the Uzbek short story writing of the 2000s, are devoted to issues such as human spirituality and kindness. studied in terms of plot and character description. It has also been determined that the presence of real-life places in the story that are disproportionate to the artistic reality has slightly lowered the artistic level of the work. The image of some of the leading characters in the play was assessed as a disproportion between real life and artistic texture. Writer Ahmad Azam’s story "The Man Who Lost His Shadow" deals with the issue of human spirituality, and this aspect is studied through the depiction of the relationships of different categories of people around the protagonist. The fact that various relationships to the main character in the plot of the story are revealed with the help of portraits, objects, speech and psychological details is a sign of the fact that many high-level stories are being created in the recent period of storytelling. It is also researched that the storyteller held a mirror to the true nature of people through the ironic speech of the hero, and it was pointed out that the reflections he sees are different types.

**Key words:** uzbek storytelling, creator’s concept, leading hero, image, artistic-aesthetic feature, socio-spiritual position, author’s image, symbols, reality of life and artistic texture, artistic image tools, hero’s speech.

**Абстракт.** В данной статье рассказы Толкина Хайта и Ахмада Азама, которые занимают свое место в узбекской новеллистике последнего периода, особенно в узбекской новеллистике 2000-х годов, посвящены таким вопросам, как человеческая духовность и доброта. изучены с точки зрения сюжета и описания персонажей. Также установлено, что наличие в рассказе реально существующих мест, непропорциональных художественной действительности, несколько снизило художественный уровень произведения. Образ некоторых главных героев спектакля оценивался как несоответствие между реальной жизнью и художественной фактурой. В рассказе писателя Ахмада Азама «Человек, потерявший тень» затрагивается проблема духовности человека, и этот аспект исследуется через изображение отношений разных категорий людей вокруг главного героя. Тот факт, что различные отношения к главному герою в сюжете рассказа раскрываются с помощью портретов, предметов, речевых и психологических деталей, является признаком того, что в новейший период повествования создается множество историй высокого уровня. Также исследуется, что сказочник отражал истинную природу людей через ироническую речь героя, и указывалось, что отражения, которые он видит, бывают разного типа.

**Ключевые слова:** узбекская новеллистика, творческая концепция, герой-ведущий, образ, художественно-эстетическая черта, социально-духовная позиция, образ автора, символы, реальность жизни и художественная фактура, средства художественного образа, речь героя.

**Kirish.** Hikoyalarning milliy adabiyotimiz shakllanishidagi o‘rnini hisobga olib, uni ham badiiy adabiyot namunasi yoki milliy adabiyot qadriyat sifatida o‘rganish maqsadga muvofiq ekanligini ta’kidlab o‘tish joiz. Mafkuraviy

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

yakkahokimlikdan qutilgan o‘zbek adabiyotida erkin ijod qilish, erkin fikr asosida mavjud jarayonga munosabat bildirish kuchayib bormoqda. Shuningdek, o‘tayotgan davrda mafkuraviy yetuklikka erishish uchun ham yoshlar ongida millat qahramonlariga e’tirof va hurmat tuyg‘ularini shakllantirish bugungi kun badiiy adabiyotining muhim vazifalaridan bo‘lib qolmoqda.

Hikoyanavislikdagi yangilanish va o‘zgarishlar jarayonini o‘rganish, ularning saviyasini belgilash, ma’naviy qiyofasini tasvirlash, kitobxonlarni yaratilayotgan badiiy mukammal asarlardan xabardor qilish bugungi adabiyotshunoslikning dolzarb muammolaridandir. Shunday hikoyalalar qator iste’dodli adiblardan Erkin A’zam, Sobir O‘nar, Zulfiya Qurolboy qizi, Ahmad A’zam, To‘lqin Hayit va boshqalar ijodida mavjud bo‘lib, uni bugungi tezkor axborot asrida mavjudligini bildirish, uning zamon bilan bog‘liq jihatlarini o‘rganish, obrazlar olami bilan tanishish va badiiyatini o‘rganish, ma’naviy-axloqiy masalarning qo‘yilishini o‘rganish ham dolzarb ilmiy muammo hisoblanadi. Bu masala ushbu tadqiqot ishimiz mavzusi **dolzarbligini** asoslaydi.

Mazkur maqolamizdan ko‘zda tutilgan asosiy **maqsad** hozirgi o‘zbek hikoyanavisligi taraqqiyotiga qisman nazar tashlash va undagi ma’naviyat, axloqiy qarashlarning qiyofasini belgilash, hikoyalarda badiiylik masalasini, qahramonlar talqinini va poetikasini Ahmad A’zam va To‘lqin Hayit hikoyalari misolida ko‘rib chiqish. Ushbu maqsadni amalga oshirish uchun quyidagi **vazifalarini** amalga oshirish mo‘ljallangan: Ijodkorlar hikoyalarni tahlil qilish orqali qahramon yaratishdagi individuallik masalasiga ahamiyat qaratish; masala ifodasida badiiyatning o‘rnini aniqlash; asar komponentlarining qo‘llanilishi va yozuvchi g‘oyaviy maqsadini tadqiq etish; yetakchi qahramon va personaj xarakterlari talqinida ma’naviy-axloqiy masalalar ifodasini kuzatish hamda yozuvchi mahoratini asoslovchi badiiy unsurlarni aniqlashtirish kabilardan iborat. Bunda kompozitsiya unsurlarining qo‘llanilishi, badiiy detal masalasi ham nazarda tutiladi.

#### Tadqiqotning obyekti va qo‘llanilgan metodlar

Mazkur tadqiqotning asosiy ob‘ektleri so‘nggi davr o‘zbek hikoyachiligi peshqadamlaridan bo‘lgan Ahmad A’zam va To‘lqin Hayit hikoyalardir. Tadqiqotda, asosan, matn tahlili va qiyosiy-tipologik metodlar qo‘llanildi. Ushbu maqola zamonaviy hikoyachilik, xususan, zamonaviy mavzudagi hikoyalarda obrazlilik masalasini fundamental tadqiq etib o‘rganganligi bilan ahamiyatlidir. Maqola zamonaviy o‘zbek adabiyotining prozaa (nasr) sohasi tadqiqiga bag‘ishlangan referatlar, kurs ishlari, bitiruv malakaviy ishlari va yozuvchi ijodiyoti bilan bog‘liq ma’lumotlar uchun asos vazifasini o‘tashi mumkin.

#### Olingan natijalar va ularning tahlili

2000-yillar o‘zbek hikoyachiligi sermahsul ekanligi bu davrda yaratilgan Abbas Saidning “Bir o‘jarning qilmishi”, “Ubay muallim”, “Cholning beozor iti”, “Karomat”, Abulqosim Mamarasulovning “Barlos qishlog‘ining zumrad tonglari” kitobidagi “Jarima”, “Yigit ham yig‘laydimi?”, “Ismatning qismati”, “Hasharchilar”, “Birinchi qor”, Ahmad A’zamning “Soyasini yo‘qotgan odam”, “Go‘zallik qirralari”, “Qatag‘on yili”, “Oyning gardishi”, “Odamning olasi”, Bibi Robia Saidovaning “Parvoz” kitobidagi “Mo‘jaz mo‘jiza”, “Marv tuti”, “Kuzgi tuftli”, “Xizr tashlagan qanon”, “Oqmaydigan tosh”, Dilbar Saidovaning “Eski qo‘shiq”, “Qordagi atirgullar”, “Armon”, “Mehr”, Isak Turkning “Jahannam poezdi”, “Tutash taqdirlar”, “Sehrli tosh”, Latif Mahmudovning “Sevgi desam”, “Yo‘lda”, “Muhabbat”, “Qadrdon ko‘zlar”, Mamatqul Hazratqulovning “Shu‘la”, “Dovon”, “Ko‘ngil”, “Yolg‘izlik”, Ma’suma Ahmedovaning “Begim kunlar”, “Jo‘natilmagan maktub”, “Yaxshi odam”, “Majburiyat”, Muqimjon Nurmatovning “Shaytondara”, “Erkaksiz uy”, “Xunuk ish”, “Nasihat”, Muyassar Tilovovaning “Burugutlar”, “Ezgu an‘ana”, “Lafz”, “Qasam”, Quvondiq Siddiqning “Futbolga tikilgan bosh”, “Yangi oyi”, “Dugona”, To‘lqin Hayitning “Boywachchaning qizi”, “Siz ham yig‘layapsizmi?”, “Farishta emasman”, “Eski do‘ppi” kabi hikoyalarni shular jumlasidan.

“Istiqlol davrida o‘zbek nosirlari qahramonlar tasvirida sxematizmdan qutilib bormoqda. Badiiy asarda odamga mavjudligi bilan sir-sinoatga to‘la, har lahzada har kimga har turli qiymatga ega bo‘lib tuyuladigan tirik inson tarzida yondashish qaror topib borayotir” [7]. Bundan ko‘rinadiki, adiblarimiz asar qahramonlarini tasvirlashda qolingga solingen ideal qahramonlarni emas, balki hayotiy, yutuqlari va kamchiliklari mujassamlashgaan insonlarni yaratish bu davr adabiyotining o‘ziga xos jihatlaridan biri bo‘lib bormoqda.

“Hikoya nihoyatda qisqaligi, voqealar rivojining intensivligi – jadalligi bilan boshqa janrlarga mansub asarlardan ajralib turadi. Shuning uchun ham hikoya qisqa jumlalarda keng ma’no berishni, so‘zni tejab-tergab ishlatishni talab qiladi” [2]. Nazarda utilayotgan davr mahsuli bo‘lgan hikoyalalar orasida inson tiyatini, uning hayot zarbalariga munosabatini aks ettiruvchi hikoyalalar sirasiga kiruchi asarlar anchagini. Shular orasida To‘lqin Hayit qalamiga mansub “Yarador qo‘shiq” degan hikoya ham mavjud bo‘lib, ushbu hikoya yetakchi qahramoni bo‘lgan Shohista ismli qizning o‘z hayotida yo‘l qo‘ygan xatosi o‘z baxtiga zomin bo‘lganligi haqidagi melodrama tipidagi asardir.

Hikoya syujetiga ko‘ra Shohista o‘zi tanimagan yigitga unashirilgandan so‘ng anchagacha uyiga bora olmay yurganida, uyidagilar chaqirtirib qolishadi. U yo‘lda mashinasiga chiqqan juda chiroyli shofyor yigitni yoqtirib qoladi va u bilan yaqinlashishga harakat qiladi. Uning qo‘lidan ushlashiga ham qarshilik qilmaydi.

- “Yigitning bormi?

Shohista nima deb javob qilishini bilmadi. “Ha” deyish unga og‘ir, lekin yigitning ta’bini xira qilishni istamadi.

- Demak, yo‘g‘-a? – so‘radi yigit uning sukutga ketib qolganini ko‘rib.

Shohista yana javob qilmadi, faqat yigitga qarab shirin jilmaydi. Go‘zal va o‘tli nigohga, shirin tabassumga har qanday erkak kishining tob berishi, chidashi qiyin. Yigit Shohistaning oppoq va nozik qo‘lchalarini kuchli, baquvvat kaftlari orasiga oldi. Qiz qo‘lini tortib olishga urindi, lekin kuchi yetmadi. To‘g‘risi, o‘zi shuni istayotgandi” [4].

Hikoya ishtirokchilari bo‘lgan obrazlarni xarakterlovchi detallar anchagina bo‘lib, ular orqali yozuvchining mahorati namoyon bo‘lgan. Bular orqasida qizning yigitga berayotgan shirinliklari, tog‘dan terilgan lola ham bor. Shirinlik detali Shohistaning begona yigitga shokolad va marmeladlar berishi orqali unga moyil bo‘layotganligini ko‘rsatgan bo‘lsa, yana bir jihatga ko‘ra mashinada o‘tirgan yigit va qizning bir-biriga yaqinlashuviga ham sabab bo‘ladi. Lola esa mashinaning orqa o‘rindig‘ida kelayotgan Anvarning singlisi Barnoning qizga bergan lolalarini yigit bilan uchrashuvga chiqqan chog‘ida olib borishida yana bir bor o‘sha holatni esga solishga xizmat qiladi. Chunki yigit ham uchrashuvga lola olib kelgan bo‘ladi.

Anvar va Shohistaning uchrashuvi syujet unsurlaridan bo‘lgan kulminatsiyani tashkil etgan va aynan shu o‘rinda hikoyada yoritilayotgan muammo yechimga qarab ena boshlaydi:

“... Anvarjon deganlari qanaqa yigit ekan? Qani u? Va birdan qotdi-qoldi! O‘sha! O‘sha yigit! Barnoning akasi! Nahotki shu Anvar bo‘lsa? Nahotki? Yigit to‘xtadi. Shohista jilmaydi. U esa qovog‘ini uydi. Ko‘zlar avvalgidek o‘thi boqmadi. Qizning yuragi shuv etib ketdi!” [4].

Taqdir taqozosini bilan o‘sha yigit o‘zi unashtirilgan Anvar bo‘lib chiqadi. Qiz uni uchrashuvda ko‘rib suyunadi, lekin yigit uni ko‘rishi bilan hafsalasi pir bo‘lib, mashinasiga o‘tirib jo‘nab ketadi. Ya’ni yo‘lda duch kelgan shofyor bilan yaqinlashib ketadigan qizga uylanishni istamaydi. Qizning ma’naviyatidagi ozgina darz ketish uning taqdiriga salbiy ta’sir ko‘rsatganligi yozuvchi tomonidan mahorat bilan ko‘rsatib berilgan.

Xuddi shu yozuvchining o‘quvchi bola – Shavkat bosh qahramoni bo‘lgan “Eski do‘ppi” hikoyasida esa inson xarakteridagi tub burilish davri uning o‘z qadriyatlari olamiga tajovuz bo‘lgan chog‘da namoyon bo‘lishi holati ifodasisiga bag‘ishlangan. Unga ko‘ra Shavkat sinfdan eng bosiq bo‘lishiga qaramay, sinfdosh qizlarining uning do‘ppisini pesha qilib mayna qilishlaridan so‘ng jahli chiqadi. Bu o‘rinda yozuvchi do‘ppi detalidan unumli foydalangan. Ya’ni do‘ppi sinfdoshlarining unga munosabatini, Shavkatning ota mehriga zor ekanligini va eng muhimmi, otasiga bo‘lgan cheksiz muhabbati va sog‘inchini ifodalashga xizmat qilgan. Sinfoshlarining do‘ppini otqilashi va unga bermay mayna qilayotganlardan keyingi holati hikoyaning kulminatsiyasi va yechimi ketma-ketligini namoyon qilgan:

“Shavkat tobutda yotgan otasini esladi, do‘ppi hidi dimog‘iga urildi:

- Ber do‘ppini, ber bu yoqqa! Bermasang, hozir pachag‘ingni chiqaraman! U otamdan qolgan aziz do‘ppi! Bildingmi? U otamdan qolgan!

Iordaning qo‘llari shalvirab ikki yoniga tushdi.

Sinfga yugurib kirgan Nodira Yusupova xalloslab kela solib, Iordaning qo‘lidan do‘ppini oldi-da, yig‘lamoqdan beri bo‘lgan Shavkatni bag‘riga bosdi:

- Yig‘lama botir bolam! Yig‘lama, sen otangga munosib o‘g‘ilsan!

Shavkat ustozining eski do‘ppini yulib oldi-da, izillab yig‘lagancha tashqariga otildi” [4].

Ya’ni asarning kulminatsiyasi Shavkatning do‘ppining otasidan yodgorlik ekanligini o‘zini tushunmayotgan olomonga nafrat bilan bildirishida bo‘lsa, yechim esa eski do‘ppining chegarada halok bo‘lgan harbiy otasidan qolgan yagona yodgorlik ekanligida namoyon bo‘lishida ko‘rinadi. Bu holat yozuvchi tomonidan bir necha psixologik detallar orqali ham akslantirilgan. Xususan, haqiqatni eshitgan chog‘ida sinf yetakchisi bo‘lgan Iordaning “qo‘llari shalvirab ikki yoniga tushishi”da va Shavkatning “izillab yig‘lagancha tashqariga otlishi”da namoyon bo‘ladi.

Ushbu hikoyalarda qahramonlar xatti-harakati va ular xarakterini ochib berishda yozuvchi predmet yoki psixologik detallardan unumli foydalana olganligi uning o‘ziga xos uslubini ham ko‘rsatgan. “Uslub badiiy asarning umumiylarini, toni, obrazlar sistemasi, san’atkorning obraz yaratish metodi, badiiy tasvir vositalaridagi o‘ziga xos yaxlitlik, san’at asari shaklida namoyon bo‘ladigan badiiy-g‘oyaviy xususiyatlar birligi, ya’ni san’atkorning dunyoqarashi ifodasi, asardagi asosiy fikr, yetakchi g‘oyaga xizmat qiladigan sujet, xarakterlar, tasvir vositalari doirasi, tili va boshqalardagi umumiylarini, yaxlitlikdir, ma’no tarzidir” [6]. Ya’ni ijodkorning individual qirralarni asarlari orqali namoyon etishi uning o‘ziga xosligini anglatadi.

To‘lqin Hayitga xos xususiyat uning yana bir hikoyasi bo‘lgan “Boyvachchaning qizi” asarida ham ko‘zga tashlanadi. Ushbu asarda yozuvchi ertaksimon g‘oyani ilgari surgan bo‘lsa-da, bugungi kundagi jamiyatda paydo bo‘layotgan tabaqalashish va uning inson ma’naviyatiga ta’siri masalasi yoritilayotganidan hikoyaning ijtimoiy hayotning dolzarb mavzularidan birida ekanligini anglash mumkin.

Hikoyaning bosh qahramoni Oroma ismli qiz bo‘lib, uning yaxshi tarbiya topganligi onasining unga qilgan vasiyatlariga amal qilish uchun farovon turmush tarzidan voz kechishga o‘zida kuch topa bilganligida ko‘rinadi.

Hikoyaning syujet unsurlari ketma-ketligi an‘anaviy tarzda joylashtirilgan. Xususan, asardagi tugun – Oromaning Azamat degan yigit bilan uchrashuvga chiqqan chog‘ida o‘zining otasi kim ekanligini aytgan chog‘i deyish mumkin. Chunki uning otasi Azimboyvachcha ismli juda boy odam bo‘lib, faqat ular bilan anchagacha aloqasi bo‘limganligidan qiz otasidan hech qanday yordam olmay yashayotgan edilar. Oromaning o‘z kursdoshlari oldida puli yo‘qligidan mulzam bo‘lishi hikoyada quyidagicha tasvirlangan:

“Auditoriyaga kirganida, egnida tor va kalta yubka kiygan Parizod uning oddiy, yupungina qirmizi ko‘ylagiga nazar tashlab, labini burdi:

- Fu-u, kiyimini?!

Nozik, uzun barmoqlaridagi qator tillo uzuklarini ko‘z-ko‘z qilayotgan dugonasi:

- Tezroq so‘rasang-chi? Boradimi yo‘qmi? – dedi qonsiz yuzini bujmaytirib.
- Parizod unga teskari o‘girildi:

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

- Nima qilamiz uni sudrab?! Baribir bormaydi. Na puli bor, na xohishi. Ana, afti aytib turibdi. Oroma to’lg‘andi, Oroma yondi. Bu gaplar tig‘ misoli yuragini tirnayotgan bo’lsa-da, tishini-tishiga qo‘yib, ulardan nari ketdi va joyiga borib o‘tirdi” [4].

Ko‘rinadiki, Oroma shunday og‘ir jamlarda ham otasi beradigan pullarni olmagan va hayotning og‘ir sinovlariga bardoshi yetgan oqila qiz obrazi sifatida namoyon bo‘lgan. Uning kursdosh qizlarining boylik orqasidan unga bepisandlarcha munosabatda bo‘lishlari, o‘zlariga teng ko‘rmasliklari bu qizlarning ma’naviyatdan yiroq ekanligini ko‘rsatadi.

Oromaning og‘ir axvolda ham otasidan pul olmasligiga asosiy sabab, onasining otasi topgan pullardan hazar qilishni o‘rgatganligida ko‘rinadi: “Hech narsasini olma, yuqmaydi. O‘zing o‘qib, ishlab topganing yaxshi, qizim!” [4]. Onaning vasiyati qizi tomonidan otasining o‘limidan keyin ham bajarilishda davom ettiriladi.

Asarda yozuvchi tomonidan ayrim kachiliklarga ham yo‘l qo‘ylgan. Ya’ni Oromaning otasining qarovsiz holatda o‘z uyining bir hujrasida qarovsiz qoldirilishi, undan sassiq hid kelishi kabi holatlar ifodasidagi sun’iylik shular jumlasidan. Yana bir sun’iylik qizning otasiga u o‘qishdan kelgunicha rasm chizib o‘tirishi uchun qog‘oz va qalam berishida ko‘rinadi. Shuningdek, bir chekkada yotgan otaga farzandlarining gaplari bemalol eshitilishi, uyning qasr ekanligi inobatga olinsa, haqiqatdan yiroqdek tasavvur hosil qiladi. Shuningdek, shuncha boyligi bilan diyonatli notariusni yollagan odamning o‘zini qratmasligi ham haqiqatdan ancha yiroq. Umuman olganda, hikoyada juda qudratli deb ta‘rif berilayotgan yetakchi qahramonlardan birining shunchalik ojiz etib tasvirlanishi asardagi hayotiy haqiqat va badiiy tasvirning nomutanosibligi deya baholanishga asos bo‘ladi.

“Bo'yachchaning qizi” hikoyasidagi Azimbo'yachchaning 7-8 betlik maktubining uzundan-uzoq hajmi ham kitobxonda uning og‘ir betob ekanligiga ishonchini yo‘qotadi. Shuningdek, ushbu maktubdagи ko‘p o‘rinlar yozuvchi tomonidan hikoyada muallif nutqi orqali aks ettirilganligini hisobga olsak, hikoyada qaytarilar ham mavjudligi kitobxonni bir qadar zerikishiga olib kelishiga xizmat qilishi mumkin. Azimboyning qizini o‘z uyiga olib ketishni xohlaganida unga qo‘l ko‘tarmoqchi bo‘lishi holati ham shunday ishonchisizlik tug‘diradi.

Oroma otasi vafot etgandan so‘ng uning boyliklarini notarius orqali o‘zning nomiga o‘tkazishi va boshqa farzandlarning bunga “sochini yulib” qolaverishi ham hayotiylikdan yiroq. O‘z otasini azobda qoldirgan kishilar Oromani boyliklarini olib qo‘yishiga jimgina qarab turishi yoki uni tinch qo‘yishlariga ishonish ham qiyin. yana bir tafsilot, ya’ni uning vasiyat qilingan boyliklarni bolalar uyiga o‘tkazib yuborganligi ham kishini ishontirmaydi. Umuman, hikoyada bunday sun’iyliklar juda ko‘plab uchraydi.

Yana bir yozuvchimiz Ahmad A’zamning “Soyasini yo‘qotgan odam” nomli hikoyasi garchi ham mistik, ham hajviyo yo‘nalishda yozilgan bo‘lsa ham undagi hikoyachi qahramon o‘z soyasini yo‘qotib qo‘yishi bilan bog‘liq xangomalarni bayon qiladi. Asarda hajviy mazmundan tashqari kinoyaviy usul ham ko‘zga tashlanadi. Hikoyadagi ishtirokchilarning barchasining xatti-harakati ifodasi uchun ushbu usuldan foydalaniladi. Hikoya boshida u o‘zining kunlik tashvishlar i bilan ovora bo‘lgan oddiy idora xizmatchisi shaklida namoyon bo‘ladi. Lekin bir kuni o‘rtog‘i unga soyasini ko‘rmayotganligini aytganida birinchi ishonmagan bo‘lsa-da, keyinchalik bu haqiqat ekanligi ma’lum bo‘ladi.

Asarda bosh qahramonning ismi esga olinmaydi, chunki uning o‘zi hikoyachi qahramon vazifasini bajargan. Undagi “soya yo‘qligi” muammosi globallashib, barchaning e’tiboriga tushishi, keyinchalik uning soyasi majlislarda muhokama qilinishi bunga atrofidagilarning munosabati kabilar aks ettiriladi. “Soyam yo‘qligi ancha vaqt kabinetlarda, xonalarda, dolonlarda, tushliklarda, o‘zim borimda ham, yo‘g‘imda ham ko‘p muhokama, tortishuv-bahslarga sabab bo‘lib yurdi. Ishxonamizga jon kirdi, masala bitta va buning chorasi yo‘qligi, chora topish hech kimming qo‘lidan kelmayotgani uchun hammaning boshi qovushdi, umumiy chorasizlik hamkasblarni ahil, bir-biriga qandaydir mehribon ham qilib qo‘ygan edi” [1].

Insonning soyasi yo‘qligini jamiyat turfa qabul qilishi, xususan, u ishlayotgan korxona rahbari G‘ulomjon akaning bu “negativ” holat uning rahbarlik lavozimiga ta’sir qilishidan qo‘rqishi, Mirqosim aka esa uni “yot unsur” sifatida qabul qilishi, u o‘qiyotgan chet yozuvchilarning kitoblari soyasining yo‘qolishi va g‘oyaviy buzilishiiga ta’sir ko‘rsatishi haqidagi so‘zлari, kimgarningdir uni deb garovlarda yutayotganligi, kimgarningdir uni choyxonalarga yetaklashi va xokazolar insonlardagi shu munosabat bilan paydo bo‘lgan turfa evrilishlarni ko‘rsatadi. Lekin barchasining zamirida inson ma’naviyati va tiyatidagi o‘ziga xoslik yotadi. Chunki bu “yangilik”ni qabul qilish jarayoni ham ularning qanday insonlar ekanligini ko‘rsatgan. Bu narsa, ayniqsa, uning yaxshi ko‘rgan qizi Mashhuraning unga bo‘lgan munosabatida yaqqolroq namoyon bo‘ladi. Mashhura uning soyasi yo‘qligidan ajablanmaydi, balki uning “kam”ini to‘ldirish uchun unga o‘zining soyasi har ikkalalari uchun ham yetarli bo‘lishini aytadi. Ya’ni qizning sof muhabbatini yigitdagagi bu “kamchilik”ka nisbatan beparvolikni keltirib chiqarganligi anglashiladi.

“Mana, qarang! - dedim.

Ko‘zimga yosh kelganidan o‘sim Mashhuraga qaray olmadim, yuzimni teskari burdim.

Ko‘ryapman, - dedi Mashhura qulog‘im tagida.

Nimani? - dedim, Mashhura bilan oxirgi ko‘rshuvim shu ekanidan ko‘nglim idrab.

Soyangiz yo‘qligini! - dedi Mashhura.

Bor kuchimni to‘plab Mashhuraga qaradim, uning ko‘zлari kulib turardi. Yuragim hapriqib ketdi.

Xo‘sh? - deb g‘uldiradim.

Sizniki bo‘lmasa, mana, meniki bor-ku!

Mashhura qo‘ltig‘imga kirdi-da, ikkala qo‘li bilan mahkam changalladi.

Mana, bitta soya bo‘ldik! Yetadi ikkalamizga ham!”

Bu charaqlab, olamni yorishтирib turgan oftob ostida mendan baxтиyor odam yo‘q edi [1].

Hikoyada insonlar ma’naviyati masalasi hikoyachi qahramon atrofidagi turli kishilarning munosabatlari orqali ham namoyon qilingan. Undagi bu o‘zgarishni atrofidagilar bir fojia sifatida qabul qilishadi. Unga nisbatan achinish, qurquv, qiziqish kabi munosabatlarda bo‘lishadi. Hikoya davomida unga “yuqoridagi kattakonlar” ham qiziqayotganlari, hatto biri kelib o‘z ko‘zi bilan ko‘rib, o‘zini yo‘qotar darajaga tushganligi, ayrimlar uning xalq orasida bo‘lishi xavfli ekanligi haqidagi fikrlar, har qanday jamiyatda ham “o‘zgacha” insonga bo‘lgan turfa munosabatlarni anglatadi.

Uning masalasi ko‘rilayotgan yig‘ilishda Turobjon ismli xizmatchi uni nogironlikka chiqarishni ham taklif etishidan undagi tubanlikni anglash mumkin:

“Shu payti Turobjon sakrab turib: “O‘rtoqlar, menda bitta taklif bor. Og‘aynimizni invalidlikka chiqarib yuboraylik!”, deb qoladi. Hamma angrayadi, hatto boshlig‘imizning og‘zi ochilib, Turobjonga baqrayadi. “Tushunmayapsizlar-a? – deydi Turobjon. – Oyog‘i yo‘q odam invalid bo‘ladimi? Soyasi yo‘q bo‘lsa shunday-da! Eng yaxshi yo‘li shu”. “Mumkin emas. – deydi kadrlar bo‘limi boshlig‘i Zuhra opa. – Mehnat qonunlarida bunaqa band yo‘q” [1]. Ko‘rinadiki, sog‘ligi joyida bo‘lgan, lekin soyasi yo‘q inson ayrim kishilar nazdida nogiron sifatida baholanmoqda.

Bir o‘rinda voqeа aks ettirilayotgan davr, ya’ni kommunistik partiya hukmronlik qilgan paytlar uchun yet bo‘lgan o‘z diniy e’tiqodini o‘zi bilmay, hayajonda namoyon etish holati bir “kattakon”ning uning soyasi yo‘qligini ko‘rgandagi vaziyatidan ayonlashadi.

“Keyin men chiqdim, bamaylixotir boraverdim, ko‘z qirimda ko‘ryapman, ularning ko‘zi menda, hammasi yaxshi edi, oftobro‘yaga chiqqanimni bilaman, haligi kattakon: “O-o chert! Sgni, satana!”, deb cho‘qina ketsa bo‘ladimi! Rangi sovuqligiga qaramay, o‘zi ko‘ngilchanroq ekanmi, yomon bo‘lib qoldi deng! Ikkitasi yugurib kelib, uni suyadi, bittasi ichkariga chopdi. Juda katta amaldor ekan, hammasini tipirchilatdi. Ichkariga chopgani bir stakan suv olib chiqdi. Men ketarimni ham, ketmasimni ham bilmay qotib turibman. Kattakonga dori ichirishdi, u o‘ziga kelgandan meni sekin imladи. Men oldiga bordim. U menga qarab turdi-da: “Chelovek kak chelovek, da pust jivyon. Tolko smotrite za…”, deb u yog‘ini aytmadи, men o‘zimcha tushundim” [1].

Kattakonning gapidan qahramonning soyasi yo‘qligi ular uchun katta masaladek, jamiyatagi negativ holatdek baholanilayotganligini, hattoki uning yashash yoki yashamasligi ham aynan mana shu odamning qaroriga bog‘liqligini anglash mumkin. Yana bir narsaga e’tibor qaratish kerak. Kattakon qahramondagi soya yo‘qligini diniy talqinga ko‘ra iblisda soya bo‘imasligi uning belgilaridan biri ekanligi haqidagi qarashlar bilan bog‘lab tushunayotganligi bilinadi. Uning e’tiqodli bo‘la turib, o‘sha zamon mafkurasiga to‘g‘ri kelmasa-da, yuqori mansabda o‘tirganligi ham uning ma’naviy qashshoq ekanligini, o‘z e’tiqodidan mansabi yo‘lida voz kechganligidan yoki ikkiyuzlamachi kimsalar kabi tashqarida boshqacha, ichidan boshqacha shaklda namoyon bo‘lishida, lekin o‘zi bilmasdan qattiq hayajonda cho‘qinib yuborganida ham ko‘rinadi.

Yana bir o‘rinda qahramonni yetakchi professor oldiga olib borib, har tomonlama tekshirtirilishi va u ham hech qanday tashxis qo‘ya olmasligi ham mavjud jamiyat uchun achinarli holat edi. “Oxir-oqibat, professor menga hech qanaqa tashxis qo‘ya olmadи, komissiyaga o‘zimning oldimda: “Bu juda noyob hodisa, zamonaviy tibbiyotda bu hol ko‘rilmagan ham”, dedi. Buni o‘zim ham bilardim”. Ya’ni Mehnat kodeksida soyasi yo‘q odamni nogironlikka chiqarish yoki ishdan bo‘shatish kabi moddalar bo‘limganligi kabi zamonaviy tibbiyot ham soyasiz odam bilan bog‘liq hech qanday qonuniyatlar bo‘limganligi bois u haqida fikr yuritishdan ojiz.

**Xulosa** qilib aytganda, “To‘lqin Hayitning “Bovvachchaning qizi” nomli hikoyasi inson ma’naviyati va mehr-oqibat kabi masalalarga bag‘ishlangan hikoyalardan birdir. Lekin hikoyadagi hayot haqiqatining badiiy haqiqat bilan nomutanosib bo‘lgan o‘rinnari mavjudligi asarning badiiy saviyasini biroz tushirganligi aniqlandi. Asadagi qudratli deb ta’riflanayotgan yetakchi qahramonlardan birining o‘ta ojiz etib tasvirlanishi asardagi hayotiy haqiqat va badiiy tasvirning nomutanosibligi deya baholanishiga asos bo‘ldi.

Ahmad A’zamning “Soyasini yo‘qotgan odam” nomli hikoyasi insonlarning ma’naviy qiyofalari turfa xil kishilar obrazlari vositasida aks ettirilgan asrlardan birdir. Hikoyada insonlar ma’naviyati masalasi hikoyachi qahramon atrofidagi turli toifa kishilarning munosabatlari orqali ham namoyon qilingan. Hikoya davomida unga “yuqoridagi kattakonlar” ham qiziqayotganlari, hatto biri kelib o‘z ko‘zi bilan ko‘rib, o‘zini yo‘qotar darajaga tushganligi, ayrimlar uning xalq orasida bo‘lishi xavfli ekanligi haqidagi fikrlar, har qanday jamiyatda ham “o‘zgacha” insonga bo‘lgan turfa munosabatlarni anglatadi. Yozuvchi hikoyachi qahramonning kinoyaviy nutqi orqali kishilarning asl tiynatiga ko‘zgu tutadi va unga ko‘rinayotgan akslarning turfa tiplar ekanligi anglashilishiga ishora qiladi.

#### Foydalilanigan adabiyotlar:

1. Ahmad A’zam. Soyasini yo‘qotgan odam (hikoya, novella va qissalar). – Toshkent: Sharq, 2004. – 350 b.
2. Boboyev T. Adabiyotshunoslik asoslari. – T.: O‘zbekiston, 2003. – B.54.
3. Sarimsoqov B. Badiiylik asoslari va mezonlari. – Toshkent: Fan, 2004. –128 b.
4. To‘lqin Hayit. Yarador qo‘shiq./Bovvachchaning qizi. – T.:O‘zbekiston, 2013. – B. 23.
5. To‘ychiev U. Adabiy tur va janrlar. 3 tomlik, 2-tom. – Toshkent: Fan, 1992. – 297 b.
6. Xudoyberdiyev E. Adabiyotshunoslikka kirish – T., 2008. – B.322.
7. Yo‘ldoshev Q.Yoniq so‘z. – T., Yangi asr avlodи. 2006. – B.194.

**Muallif:**

**Ro‘ziboyev Bobir** - GulDU mustaqil tadqiqotchisi.

INTERTEXTUALITY IN A LITERARY TEXT

БАДИЙ МАТНДА ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК

ИНТЕРТЕКСТУАЛЬНОСТЬ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ

Ёдгоров Ҳамид, Обидова Диором

Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 4-мавзе

E-mail: h-yodgorov2020@gmail.com

**Abstract.** Problem of textuality is one of the important elements structure of literary text. The following article discusses questions of different types of intertextuality in the lyrics of Erkin Vohidov, its role in formation of literary text, as well as intertextuality as a visual medium for increasing potential of the text, demonstrating esthetic pleasure to the reader in the example of literary text.

**Key words:** poem, poetry, literary text, non-literary text, intertextuality, esthetic pleasure, proverb, epigraph.

**Аннотация.** Бадий матннинг таркибланишини тадқик этишдаги муҳим нұқталардан бири интертекстуаллик масаласидир. Мазкур мақолада Эркин Вохидов шеъриятида интертекстуалликнинг қандай кўринишлари мавжудлиги, унинг бадий матнни шакллантиришдаги ўрни, шу билан бирга, интертекстуалликнинг бадий тасвир воситаси сифатида матн қувватини ошириши, китобхонга эстетик завқ берини каби масалалар поэтик матн мисолида ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** шеър, поэтика, бадий матн, нобадий матн, интертекстуаллик, эстетик завқ, мақол, эпиграф.

**Аннотация.** Проблема интертекстуальности является одним из важных элементов исследования структуры художественного текста. В данной статье рассматриваются вопросы различных видов интертекстуальности в лирике Эркина Вахидова, её место в формировании художественного текста, а также интертекстуальность как изобразительное средство для повышения потенциала текста, предоставления эстетического наслаждения читателю на примере художественного текста.

**Ключевые слова:** стихотворение, поэтика, художественный текст, нехудожественный текст, интертекстуальность, эстетическое наслаждение, пословица, эпиграф.

**Кириш.** Бадий матн бадий асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услугуб кўринишларини муаллифнинг бадий ниятига кўра эркин жамлай оладиган, тингловчи ёки ўқувчига эстетик завқ берини, таъсир этиш хусусиятига эга бўлган гоят мураккаб бутунлик ҳисобланади.

Бадий матнда бошқа услугуб матнларида бўлганидек, қатъий мантиқ, соддалик, тушунарлилик, нормативлик каби қонуниятларга тўла-тўқис амал қилинавермайди. Унда бадий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилади. Таъсирчанлик биринчи планга кўтарилади. Оҳангдор, жозибадор бирликлар кўп қўлланилади. Тасвирланаётган воқеликда уйғун бир мусика, ички бир гармония сезилиб туради. Инсонни руҳан тўлкинлантириш, йиглатиш, кулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўмдириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишига ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам килган бўлади. Бадий матнда муаллифнинг ўқувчи ёки китобхонга эстетик таъсир қилиш мақсади биринчи планда турса, нобадий матнда муаллифнинг асосий мақсади ўқувчи ёки китобхонга коммуникатив таъсир қилишдан иборат бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, нобадий матнда муайян ахборотнинг мазмуни ва унинг ифодаси бирламчи бўлса, бадий матнда бундай ахборот бирламчи эмас, балки шу..... ахборот воситасида айтилмоқчи бўлган фикр — гоянинг эстетик таъсирли ифодаси мутлақо ҳал қилувчиидир. Бадий ва нобадий матн типлари бир-биридан, энг аввало, уларда тилнинг эстетик вазифасининг саломигига кўра фарқланади. Бу ўринда, аввало, тилнинг вазифалари ҳақида тўхтамоқ, жоиз. Зотан, вазифасиз тил йўқ, материя ҳаракатсиз мавжуд бўла олмаганидек, тил ҳам вазифадан ташқарида яшай олмайди, демакки, вазифа тилнинг мавжудлик омилидир [1].

**Тадқиқот обьекти ва қўлланилган методлар**

Тадқиқот учун Ўзбекистон халқ шоири, мохир сўз санъаткори Эркин Вохидовнинг шеърий асарлари (2000) обьект сифатида танланди. Мавзуни ёритишида ҳозирги кунда ўзбек филологияси, хусусан, ўзбек тилшунослиги қўлга киритган ютуқлардан ҳамда рус тилшунослигига баён қилинган назарий фикрлардан идодий фойдаланилди. Тадқиқ жараёнида тавсифлаш, контекстуал ва компонент таҳлил каби методларга таянилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили**

Бадий матннинг таркибланишини тадқик этишдаги муҳим нұқталардан бири интертекстуаллик масаласидир. Тадқиқчиларнинг таъкидлашларича, интертекстуаллик тушунчасининг филология илмида пайдо бўлишига рус олими М.М.Бахтиннинг 1924 йилда нашр этилган “Бадий сўз ижодиётида мазмун, материал ва шакл муаммоси” номли иши туртки берган, олим бу тадқиқотида адабиётнинг мавжудлик диалектикасини тавсифлар экан, ижодкор тасвирланаётган воқеликдан ташқари ўтмиш адабиёти ва ўзига замондош бўлган

адабиёт билан ҳам иш кўришини, бу адабиётлар билан у доимий “мулокот”да бўлишини қайд этади. Ана шу ишга асосланган ва ундаги фикрларни янгича талқин этган ҳолда постструктурализм назариётчиси француз Юлия Кристева 1967 йилда бу тушунчани фанга олиб кирган [2].

Шунинг учун ҳам немис тилшунослигига айни термин кўлланган. И.В.Арнольд ҳам муайян матнда айнан ёки кисман ўзгартирилиб, қайта ишланиб киритилган бошқа матнлар ёки уларнинг кисмларининг мавжудлигини “интертекстуаллик” деб номлайди [3]. Умуман айтиши мумкинки, муайян бадий матн таркибида ўзга матнларга дахлдор унсурларнинг мавжудлиги шу матннинг интертекстуаллигидир.

Таъкидлаб ўтилганидай, ҳар қандай бадий матн интертекстуал бўлиши шарт эмас, бу ёзувчининг бадий мақсади, услуги билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, бадий матнга олиб кириладиган ҳар қандай бошқа матн ёки унинг унсури асосий матн мазмуни ва лисоний курилиши билан уйғунлашиб, ёзувчининг эстетик нияти рўёби учун хизмат қиласди. Бадий матннинг интертекстуаллиги хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Асосий матнга олиб кириладиган ўзга матн ёки унинг муайян унсури ёзувчи ниятига кўра асосий матн структурасининг турли қисмларидан жой олиши мумкин.

Эркин Воҳидов ижодини ўргана эканмиз, унда интертекстуалликнинг турли кўринишларини учратамиз. Халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзма адабиётга олиб кириш азалий ҳодиса. Мақолларнинг бадий матн таркибида кўлланиши ҳам интертекстуалликни юзага келтиради. Халқда “Бирорга кулма зинҳор, сенга ҳам кулгувчилар бор”, “Аввал ўзингга боқ, сўнг ногора қоқ” каби мақоллар бор. Шоир ана шундай халқ яратган дурданаларни моҳирлик билан матнга олиб кириб, унга янгича жило бериб, ўз поэтик мақсадига эришган:

Кулиб юргай эдим бир вақт  
Ўқиб Мажнун жунунидан,  
Дегайлар, ўзгадин кулма  
Ўзингдан бўлмайин огоҳ. (Масал борким, 195-б.)

Айтиши мумкинки, халқ оғзаки ижоди намуналарини шеърий матнга сингдириш осон иш эмас. Чинакам сўз устасигина бу ишни маромида уddaлаши мумкин. Мақоллардан келиб чиқадиган образли мазмун бадий матнда ифодаланадиган асосий фикр-гояни яхлит ҳолатда ўзида мужассамлайди. Китобхон шеърни ўқигандаёқ, матндаги асосий гоянинг умумий чизгиларини тасаввур қиласди:

Севинг, деб шеър битиб аввал,  
Ўзим бўлдим асири ишқ.  
Ўзи тушгай эмиш охир  
Бирорга кимки қазгай чоҳ. (Масал борким, 195-б.)

Сир эмас, чинакам севги одамни девона қиласди, унинг “шароби”дан киши маст бўлади, оромидан айрилади, эс-хушини йўқотади. Бошига “ишқ савдоси” тушмаган одам бундай ҳолни тушунмоғи мушкулдир. Худди шу манзарани ўқувчи кўз ўнгига намойиш қилиш истагида ижодкор “Ким бирорга чоҳ қазиса, унга ўзи йиқилади” мақолини матнга олиб киради.

Мазкур шеър дидактик характерда бўлиб, ўқувчининг кўнглига эзгулик уруғларини экади, уни ҳаётда тўғри йўлни танлашга, адашмасликка, ҳар қандай воқеадан одилона хулоса чиқаришга, эзгуликни, садоқатни улуглашга чакиради.

Халқ мақолларини ўқиган, мағзини чаккан ўқувчи ҳаётда яхши билан ёмонни, оқ билан қорани ажратади, дўст билан душманни танийди. Вақтида чиқарилмаган хулоса, вақтида қилинмаган иш афус билан тугайди. Минг йиллардан бўён ҳаёт қозонида қайнаган “Сўнгги пушаймон, ўзингга душман” халқ мақолининг маъносини ўқувчига бермоқ истагида шоир куйидаги мисраларни битади ва, албатта, гўзал шеърий иморатни бунёд этади:

Бўлибсан ошиқ, Эркин,  
Уз умид жондин, ўкинч қилмай,  
Ўзингга, дейдилар, душман  
Кейин чеккан пушаймон, оҳ. (Масал борким, 195-б.)

Кўриб турганимиздай, турли йўналишдаги бир неча халқ мақоли бир поэтик ниятни ёритиш учун бирлаштирилган. Бу билан шоир, биринчидан, мақолларга янги умр бағишилаган, иккинчидан, ўзи ҳам муҳаббат ҳакида яхлит бир оригинал ғазал яратишга эришган.

Бадий матнда интертекстуалликни юзага келтирадиган усууллардан яна бири эпиграфдир. Маълумки, эпиграф ҳар қандай матнда, бадий матнда ҳам, нобадий матнда ҳам кўлланаверади, аммо матннинг мажбурий эмас, балки ихтиёрий узви ҳисобланади, яъни барча матнларда эпиграфнинг бўлиши шарт эмас. Бадий матнда эпиграф, албатта, бадиият учун хизмат қиласди. Шуниҳам айтиш жоизки, эпиграф ёзувчининг бадий матндаги асосий гоясини, ниятини, асарнинг асосий мазмунини ихчам тарзда таъкидлаш мақсадида ишлатилади [4].

Эпиграф сифатида кўлланган мақол, ҳикматли сўз ёки бирор асардан олинган парча интерматн мақомини олади ва асосий матн мазмунини кучли бир тарзда таъкидлаши, таъбир жоиз бўлса, бойитиши баробарида асосий матннинг семантик структураси фонида ўзи ҳам мазмунан бойийди. Шу ўринда шоирнинг

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

“Хижрон юки” шеърига юзланамиз. Шоир мазкур шеърига А.Навоий ижодидан қўйидаги байтни эпиграф қилиб келтиради: *Айлагин жондин жудо, Этгунча жонондин жудо.*

Мен бўлай жондин жудо  
Бўлгунча жонондин жудо.  
Не керак жон, эssa жоним  
Бир умр армон юки. (Хижрон юки, 140-б.)

Тилшунос З. Тураева жуда ўринли таъкидлаганидек [5], эпиграф ва матн ўртасида узаро бир-бирига йўналган алоқа мавжуд бўлади: эпиграф матннинг мазмуний моҳиятини очиб беради, матн эса эпиграф позициясидаги интерматн семантикасини янада теранроқ, идрок этишга кўмаклашади, керакли ассоциацияларни уйготади, китобхоннинг тажрибалари ва тасавурларини харакатга келтиради.

**Хулоса** қилиб айтганда, бадиий матнга олиб кириладиган ҳар қандай бошка матн ёки унинг унсури асосий матн мазмуни ва лисоний қурилиши билан уйғунлашиб, ижодкорнинг эстетик нияти рўёби учун хизмат қиласди. Ана шу тариқа интертекстуал бадиий матннинг мазмуний сифими кенгаяди, бадиий-эстетик ва хиссий таъсир қуввати ортади. Ўзбек бадиий матнида бундай интертекстуалликнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд.

#### Адабиётлар:

1. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси.-Т., Фан, 2008. - 160 б.
2. Кураш С. Усложнённое кодирование образной информации как аспект филологического анализа художественного текста. -Мозырь: УО «МГПУ», 2003. – С.40.
3. Арнольд И.В. Поэтика интертекстуальности текста. // Вопросы английской контекстологии. Вып. 4. –СПб., 1996. - С.7-15.
4. Йўлдошев М.Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқики. –Т., 2009. – 24 б.
5. Тураева З. Лингвистика текста. –М.: Просвещение, 1986. - С.53.

#### Муаллифлар:

Ёдгоров Ҳамид - ГулДУ доценти.

Обидова Дилором - магистрант.

UDK 372.882

## ARTISTIC INTERPRETATION OF LEGENDS

AFSONALARNING BADIY TALQINI

ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЛЕГЕНД

**Kubayev Kabil Umarovich**

Jizzax davlat pedagogika universiteti 130100. Jizzax viloyati, Jizzax shahri, Sharof Rashidov ko'chasi, 4-uy

E-mail: kubayev67@mail.ru

**Abstract.** In this article, Mirkarim Asim's short stories based on the legends "Shiroq" and "To'maris" of the same name highlight the issue of literary skill in the artistic interpretation of historical reality. Indeed, the courage of our ancestors is an incomparable school of heroism for today's generation, our rich spiritual foundation. Today's generation, which is seeing the sweet fruits of independence, must know how we came to this independence in bloody and glorious ways, who stood at the beginning of this struggle, and the heroism of our selfless ancestors who sacrificed their lives for this independence. That is why the works that tell about the struggle of historical figures such as Tomaris, Shiroq, Alp Tegen, Spitamen, Muqanna, who rebelled against the Arab invaders, Temur Malik, who attacked the Mongol invaders, Jalaluddin Manguberdi, are more relevant today than ever. This aspect of the issue is also taken into consideration and researched in these historical stories.

**Keywords:** story, historical story, plot, personality, historical figure, artistic text, character

**Аннотация.** В данной статье рассказы Миркарима Асима, основанные на одноименных легендах «Широк» и «Томарис», освещают проблему литературного мастерства в художественном осмыслиении исторической действительности. Ведь мужество наших предков – это ни с чем не сравнимая школа героизма для нынешнего поколения, наша богатая духовная основа. Нынешнее поколение, которое видит сладкие плоды независимости, должно знать, как кровавыми и славными путями пришли к этой независимости мы, кто стоял у истоков этой борьбы, и геройство наших самоотверженных предков, отдавших свои жизни за эту независимость. Именно поэтому произведения, повествующие о борьбе таких исторических деятелей, как Томарис, Широк, Алп Теген, Спитамен, Муканна, восставших против арабских захватчиков, Темур Малик, напавших на монгольских захватчиков, Джалауддин Мангуберди, сегодня более актуальны, чем всегда. Эта сторона вопроса также учтена и исследована в этих исторических рассказах.

**Ключевые слова:** повест, исторический повест, сюжет, характер, историческая личность, художественный вымысел, персонаж

**Kirish.** Keyingi paytda tarixni o‘rganish uchun keng yo‘llar ochilganligi bois sermiqyos va serqatlam moziyni badiiy o‘zlashtirish ham ancha kengaydi. Uning o‘ziga xos shakllari paydo bo‘la boshladi. Ana shunday izlanishlardan biri xalq og‘zaki ijodi, rivoyat va afsonalar syujeti asosida yaratilgan rivoyat qissalaridir. Bunday asarlar ko‘proq, xalq og‘zaki ijodi namunalardagi yarim afsonaviy, romantik qahramonlarni eslatuvchi shartli personajlar sarguzashtlariga asoslanadi. Shunga ko‘ra syujetda ma’lum shartlilik, bo‘rttirish, og‘zaki ijod elementlari, rivoyatomuz voqealar uchraydi.

#### Tadqiqot ob‘ekti va qo‘llanilgan metodlar

Tadqiqotning ob‘ekti sifatida Mirkarim Osimning “Shiroq” va “To‘maris” qissalarini, muallifning shaxsiy arxividagi adib ijodiga doir manbalar, asosan, 1998 yil mart oyida “O‘zbekiston adabiyoti va san’ati” gazetasida nashr etilgan professor Akram Kattabekov bilan bo‘lgan suhbat, N. Rahimjonov, Q. Ko‘baevlarning “Tarixiy qissalar haqiqat izlaydi” nomli monografiyasi olindi [1], [2]. Tadqiqot mavzusini yoritishda tasniflash, tavsiflash, tarixiy-qiyosiy, kontekstual, kompleks va funksional tahlil usullaridan foydalanilgan.

#### Olingan natijalar va ularning tahlili

Xalq og‘zaki ijodidagi To‘maris va Shiroq afsonalarining asli bizga yetib kelmagan. Ularning mazmuni grek tarixchilaridan Gerodotning «Tarix» va Polienning «Harbiy hiylalar» kitobida, shuningdek, «Avesto»da hikoya qilib qoldirilgan [3].

To‘maris afsonasida Massaget qabilalarining, Shiroq afsonasida esa Sak qabilalarining bosqinchi yovlarga qarshi kurashi aniq, yorqin ko‘rsatib berilgan. Bu qabilalarning tadbirkorligiga, jasur va mardligiga alohida e’tibor qaratilgan. Mana shuning o‘ziyoq, har ikkala afsonaning ham Turonda yashovchi donishmand xalqimiz tomonidan yaratilganini isbotlab turibdi [4].

Grek adabiyotida ta’kidlanishicha, ayniqsa, Esxil, Gerodot, Polien ijodida qayd qilib o‘tilishicha, bu afsonalarda tasvirlangan davr, ularning tarixiy ildizi eramizdan ilgarigi VI -V asrlarga to‘g‘ri keladi. Shundan ko‘rinadiki, bu asrlarda «To‘maris» va «Shiroq» kabi og‘zaki ijod namunalariga ega bo‘lgan xalqning keyinchalik, Aleksandr Makedonskiy O‘rta Osiyoga bostirib kelgan davrida rivojlangan o‘ziga xos ko‘rkam adabiyoti bo‘lgan edi, deyishga asos beradi [4].

Mirkarim Osim shu materiallar asosida «Shiroq» va «To‘maris» qissalarini yaratdi. Har ikkala asarda ham ajdodlarimizning vatanparvarligi, yovlarga qarshi kurashda ko‘rsatgan qahramonligi, jangu jadal sahifalari aks ettirilgan [1].

«To‘maris» qissasi syujetini qadimgi Turonda yashagan Sak va Massaget qabilalarining hukmdorlaridan biri To‘marisning bosqinchi Eron shohi Kayxusravga qarshi olib borgan qahramonlik kurashi tashkil etadi. Yozuvchi tarixiy faktlarga jon baxsh etib, ezgu tilakli xalqning matonati, psixologiyasini, qaxramonligi tabiatini badiiy vositalar yordamida tasavvur qilishimizga imkon yaratadi. Muallif asar qahramoni To‘marisni bir so‘zli, mard va nihoyatda shiddatkor sarkarda sifatida tasvirlaydi. Shaxsiy baxti va huzur-halovatidan ko‘ra o‘z xalqining baxt-saodatini, tinchligi va osoyishtaligi uchun jonfidolikni afzal ko‘radi. Eron shohi Kayxusrav jo‘natgan elchining: «Men yolg‘iz elchi emas,sovchi ham bo‘lib keldim. Shahanshohi olam senga g‘oyibona oshiq bo‘lganlar», degan gapiga, «Shahanshoh menga emas, mening yurtimga, boyligimga oshiq bo‘lgandir», deydi To‘maris zaharxanda qilib! «Men emas, shu serbaraka yurtim unga kerak bo‘lib qolgan. Siz, elchi janoblari, o‘z tojdoringizga borib aytin: Men uning taklifini qat’iyan rad etaman. Men unga qalliq bo‘lishni, o‘z elimni unga qul qilib topshirishni istamayman» (Миркарим Осим. Широк. Қисса. Тошкент. 1995, 7-бет (кейинги парчалар саҳифаси қавсда кўрсатилади), deb javob beradi. To‘maris bu gapi bilan Vatanining daxlsizligini, xalqining erki va mustaqilligini saqlash bosh a‘moli ekanligini uqtiradi.

Bunday yovqur javobni kutmagan Kayxusrav fig‘onidan tutun chiqib ketadi. Shoh sha’niga nomunosib nomardlik yo‘lini tanlaydi. U hiyla ishlatib, To‘maris lashkarlarini qo‘lga oladi. Ular orasida To‘marisning o‘g‘li Sparangiz (ba‘zi manbalarda Sparganiz) ham bor edi. O‘zining hiyla bilan qo‘lga tushganini sezgan Sparangiz kishanni echishni so‘raydi. Grek tarixchisi Gerodot «Tarix» kitobida yozishiga ko‘ra, Sparangiz qo‘li echilgan zahoti o‘zini o‘zi o‘ldiradi. Mirkarim Osim mazkur tarixiy faktini badiiylashtiradi. Qissaga quyidagi taxlitda singdirib yuboradi: «Qo‘limni echib qo‘yinglar, — deb iltimos qildi u. Kayxusrav bir mulozimiga ishora qilgan edi, u yugurib kelib yigitning qo‘lini echdi-da, o‘z joyiga borib turdi. SHu on Sparangiz qo‘ynidan kichkinagina yaltiroq pichoq olib, o‘zining ko‘ksiga sanchdi-yu, mukka tushib jon taslim qildi. «Mard yigit ekan, — dedi Kayxusrav bir ozdan keyin. — O‘limni nomusdan afzal ko‘rdi» [1] (24 -bet).

Sparangiz o‘limidan- xabar topgan To‘maris va barcha massagetlar yuragini g‘azab, nafrat alangasisi qoplaydi. To‘maris yurt boshiga tushgan bu kulfatlarni daf etish uchun jangga kirar ekan, lashkarlariga murojaat qiladi: «Opa - singillar, aka - ukalar, qaerga ketayotganingizni hammangiz yaxshi bilasiz. SHu ketganimizcha, yo hammamiz bitta qolgunimizcha qirilib, o‘z qonimiz bilan sha’nimizga tushgan dog‘ni yuvib tashlaysiz, yoki dushmanni qirib yuborib, g‘alaba bilan qaytamiz. Ishonaman, oramizda Eron shohi oldida tiz cho‘kadigan nomard yo‘q. Biz albatta engamiz! Shafqatsizlikni bizlardan ko‘rsin Eron shohi» [1] (16 -bet).

To‘maris qo‘sishlari ayovsiz jangda g‘alaba qozonadi. Katta yo‘qotishlar, qurbanlar evaziga o‘z yurtini Eron lashkarlari bosqinidan saqlab qoladi. Muallif tarixiy voqealarga badiiylik baxsh etar ekan, ularga muhim ijtimoiy ahamiyatli ma’nolar yuklaydi. G‘alaba misolida o‘quvchi ongini, ko‘nglini tarbiyalashga alohida urg‘u beradi. Kitobxon qalbida zulmga, yovuzlikka, bosqinchilikka qarshi nafrat, vatanparvarlik, ozodlik va adolatga muhabbat tuyg‘ularini alangalatadi.

Qissadagi yirik tarixiy shaxslardan yana biri ahmoniyalar davlatining asoschisi Kayxusrav obrazidir.

Kvint Kursiy Rufning «Aleksandr Makedonskiy tarixi» kitobida Kir real tarixiy shaxs bo‘lib, eramizdan ilgarigi 559-529 yillarda yashab o‘tganligi haqida gap boradi. U Yaksart, hozirgi Sirdaryo yoqasidagi G‘aza shahrini egallab oladi.

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Hatto Kir bu daryo yaqinida shahar qurbanligi ham ta'kidlanadi. Ruf asarida tasvirlangan afsonaviy Kir bilan bog'liq voqealar o'quvchini hayajonga soladi. SHuni alohida ta'kidlash kerakki, Kvint Kursiy Ruf asari bundan qariyb 20 asr ilgari yaratilgan, undagi voqealar 23 asr avval bo'lib o'tgan esa-da, bugungi kitobxonni ham ijodkorlarni ham hamisha hayajonga soladi. Chunki, o'sha tarixiy hodisa, kurash, haqiqat go'zal va jozibalidir. U ongimizga nur, ko'nglimizga harorat - fikr baxsh etadi [4], [5].

Asarni o'qir ekanmiz, bugungi kun sarhadlarida turib o'sha olis tariximizning uzoq sahifalariga nazar tashlaymiz. Ulardan bugungi kuminiz uchun ma'naviy - intellektual quvvat, madad olamiz. Qирг'инбарот urushlar, son -sanoqsiz odamlarning qul qilib haydab ketilishi, ayollar dod-faryodi, norasida bolalarning itlar oldiga tiriklain tashlangani, qutirgan itlarning ojiz, himoyasiz bolalarni zanjirband ota-onalari ko'zi o'ngida g'ajishi, burda-burda tilkalashi naqadar achinarli va qayg'uli. Mana shu xil tarixiy faktlardan tegishli xulosa chiqqargan yozuvchi Kayxusravni asarda tajovuzkor, qonxo'r va ayni paytda, nomard shaxs sifatida tasvirlaydi: «Eron shohi ko'pmi ko'rgan keksa jangchining makr - hiyladan iborat bo'lgan rejasini zavq bilan tinglab o'tirdi. Soddadil massagetlar daryodan o'tishimizga monelik qilmay, mardlik ko'rsatdi-yu, bizlar hiyla ishlatib nomardlik qilamizmi?», degan fikr ko'nglining ko'chasiga ham kelmadı. Iroq va Misrni, O'rta Osiyoning janubiy qismimi quroq va oltin, makr-hiyla bilan bosit olib, buyuk Eron davlatini barpo etgan bu shuhratparast shoh, maqsadiga erishish yo'lida har qanaqa nomardlikdan tap tortmasdi» [1] (11-bet).

Asardagi Zarina obrazi badiiy to'qima mahsuli. U bosh qahramon To'maris qiyofasini, jasoratining mohiyati va tabiatini ayonlashtiradi. Xususan, xarakter mantig'ini ta'minlashga, badiiy dalillashga yordam beradi.

Qissa ajdodlarimizning yurtimizga ko'z tikkan yovlarga qarshi qahramonona kurashlarini aks ettruvchi yorqin asar sifatida, ayniqsa, bugungi milliy mustaqillik sharoitida katta tarbiyaviy axamiyatga ega.

Yurtimiz dushmanlariga, bosqinchilarga qarshi kurash, o'tmishda kechgan jang - jadallar «SHiroq» tarixiy qissasining ham qahramonlik yo'naliishini, mazmun-mohiyatini belgilab bergan. Qissa da o'z xalqini, kindik qoni to'kilgan tuproqni jonidan ortiq sevgan cho'pon Shiroq obrazi etakchi o'rın tutadi. U o'z hayoti evaziga xalqining erkini, ona zamin ozodligini ta'minlaydi. Muallif asarda buni qahramon nutqi orqali jonli, ishonarli lavhalarda tasvirlab beradi: «Agar meni, bola-chaqam va nevaralarimni unutmasang, o'z shirin jonimdan kechib, yurt boshiga qelgan baloni daf etardim. Dushmanni daf qilmoq uchun bir hiyla o'ylab topdim, umrim oxirlab qoldi, axiri bu dunyodan ketmoq kerak. Men el-yurt uchun o'limning shirin sharbatini ichmoqqa qaror qildim» [1] (24-bet).

Shiroq fidoyi ajdodlarimizning xalqsevarlik, qahramonlik, vatanparvarlik tuyg'ularini o'zida mujassam etgan obrazdir. Yozuvchi Shiroq jasoratini tasvirlar ekan, asrlar osha xira tortgan tarixiy fakt va ma'lumotlarga jon ato etidi. Natijada asrlar to'zoni orasidan voqeа - hodisalar, real shaxslar o'z dunyosi, muhabbati va nafrati ila ko'z o'ngimizda butun borlig'i bilan namoyon bo'la boshlaydi. Qissa yakunida Shiroq fojeali o'lim topadi. Biroq u mard, tanti tabiatini bilan kitobxon qalbidan joy oladi. Yurt va el uchun yovlarga qarshi kurashi bilan Shiroq ko'z o'ngimizda vatanparvarga aylanadi: « — Men engdim, Doro qo'shinlarini bir o'zim engdim! — dedi u (Shiroq) qichqirib. — Sizlarni aldab sahroning qoq o'rtasiga olib keldim, — qo'li bilan kun chiqish va kun botish tomonni ko'rsatdi. — Bu yog'i ham etti kunlik yo'l, u yog'i ham. Istagan tomoningizga boravering. Mening go'rim shu erda, — deb oyog'i ostini ko'rsatdi» [1] (25-bet).

**Xulosa.** «To'maris», «Shiroq» qissalarida yozuvchining tarixiy materialni taqdim etish uslubi o'zgacha. Xususan, bu xil rivoyat-qissalarda ko'tarinkilik va qahramonlik syujetini yoritishda ko'proq liro-romantik uslub mos keladi. Adib To'maris va Shiroq obrazi orqali vatanparvarlik ham ijtimoiy adolat singari, xaqiqat kabi go'zaldir, degan g'oyani ulug'laydi. Shunday, shaxs erki, millat hurriyati hamisha bashariy qadriyatlarning betimsol namunasi bo'lib qolaveradi.

#### Foydalilanilgan adabiyotlar:

1. Mirkarim Osim. Shiroq. Qissa. Toshkent. 1995y. – 300 b.
2. Rahimjonov N., Ko'bayev Q. "Tarixiy qissalar haqiqat izlaydi". Adolat nashriyoti. Toshkent. 2005 y. – 170 b.
3. Sultonov I. Adabiyot nazariyasi. – T., 2005. – 282 b.
4. Boltaboyev H. Adabiyot entsiklopediyasi. – T., Mumtoz so'z. 2015. – 476 b.
5. Karimov B. Ruhiyat alifbosi. – T., G'afur G'ulom nomidagi NMIU. 2016. - 127 b.

#### Muallif:

**Kubayev Kabil Umarovich** - Jizzax davlat pedagogika universiteti dotsenti.

УДК 82-94

## THE ACTIVITIES AND WORK OF THE KAZAKH EDUCATOR MAGZHAN ZHUMABAEV

ҚОЗОҚ МАЪРИФАТПАРВАРИ МАГЖАН ЖУМАБАЕВНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА ИЖОДИ

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ И ТВОРЧЕСТВО КАЗАХСКОГО ПРОСВЕТИТЕЛЯ МАГЖАН ЖУМАБАЕВА

**Мадалиев Ярмухаммат Худайбергенович**

М. Аувезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети, Казахстан, 160012, город Шымкент, проспект Тауке хана, 5.

E-mail: madaliev\_61@mail.ru

**Abstract.** This article contains information about the life and creative activity of the Kazakh enlightener Magzhan Jumabaev. Also, the place of Magzhan Jumabaev's work in the national education system and the spiritual and moral

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

views of the writer were discussed. Today, the name of the great representative of Kazakh poetry, the fiery poet Magzhan Jumabaev, has become a legend among the people and has an indelible place in hearts.

**Key words:** poet, freedom, literature, madrasah, enlightener, national education, spiritual and moral views.

**Аннотация.** Мазкур мақолада қозоқ маърифатпарвари Магжан Жумабаевнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Магжан Жумабаев ижодининг миллий таълим тизимидағи ўрни, адабнинг маънавий-ахлоқий қарашлари хусусида мулоҳаза билдирилган. Бугунги кунда қозоқ шеъриятининг буюк намояндаси, оташнафас шоир Магжан Жумабаевнинг номи ҳалқ орасида афсонага айланиб, қалблардан ўчмас жой олган.

**Калит сўзлар:** шоир, озодлик, адабиёт, мадраса, маърифатпарвар, миллий таълим, маънавий-ахлоқий қарашлар.

**Аннотация:** В данной статье содержится информация о жизни и творческой деятельности казахского просветителя Магжана Джумабаева. Также обсуждались место творчества Магжана Джумабаева в системе национального образования и духовно-нравственные взгляды писателя. Сегодня имя великого представителя казахской поэзии, пламенного поэта Магжана Жумабаева стало легендой в народе и занимает неизгладимое место в сердцах.

**Ключевые слова:** поэт, свобода, литература, медресе, просветитель, национальное образование, духовно-нравственные взгляды.

**Кириш.** Дунёда келиб чиқиши яқин, томири бир, бир-бирига дилдан суянган, асрлар синовидан биргаллашиб ҳамнафас бўлиб ўтган қавмлар кўп. Лекин ўзбек ва қозоқ ҳалқларичалик кўшнисига беғараз муҳаббат қўйиб, бир-бирини оға-ини деб ардоклаган ҳалқ камдан-камдир. Ўзбеклар ва қозоқлар туркий тиллар оиласига мансуб тили бир, дили бир, дини бир элдир. Улар олис асрлардан бери мана шу кўхна, табаррук Туркистон тупроғида ёнма-ён дўст бўлиб, куда – қудагай бўлиб яшаб келмоқда.

Қозоқ шеъриятининг буюк намояндаси, оташнафас шоир Магжан Жумабойнинг номи ҳалқ орасида афсонага айланиб, қалблардан ўчмас жой олган. Магжан Жумабой айтганидек:

Туркистон - икки дунё эшиги бу,  
Туркистон - ҳар бир туркнинг бешиги бу.  
Туркистон - тангри берган муқадас жой,  
Туркистон - ҳар бир туркка сочар ёғду.

### Тадқиқот обьекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқот обьект сифатида Магжан Жумабойнинг барча шеърий тўпламлари ҳамда С.Абдурахмановнинг «XX фасыр жырлайды қазақ поэзиясының антологиясы» Алматы, 2007, манба сифатида олинди [1]. Тадқиқот мавзусини ёритишида таснифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал, комплекс ва функционал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Магжан Жумабаев Бекенўғли 1893 йили 25 майда Сассик кўл тарафида Магжан қишлоғида дунёга келган. Алаш партиясининг иштирокчиси, оқин, қозоқ адабиётининг ёруғ юлдузларидан биридир. Магжаннинг отаси Бекен савдо билан шуғулланган бой кишлардан бири эди. Онасининг исми – Гулсим. Магжан 14 ёшидан бошлаб шеър ёза бошлаган. Магжан қишлоқ мулласидан илм олиб 1905-1910 йиллари Қизилжардаги № 1 масжид ёнида билимли татар - зиёлиси мусулмон ҳалқларининг озодлиги йўлида курашган М.Бегишевнинг очган мадрасасида таҳсил олган [2].

Мадрасада шарқ ҳалқларининг тарихидан билим олган қозоқ ва татар адабиётларини ва Фирдавсий, Саъдий, Хўжа Хофиз, Умар Хайём, Низомий, Навоий сингари шарқ алломаларининг достонларини ўқиб ўрганган. 1909 йили чиқсан Абай шеърларини ўқиб атоқли оқин сўзи олтин ҳаким Абайга деган шеърлар ёзган.

1910-1913 йиллари Уфа шаҳаридаги Ғалия мадрасасида билим олди. У ерда татар ёзувчиси Ф.Ибрагимовдан дарс олиб, атоқли ёзувчи С. Жантўраин билан яхши алоқада бўлади. Бўлажак ёзувчи Б.Майлин билан танишган. Ибрагимовнинг ёрдами билан 1912 йили Қозон шаҳарida Каримовлар чиқарган Чўлпон сингари шеърлар босилиб чиқган.

1913-1916 йиллари Омби ўқитувчилари семинариясида ўқиди. Бирлик гурухида қатнашиб, “Балапан” журналини чиқарган. Бўкейханов, Байтурсун ўғли, Дулатўғли каби алаш иштирокчилари билан алоқада бўлиб Қозоқ газетасига ўз шеърларини ёзган. 1917 йили Ақмўла вилоятидаги қозоқ миллий кенгашга раҳбар бўлди. Москва шаҳрида ўтган мусулмон съездига қатнашган. Алаш партиясининг Ақмўла вилоятидан комитетига аззо бўлди. Уч юз партиясининг ёлғон айблаши билан бир ойга қамоқга олинди [3].

1918-1919 йиллари Петропавл уездлик замество бошқармасида хизмат кўрсатди.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

1919-1923 йиллари Акмұла губерниялық газеталарыда Чүлпон, Сана журналларыда, Акжүл газетасыда хизмат күрсатиб, халқ маърифатпарвар хизматларига мукаммал қатнашган.

1924 йили Москва шаҳарыда шарқ меҳнатчиларининг Шўро университетида қозоқ ёшларининг мажлиси ўтиб, улар Магжанинг 1922-1923 йили Тошкентда бослиб чиқган газетаси тўғрисида фикр билдири. Унда оқин таржималари нотўғри бўлишини айтган.

Оқин 1927-1929 йили Бурабайда, кейин эса Қизилжарда ўқитувчилик хизматини бажарган. Магжан Жумабой ижодиёти - тутқун қалб фарёдларининг озодлик нашидасини қўмсаоб оҳ урган дил дардларининг ифодасидир [4].

### Хунос

Шоир бутун умри бўйи мустамлака кишиналарни парчалаб ташлашга даъват қилувчи шеърлар ёзди, озод ва эркин хаётни эҳтирос билан ёниб куйлади. Магжанинг оловли шеърлари узоқ йиллар мобайинида халқдан яшириб келинган эди. Фақат мустақиллик туфайлигина бу исёнкор шеърлар яна ўз халқининг маънавий хазинасига айланди. 1937 йили мартда Магжан Бекенўғли Алмати вилоятига боради. 1938 йили эса қамоқга тушиб отиш жазосига ҳукм килинади.

### ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдурахманов С. XX ғасыр жырлайды қазақ поэзиясының антологиясы. Алматы, 2007. - 504 б.
2. Далда данаалары, Алматы, 2001. - 640 б.
3. Тарихи тұлғалар танымдық көшпелі басылым, Алматы, 2005. - 244 б.
4. Жұз тұнғыш жинақ 1ші кітап. Алматы, Жалын, 2005. - 352 б.

### Муаллиф:

**Мадалиев Ярмухаммат Худайбергенович** - М. Аувезов номидаги Жанубий Қозогистон давлат университети, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

УДК: 811.512.133

### COMPARATIVE SEMANTIC ANALYSIS OF THE WORDS “BLACK” AND “QORA” IN RUSSIAN AND UZBEK

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДАГИ “ҚОРА” ВА “ЧЁРНЫЙ” СЎЗЛАРИНИНГ ЧОҒИШТИРМА СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

СОПОСТАВИТЕЛЬНО-СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СЛОВ «ЧЁРНЫЙ» И «КОРА» НА РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

**Собирова Башорат Баходировна**

Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шахри, 4-мавзе

E-mail: sbashorat97@gmail.com

**Abstract.** The modern world is interested in learning about the phenomenon of color, since on the one hand there is an increased interest in color determination and its study as a subject, and on the other hand, the current issue in modern linguistics is the relationship between language and culture, language and ethnus, the etymology of words, the culture of communication, which are clearly reflected in the linguistic picture of the world. Concepts that denote color are one of the means of presenting culture. Words denoting color are observed in all languages. Representatives of different languages of languages see a certain color in the same way. But the associations, generalizations, analogies, metonymic and figurative expressions formed through this color can be different. And this is due to the specifics of the national thinking of each nation. This article presents a comparative analysis of the semantics of the words kara and black in the Uzbek and Russian languages, as well as an attempt to reveal similar and different aspects of the knowledge of the world by native speakers through this single word.

**Keywords:** study of the use of color, black color, concept, semantic structure, sememe, sema, intercultural communication, lacuna, context.

**Аннотация.** Ҳозирги замон тилшунослиги ранг феноменини ўрганишга қизиқади, чунки бир томондан рангни аниклаш ва уни мавзу сифатида ўрганишга қизиқиши ортади, бошқа томондан, замонавий тилшуносликдаги ҳозирги масала тил ва маданият, тил ва этник, сўзларининг этимологияси, мулоқот маданияти, бу дунёнинг лингвистик расмида аниқ акс эттирилган. Рангни ифодаловчи тушунчалар маданиятини тақдим этиш воситаларидан биридан. Ранг маъноли сўзлар барча тилларда кузатилади. Турли тил эгалари муйайн рангни бир хил кўради. Лекин мазкур ранг орқали ҳосил бўлган ассоциациялар, умумлаштиришлар, ўхшатишлар, метонимик ва образли ифодалар турлича бўлиши мумкин. Бу эса ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий фикрлашидан келиб чиқади. Ушбу мақолада ўзбек ва рус тилларидаги қора ва чёрный сўзларининг маъновий кўламини қиёсий таҳлил

қилишга ва шу биргина сўз орқали тил эгаларининг дунёни билишдаги ўхаш ва фарқли жиҳатларини очишга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** рангнинг лисоний ифодаланиши, қора ранг, концепт, семантик структура, семема, сема, маданиятлараро мулоқот, лакуна, контекст.

**Аннотация.** Современный мир заинтересован в познании феномена цвета, так как с одной стороны нарастает повышенный интерес на цветоопределение и его изучение как предмета, а с другой стороны актуальным вопросом в современной лингвистике являются взаимоотношения языка и культуры, языка и этноса, этимология слов, культура общения, которые находят яркое отражение в языковой картине мира. Концепты, обозначающие цвет, являются одним из средств презентации культуры. Слова, обозначающие цвет, наблюдаются во всех языках. Представители разных языков языков видят определенный цвет одинаково. Но ассоциации, обобщения, аналогии, метонимические и образные выражения, формируемые через этот цвет, могут быть разными. И это связано со спецификой национального мышления каждого народа. В данной статье проведен сравнительный анализ семантики слов кара и черни в узбекском и русском языках, а также предпринята попытка раскрыть сходные и разные аспекты познания мира носителями языка через это единное слово.

**Ключевые слова:** изучение использования цвета, чёрный цвет, концепт, семантическая структура, семема, сема, межкультурологическое общение, лакуна, контекст.

**Кириш.** Инсоннинг кўзи доимий равишда нур ва турли хилдаги рангларга интилиб, талпиниб яшайди. У ўзи яшаётган мухитни ана шу ранглардан фойдаланиб ўзига мослаштиришга интилади. Бу худди кундалик ҳаётимизда кора булутлардан сўнг чиқсан қўёш нурини кўрганда кайфиятни қўтарилишга бўлган интилишга ўхшайди. Шунинг учун ҳам рангларнинг инсон ҳаётига таъсири қадимдан олим ва рассомлар диккатини тортиб келган.

Марказий Осиёда бу борадаги илк фикрлар ўрта асрларга тўғри келади. Жумладан, Султон Али Машҳадийнинг 1514 йилда ёзилган “Ҳаттотлар ва мусавирлар ҳақида рисола”сида айтилишича, ўша давр кўлёзма девонларни безатища кўлланадиган безак нақшлар турли-туман бўлиб ҳар бир девон тузувчининг саҳифаларга ранг ва оро беришида ўзига хос услуги бўлган. Шунингдек, Алишер Навоий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Камолиддин Беҳзод, Фирдавсий, Бобур каби жаҳонга машҳур алломаларимиз рангларнинг турлари, инсон соғлигига таъсири, маънолари ва бошқа хусусиятлари ҳақида жуда кўп илмий тадқиқотлар олиб боргандар. Чунончи, Абу Райхон Беруний ўзининг “Китоб ал Жавоҳир-маърифат ал Жавоҳир” (Минералогия) асарида рангларнинг 200 дан ортиқ номларини санаб ўтган ва бу рангларнинг келиб чиқиши тўғрисида ёзган.

Бугунги кунда эса ранг ва унинг инсон психологиясига таъсирини ўрганиш - эмпирик илм ҳисобланади. Рангни ўрганишнинг бош мақсади руҳият ва рангни ўзаро таъсири, келиб чиқиши, инсон ҳаётида у ёки бу вазиятларда, эмоционал ҳолатларда тутган ўрнини ёритиб беришдан иборатdir.

#### Тадқиқот обьекти ва қўлланилган методлар

Ранг барча жонворларга ҳаттоқи, энг кичик организмларга таъсир қиласи. Ҳайвон ва ҳашоратлар ҳам рангларни ажратиб, уларга маълум бир таъсирлар кўрсатар экан. Масалан, пашибада олиб борилган тажрибада аникланишича, улар кўк рангни ёқтиришмас экан. Бир хонани барча жиҳозларини, деразаларини кўк рангга бўяб, фақатгина бир кичкина деразани бўймай қолдирилибди. Айни пайтда барча пашибалар факат оқ бўйлмаган деразага қўнишибди. Чивинлар эса аксинча, энг хуш кўрган ранги кўк экан. Улар кўпинча кўк кийимдаги инсонларга ҳужум қилишлиги тажрибада исботланган.

Тадқиқот мавзусини ёритишида таснифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал, комплекс ва функционал таҳлил усууларидан фойдаланилган.

#### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Психолог Люшер ҳам рангларни узоқ вақт давомида ўрганиб, уларнинг инсон руҳиятига катта таъсири борлигини тасдиқлаган. Унинг фикрига кўра қизил – асаб тизимиға кучли таъсир кўрсатади, ижодкорликка ундейдиган фаол ранг; яшил – руҳиятни тинчлантирадиган ранг; ҳаворанг, зангори – ранглар ҳам руҳиятни тинчлантириш билан биргаликда тана ҳароратини пасайтириш, қон босимини меъёрга келтириб, оғриқни сусайтириш хусусиятларига эга. Сиёҳ ранг ва бинафша ранг – илохий ҳиссиётлар ва ҳаёлпарастликка мойиллик уйготади, улар асосан диндорлар ёки эртаксевар болаларнинг севимли ранги ҳисобланади. Жигар ранг – асабий ҳолатдаги инсонлар танлайдиган ранг; қора ранг – танқид ва оқ ранг – софлик, мукамаллик ранги.

Немис шоири ва санъатшунос олими И.В.Гёте ҳам рангларнинг киши организмига кўрсатадиган таъсири билан қизиқсан. У “Ранглар ҳақида таълимот” номли асарида илиқ ранглар кишида кайфи чоғлик, совуқ ранглар эса маъюслик туйгусини уйғотиши ҳақида ёзган. Узоқ вақт давомида рангли шишеларга тикилса, улар инсонда турли кайфиятни чақиришини ўз тажрибаларида исботлайди. Ҳар бир рангнинг ўзига яраша алоҳида белгиси, хусусияти мавжуд деб таъкидлаган. Унинг фикрича, хушкайфият уйғотувчи ранглар бу сарик ва қизил. Бу ранглар инсонни шодлантирувчи, фаоллаштирувчи ҳисобланади. Салбий рангларга эса, тўқ кўк, қора рангларни мисол қилишимиз мумкин. Ушбу ранглар инсонни тушкунликка тушурувчи, ёмон хотираларни уйғотувчи хусусиятга эга. Яшил эса нейтрал ранг деб таъкидлаган.

Юкоридаги фикрлардан шуни англаш мумкинки, ранглар ҳақиқатдан ҳам ҳар бир инсон ҳаётининг объектив бир бўлагигина эмас, балки руҳияти, кайфияти ва ҳаттоқи соғлиғига ҳам ўз таъсирини кўрсата оладиган омил эканлигини англаймиз. Шундай экан, ранглар ва уларнинг хусусиятлари масаласига жиддий қараш, ҳар томонлама тадқиқ этиш зарур. Чунки, ранглар ҳакида маълумотга эга бўлиш ва ундан унумли фойдаланиш ҳар қандай жамиятнинг кундалик ҳаётини ижобий томонга ўзгартиришга ёрдам бериши мумкин.

Ўзбек тилидаги қора сўзи ўзбек ҳалқининг энг қадимий сўзларидан саналади. Ушбу сўз энг қадимги ёдгорликларда учрайди: Ancha biliqlär ädgü ol! Qara öpgük yuljarumasqan tidi ödmäj körmäj ürkitiqtir. Ancha biliq [3].

“Девону луготит турк” асарида ҳам “қора” сўзи ранг ифодаловчи сўз сифатида кўп қўлланади:

*Qara tüning kechürsädim*

*Agir üni uchursdim,*

*Jetikanig qachursadim,*

*Saqish ichrä künüm tug'di* [2]

Мазмуни: Коронги кечанинг ўтишини истадим. Оғир уйқуни қочиришни истадим, бир неча марта Етти кароқчи юлдузининг айланишини санадим. Санамоқда эдим, кундуз қуёши порлаб чиқди.

Қора туркий сўз бўлиб, у нафақат рангни, балки “кучли” деган маънони ҳам англатган. Масалан, Қорахонийлар давлатининг олий хокими “қора хоқон” ёки “корахон” деган унвонга эга эди ва сулоласининг номи ҳам шундан келиб чиқсан. Кичик Осиёдаги салжуқийларнинг хокимларидан бири тарихда Қораарслон деб аталган. Демак, “қора” компоненти куч-кудрат маъносида ҳам қўлланган. Айни пайтда қора сўзининг бу каби маъноси мавжуд эмас.

Ўзбек ва рус тилидаги қора ва чёрный сўзларibelги ва предметга оид маъноларни ифодалайди. Қора ва чёрный сўзларининг семантик структураси таҳлилида уч хил ҳолатни кўриш мумкин: икки тилда ҳам мавжуд бўлган бир хил маънолар; факат ўзбек тилида мавжуд бўлиб рус тилида бўлмаган маънолар; факат рус тилида мавжуд бўлиб, ўзбек тилида бўлмаган маънолар.

I. Белгининг ифодаланиши.

1. Кўумир ранги. Ҳар икки тилда қора ва чёрный сўзлари ҳам бош маъносида кўумир тусидағи рангни ифодалайди: қора қозон, қора кўз, қора сиёҳ. Oқ им, қора им – бари бир им. (мақол). Черный дым. Черная краска. *Черные ленты. Большой, черный, как головня, ворон тяжело ходил по снегу.* [4]. Мазкур маъно ҳар икки тилда ҳам айнандир.

2. Қора тусиға мойил тўқ ранг. Ўзбек тилида ҳам рус тилида ҳам қора ва чёрныйсўзлари “қора тусиға мойил тўқ рангли, қорамтир” маъносини ифодалайди: қора нон, қора гилос, қора танлилар, чёрный хлеб, чёрная кожа. *Лаганлар бўшаёзганда, эшикдан серсавлат бир қора одам кириб келди. Михайлевич ел, как акула, раздирая руками мясо и с треском перегрызая кости своими крепкими черными зубами* [4].

3. Нурсиз, коронги. Ўзбек ва рус тилларида қора ва чёрныйсўзларининг “нурсиз, коронги” маъноси ҳам бор бўлиб, у қоронги тун, қоронги ўрмон, чёрная ночькаби контекстларда реаллашади. Кечанинг тим қорангисида юлдузлар ёрқин ёнади. [5]. На дворе стояла совершенно черная, непроницаемая ночь. [6]. (Куприн, Поединок).

4. Ўқимаган, саводсиз, авом. Ушбу маъно ҳар икки тилда ҳам бирдек қора ва чёрныйлексемалари орқали ифодаланади. Бу маъно кўпроқ ҳалқка нисбатан ишлатилади. Оғайни, мен қора одамман. Заргар Ёдгорбек бошимни айлантирган экан. [2]. Был встречен не только черным народом, но духовенством и купечеством. [4]. Рус тилидаги мазкур маъно эскирган маъно сифатида талқин қилинади.

5. Ишлов берилмаган. Мазкур маъно ҳам ҳар икки тилда қора ва чёрный лексемаларининг семантик структурасида учрайди. Ўзбек тилида ушбу маъно оқланмаган деворга нисбатан (қора шувоқ, қора хужра) ва хомаки нусхага нисбатан ҳам қўлланади (қорага ёзиб, оққа кўчираман). *Кора уй, Долоннинг ўнг тарафидаги кичик қора хужрада Полвоннинг ота-онаси ва боболари умр кечирган.* [5].

Оғир, машаққатли (ишга нисбатан). Қора лексемаси ҳар икки тилда ҳам ишга нисбатан “максус малака, хунар талаб қилмайдиган оғир, машаққатли” маъносини ифодалайди: қора иш, қора меҳнат, чёрная работа, қора ишчи. Ўқув ҳақи жамғарии учун ҳар қандай оғир меҳнатдан ҳазар қўлмадим. [3]. *Бабушка разжаловала ее --- в дворовые девки, потом обрекла на черную работу, мыть посуду, белье, полы.* [6].

6. Машаққатли азоб-уқубатли, оғир. Қора тер, қора кунлар, чёрные дни. Низомжон... қора терга ботиб, буғдои ўрди. [4]. Полная неудача во всем, нагоняя черную тоску на его душу, заставляет думать перед гробом женщины: и из-за чего это я была целый век? [3].

Бу маъно ҳар икки тилда мавжуд бўлса ҳам, рус тилида вактга нисбатан қўллаш кўп кузатилади. Масалан, ушбу тилда ўзбек тилидаги каби қора кунлар деб қўллаш билан бирга, қора ой, қора йил сифатида қўллаш мавжуд. — Черный год придет, чем станем платить? *Черные месяцы Женькиной жизни, когда он вдруг прослыл лодырем и выпивохой, понемножку забывались.* [3].

7. Салбий белги, салбий белгига эгалик, ноҳуш, кўнгилсиз, ёмон. Бу маъно ҳам таҳлил қилинаётган ҳар иккала тилда учрайди. Қорарўйхат, қора хабар, чёрная списка. Чиндан ҳам мактубнинг мунда кўчирилган жумласи, ўйлаб қараганда ҳеч қандай қувончга йўл қўймаслик даражада қора маъноли эди. [2]. Повесть имеет направление чисто поэтическое, идеальное, не касающееся ни одной из так называемых черных сторон жизни. [5].

**\* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \***

**\* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \***

8. Жуда ҳам ёмон, разил, қабиқ, ёвуз, жиноий. Бу маъно ҳам ўзбек ва рус тилларида мавжуд. Қора ният, чёрная зависть, чёрная измена. *Фуод афанди танчурушлар гумаштаси бўлиб, қаро умрини қора ишлар билан ўтказган бир маҳлуқ эди.* [2].

— Это — убийца, — говорят нам, и нам тотчас кажется спрятанный кинжал, зверское выражение, черные замыслы. [3]. Бу маъно факат рус тилида мавжуд бўлиб, ўзбек тилида кора лексемасининг бунга муқобил маъноси мавжуд эмас. Бу маъно рус тилида ҳам сўзлашув нуткида учрайди. *Фрау Ротберх рассматривала черное белье, не вымытое после смерти Шонинга.* [4].

11. Жодугарлик, сехгарлик, ёвуз руҳлар билан боғлиқ белги. Бу маъно факат рус тилида мавжуд. — Ведь недаром тебя у нас колдуном люди прозвали. Ты же по книгам учился и всякую черную грамоту знаешь! [4].

12. Хизмат ва майший эҳтиёжлар учун мўлжалланган. Бу маъно факат рус тилида мавжуд бўлиб, кора лексемасининг бу каби маъноси ўзбек тилида мавжад эмас. Ушбу маънода “яширин” сема ҳам мавжуд бўлади. Черный ход, черная лестница. *Наташа сошла с черного крыльца на заросший двор, обстроенный бревенчатыми службами.* [5].

13. Расмийёки қонуний бўлмаган. Қора бозор, чёрная биржа, чёрная касса. *Қора бозорда тиллонинг нархи туши бошлиди.* Ўзбек тилидаги қора бозор каби контексларда реаллашувчи “норасмий, ноқонуний” маъно рус тили таъсирида шаклланган.

Ўзбек ва рус тилларида қора ва чёрный кўп маъноли сўзлари англатган маънолар

№	Маънолари	Ўзбек тилида	Рус тилида	“Ранг” орқали шаклланган маънолар	“Салбий-лик” орқали шаклланган маънолар	“Яширин” сема орқали шаклланган маънолар
1	Қора турага мойил тўқ ранг	қора гилос	чёрная кожса	+		
2	Нурсиз, коронги	қоронги ўрмон,	чёрная ночь	+		
3	Ўқимаган, саводсиз, авом	қора ҳалқ	черный народ		+	
4	Ишлов берилмаган	қора шувоқ	чёрная гайка	+		
5	Оғир, мاشаққатли (ишга нисбатан)	қора меҳнат	чёрная работа		+	
6	Машаққатли азоб-уқубатли, оғир	қора қунлар	чёрный год		+	
7	Салбий белгига эгалик, ноҳуш, қўнгилсиз, ёмон	қора хабар	чёрная сторона		+	
8	Жуда ҳам ёмон, разил, қабиқ, ёвуз, жиноий	қора ният	черная зависть		+	
9	Ифлосланган, кирланган		черное белье	+		
10	Жодугарлик, сехгарлик, ёвуз руҳлар билан боғлиқ белги		черная грамота			+
11	Хизмат ва майший эҳтиёжлар учун мўлжалланган		черный ход			+
12	Шахматда окча зид доналар ва шу доналар билан ўйновчи томон	қора фил	чёрная пешка	+		
13	Оқ бўлмаган, одми кийим ёки мато.	қора киймоқ		+		
14	Тунда, туманда ёки узоқдан гира-шира кўринган шарпа, кўланка.	қораси кўринмоқ		+		
15	Мўлжалга олинадиган ёки олинган нарса, нишон, мўлжал.	қорага урмоқ		+		
16	Норасмий, ноқонуний	қора бозор	чёрный рынок			+

Юкоридагиларни таҳлили шуни кўрсатадики, рус тилидаги чёрный лексемаси 13 та белгини ифодаловчи маънога эга. Лексеманинг семантик структурасида бош маънодаги кўмирни ифодаловчи ва яна 12 та белги ифодаловчи ҳосила маънолар мавжуд. Ўзбек тилида эса қора лексемаси ёрдамида жами 11 та маъно белги ифодаланади. Улардан кўмир рангини билдирувчи бош маъно ва 10 таси ҳосила маънолардир. Рус тилида чёрный лексемасининг ўзбек тилида мавжуд бўлмаган “ифлосланган, кирланган”, “хизмат ва майший эҳтиёжлар учун мўлжалланган”, “жодугарликка хос” каби маънолари мавжуд. Ушбу маънолар маданиятлараро мулокотда лакуналарни ҳосил қилиши мумкин. Агар ўзбек тили эгаларига қўйидаги гап сўзма-сўз таржима қилинганда умуман ўзгача мазмун чиқиши мумкин: *Ну, представь же себе, я заходил к Татьяне Павловне ровнёшенько в половину четвёртого, минута в минуту, и она встретила меня в кухне: я ведь почти всегда к ней хожу через чёрный ход.*

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Тасаввур қилинг, мен Татяна Павловнанинг олдига соат уч яримларда, дақиқама-дақиқакирдим, у мени оишхонада учратди: мен деярли ҳар доим унинг ёнига қора эшикдан бораман. Аслида эса, бу ўринда орқа эшик ва роппа-роса бирликлари кўлланиши лозим.

II. Қора ва чёрный лексемаси билан предметнинг ифодаланиши.

1. Шахматда оқка зид қора доналар ва шу доналар билан ўйновчи томон. Бу маъно ҳар икки тилда ҳам бирдек мавжуд. Қора билан ўйнамок. Қоралар ютди. Чёрная ладья. Чёрныйкорол.

2. Мотам белгиси бўлган одми кийим ёки мато. Бу маъно фақат ўзбек тилида мавжуд. Қора киймок. Байроқларга қора тутмок. Қора кийиб ҳали йиглаб юргандир, Бизларни “ўлди” деб мотам қилгандир. [2].

3. Тунда, туманда ёки узоқдан гира-шира кўринган шарпа, кўланка. Бу маъно ҳам фақат ўзбек тилида мавжуд бўлиб, рус тилида учрамайди. Узоқдан бир кишининг қораси кўринди. Машинанинг қораси кўринмай кетди. Қалъа устидагиларнинг қораси гойиб бўлгунча, Анвар қараб турди. [3].

4. Мўлжалга олинадиган ёки олинган нарса, нишон, мўлжал. Бу маъно фақат ўзбек тилида мавжуд. Қорага олмоқ. Қора олиб... Бир нарсани белги мўлжал қилиб, ўша белги мўлжал асосида. Улар эрталаб ўтган қўй сурувларнинг изини қора олиб... тепаликлар оша юришади. [2].

5. Нотўғри, ёмон, ноҳақ иш. Бу маъно фақат ўзбек тилида мавжуд. Ўғлим, сен бир қадар оқ билан қорани ажратса оласан, ёзганиларимни дикқат билан ўқи. [5].

6. Кишини уятга қодирадиган, шарманда қиласидиган иш, нарса, хатти – харакат, доф. Бу маъно фақат ўзбек тилида мавжуд. Яхшига қора юқмас, ёмонга эл боқмас (мақол). Гулнор энди тап тортмади. Соғ номусига отилган қорани бутунлай юваб ташлашига жазм қилди. [3].

7. Номига, шанига доғтушган, айбли киши: айбор, гуноҳкор. Бу иши бизнинг звенодагилардан биронтаси қилганилиги аниқ эди. Қарасам бутун звено қора бўладиган, мен бўйнимга ола қолдим. [3]. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, чёрный сўзида белгидан шаклланган предметни номлаш кучли эмас. Бу каби метонимик кўчимлар орқали рус тилида фақат қора рангта эга бўлган шахмат доналари номланмоқда. Ўзбек тилади эса қора лексемасининг б та метонимия асосида шаклланган маънолари предметга кўчган.

Эътибор қилинса, қора ва чёрный лексемаларининг ҳар икки тилдаги маъно тараққиётида уч хил умумлаштириш кўзга ташланади. Биринчиси, ҳосила маънолар бош маъно ифодалаётган ранг орқали шаклланган бўлса, иккincinnи маъно тараққиёти “қора” лексемасининг “салбий” коннотатив маъноси орқали ривожланган. Учинчиси эса “яширин” семали маънолар бўлиб, у ҳам дастлаб ранг орқали шаклланган.

**Хулоса.** Ранг, ранг гармонияси ва ундан самарали фойдаланиш инсон фаолиятида бекиёс роль ўйнайверади. Чунки инсонга табиат инъом этган борлиқни идрок этишда кўриш, рангларнинг хилма-хил “симфония”си инсонларда энг гўзал туйғу, хислар уйғотади. Ранг муҳитини тўғри ташкил қилинганда, у киши ҳаётини асосий безовчиси сифатида катнашади. Ўзбек ва рус лингвомаданиятини қора ва чёрный лексемалари орқали солишитирар эканмиз, бу икки халқнинг шу ранг орқали оламни идрок этишда фарқли ва ўхшаш томонлар борлигини, бирининг иккincinnисига таъсири борлигини гувоҳи бўлдик. Бу эса эса оламни рангли кўришда умуминсоний ва миллий тафаккурнинг ўзига хослиги билан изоҳланади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Капнина Г.И. Концепт “цвет” в языковой картине мира. — Москва, 2016.— № 1. — С. 20–23.
2. Махмуд Кошгари. Девону lug’atul turk. — Тошкент, 1962. З томлик. З-том.162 б.
3. Махмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўzlарининг изоҳли лугати. — Тошкент: Akademnashr, 2014. — 288 б.
4. Миртохиров М. Ўзбек тили семасиологияси. — Тошкент: Mumtoz so‘z, 2010. — 287 б.
5. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. — Тошкент: Mumtoz сўз, 2011. — Б. 80. — 320 б.
6. Толковый словарь русского языка / Под ред. Д.Н. Ушакова. — М.: Гос. ин-т "Сов. энцикл."; ОГИЗ; Гос. изд-во иностр. и нац. слов., 1935-1940. (4 т.).
7. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдлик. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. —102 б.
8. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. — Тошкент: Ўқитувчи, 1974. — 308 б.

### References:

1. Kapnina G. I. The concept of "color" in the linguistic picture of the world. - Moscow, 2016. - No. 1. - p. 20-23.
2. Mamud Koshgariy. Devonu lug’atul turk. - Toshkent, 1962. 3 volume. 3-vol. 162 b.
3. Mamudov N., Odilov E. So’z m’ano tarakkiyotida ziddiyat. O’zbek tili enantiosemiotik so’zlaring izoxli lugati. - Toshkent: Akademnashr, 2014. - 288 b.
4. Mirtozhiev M. O’zbek tili semasiologiyasi. - Toshkent: Mumtoz so’z, 2010 — - 287 b.
5. Sirozhiddinov Sh., Odilova G. Badiy tarjima asoslari. - Toshkent: Mumtoz so’z, 2011. - B. 80 – - 320 b.
6. Explanatory dictionary of the Russian language / Ed. by D. N. Ushakov. - M.: State in-t " Sov. encikl."; OGIZ; State Publishing house in Foreign languages. and nat. words., 1935-1940. (4 tons).
7. O’zbek tilining izohli lugati. 5 jildlik. 5-cell - Toshkent: O’zbekiston milliy enciclopediasi, 2008. —592 b.
8. Kozhiev A. O’zbek tili synonymarining izohli lugati. - Toshkent: O’qituvchi, 1974 .- 308 b.

### Муаллиф:

**Собирова Башорат Баходировна** - Гулистон давлат университети, Рус тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси.

Suvanov Ilhom Abdixalilovich

Respublika Ma’naviyat va ma’rifat markazi huzuridagi Ijtimoiy-ma’naviy tadqiqotlar instituti. 100022.Toshkent shahri,  
Yakkasaroy tumani, Bobur ko’chasi, 9-uy  
E-mail: i-suvanov2021@gmail.com

**Abstract.** In today's era of rapid globalization, the threats against spirituality serve to attack the roots of our national values, which are directly related to the religion of Islam, which is mixed with ancient universal ideas. This article provides analytical comments about information wars, which are already very common in the field of politics, economy and culture, and their definition, types, and methods and means of combating them.

**Key words:** globalization process, ideological threat, ideological tools, information society, information threat, computer crime, confidential information, information wars.

**Annotatsiya.** Bugungi globallashuv jarayonlari shiddat bilan kechayotgan bir davrda ma’naviyatga qarshi qaratilgan xavf-xatarlar azaliy umuminsoniy g’oyalar bilan yo‘g’rilgan islom dini bilan bevosita bog‘liq milliy qadriyatlarimizning ildiziga ham bolta urishga xizmat qilmoqda. Mazkur maqolada globallashuv jarayonida yuzaga kelayotgan allaqachon siyosat, iqtisodiyot va madaniyat sohasida juda keng tarqalgan axborot urushlari, uning ta’rifi, turlari hamda unga qarshi turishi mumkin bo‘lgan kurash usullar va vositalari haqida tahliliy mulohazalar berilgan.

**Kalit so‘zlar:** globallashuv jarayoni, mafkuraviy tahdid, mafkuraviy vositalar, axborot jamiyat, axborot tahdidi, kompyuter jinoyatchiligi, konfedensial ma’lumotlar, axborot urushlari.

**Аннотация.** В нынешнюю эпоху стремительной глобализации угрозы духовности служат для атаки на корни наших национальных ценностей, которые напрямую связаны с религией ислама, смешанной с древними универсальными идеями. В данной статье даны аналитические комментарии об информационных войнах, которые уже очень распространены в сфере политики, экономики и культуры, и их определении, видах, а также методах и средствах борьбы с ними.

**Ключевые слова:** процесс глобализации, идеологическая угроза, идеологические инструменты, информационное общество, информационная угроза, компьютерная преступность, конфиденциальная информация, информационные войны.

**Kirish.** Jahonda vujudga kelgan murakkab vaziyat tufayli hozirgi davrning mafkuraviy tahdidlari tuzilishi yanada kengayib ketdi. Zamonaviy mafkuraviy tahdid omili siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy va ma’naviy sohalarni ya’ni, insoniyat jamiyatini hamda hayotining barcha sohalarini qamrab olgan. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev: “Dunyo shiddat bilan o’zgarib, barqarorlik va xalqlarning mustahkam rivojlanishiga rahna soladigan turli yangi tahdid va xavflar paydo bo‘layotgan bugungi kunda ma’naviyat va ma’rifatga, aholi barcha qatlamlarining axloqiy tarbiyasiga e’tibor qaratish har qachongidan ham muhim ahamiyat kasb etmoqda [1]” – deya bejiz ta’kidlamayapti.

Biz istaymizmi-yo‘qmi, bugun dunyo taraqqiyoti shu darajaga yetdiki, endi mafkuraviy kurash, ma’naviy salohiyat yetakchi o’ringa chiqadi. Endi quroq-yarog‘lar emas, mafkurasi, milliy g’oyasi kuchli bo‘lgan yengib chiqadi. Mafkuraviy kurash bir jamiyat, mamlakat ichida ham, xalqaro va davlatlararo miqyosda ham davom etmoqda.

Jamiyatning tinchligiga va xafsizligiga rahna soladigan barcha xatti-harakatlar, ma’naviy, mafkuraviy tahdidlar, qo‘poruvchiliklar, buzg‘unchiliklar, ularning barchasi fasod ishlar sanaladi. Zero, Alloh taolo Baqara surasining 205-oyatida “Va burilib ketganda, yer yuzida fasod uchun hamda ekin va nasli halok qilish uchun harakat etadi. Va holbulki, Alloh fasodni xush ko‘rmas[12]”, – deb marhamat qiladi. Hozirgi vaqtida mafkuraviy vositalar orqali o‘z ta’sir doirasini kengaytirishga intilayotgan siyosiy kuchlar va harakatlar tobora keskinlashib bormoqda. Muayyan millat, jamiyat, davlatning tinchligi va barqarorligiga qarshi qaratilgan, siyosiy va konstitutsion tizimni zaiflashtirish va buzishga yo‘naltirilgan, fuqaro va jamiyat xavfsizligiga tahdid soluvchi mafkuraviy tajovuzlar keskinlashmoqda.

Bunday tajovuzga qo‘l urayotgan yovuz kuchlar o‘z jirkanch maqsadlariga erishish uchun har qanday usullardan, odamlarning diniy, milliy hissiyotlari, hayotda mavjud bo‘lgan ijtimoiy-iqtisodiy qiyinchiliklaridan, shuningdek, zamonaviy texnika, telekommunikatsiya vositalaridan ustalik bilan foydalanishga harakat qiladilar. Bugungi kunda ularning aholining ma’lum bir qatlamlari, ayniqsa, yoshlarning qalbi va ongini o‘zlariga ma’qul bo‘lgan g’oya bilan egallashlari ya’ni buzg‘unchi g’oyalar, diniy ekstremizm, axloqsizlik g’oyalarini singdirish kabi g‘arazli maqsadlari xalqqa ayon bo‘lib bormoqda.

#### Tadqiqot ob’ekti va qo’llanilgan metodlar

O’zbekiston Respublikasining Birinchi prezidenti Islom Karimovning va O’zbekiston Respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyevning chiqishlarida va asarlarida ma’naviy tahdidlar, unga qarshi kurashish zaruriyati, bu boradagi

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

vazifalar va axborot xavfsizligida milliy xavfsizlik masalalari, yoshlar orasida axborot madaniyatini shakillantirish, axborot olish erkinligini ta'minlash, axborot xavfsizligini ta'minlash masalalari keng tahlil qilingan. Ushbu O'zbekiston mustaqilligiga havf solayotgan ma'naviy tahidilar va axborot sohasida milliy xavfsizlik masalalari S.Otamurtovning "Globallashuv va milliy-ma'naviy havfsizlik", Sh.Umarov va F.Mulaydinovlarning "Axborot xavfsizligi", M.Quronovning "Milliy tarbiya", M.Lafasovning "Diniy ekstremizm: tarixi va mohiyati", X.Jumaniyozov, M.Sobirovlarning "Globallashuv asoslari", I.Karimov va N.Turgunovlarning "Axborot xavfsizligi asoslari" asarlarda yoritib berilgan[10].

### Olingen natijalar va ularning tahlili

"Tahdid" deganda inson hayotiy faoliyati, umuman, yashashini chigallashtiruvchi hamda aniq tarixiy davr davomida aniq maqsad uchun yo'naltirilgan ijtimoiy strukturani, to'g'riroq'i, davlatning siyosiy asosini zaiflashtiruvchi, qolaversa, yemirishga qaratilgan mahalliy, hududiy, mintaqaviy va niroyat, umumsayyoraviy salbiy omillarning "kirib kelishi" tufayli yuz beruvchi makon va zamonda muayyan salbiy siyosiy ijtimoiy va tarixiy vaziyatni tushunish lozim[7].

"Tahdid" fenomeni, uning siyosiy jihatlari sayyoramizning turli mamlakatlarida ijod qilayotgan zamondosh tahlilchilar hamda siyosiy va jamoat arboblarining e'tiborini ham o'ziga tortib kelmoqda. Shu jumladan, Reyshauer, Nibur, Xantington, Kissinjer (AQSH), Toynbi (Angliya), Turen (Fransiya), Moiseyev (Rossiya), qolaversa "Rim klub" va Paguosh tinchlik harakati kabi ilmiy-amaliy muassasalar rahbarlari va fidoiylari faoliyatini misol tariqasida keltirish mumkin [7].

"Tahdid" tushunchasi to'la ma'noda siyosiy leksikonga I.Karimov tomonidan 1994-yil 22-sentabrda so'zlagan nutqida birinchi bor kiritildi. Shunday ekan, mamlakatimizda "Tahdid" va uni barataf qilishning ilmiy va amaliy asoslarini ochib berish, ularga chuqur tahlil berish bevosita Islom Karimov nomi bilan bog'langan.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida: "Ma'naviy tahdid deganda, avvalo, tili, dini, e'tiqodidan qat'i nazar, har qaysi odamning tom ma'nodagi erkin inson bo'lib yashashiga qarshi qaratilgan, uning aynan ruhiy dunyosini izdan chiqarish maqsadini ko'zda tutadigan mafkuraviy, g'oyaviy va informatsion xurujlarni nazarda tutish lozim." [4] deb ta'rif beriladi.

Darhaqiqat, bugungi globallashuv jarayonlari shiddat bilan kechayotgan bir davrda ma'naviyatga qarshi qaratilgan bunday mudhish xavf-xatarlar azaliv umuminsoniy g'oyalar bilan yo'g'rilgan islam dini bilan bevosita bog'liq milliy qadriyatlarimizning ildiziga ham bolta urishga xizmat qilmoqda. "Binobarin, ma'naviyatga qarshi qaratilgan har qanday tahdid o'z-o'zidan mamlakat xavfsizligini, uning milliy manfaatlarini, sog'lom avlod kelajagini ta'minlash yo'lidagi jiddiy xatarlardan biriga aylanishi va oxir oqibatda jamiyatni inqirozga olib kelishi mumkin" [8].

Tahidlar turli-tuman: ichki va tashqi, katta va kichik, makon nuqtai nazaridan esa, uzoq va yaqin bo'lishi mumkin. Qanday bo'lishidan qat'i nazar ularga nisbatan bamaylixotirlilikka yo'l qo'yish yoki ularni "saralash" bilan ovora bo'lib vaqtini boy berish hollari uchrab turadi. XXI asr voqealari shundan guvohlik berib turibdiki, tahidlarni toifalashda ularni shartli ravishda iqtisodiy, sotsial, siyosiy, ekologik, demografik, mafkuraviy, harbiy, tabiiy-iqlimiylar va ma'naviy tahidlargara ajratib ko'rish va tahlil etish mumkin [2].

Mafkuraviy tahdid — ijtimoiy-siyosiy harakat, oqim yoki siyosiy kuch o'z manfaatini ifodalovchi mafkurasini qo'rquvuv, zo'rlik yo'li bilan boshqalarga tirishtirish. Mafkuraviy tahdid jamiyat, davlat yoki xalq, millat yoki elat taqdiriga xavf solib turgan, fojeali oqibatlarga olib kelishi mumkin bo'lgan mafkuraviy xavf-xatarlar majmuasi [5].

Ayni paytda mafkuraviy tahdid orqali ko'zlangan maqsadlarga erishishda ma'naviyat omilidan asosiy mexanizm sifatida foydalilanmoqda. Mazkur holat mafkuraviy tahidlargaga qarshi kurashning samaradorligini oshirish uchun ko'plab nazariy muammolarni hal qilishni ham niroyatda dolzarb vazifa qilib qo'ymoqda.

Xususan, "mafkuraviy tahdid" tushunchasini hozirgi davr talablaridan kelib chiqib, ilmiy jihatdan yanada chuqurroq anglash zarurligi muhim bo'lib turibdi. Mafkuraviy tahdid o'z mohiyatidan kelib chiqib, eng avvalo, inson ongiga, tafakkuri va xulq-atvoriga xavf-xatar solmoqda. Inson ongi va qalbini vayronkor va buzg'unchi g'oyalar bilan izdan chiqarishga harakat qilish mafkuraviy tahidning eng asosiy mazmun-mohiyatini belgilaydi. Mafkuraviy tahdid muayyan jamiyat a'zolarini yagona maqsad va muddaolardan chalg'itib, milliy mentalitetga mos kelmaydigan begona g'oyalar, fikrlar, maqsadlar va qarashlarni chetdan turib eksport qilish jarayonida o'zini yanada aniqroq namoyon qiladi.

Mafkuraviy tahidning o'ta xavfli jihat shundan iboratki, u birinchi navbatda, jamiyatning ma'naviy sohasini barbos etishga yo'naltirilgan. Chunki aynan ma'naviy soha har qanday jamiyatning mavjudligini, yashovchanligini ta'minlaydigan asosiy o'zagi hisoblanadi.

Bugun mafkuraviy tahidlarning turli xil usul va vositalari ishlab chiqilmoqda. Kishi hayoliga kelmaydigan oddiy gugurt qutisidan tortib, ustimizdagи kiyimlar, oziq-ovqat mahsulotlari, kinofilmarning har birida muayyan tarzda katta yoki kichik bo'lsa-da, mafkuraviy tahdid mavjud.

Bugungi kunda axborot tahdidi madaniy-mafkuraviy tazyiqning eng xavfli quollaridan biriga aylangan. Axborot tahdidi – ma'naviy tahidlarning asosiy shakli. Axborot tahdidi - deganda yolg'on-uydirmalar to'qib chiqarish, ularni ommaviy axborot vositalari orqali tarqatish natijasida salbiy ijtimoiy fikrni shakllantirish tushuniladi. Hozirgi kunda turli siyosiy kuchlar axborot uydirmalari yordamida o'zlarining aniq ko'zlangan maqsadlariga intilmoqdalar. Shu sababli o'z kelajagini o'yagan har bir inson, xalq ommaviy axborot vositalari orqali uzatilayotgan xabarlarni tekshirib, hayot bilan taqqoslab, shundan keyingina qabul qilishi zarur. Bugun «kim axborotga egalik qilsa, o'sha dunyoga egalik qiladi», degan qoida amal qilmoqda [11]. Bu qoidaning amaldagi isbotini biz bugungi kundagi jahoning ko'zga ko'ringan ommaviy axborot vositalari faoliyatida ko'rishimiz mumkin.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

Zamonaviy axborot texnologiyalarining taraqqiyoti sanoat shpionaji, kompyuter jinoyatchiligi, konfedensial ma'lumotlarga ruxsatsiz kirish, o'zgartirish, yo'qotish kabi salbiy hodisalar bilan birgalikda kuzatilmoqda. Shuning uchun axborotni muhofaza qilish har qanday mamlakatda muhim davlat vazifasi hisoblanadi.

Har qanday axborot, agar u bilan qonunga xilof ravishda muomalada bo'lish axborot mulkdori, egasi, axborotdan foydalanuvchi va boshqa shaxsga zarar yetkazishi mumkin bo'lsa, muhofaza etilmog'i kerak.

Axborotni muhofaza etish:

shaxs, jamiyat va davlatning axborot sohasidagi xavfsizligiga tahdidlarning oldini olish;

axborotning maxfiyligini ta'minlash, tarqalishi, o'g'irlanishi, yo'qotilishining oldini olish;

axborotning buzib talqin etilishi va soxtalashtirishining oldini olish maqsadida amalga oshiriladi[3].

Axborot jamiyatining tahdidlari orasida juda o'zgacha o'rinni axborot urushi bilan band bo'lib, ularning usullari va vositalari allaqachon nazariy-amaliy jihatlarda juda yaxshi rivojlangan. Axborot urushlari allaqachon siyosat, iqtisodiyot va madaniyat sohasida juda keng tarqalgan va samarali to'qnashuv usulidir. Kelajakda axborot jamiyatining vositalari va institutlari rivojlanishi bilan axborot urushlari mahalliy miqyosda ham, global miqyosda ham yanada keng tarqalib borishini taxmin qilish mumkin.

Axborot urushi odamlarning ongi va qalbi uchun kurashadi, kompyuter texnologiyalarining barcha kuchi bilan, bu faqat vosita. Va maqsad – maxsus tayyorlangan ma'lumotlarni tarqatish orqali ma'lum bir kuchga ega bo'lish uchun odamlar ongini boshqarish. Vaqt o'tishi bilan tinglovchilar bilan shaxsiy aloqa va muloqotning alohida ahamiyati haqida tushuncha paydo bo'ladi. Axborot to'qnashuvida bir-birini quvvatlovchi turli muloqot tizimlarining integratsiyalashuviga asoslangan yangi texnologiyalar paydo bo'lmoqda.

Axborot jamiyatida insonni kutayotgan va u bilan bugun yuzlasha boshlagan yangi muammolar, tahdid va xavf-xatarlar sifatida quyidagilarni aytib o'tishimiz mumkin: Axborot tengsizligi. Ong manipulyatsiyasi. Jamiyatni virtualizatsiya qilish. Kiber kasalliklar. Axborot jinoyati. Axborot ekstremizmi. Axborot terrorizmi. Ma'lumot uchun jang.

Zamonaviy jamiyatning faol axborot taraqqiyoti, uning har bir sohasi avariya holatida, turli kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish orqali sodir bo'ladi. Axborotlar o'zaro ta'siri va to'qnashuv sohasi siyosiy, ijtimoiy-madaniy, kognitiv jihatdan belgilab qo'yilgan. Axborot makonining ko'p o'lchamlligi, ko'p paradigmasi, raqobatdoshligi har qanday axborot oqimini axborot urushiga aylantirish potensialini o'z ichiga oladi. Axborot oqimida xavfli ijtimoiy-madaniy ta'sir algoritmlarini aniqlash hamda axborot urushlarini olib borish usullari va shakllariga aniqlik kiritish yo'llari hozirgi zamon axborot jamiyatining dolzarb vazifasidir[9].

Jamiyatning axborot borasidagi xavfsizligiga quyidagi yo'llar bilan erishiladi: demokratik fuqarolik jamiyatni asoslari rivojlantirishini, ommaviy axborot erkinligini ta'minlash; qonunga xilof ravishda ijtimoiy ongga axborot vositasida ruhiy ta'sir ko'rsatishga, uni chalg'itishga yo'l qo'ymaslik; jamiyatning ma'naviy, madaniy va tarixiy boyliklarini, mamlakatning ilmiy va ilmiy-teknikaviy salohiyatini asrash hamda rivojlantirish; milliy o'zlikni anglashni izdan chiqarishga, jamiyatni tarixiy va milliy an'analar hamda urf-odatlardan uzoqlashtirishga, ijtimoiy-siyosiy vaziyatni beqarorlashtirishga, millatlararo va konfessiyalararo totuvlikni buzishga qaratilgan axborot ekspansiyasiga qarshi harakat tizimini barpo etish[3].

**Xulosa.** Bugungi globallashuv jarayoni kimki axborotga egalik qilsa, o'sha dunyoga hukmronlik qiladi, degan fikr bejizga aytilmaganligini tasdiqladi. Darhaqiqat, hozir dunyoning bir qancha davlatlarida yadro quroli ishlab chiqarish bo'yicha harakatlar davom etayotgan bo'lsa, bir qator mamlakatlarda esa axborot xurujlarini uyuştirish ustida ish olib borilmoqda. Ayniqsa, ma'naviy tahdid va yoshlarni ongini egallashga qaratilgan axborot xurujlari kun sayin avj olmoqda. Ba'zi bir g'arazli kuchlar tomonidan bu borada turli usul va uslublardan foydalanib kelinmoqda. Axborot xurujlarining yolg'on axborot tarqatish, ijtimoiy ongni manipulyatsiya qilish, milliy-ma'naviy qadriyatlarni yemirish, mentalitetga mutlaqo yot bo'lgan qadriyatlarni targ'ib etish, xalqning tarixiy xotirasini buzish va o'zgartirish, kiberterrorizm kabi turlari keng tarqalmoqda[6].

Axborot kurashi avj organ XXI asrda yoshlarni mafkuraviy xurujlardan himoya etishda ma'naviy-marifiy targ'ibot ishlarining ta'sirchanligini oshirish, hayotimizda sodir bo'layotgan ijobjiy o'zgarishlar haqidagi chuqur tahliliy ma'lumotlarni yosh avlodga yetkazish, ularning ijtimoiy faolligini kuchaytirish har qachongidan ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Shunday qilib, axborot jamiyatni sanoat jamiyatiga qaraganda halokatli axborot ta'sirlariga sezilarli darajada ko'proq duchor bo'lishi ehtimoli bor. Va biz buni bartaraf etish uchun istiqbolda oldindan tayyorgarlik ko'rishimiz kerak.

### Adabiyotlar ro'yxati:

1. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O'zbekiston strategiyasi. – Toshkent: O'zbekiston, 2021. – 464 b.
2. Ashurova G. Mafkuraviy tahdid: endi himoyalanmaymiz, balki qarshi kurashamiz. <https://sogлом.uz/archives/>
3. Axborot erkinligi prinsiplari va kafolatlari to'g'risida O'zbekiston Respublikasining qonuni. <https://lex.uz/acts-52268>
4. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: "Ma'naviyat", 2008. – 174 b.
5. Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. –Toshkent, 2000. – 180 b.
6. O'sarov O. Mafkuraviy tahdidlarga qarshi kurashish unda ommaviy axborot vositalarining o'rni muhim ahamiyat kasb etmog'i lozim// Milliy tiklanish gazetasi, 26-iyun 2013-yil.
7. Paxrudinov.SH.«Tahdid» tushunchasi: nazariya va amaliyat. T.: Abu Ali ibn Sino nomidagi tibbiyot nashriyoti, 1998. (<https://elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaqlilish-kurs-ishi/item/10418-2021-04-16-04-29-20>).

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

8. Ramatov J.S., Raximova M.I., Hasanov M.N. Mafkuraviy tahdidlarni oldini olishda islomiy qadriyatlarining o‘rni. Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 6 | 2022. – B. 1031-136. [https://t.me/ares\\_uz](https://t.me/ares_uz)
9. Reshetnikova E.V. Shocking as a form of information warfare.// Информационные войны как борьба геополитических противников, цивилизаций и различных этосов: Сборник трудов Всероссийской научной конференции (г.Новосибирск, 26-27 апреля 2018 г.) / под науч. ред. проф. В.Ш.Сабирова; СибГУТИ. – Новосибирск: СибГУТИ, 2018. – 820 с.
10. Sultonmurodov S.D. Globallashuv jarayonida axborot xavfsizliga tahdid va uning namoyon bo’lish. Scientific progress. Volume 2 | ISSUE 8 | 2021. – B. 740-747.
11. Xodjayeva D. Ma’naviyi tahdid: uning mohiyati, ko’rinishlari va ularga qarshi kurashning zarurati.//“Globallashuv sharoitida vatanparvarlik tarbiyasining ma’naviyma’rifiy texnologiyalari”. Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari// О’zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari akademiyasi. – Toshkent, 2019. – B. 463-467.
12. <https://www.islamonline.uz/index.php/msmy/> 002. Baqara surasi.

**Muallif**

**Suvanov Ilhom Abdixalilovich** - Respublika Ma’naviyat va ma’rifat markazi huzuridagi Ijtimoiy-ma’naviy tadqiqotlar instituti Ilmiy kotibi, falsafa doktori(PhD).

UDK 1(09).297.16

### DYNAMICS OF INSTITUTIONALIZATION OF SOCIAL AND POLITICAL ACTIVITY OF YOUTH IN UZBEKISTAN

#### ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ

#### ДИНАМИКА ИНСТИТУЦИОНАЛИЗАЦИИ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ МОЛОДЕЖИ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Равшанов Ойбек Хайруллаевич**

Ўзбекистон Миллий университети.100174, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй.

E-mail: o-ravshanov2022@gmail.com

Ёшлар фаолигини ошириш мамлакатимизнинг тараққиётининг муҳим омилидир. Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат бўлиб, улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлашнинг кафолати сифатида хизмат қиласди. Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб ижтимоий ҳаётга кираётган, замонавий билим ва касб-хунар сирларини пухта эгаллаган, навқирон ёшлар тимсолида яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизнинг эртанги куни, жамиятда ўзгаришларга сабаб бўладиган, бунёдкорлик гояларини ҳаётга татбиқ этувчи муҳим куч, маънавий салоҳиятли ресурс хисобланган ёшларни маънавий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш, жамиятда муносаб ўрин эгаллашларига қулай шарт-шароит яратиш орқали уларни юрт тақдиди ва келажагини ҳал қилувчи катта кучга айлантириш ҳар биримизнинг муҳим вазифаларимиздир.

#### Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Ёшларнинг сиёсий институционаллашуви ушбу ижтимоий-демографик гурӯҳ манфаатларини уюштиришга олиб келади, ёш авлодга сиёсий муносабатлар субъекти сифатини беради. Ёшлар уюшмалари ва ташкилотларида тўплланган тажриба ёш сиёсий етакчилар ва малакали менежерлар захирасини шакллантиришга хизмат қиласди. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, қиёслаш, комплекс таҳлил методларидан фойдаланилди.

#### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

“БМТнинг Ёшлар стратегияси”да таъкидланганидек, “ёшлар сиймосида энг қимматли ва ўта муҳим ресурслар мужассам топган бўлиб, унга ҳар қанча инвестиция киритса арзиди, чунки бу сармоялар бир неча баробар зиёда бўлиб қайтади”. Биз ёшлар сиймосида умримиз мазмунини, ҳаётимизнинг асосий самарасини кўрамиз. Янги Ўзбекистонни азму шижаотли ёшлар билан бирга бунёд этамиз! Бизнинг тараққиёт стратегиямизда ҳар жиҳатдан баркамол ривожланган, эркин фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий қарашларга эга йигит-кизларни тарбиялаш энг устувор вазифаларимиздан биридир [1].

Ёшларга оид давлат сиёсатини тизимли ва мунтазам амалга ошириш максадида Ёшлар ишлари агентлиги, ёшларни илм-фанга кенг жалб қилишга қаратилган Ёшлар академияси тузилди. 830 дан ортиқ ўғил-қизлар манфаатларини ҳимоя қиласиган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Ёшлар билан боғлиқ масалаларни парламентда муҳокама қилиш, парламент аъзоларининг ёшлар масалаларига алоҳида эътиборини кучайтириш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати хузурида “Ёшлар парламенти” фаолият олиб бормоқда. Сиёсий платформа бўлиб хизмат қилувчи бу маслаҳат органни ёшларга парламент фаолиятини бевосита кузатиш, қонун ижодкорлиги жараёнига уларни жалб қилиш, ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб

бориш, йигит-қизларни ўйлантираётган муаммоларни ўзлари иштирокида хал қилиш, салоҳиятли ёш кадрларни қўллаб-кувватлаш ва давлат фукаролик хизматига тайёрлаш, юрт тақдирига дахлдорлик хиссини шакллантириш ва давлат бошқарувидаги салоҳиятини оширишда мухим омил бўлади.

Ёшларга қаратилган давлат сиёсатини узлуксиз, самарали ҳамда замон талабларига уйғун тарзда амалга ошириш мақсадида қатор хужжатлар қабул қилинмоқда. “Ёшларни қўллаб-кувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, жамият ҳаётининг турли соҳаларида яратилаётган шароитлар, ўз салоҳиятини юзага чиқариши ва ҳаётда ўз ўрнини топишига қаратилган, хусусан, имкон қадар кўп ёшларни олий таълим билан қамраб олиш, иктидорли ёш мутахассисларнинг нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда билим олиши, ижтимоий мухофазага муҳтож ёшларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, кадрларни танлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби қатор тадбирлар белгиланган.

Ёшларга оид давлат сиёсати ўтиш жараёнларининг чеккасида, ўша пайтдагидек, демократик ўтиш муаммолари мухимроқ бўлиб туюлган шароитда қолди. Немис файласуфи Ж. Хабермас “жамиятни ўз-ўзини ташкил этишнинг ҳаддан ташқари зўр лойиҳалари ўз йўлни очади, анъаналар таъсирини эътиборсиз қолдиради, органик ўсиш имкониятларини, ресурсларнинг мавжудлигини, охир-оқибат, ўз хошишига кўра кўпайиб бўлмайди” деб ёзган [2]. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги нафақат жамиятнинг инновацион ривожланишига, балки давлатнинг миллый хавфсизлигига ҳам таъсир кўрсатади. Мақсадли ёшларга оид давлат сиёсати мавжуд бўлмагандা, ёшларнинг сиёсий фаоллиги миллий қадриятларга эътибор қаратиш орқали давлатчилик асосларини емирилишига олиб келиши мумкин.

Ёшларнинг жамиятдаги мухим ролига қарамай, у бир мунча вақт ўз-ўзидан қолдирилди. Хавф 1990-йилларда шаклланган мафкуравий бўшлиқда ҳам намоён бўлди, чунки Собиқ совет давридаги эски қадриятлар ва меъёрлар аҳоли онгида бутунлай обрўсизланган ва янги қадриятлар тизимини шакллантиришга улгурмаган. Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини қонунчилик билан тартибга солиши тажрибаси 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги устувор чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармонининг қабул қилиниши билан бошланади. Кейинчалик, ЎзР Қуролли Кучларининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари” (1993) қарори ва “Ўзбекистон Республикасининг ёшларга доир давлат сиёсати асослари тўғрисида”ти қонуни (1991) қабул қилинди.

Ушбу хукукий хужжатларда СССР парчаланганидан сўнг дарҳол пайдо бўла бошлаган ёшлар ҳаракатларига катта эътибор берилди. Социолог С.Н. Шчеглованинг таъкидлашича, ёшлар ҳаракатининг институционал шакллари деганда “ижтимоий меъёрлар билан тасдиқланган ва қўллаб-кувватланадиган ва жамият тузилишида маълум аҳамиятга эга бўлган мунтазам ва узоқ муддатли ижтимоий амалиётлар тушунилиши керак” [3]. Камолот Ёшлар ҳаракати, Кейинчалик Ёшлар Иттифоқининг сиёсат субъекти сифатидаги асосий институционал хусусиятларидан бир қатор ёшлар сиёсати тадқиқотчилари ҳам ҳаракатнинг жамоавий ва мақсадли табиатини, иштирокчиларнинг қадрият йўналишлари ва мафкураларининг бирлигини, гуруҳ кимлигини ажратиб кўрсатишади. иштирокчилар, ижтимоий-психологик қарама-қаршилик ва ташкилий дизайн 90-йилларнинг биринчи ярмида ёшлар ҳаракати фаол шаклланди, қайта тузилди ва парчаланди, “ёшлар ўз эҳтиёжларига мувофик ташкилий тузилмаларга бирлаша бошладилар” [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида Ёшлар иттифоқи фаолиятига доир жами 40 та Қонун ва конуности хужжатлари қабул қилинди. Жумладан: – Ўзбекистон Республикасининг 3 та Қонуни; – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та Фармони, 8 та Қарори, 2 та Фармойиши; – Вазирлар Маҳкамасининг 18 та Қарори ва 4 та Фармойиши имзоланди.

Ушбу хукукий асосларни амалиётга жорий этиш мақсадида ўтган икки йил мобайнида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташаббуси билан республика бўйича жами 184400 нафар ёшлар ишга жойлаштирилди, 30 мингдан ортик ёшларга тадбиркорлик сир-асрорлари ўргатилиб, уларнинг 4084 та бизнес лойиҳаларига жами 583,9 млрд. сўм микдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши орқали 22 836 нафар ёшлар доимий иш ўринлари билан таъминланди.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида Иттифоқ томонидан халқаро миқёсда 21 та лойиҳанинг амалга оширилиши ёшларга оид давлат сиёсати соҳасини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш учун олиб бораётган сабъ ҳаракатларимизнинг бир намунаси деб, хисоблайман [5].

Миллий кенгаш институционал тузилма сифатида ёшлар ташкилотларига хукумат, парламент, президент билан алоқа ўрнатиш, ушбу тузилмаларда ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш имконини беради [6]. Ёшлар ҳаракатининг экстремистик қисми (скинхедлар, Миллий большевиклар партияси) давлатнинг ёшларга оид сиёсатига таъсир қилишдан кўра норозилик билдириш учун тўғридан-тўғри ҳаракатларни қўллади.

1990-йилларнинг охирига келиб, ёшлар ҳаракати ва ташкилотларининг бошқа бирлашмалари ҳам сиёсатчилар ва ёшлар сиёсати билан шугулланувчи давлат ҳокимияти органлари вакилларининг ёшлар ташкилотлари фаоллари билан учрашувлари форматида давлат билан мулоқот ўрнатишга муваффақ бўлдилар. ёшлар ҳаракатидан сайловолди ташвиқоти ёки бошқа сиёсий мақсадларда фойдаланиш формати.

Биринчи Президент И.Каримов 1996 йилги сайловларга тайёргарлик босқичи сифатида ёшлар жамоат ташкилотларини қўллаб-кувватлаш учун рўйхатга олиш механизмидан фойдаланган ва бу даврда у ёшларни сайлов ресурси сифатида жалб қилишга муваффақ бўлган. 2000 йил 7 майда "Бирга юрамиз" сайланган президент

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

тасвири ва Президент номи билан уйғун шиор ёзилган футболкаларда 15 000 кишини қўллаб-кувватлаш митингини ўтказди. "Биргаликда юрамиз" ҳаракати бир қатор замонавий сиёсатчилар учун ижтимоий юксалиш бўлиб хизмат қилган "Бизниклар" антифашистик ҳаракатига айлантирилди ва кенг қўламли ёшлар форумлари учун тенденцияни белгилади, улардан биринчиси Селигер форуми эди [7]. Мамлакат бўйлаб ўтказилаётган форумлар тизими ёшларни сафарбар этишининг самарали механизмига айланди. Форум доирасида ёшлар грантлар учун курашиб, янги билим олиш ва янги алоқалар ўрнатиш, шунингдек, ўзлари учун янги жойга ташриф буюриш имкониятига эга бўлмоқда.

Маълумки, ёшлар психологик нуктаи назардан ўзларидан чиққан етакчилар атрофида бирлашишга мойил бўлади. Сиёсий партияларда ҳам ёш сардорларни аниқлаш ва уларни тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар са- марасини кучайтириш бўлажак сиёсатчиларнинг шакллан-тиришга хизмат килади. Ҳозирги вақтдаги статистикага қараладиган бўлса, сиёсий партияларнинг худудий, туман ва шаҳар кенгашлари ва бошланғич ташкилотларига парти- яга аъзо ёшларнинг атиги 1,2 % Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида эса 1,3 % ёш аъзолари депу- тат этиб сайланган.

Хорижий тажрибага қарайдиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, демократик давлатлардаги, яъни Гарвард (АҚШ), Оксфорд ва Кембридж (Буюк Британия) университетлари, EMLYON бизнес мактаби (Лион, Франция) каби йирик таълим муассасаларида ноанъанавий фикрлаш ва ижодкорлик қадрланади. Талаба-ёшларга жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилган аниқ механизмларга эга бўлган таклифлар ишлаб чиқиши топширилади. Шу орқали битириувчилар сиёсатда ва бизнес-менежментда жамият томонидан доимий тан олиб келинади.

Сайловга оид қонунчиликка кўра ёшлар 18 ёшдан актив сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳолда сайловларда иштирок этиши, 21 ёшга тўлганда вилоят, туман, шаҳар Халқ депутатлари Кенгашига, 25 ёшдан бошлаб эса ОМ ҚП депутати ёки Сенати аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга бўлсада меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда сиёсий фаол, иктидорли ёшларни аниқлаш, тайёрлаш ва рағбатлантириш мезонлари, шунингдек ёшларни ушбу ҳуқуқлардан чукур англаған ҳолда унумли фойдаланишга оид нормалар белгилаб қўйилмаган.

Бугунги вазият “Кадрлар тайёрлашнинг янги миллий дастури” ҳамда бу борадаги концепцияни ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш вақти келганилигидан далолат бермоқда. Бу жараёнда ёшлар ташабbusларини қўллаб-кувватлаш ва рағбатлантириш, ёшларнинг ижтимоий фаолигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ёш етакчи сардорларни аниқлаш ва қўллаб-кувватлаш, ёш етакчи сардорлар сафидан истиқболли сиёсий ва иқтисодий элиталарни манзилли шакллантириб бориш масаласини илмий жамоа муҳокамасига қўйиш зарур.

Сиёсий хусусиятларга бой ва жамоатчилик орасида юқори обрў эътиборга эга ёшларни аниқлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари сайловларида депутатликка потенциал номзод сифатида тайёрлаш, шунингдек, сиёсий партиялар томонидан Халқ депутатлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлик номзодига “ёшлар квотасини” шакллантириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Бу борада марказий худудларда ёшларнинг муқобил каналлар орқали ҳам ҳуқуқий маълумотларга эга бўлиши, уларда чекка туманларга нисбатан ҳуқуқий маданиятни юқорироқ бўлиши таъминланётганлигини эътиборга олган ҳолда, чекка туманлардаги ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарувни органларидағи кейинги фаолияти учун тажриба орттириши мумкин [8].

Ёшлар маслаҳат органлари мамлакатимизнинг кўплаб худудларида мавжуд бўлиб, улар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари хузурида субъектда фаолият кўрсатмоқда. Ёшлар бўйича маслаҳат органлари аъзолари ўз лойиҳаларини амалга ошириши ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарувни органларидағи кейинги фаолияти учун тажриба орттириши мумкин.

Сайлов демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим кўрсаткичи, сиёсий-ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш жараёнидир. Сайловда иштирок этиш сайлов ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуки, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш орқали давлат ва жамият ишларида сиёсий масъулиятни намоён қилувчи муҳим воқеадир.

Ёшлар ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ҳаракатга келтириувчи, ҳаётга янги йўналишларни ва технологияларини киритувчи кучdir. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасидаги ёш аҳоли сони кўрсаткичи, ўртacha 27,6 ёш, билан олдинги ўринда туради. 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 60 фоизини, шулардан сайлов ҳуқуқига эгалари 33 фоизга яқинни ташкил этади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуклари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов кодекси, қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқариша бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуки эътироф этилган. Овоз бериш ҳуқуки, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган.

Ёшларнинг давлат ва жамият ишларига кенг жалб қилинишига хизмат қилувчи асослардан бири 21 ёшга тўлган йигит-қизлар маҳаллий кенгашларга, 25 ёшдан эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиш ҳамда Олий Мажлис Сенати аъзоси бўлиши ҳуқуки берилганидадир. 2019 йил миллий парламентга бўлиб ўтган сайловларда сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига 30 ёшгача бўлган 14 нафар ёш номзод кўрсатилган бўлса, уларнинг 9 нафари ёки 64,2 фоизи депутат этиб сайланди.

Ёшларни сайлов комиссиялари таркибида фаолият юритишга жалб этиш ҳам юксак самарали воситалардандир. Буни 2019 йилда Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзоларининг 144 нафарини (8,9 фоиз) ҳамда участка сайлов комиссиялари аъзоларининг 20 394 нафарини (18,4 фоиз) 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этганидан ҳам билиш мумкин.

2021 йилда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари таркибида 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар 9 фоизни, участка сайлов комиссиялари аъзолари эса – 17,3 фоизини ёшлар ташкил этди. Бу — мамлакатимизда ёшларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўз салоҳиятини намоён этиши учун зарур шароитларни яратиш борасида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Мазкур сайлов муносабати билан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази мунтазам равишда аҳолининг сайлов кампанияларидаги хатти-харакатларини, жумладан, фуқароларнинг электорал маданияти, сайловларда ва овоз беришда иштирок этишини, уларда қатнашиш ёки қатнашмаслик мотивларига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш билан боғлиқ масалаларни ўрганишни, электоратнинг тузилмасини, улар томонидан сайловолди тадбирларини қабул қилишнинг ўзига хосликларини, номзодларнинг шахсини ўрганишни амалга оширмоқда.

Ўтказилган тадқиқот натижалари таҳлилиниң кўрсатишича, бўлиб ўтадиган Президент сайлови мамлакат фуқароларининг ҳаётида устувор аҳамиятга эгадир ва тақдирларга таъсир қилувчи воеа ҳисобланади. 82,3% фуқароларнинг фикрича, овоз беришда иштирок этишининг зарурлигини англайдилар ва «давлат Раҳбарини эркин сайлаш воситасида ўз мамлакатини бошқариша иштирок этишини ҳар бир фуқаронинг бурчи» деб ҳисоблайдилар.

### Хулоса

Тадқиқот натижаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, фуқароларнинг башорат қилинаётган электорал фаолигини етарлича юқори деб баҳолаш мумкин. Сўралган ўзбекистонликларнинг мутлақ кўпчилиги (86,6%), ўз тасдикларига кўра, бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида албатта иштирок этадилар. Билдирилган юқори фаоллик эркаклар ва хотин-қизлар, турли ёш тоифаларига, ижтимоий гурухларга мансуб фуқаролар, турли миллатларнинг вакиллари ўтрасида тенг даражада кузатилмоқда [9].

Ёшларни сиёсий сафарбар этишда, шунингдек, сиёсий таълим ва оммавий ахборот воситаларида интернет технологиялари ва ижтимоий тармоқларни жорий этиш мухим ўрин тутади.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 262.
2. Пелевин С.И. Молодёжь России в современном политическом процессе: технологии институционализации общественно-политической активности : автореф. дис. ... канд. полит. наук : 23.00.02. Пятигорск, 2012. – С. 14. 48 Там же, с. 8. 20.
3. Щеглова С.Н. Молодёжное и детское движение в современной России: от гражданской позиции к социальным изменениям. – С. 54.
4. Меркулов П.А. Институционализация молодёжных организаций и ассоциаций современной России: проблемы и перспективы. – С. 141.
5. Қуранбаев Қ. Ёшларга эътибор далат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида // “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами – Тошкент: 2019. –Б. 11-12.
6. Меркулов П.А. Институционализация молодёжных организаций и ассоциаций современной России: проблемы и перспективы. – С. 142. 54 О государственной поддержке молодёжных и детских общественных объединений : федеральный закон от 28.06.1995 № 98-ФЗ (ред. от 28.12.2016).
7. "Идущие вместе" [Электронный ресурс] // Намедни. Наша эра. – URL : <https://namednibook.ru/idushhie-vmeste.html> (дата обращения : 08.03.2020). 22.
8. Жалилов А. Ёшларга эътибор далат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида // “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами – Тошкент: 2019. –Б. 40-41.
9. Ўзбекистон: сайлов – 2021. 07.09.2021 <https://ijtimoifikr.uz/tadqiqotlar>.

### Муаллиф:

Равшанов Ойбек Хайруллаевич - Ўзбекистон Миллий университети мустақил изланувчиси.

STRENGTHENING THE ACTIVITY OF STATE ORGANIZATIONS AND CIVIL SOCIETY INSTITUTIONS  
IN PROTECTING YOUNG PEOPLE FROM VARIOUS THREATS

ЁШЛАРНИ ТУРЛИ ТАХДИДЛАРДАН ХИМОЯ ҚИЛИШДА ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК  
ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛариНИНГ ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ

УСИЛЕНИЕ АКТИВНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ИНСТИТУТОВ ГРАЖДАНСКОГО  
ОБЩЕСТВА В ЗАЩИТЕ МОЛОДЕЖИ ОТ РАЗЛИЧНЫХ УГРОЗ

Эшов Хуршид Хуррамович<sup>1</sup>, Эшова Ҳуррият Хуррамовна<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, 100095, Тошкент шахри, 2-Чимбой кўчаси, 96-уи.

<sup>2</sup>“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” Миллий тадқиқот  
университети, 100000, Тошкент шаҳар, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уи.

**Abstract.** The construction of a civil society in each state is directly connected with its spiritual foundations. The thinking, lifestyle, spiritual views of any people or nation do not take shape in itself, in an empty place. Specific historical, natural and social factors underlie their occurrence and development. This article provides some information on strengthening the activity of state organizations and civil society institutions in protecting young people from various threats.

**Keywords:** state, youth, citizen, civil society, institute, people, nation, globalization, spirituality.

**Аннотация.** Ҳар бир давлатда фуқаролик жамиятини қуриш бевосита унинг маънавий негизлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечади. Ҳар қайси ҳалқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлади. Ушбу мақолада ёшларни турли таҳдидлардан химоя қилишда давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини кучайтириш хақида баъзи маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** давлат, ёшлар, фуқаро, фуқаролик жамияти, институт, ҳалқ, миллат, глобаллашув, маънавият.

**Аннотация.** Построение гражданского общества в каждом государстве происходит непосредственно в неразрывной связи с его духовными основами. Мысление, образ жизни, духовные взгляды любого народа или нации не формируются стихийно, на пустом месте. Именно исторические, природные и социальные факторы лежат в основе их возникновения и развития. В данной статье представлена некоторая информация об активизации деятельности государственных организаций и институтов гражданского общества по защите молодежи от различных угроз.

**Ключевые слова:** государство, молодежь, гражданин, гражданское общество, институт, народ, нация, глобализация, духовность.

**КИРИШ.** Мамлакатимизда демократик жамият, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш маънавий ҳаётдаги мухим ўзгаришлар ва янгиланишлар билан боғлиқ ҳолда кечади. Бунга глобаллашув даври ҳам ўзининг бевосита ва билвосита таъсирини кўрсатмоқда. Маълумки, глобаллашув сўзи —global сўзидан олинган бўлиб, ер шари маъносини билдиради. Глобал ўзгаришлар, объектив жараёни, у ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига ўзининг таъсирини ўтказмоқда. У ижобий ва салбий жиҳатларига эга. Маълумки, у инсонлар маънавий ҳаёт шароити, имкониятларини янада ошириш билан бирга, айни пайтда маънавиятга таҳдид солувчи айрим салбий оқибатларга ҳам олиб келмоқда. Бу глобал ютуқлардан қандай мақсадда ва ким томонидан қандай мақсадда фойдаланиши билан бевосита боғлиқ.

Фуқаролик жамиятининг институтлари - ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш ёшларнинг сиёсий маданиятини, фаоллигини оширишнинг мухим шартларидан биридир. Ўзбекистонда давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини эркинлаштириш, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаларини амалга оширишда ҳар бир ёшнинг жамиятда ўз ўрни бўлишини билиш, энг муҳими, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб, тушуниши улкан аҳамият касб этади. Бу ўз масъуллигини англашга эришишда мавжуд демократик институтлар, ўз-ўзини бошқариш органлари, партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари мухим ўрин тутади. Чунки, жамиятда яшाटган ҳар бир ёшнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти мавжуд сиёсий институтлар, партиялар ёки нодавлат ва жамоат ташкилотлари орқали амалга ошириладиган демократик сиёсий жараёнларда акс этади. Бу, бир томондан, ёшларнинг сиёсий фаоллик даражасига, уларнинг сиёсий қарашларини идрок этиб, унинг иштирокига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, жамиятдаги мавжуд ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг иш фаолиятига, ёшларни ўз атрофларига бирлаштиради.

Даҳлдорлик ҳисси фуқароликни англаш, фуқаролик масъулияти, ёшларни қадрлаш, унинг ҳаётига, шаъни, кадр-қимматини, даҳлсизлигини ҳурмат қилиш туйғулари билан мужассам ҳолда амалда намоён бўлишини ҳисобга олсан, даҳлдорлик ҳиссига салбий таъсир этувчи омиллар қаторига қўшиш мумкин:

ўзбўларчилик;  
оммавий маданият;  
бепарволик;  
локайдлик;  
соткинлик;  
худбинлик;  
маҳаллийчилик;  
уруг-аймоғчилик;  
коррупция;  
қонунни хурмат қилмаслик;  
ватансизлик.

Ана шундай глобаллашув феномени ҳакида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитининг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидағи муаммоларга айланиб боришини ифода этади. Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чукур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни обьектив тан олиш керак бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг таракқиёти ва равнаки нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва худудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш кийин эмас. Шу маънода, глобаллашув бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир [1]. Глобал ўзгаришлардан маънавий ҳаётда носоғлом мақсадларда фойдаланишга уриниш, маънавий таҳдидларга, ахборот хуружларини ортишига, оммавий маданият ва мағкуравий курашларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Дунёда айрим ҳалқларнинг маданиятидан, миллий ўзлигидан бегоналаштириш орқали уларнинг келажагидан маҳрум этишга уринилмоқда.

#### Тадқиқот обьекти ва қўлланилган методлар

Фуқаролик жамиятини куриш унинг маънавий негизлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечади. Ҳар қайси ҳалқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қараашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлади. Мустақиллик туфайли жамиятимиз маънавий негизларига алоҳида эътибор қаратилди. Собиқ совет давлатининг маънавиятга нисбатан писандислик билан қарашиб сиёсатига барҳам берилди. Биринчи президентимиз И.А.Каримов айтганидек, Юксак маънавият – енгилмас куч асари маънавият ва фуқаролик жамиятини ўзаро боғлиқлигини тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни меснисаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўхна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият қуриш йўлида ҳалқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қарашиб ва шу асосда иш олиб бориши билан учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим [1].

Маънавият тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифлари мавжуд. Ўзидажуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этганбу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қараашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиқсан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий. Шунинг учун ҳам бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотларда бир-биридан фарқ қиласиган фикр мулоҳазаларни учратганда бундан таажжубланмасдан, уларни ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқарashi, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир.

Инсоннинг маънавий оламининг юксалиши ва дахлдорлик хисси фуқаролик жамияти қуриш вазифаларини амалга ошириш билан узвий боғлиқ. Фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштироки уларнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қилишда ёркин намоён бўлади. Инсоннинг жамият ҳаётига муносабати, қонунларни хурмат қилиши, адолат тамойилларига амал қилиши, инсонни қадрлаши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб билиши, ҳалол ва пок яшаши уларнинг юксак маънавий дунёси ва дахлдорлик хиссининг амалий ифодаси эканлигини хисобга олиш лозим.

#### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Фуқаролик жамияти қурилиши шу маънода инсоннинг юксак маънавий ҳамда дахлдорлик хисси фазилатлари билан узвий боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Фуқаролик жамияти – ижтимоий макондир. У фуқароларнинг давлат ва жамият муносабатларида аниқ намоён бўлади. Фуқаролик жамияти – фуқароларнинг тегишли фуқаролик жамияти институтлари орқали давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши таъминланган жамиятдир. У тегишли қонунлар билан тартибга солинади ва амалга оширилади. Фуқаролик жамияти шу маънода демократик жамият қуришнинг муҳим шартидир. Жамиятнинг маънавияти ва дахлдорлик хисси қанча юксалиб борса, фуқаролик жамиятини ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш инмкониятлари шунча ошиб боради. Фуқаролик жамияти қурилиши маънавиятни англаш ва дахлдорлик хисси, уни шакллантирувчи мезонлар билан боғлиқ. Фуқаролик жамияти қурилиши ҳар бир ҳалқнинг миллий-маънавий

мероси ва қадриятлари билан боғлиқ ўзига хос миллий ҳусусиятларга таянади ҳамда дунё ҳалқларининг эришган ютуқларини ҳисобга олади. Маънавият инсоннинг қон-қони, суяқ-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўгити, Ватан туйгуси, бу ҳётнинг бальзида аччиқ, бальзида қувончли сабоқлари билан қатра-катра бўлиб сингиб боради.

Хар қандай миллатнинг тараққиёти жамиятдаги ёшлар қатламишининг миллий ғоя ва қадриятларга муносабати, унинг ёшлар онгига қандай таъсир этаётганлигига ҳамда амалий фаолиятларига қандай тарзда таянишларига боғлиқ. Ёшлар республикамиз ахолисининг ярмидан кўпини ташкил этади. Шунингдек, ёшларнинг миллий ғояни англаши, ишонч ва эътиқодига айланиши, қандай янги қадриятлар шакллантирилганлиги билан ҳам боғлиқ бўлади. Чунки миллий ғоя, биринчидан, ёшларни ўзининг обьекти сифатида қараса, иккинчидан, ёшлар миллий ғоянинг илгор ривожлантирувчилари ва келажак авлодга етказувчилари ҳисобланадилар. Ёшлар қанчалик миллий ғоя билан қуролланган ва уни англаб олган бўлса, жамият шунчалик тараққиётга эришади. Бу ҳолат миллий ғоя ва ёшларнинг ўзаро боғлиқлигини белгилайди. Бошқача айтганда, миллий ғоя қанчалик мазмунли, ҳар бир кишининг узокқа мўлжалланган мақсад ва манфаатлари, пировардида эса, миллатнинг истиқболини белгилашга хизмат қиласидан бўлса, уни ёшлар шунчалик тез қабул қиласиди ва унга нисбатан ўзининг ижобий муносабати шаклланади.

Демак, жамият миллий мафкура орқали ёшларга қандай ғоя ва фикрларни таклиф этса, шунга мос равишда ғоявий жихатдан чиниккан, ватанпарвар, замонавий билмларни эгаллаган ёшларга эга бўлади. Ёшлар жамиятнинг шундай ижтимоий гурухига мансубки, улар ўтқир хиссий билиши қобилиятига эга бўлиб, сўз билан амалиётнинг номутаносиблиги ҳолатларини кучлироқ сезадилар. Катталар учун одатий бўлган айрим “адолатсизлик”лар ёшларнинг ҳали тўлиқ шаклланмаган онгига, дунёқарашига кучли зиён етказиши мумкин. Шунинг учун ҳозирги унда ёшлар орасида миллий ғоя, миллий ғурур ва ор-номус билан боғлиқ маънавий-рухий ҳолатлар мухим аҳамиятга эга. Миллий ғоянинг ёшларни сафарбар этиш, илҳомлаштириш, буюк келажак сари чорлаш учун аҳамияти, таълим ва тарбияда тутган ўрни ва роли унинг ҳаёт ҳақиқатларига, реал борлиқка, ҳалқ турмушига қанчалик мос ва мувофиқлигига қараб белгиланади. Миллий ғояни шакллантиришда мафкуравий тарбиянинг ҳам аҳамияти катта [1].

Мафкуравий тарбия – инсон, ижтимоий гурух, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён. Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлса, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, ғоявий тарбиядан кўзланган мақсадга эришилади. Жамият, ҳалқ ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига тушиб эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли қалби ва онгига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради. Мафкуравий тарбия жамиятда, аввало, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий аҳборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргалиқдаги фаолиятини тақозо қиласиди. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий тарбияни олиб борувчи асосий бўғиндор, зеро, мафкуравий мақсадларни ёшлар онгига сингдириш вазифаси, асосан, таълим орқали амалга оширилади. Миллий ғурур ва ор-номус туйғуларини шакллантиришда ҳалқнинг маданий мероси, миллий қадриятлари, улуғ мутафаккирларнинг ибратли ҳаёти бугунги эришилаётган ютуқлар мухим аҳамият касб этади. Ёш авлод онгига миллий истиқтол мафкурасининг ижтимоий адолат ҳақидаги ғояларини сингдиришда Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри”, Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”, Низоммулкнинг “Сиёсатнома”, Амур Темурнинг “Тузуклари”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-кулуб” номли машхур асарлари тарихий-илмий манба бўлиб хизмат қиласиди [2]. Чунки “Келажакдаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларнинг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақидаги ғамхўрлик қилмоғи зарур. Ёш авлодга озод ва обод Ватанни мерос қолдирадар эканмиз, улар мутафаккирларимизнинг, давлат раҳбарларининг улуғ ишларини давом эттиришларини ният қиласиди эканмиз, ёшларнинг маънавий ўйгоқлигига аҳамият беришимиш лозим. Гафлат уйқусидан уйгониб, ёрқин кўз билан келажакка назар ташлайдиган замон келди. Эндилиқда ёшлар ўзлигини англай бошлади. Қандай заминда яшаётганимизни хис қилиш, умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ фалсафаси, ўзбекона тафаккур нури барчанинг дилидан ўрин ола бошлади. Миллий анъаналаримиз ва удумларимизни тиклаш ва ривожлантириш тамойили кучайди. Ислом динимизни қадрлаш маънавиятимизни янги маънолар билан тўлдиришга олиб келди. Улуғ бобоколонларимиз маданий хазинасига ҳақиқий ворислик қила бошладик. Улардан фахрланиш имкониятига эга бўлдик. Юртимизда яшаётган барча миллат, элат вакилларининг тинч-иноқ яшashi учун шароит яратилди. Инсон эркинлиги ва озодлигини кафолатловчи Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси қабул қилинди. Қатор университетлар ташкил этилиб, ўқув тизимимизда жаҳон андозалари, тарбия йўналишида маънавий меросимизнинг энг илгор ва инсонпарвар тамойиллари асос қилиб олинди. Давлат ва жамият қурилиши масалаларини ўрганиш, юксак малакали раҳбар қадрлар тайёрлаш максадида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси ташкил этилди. Ватанимизнинг Қуролли Кучлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, фуқороларнинг ўз уйи ва иш жойларида тинч-хотиржам бўлишлари бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Таълим тизимидағи ислоҳотлар замонавий лицей ва коллежлар таъсис қилинишига олиб келди. Ёшларнинг билим ва салоҳиятларини юксалтириш мақсадида бир қанча жамғармалар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасида қадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури асосида умумий ўрта таълим,

ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимини ташкил этиш чора тадбирлари ишлаб чиқилди. Бадиий Академиянинг ташкил этилиши, Имом Исмоил Бухорий, Амир Темур, Бобур, Улугбек, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Фарғоний, Мотуридий, Хўжа Аҳрор Вали каби миллый маданиятимиз даргаларига багишланган тантаналар, курилган мажмуалар янги жамиятнинг амалга ошираётган реал маънавий ишларидир. Улар янги жамиятнинг куч-кудратидан нишона бўлигина қолмай, миллый онг ва янги дунёкараш шаклланишида, ёшларда миллый гуурurnи мустаҳкамлашда жуда катта аҳамият қасб этмоқда

Бугунги глобаллашув шароити бораётган даврда мамлакат келажаги бўлмиш ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, маънавий таҳдидларни айнан нимага қаратилганлигини ҳар томонлама англаб етиш, атрофимиздаги юз берәётган воқеа-ходисаларга бефарқ бўлмасдан, дахлдорлик ҳиссини оширишга ўргатиш уларга йўналтирилган таълим-тарбиянинг асосини ташкил этади. Бундан кўринадики, ёшларга нафақат мафкуравий тушунча, балки дунёвий таълимнинг берилиши ҳам глобаллашув жараённида тўғрийўлдан оғмасликнинг яна бир устуни саналади. Ёшларнинг билим салоҳияти, акл-заковати, энг асосийси – ватанга меҳри кучли бўлган юрт хеч қачон ушбу жараёндан ёвузлик йўлида фойдаланаётганларнинг қармоғига илинмайди. Ёшлардаги ватанга бўлган фаҳр туйғусини уларда ўтмишга назар орқали ҳам асосланади, Яъни бобокалонлари буюк ўтган юрт фарзандлари ўзларида шундай бир фаҳр тудиларки, уларга муносиб ворис бўлиш уларнинг ҳаётдаги энг муҳим орзулари, мақсадларига айланади. Ватанимиз – Ўзбекистон буюк тарихга эга, дунё тан берган алломалар бизнинг ватанимиздан етишиб чиқкан. Айнан улар бизнинг фаҳримиз, ватанимиз юраклари хисобланади. Уларнинг номларини эшитмаган инсон йўқки тасаннолар айтмаса, ташаккур келтирмаса. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Имом ал-Бухорий, Ибн Сино, Ал-Фарғоний каби яна кўплаб дунё номини тан олган буюк шахслар етишиб чиқкан бизнинг диёримиздан. Келажак авлод онгига миллый мафкуруни сингдиришда кейинги босқич – бу уларни ватанни кўз қорачигидай асрашга даъват этиш бўлади. Йигитларимиз ҳарбий хизматни ўташ давомида ватанни ташки душманлардан ҳимоя қилишни ўрганадилар. Жаннатмакон юртимиз ботир юракли аёлларга ҳам бойлиги ўтмишда Тўмарис тимсолидан ҳам маълум, худди шу каби ватан ҳимоясида йигитлар билан бир сафда турувчи жасур қизларимиз ҳам бизнинг гууримиз, фаҳримиз. Фикрларга ёндашадиган бўлсак, “Юрт тинчлиги – Ватан озодлиги, мустақиллиги билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун мустақиллик ва осойишталикни асраш, мамлакатни айрим ақидапараст тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишда доим тайёр туриш миллый мафкурунинг бош гояларидан биридир” [3]. Президентимизнинг юрт келажаги – ёшларга бўлган меҳр-муруввати, бераётган имкониятлари чегара билмайди. Шу асосда ёшларни фаоллика жалб қиласидаган турли ташкилотлар таъсис этилаётгани бунинг ёрқин мисоли десак муболага бўлмайди.

Тарбия ҳақида гап кетар экан, биз ҳар бир давлатнинг истиқболига, миллатнинг ҳам бугуни, ҳам эртасига алоқадор бўлган соҳа – ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириши унутмаслигимиз керак. Ўз ҳуқуқини англаган ёш авлод келажак пойdevorини кўйишда адашмайди. Шу нарса аниқки, миллый гояга садоқат ва юксак маънавият факат юқори даражада ривожланган ҳуқуқий тарбия билан ўз такомилига етади. Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллый мафкура, маънавият, она ватанга муҳаббат, ватанпарварлик руҳи ва шу каби юксак туйғуларнинг шаклланиши таълим-тарбия асосида вужудга келади. Келажак авлод учун фаҳрланадиган, ўрнак бўла оладиган тарихнинг ўрни жуда аҳамиятли ва бу ўрин хеч қандай бўшлиққа эга эмас, уни қунт билан ўргансак кифоя. Келажак авлод учун қолдирадиган буюк келажак эса биз ёшлар қўлида.

Жамиятда маънавий қадриятлар ривожини таъминлаш, уларни турли ташки таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жамият маънавий дунёкарашидаги руҳий, психологик, ахлоқий жиҳатларнинг ўйгунилигини таъминлаш, ва жамият аъзолари манфаатларини ҳимоя қилишда маънавий-сиёсий ҳавфсизлик масаласи ўз ўрнига эга. Ўзбекистонда 2017-2018 йилларда бошқа йўналишларда бўлгани каби диний-маърифий соҳада ҳам янгиликлар, ислоҳотлар жадал кечиб, уларда инсон, халқ, жамият аъзоларини турли мафкуравий, ғоявий ва информацион таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизими яъни маънавий-сиёсий ҳавфсизлик масаласи ҳам алоҳида аҳамият қасб этмоқда. Ислоҳотлар жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамоили асосида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ислом маърифатини тарқатиш, ўтмиш аждодларнинг бой маънавий меросини янада чукур ўрганиш йўналишларида юз бермоқда. Бу борада Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон Халқаро ислом академиясининг ташкил этилиши, имом Бухорий ва имом Термизий халқаро илмий-тадқикот марказларини тузиш катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, ёш авлодга ислом маърифатини тарқатиш максадида Қаршида Абул Муъин Насафий номидаги Ақида, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд номидаги Тасаввуф, Самарқандда имом Мотуридий номида Калом, имом Бухорий номидаги Ҳадис, Фарғонада Бурхониддин Марғононий номидаги Фикҳ мактаблари, Самарқандда Ҳадис олий мактаби ҳам ўз фаолиятини бошлади. Зоро, Ўзбекистонда дин мамлакатдаги маданий-маънавий анъаналар ва аҳоли маънавий камолоти ривожининг ажralmas қисми сифатида алоҳида аҳамият қасб этади. Дин, жамият ва давлат муносабатлари тизимида манфаатлар уйғунлигини таъминлашда ҳам диннинг улкан ижтимоий гурухларни уюштира олиши, бирлашишини таъминловчи мафкуравий вазифаси алоҳида аҳамият қасб этади. Бугун мамлакатда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, 16 та диний конфесия аъзолари бағрикенглик тамоили асосида тинч-тотув яшаб келишмоқда. Диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларнинг асосини 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 5-устувор йўналиши- Ҳавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташкил сиёсат юритиш соҳаси ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблейсининг 72-сессиясида сўзлаган тарихий нутқида ислом динини зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга кўядиганларни қоралаб, улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаслигимизни таъкидлаганди. Бу фикрнинг амалий ифодаси ўлароқ БМТ Хавфислик Кенгашининг 2017 йил 21 декабрдаги 2396-сонли резолюциясида: “Терроризм, зўравон экстремизм ҳеч бир дин, миллат ва цивилизация билан алоқадор эмас ва боғлиқ ҳолда талқин қилинмаслиги керак”, деб қайд этилди. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда мамлакатимизнинг тинчликсевар сиёсатини кенг тарғиб этиш, маънавий, миллий қадриятларга, диний эътиқодга таҳдид соловчи мағкуравий хавфларга, ёт ғояларни тарқатишга қарши кураш борасидаги фаолиятни янада кучайтириш мақсадида иқтидорли, салоҳиятли, диний ва дунёвий фанларни чуқур ўзлаштирган, мағкуравий хуружларга қарши тұра оладиган, турли оқимларнинг ёт ғояларига раддия бериш қобилиятига эга малакали диний соҳа мутахассисларини тайёрлашнинг янги, боскичма-боскич тизимини шакллантириш ҳам давлатнинг диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларидан хисобланади [4]. Албатта, бундан кўзланган асосий мақсад-жамиятда ижтимоий-маънавий мухит барқарорлигини таъминлаш, ҳалқимизга азал-азалдан хос бўлган маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-муруват, бунёдкорлик каби эзгу фазилатлар ва қадриятларимизни кенг тарғиб қилишда диний-маърифий соҳа вакилларининг ўрни ва иштирокини оширишdir. Бу ҳакида Президент Шавкат Мирзиёев куйидаги фикрларни билдиради: “Бугунги кунда ижтимоий-маънавий мухитни ва ахолини турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асрар масаласи барчамиз учун энг асосий масала бўлиб турибди” [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелда эълон қилинган “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ:

“жаҳолатга қарши маърифат” улуғвор ғоя асосида дин соҳасидаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш,

- динни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга кўядиган бузғунчи ёт ғояларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида ахолининг, айниқса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш, жамиятда миллий ва диний қадриятларимизга ёт бўлган ғояларга нисбатан тоқатсизлик мухитини шакллантириш, жамиятда бағрикенглик, ўзаро хурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувликни, ижтимоий-маънавий мухит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг дахлдорлик хисси ва иштирокини янада ошириш, глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий мухит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни барвакт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш кабилар соҳани ривожлантиришнинг устувор ўйналишлари сифатида эътироф этилди [6]. 2018 йил 7 декабря Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 26 йиллиги муносабати билан бир пайтлар диний-экстремистик гурухларга алоқаси бўлгани учун назоратга олинган 20 мингдан зиёд фуқаро “маҳсус хисоблар”дан чиқарилганинг эълон қилди. Бу ташаббусга Хинди斯顿нинг “Times of Central Asia” журнали “дунёни маърифат кутқаради”, деган тамойил асосидаги юксак маърифат ғоясини илгари суриш, деб юксак баҳо берди. Ўзбекистонда бугун дин соҳасида олиб бориляётган ислоҳотлар дунёнинг энг нуфузли нашрлари, жумладан, Испаниянинг “El Faro de Ceuta” газетаси, Озарбайжоннинг “Trend” ахборот агентлиги, Франциянинг “L’Usine Nouvelle” янгиликлар агентлиги, Хинди斯顿нинг “India Blooms” газетаси каби нашрлар томонидан юксак баҳоланиб, холисона эътироф этилмоқда. АҚШнинг Ж.Хопкинс университети хузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти президенти Фредерик Стэрр ҳамда Институт директори Сванте Корнелл «Ўзбекистон: мусулмон дунёсидаги ислоҳотлар учун янги модель» сарлавҳали мақолада «Минтақа, исломнинг эътиқодий маркази сифатида қараладиган Яқин Шарқдан қолишмаган ҳолда, тарихий, диний ва интеллектуал асосларига кўра, мусулмон дунёсининг маркази бўлишга ҳақли», деб таъкидлашган.

### Хулоса

Глобаллашув даврида маънавий таҳдидларнинг олдини олиш мамлакатимизда белгиланган фуқаролик жамиятими ривожлантириш мақсадаларига тўғри келади. Бунда фуқароларнинг юксак маънавиятни шакллантириш орқали уларнинг миллий-маънавий қадриятларига, тарихий меросимизга, демократик қадриятларга бўлган ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлаш орқали заرارли ғояларнинг олдини олиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкини, юксак маънавият ва дахлдорлик хисси маънавиятни инсон ва жамият хаётида, фуқаролик жамияти қурилиши мақсад ва вазифаларини тушунишда мухим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Юксак маънавият ва фуқаролик жамиятининг ўзаро боғлиқлигини куйидаги ўйналишлар орқали кўриш мумкин:

1) Инсон маънавиятни тушуниш учун инсонни билиш зарур;

2) Инсоннинг маънавият даражаси унинг дахлдорлик хиссини белгилайди. Инсоннинг маънавияти ҳамда дахлдорлик хисси канча юкори бўлса, унинг фуқаролик жамияти масъулияти, мақсад ва вазифаларини тушуниши ҳамда иштироки шунча юкори бўлади;

3) Инсон маънавиятни тушуниш учун инсонни билиш зарур;

4) Инсоннинг қонунларни хурмат қилиши, амал қилиб, унинг ижросини таъминлаши ҳам юксак маънавиятни ҳамда дахлдорлик хисси мезонидир;

- 5) Миллий фоя мақсадлари билан фуқаролик жамияти мақсадлари муштарак;  
6) Юксак маънавиятли шахс озод ва эркин шахс маънавиятидир. Озод ва эркин шахс эса фуқаролик жамиятинингфаол иштирокчидир, бунёдкордир;

7) Маънавий таҳдидлар – инсоннинг ўзлигига, маънавиятига таҳдиддир. Шунинг учун ҳам инсонни унинг ҳар қандай кўринишидан ҳимоя қилиш фуқаролик жамияти ривожланишининг устувор мақсадларига тўғри келади. Даҳлдорлик хиссининг юкори бўлиши инсонларга хос муҳим фазилатdir.

Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, турли ижтимоий инновацион гояларни ҳаётга тадбиқ этишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироқи, жамиятдаги бор имкониятлардан янада самарали фойдаланиб, давлат томонидан таклиф этиладиган бир қатор ижтимоий кўмак турларини тўлдиришга имкон яратади. Чунки инновацион гояларни тадбиқ килиш жамоат ташкилотлари томонидан тезкор ва самарали амалга оширилади, натижада янги иш ўринлари очиш, меҳнат бозорининг профессионаллик ва ижтимоий соҳанинг самарадорлик даражасини ошириш имконини беради.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: —Маънавият, 2008, - 110 б.
2. X.Каримов. Миллий озодлик курашчилари ва адабиёти. Тошкент: 1997, - 176 б.
3. Т.Назаров «Маънавий камолот тарбияси» Тошкент, 2013. Б.28.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат Дастури тўғрисидаги 2018 йил 22 январдаги , ПФ-5308-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий –маънавий муҳит барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш-давр талаби” мавзуусидаги анжуマンдаги нутки, 2017 йил 15-июнь, Тошкент шахри.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 16 апрел.

**Муаллифлар:**

**Эшов Хуршид Ҳуррамович**, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги масъул ходими, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
**Эшова Ҳуррият Ҳуррамовна**, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети декан ўринбосари.

УДК 372.81

**STRATEGIC CONCEPT OF EFFECTIVE DEVELOPMENT OF THE LABOR MARKET ON THE BASIS OF PREPARING PROFESSIONAL STUDENTS FOR LABOR WORK**

**ОТМ ТАЛАБАЛАРИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИККА ТАЙЁРЛАШ АСОСИДА МЕХНАТ БОЗОРИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК КОНЦЕПЦИЯСИ**

**СТРАТЕГИЧЕСКАЯ КОНЦЕПЦИЯ ЭФФЕКТИВНОГО РАЗВИТИЯ РЫНКА ТРУДА НА ОСНОВЕ ПОДГОТОВКИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ СТУДЕНТОВ К ТРУДОВОЙ РАБОТЕ**

**Зикрияев Зокир Мамирович**

Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шахри, 4-мавзе

**E-mail:** zikriyaev-zm@gmail.com

**Abstract.** This article presents a scientific and theoretical analysis of the strategic concept of the effective development of the labor market based on the preparation of students of higher educational institutions for employment. In addition to the well-known characteristics of the socio-economic system, the process of employment regulation should be supplemented with such characteristics as information provision and impulsive development, continuity and variability, social orientation and regulation, transitivity and evolution, adaptability and basicity. They come directly from the objective laws of the labor market.

**Key words:** employment, labor market, preparation of university students for employment, strategic concept.

**Аннотация.** Мазкур мақолада ОТМ талабаларини иш билан бандликка тайёрлаш асосида меҳнат бозорининг самарали ривожланишни стратегик концепциясига оид илмий назарий таҳлиллар келтирилган. Жойларда иш билан бандликни тартибга солиш жараёни ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ҳаммага маълум хусусиятлари билан бирга аҳборот билан таъминланганлик ва импульсив ривожланиш, узлуксизлик ва ўзгарувчанлик, ижтимоий йўналганлик ва тартибга солинувчанлик, транзитивлик ва эволюционлик, кўникувчанлик ва асосланганлик каби хусусиятлар билан ҳам тўлдирилиши зарур. Улар бевосита меҳнат бозори фаолият кўрсатишининг объектив қонуниятларидан келиб чиқади.

# \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

## \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

**Таянч сўзлар:** иш билан бандлик, меҳнат бозори, ОТМ талабаларини иш билан бандликка тайёрлаш, стратегик концепция.

**Аннотация.** В данной статье представлен научно-теоретический анализ стратегической концепции эффективного развития рынка труда на основе подготовки студентов высших учебных заведений к трудуоустройству. Помимо известных характеристик социально-экономической системы процесс регулирования занятости должен быть дополнен такими характеристиками, как информационная обеспеченность и импульсивность развития, преемственность и изменчивость, социальная направленность и регуляция, транзитивность и эволюция, адаптивность и базисность. Они вытекают непосредственно из объективных законов рынка труда.

**Ключевые слова:** трудуоустройство, рынок труда, подготовка студентов вузов к трудуоустройству, стратегическая концепция.

**Кириш.** Иш билан бандликка, ишсиликка таъсир килувчи ҳар қандай воситалар, ёшлар меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишининг ижтимоий-иқтисодий механизмини кенг даражада акс эттиради.

Мазкур ёндашув асосида ислоҳотлар шароитида жойларда иш билан бандлик тизими фаолият кўрсатишининг асосий қонуниятлари ва тамойилларини ишлаб чиқиш мумкин, бу эса ўз навбатида меҳнат бозорининг самарали ривожланиши ижтимоий йўналганликни кучайиши ва инсон капитали, жумладан, унинг мулкчилик турли шаклидаги корхоналарда ривожланиши билан тавсифланади.

Мазкур жараёнда қўйидаги методологик тамойилларга асосланиши лозим: иқтисодиётдаги ислоҳотлар нуктаи назаридан, иш билан бандликни ривожланиши ва уни тартибга солишига меҳнат бозори тизими фаолият кўрсатиши ва самарали ривожланишини ташкил этиш; бошқариш назарияси ва амалиёти нуктаи назаридан жойларда иш билан бандликни тартибга солиши мебнат бозорини бошқаришининг муҳим бир функцияси деб белгилаш; меҳнат бозори назарияси ва амалиётига мос равишда иш билан бандликни тартибга солиш.

Шунинг учун, жойларда иш билан бандликни тартибга солиши жараёни ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ҳаммага маълум хусусиятлари билан бирга ахборот билан таъминланганлик ва импульсив ривожланиш, узлуксизлик ва ўзгарувчанлик, ижтимоий йўналганлик ва тартибга солинувчанлик, транзитивлик ва эволюционлик, кўникувчанлик ва асосланганлик каби хусусиятлар билан ҳам тўлдирилиши зарур. Улар бевосита меҳнат бозори фаолият кўрсатишининг объектив қонуниятларидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, меҳнат бозорининг назарий ва методологик асослари, асосий вазифалари ва элементлари мазмунини чукур ўрганиш унинг рационал шаклланиши ва самарали ривожланиши йўлини равшанроқ кўришга имкон беради [1].

### Тадқиқот обьекти ва қўлланилган методлар

Мебнат бозорида ишсиз ёшлар ракобатбардошлигини таъминлашнинг қўйидаги усуслари мавжуд: Ҳуқуқий усуслари, иқтисодий усуслари, ташкилий усуслари, ижтимоий-психологик усуслари ва х.к. улар ёшларни иқтисодий фаоллик, бозор минталитетини барпо этишга йўналтиришда катта аҳамият касб этади.

### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Мебнат бозорида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини таъминлаш функциялари қўйидагилардан иборат:

1. Режалаштириш ёрдамида хизмат кўрсатиш бўйича ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширувчи ва уларнинг иш билан бандлигига кўмаклашувчи аниқ вазифалар кўйилади, шунингдек, ишга жойлашиш органлари кесимида уларнинг қарорлари ва молиялаштириш манбалари белгиланади.

2. Таشكиллаштириш ишсиз ёшлар эҳтиёжини иш жойларида аҳоли бандлигига ёрдам берувчи фаол дастурларни ишлаб чиқиши ташкиллаштириш орқали амалга оширишга йўналтирилган.

3. Назорат ижро этилувчи тартиб-интизом шартларини мустаҳкамлаш, бошқарувни ошириш учун зарур ва бандлик хизматларининг бажарадиган функциялари билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни камраб олади [2].

Мебнат бозорида ишсиз ёшлар ракобатбардошлигини таъминлашнинг такомиллаштирилган янги механизми қўйидаги асосий шарт-шароитларнинг таъсирини тартибга солиши лозим: ёшлар меҳнат бозорида ишчи кучига талабнинг ошиши ва унга таклифнинг камайиши; ёлланма ишчи кучига мебнат ҳақини (нархини) энг паст миқдорини аҳоли жон бошига тўғри келадиган минимал истеъмол бюджетидан кам бўлмаган ҳолда белгилаш; ишсиз ёшлар иш билан бандлигини оширишни рагбатлантириш; ишсиз ёшларнинг малакаси, ракобат кобилияти ва касбий ҳаракатчанлигини ошириш, ёшлар меҳнат бозори инфратузилмасининг самарали ривожланишини таъминлаш ва бошқалар [6].

ОТМ талабаларини иш билан бандликка тайёрлаш асосида мебнат бозорининг самарали ривожланишини стратегик концепциясининг асосий мақсади - меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини камайиши, ишсиликнинг ўсиши, янги иш жойларини яратилиши, ҳақиқий меҳнат даромадларининг камайиши каби шароитларда ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатdir [7].

Буни ҳисобга олган ҳолда мазкур концепциянинг **стратегик мақсадлари** қилиб қўйидагиларни белгилаш мумкин:

- ижтимоий йўналтирилган қишлоқ мебнат бозорини босқичма-босқич шакллантириш;

- меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;
- янги иш жойларини ташкил этишга, аҳолининг бандлик даражасиниа ошириш;
- аҳолини оқилона бандлигини шакллантириш;
- қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида янги иш жойларини яратиш;
- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- мулкчиликнинг ижара, жамоа, ҳиссадорлик ва хусусий шакллари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни маҳаллий ва хорижий самарали технология ва техника билан таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги саноат корхоналарини ва ишлаб чиқариш - ижтимоий инфраструктура объектларини вужудга келтириш;
- маҳаллий ходимларнинг малакасини, рақобатбардошлигини ва чет элга юборилишини амалга ошириш ва уларда янги иқтисодий маънавий ва мағкуравий тафаккурни шакллантириш;
- ҳар бир ишсиз учун ихтиёрий ва мустақил иш жойини танлаш ва меҳнат килиш имкониятларини яратиш;

меҳнат бозорининг иқтисодий, ташкилий ва хуқуқий механизmlарни такомиллаштириш. [8].

Мазкур мақсадларга узлуксиз эришиш учун меҳнат бозори ривожланишнинг асосий босқичлари ва вазифаларини аниқ белгилаш зарур.

Тадқиқотлар шуну кўрсатади, кичик ва ўрта бизнесни хизмат ва шахсий меҳнат секторларида ташкил қилиш зарур. Чунки бу секторлардаги иш жойларининг қиймати юқори эмас. Шунинг учун кўплаб янги иш жойларини яратиш мумкин. Мазкур тадбирларни амалга оширишда, биринчи навбатда хусусий тадбиркорлар хизматидан фойдаланиш керак.

Турли хил иқтисодий ва ижтимоий имтиёзлар ва квоталаштирилган иш жойларини тақдим этиш йўли билан меҳнатга лаёқатли ёш ва кўп болалик аёллар, ўсмирлар, пенсионерлар ва ногиронлар фаолиятларини моддий рағбатлантиришнинг тизимини янада такомиллаштириш қишлоқ ишчи кучига талабни оширишнинг муҳим иқтисодий тадбирларидан бири ҳисобланади. [8].

Ёш болани тарбиялаш муддатини узайтириш (келажакда бола етти ёшга тўлгунга қадар) ва унга ҳақ тўлаш миқдорини доимо ошира бориш аёлларни ихтиёрий равишда меҳнат бозоридан, ҳалқ хўжалигининг бандлик тармоқларидан «тортиб олишга» имкон берар эди. Улар оиласи ишлар билан машғул бўлганликлари сабабли иш жойларида юқори самара бера олмайдилар. Ёш болалик аёлларнинг «сунъий» ишсизлигини ҳал қилишнинг муҳим усули уларнинг болага қараш бўйича амалий фаолиятларини моддий рағбатлантириш ва уни расмий тан олиш бўлиши мумкин. Шу мақсадда бандликка кўмаклашиш жамғармасининг ишсизлик нафақаларига сарфланаётган маблагларини ижтимоий сугурта жамғармасига қайта тақсимлаш ва уларни ижтимоий тўловлар кўринишида аёлларга бериш лозим. [9].

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш саноати ва ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктураси корхоналарида ва хусусий хўжаликларда квоталаштирилган иш жойлари миқдорини ошириш, ҳамда уйда ишлаш кўламини кенгайтириш қўп болалик аёллар фаолиятини иқтисодий рағбатлантирилишини сезиларли даражада оширади.

Ёшлар ишсизлиги муаммосини мактабларда ўсмирларни касбий йўналтириш бўйича фаолиятни яхшилаш, ҳамда даромад келтирувчи ишларнинг турларини кўпайтириш йўли билан ҳал қилиш мумкин.

Меҳнатга лаёқатли пенсионерлар ва ногиронлар учун квоталаштирилган иш жойини ташкил этувчиларга имтиёзли кредитлар бериш ва уларнинг даромадларига пасайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш лозим.

Шу билан бирга қишлоқ ишчи кучи таклифини рағбатлантирувчи ёки чекловчи солиқ ставкалари муҳим иқтисодий тадбирлар гурухига киради. Даромад солиги ставкасининг ўсиши ёлланган ходимларни янги иш жойига таклифини камайишига олиб келади. Шу билан бирга юқори малакали мутахассисларнинг кўшимча ишга қизиқишилари камаяди. Солиқ ставкасининг ошиши кўпчилик ахоли бандлигига салбий таъсир килади. Шунинг учун бизнинг фикримизча, бундай тадбирларни амалга оширишдан аввал унинг оқибатларини комплекс таҳлил қилиш керак.

Мазкур концепцияда иш кучи таклифининг камайишига олиб келувчи иқтисодий ва ижтимоий тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган: шахсий-ёрдамчи хўжаликларни, якка меҳнат фаолиятини ва ўзини ўзи банд қилиш тизимини ривожлантириш; бандликнинг эгилувчан ва нестандарт шаклларини кенгайтириш; ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг бозор усууларини тадбиқ этиш; инфляциянинг ўсишини кисқартириш; ишсизликни камайитириш ва унинг нафақа миқдорини ошириш; ёлланган ходимлар ва иш берувчилар моддий манбаатдорлигини таъминлаш; иш билан банд бўлмаган шахсларнинг малакасини, рақобатбардошлигини, сафарбарлигини ва экспорт қилинишини ошириш ва уларнинг ижтимоий химоясини таъминлаш. [7,8].

Шунингдек, иш билан банд бўлган ходимларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш ҳам ижтимоий тадбирларнинг муҳим кисмини ташкил килади. Ҳозирги вактда бозор услугуда хўжалик юритишнинг талабларига мос келувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга объектив зарурят вужудга келди. Бунинг учун,

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI \*

### \* Gumanitar – ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 1 \*

аввало, қишлоқ ўқув масканларининг моддий-техникавий ва молиявий таъминотларини яхшилаш ва ундаги профессор-ўқитувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини, ижтимоий химоясини ва профессионал-малака даражасини тубдан яхшилаш лозим.

Янгича хўжалик юритиш услубиёти эса, уларнинг улушим 30-40%га тенгланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганишни ҳам тақозо этмоқда. Шунинг учун менежментлар, маркетологлар, бизнесменлар, ишбилармонлар каби хозирги замон мутахассисларини тайёрлашнинг мақсадли режалаштирилган республика ва худудий дастурларини ишлаб чиқиб, изчил амалга оширилишини доимий назорат қилиш ва зарур маблағ билан таъминлаш лозим. Бундай тадбирларни ижобий амалга ошириш учун эса, аввало, педагогик ва илмий ходимлар иш ҳақига нисбатан солиқлар даражасини кескин камайтириш билан бирга уларни илгор тажрибга эга бўлган хорижий давлатларга бир-икки ойлик эмас, балки икки-уч йиллик малака оширишга жўнатиш керак. Бундан иқтидорли студентлар ҳам истисно бўлмаслиги зарур.

Юқори малакали кадрлар уларга эҳтиёжи юқори бўлган корхоналарнинг, ташкилотларнинг, шахсий хўжаликларнинг ва ишбилармонларнинг соғф даромадлари хисобидан тайёрланиши давлат бюджети маблағларини тежашга олиб келади. Мазкур тадбирлар қишлоқ ишчи кучининг рақобатбардошлигини оширишга ва экспорт қилинишини кўпайтиришга ҳамда ва унинг таклифи камайишига бевосита таъсир этади.

Иш ҳақини тартибга солиш бўйича тадбирлар ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасидаги нисбатга таъсир қилишнинг умумиқтисодий - ижтимоий услубидир. У кўпроқ ишчи кучининг таклифига таъсир этади. Чунки иш ҳақининг миқдори меҳнатни татбиқ қилиши соҳасини белгилайди. Шунинг учун, давлат иш ҳақи соҳасида оқилона сиёсатни ўтказиб, ишчи кучига талабнинг миқдори ва тузилишига таъсир кўрсатиши мумкин. У – иш ҳақининг барча кўрсаткичларини тартибга солувчиdir. Давлатнинг аралашуви - маъмурий ва иқтисодий бўлиши мумкин. Унинг иш вақти давомийлиги ва иш вақти бирлигига иш ҳақи тўлашга таъсири одатда маъмурий характерга эга. Кўпгина ривожланган мамлакатларда давлат иш ҳафтасининг энг катта давомийлиги ва энг кам иш ҳақини тартибга солиб боради. Иш ҳақининг аниқ миқдорини белгилашда тўртта субъект ўзаро ҳамкорлик килади: давлат, касаба уюшмаси, тадбиркорлар ва меҳнат бозори. Давлат иш ҳақини белгилаш бўйича масъулиятни касаба уюшмалари ва тадбиркорларга юклаши мумкин бўлса ҳам, бу жараёнда фаол иштирок этади. Бозор шароитларида давлат иш ҳақи даражасини маъмурий белгилашдан воз кечиши лозим. Унинг миқдори иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт) асосида касаба уюшмаси вакилининг мутлак иштирокида белгиланиши керак. [6].

Бундан ташқари, концепцияда таъкидланганидек, меҳнат биржалари томонидан ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликни камайтириш бўйича амалга ошириладиган муҳим иқтисодий чора-тадбирлар сирасига банд бўлмаган ходимларга касблари бўйича иш жойларини тақдим этиш, бандликка кўмаклашиш жамғармасидан имтиёзли кредитлар бериш ўйли билан кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бўш иш жойлари ярмаркаларини ўтказиш, ўз вақтида нафакалар ва моддий ёрдам бериш, ижтимоий химояни таъминлаш киради.

Ушбу концепцияда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги» Конуни ва Меҳнат Кодекси қоидалари ва «Аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш жойларини яратиш», «Кадрларни тайёрлаш», «Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш» бўйича давлат дастурларининг асосий кўрсаткич лари инобатга олинди. Улар концепциянинг ишчи кучига талабнинг ошиши ва унинг таклифига камайиши бўйича ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга бевосита ёрдам беради. Булар жумласига корхона хусусийлаштирилган, иқтисодий ноҷорлашган ва ихтисоси ўзгарган шароитларда ишлаётганларнинг (айниқса малакали ходимларнинг) бандлигини саклаб қолиш ва барқарорлаштириш (иш жойларини маблағлар билан таъминлаш ва квоталаштириш), ходимларнинг рақобат қобилиятини ошириш, иш билан банд бўлмаган шахсларни қайта ўқитиш, бундайлар кўшимча касб ва мутахассисликларни эгаллашлари учун шароитлар яратиш ва уларнинг руҳий кайфиятларини кўтариш, бандликни эгилувчан ва ўзини ўзи банд қилиш шаклларини рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги бўлмаган кўшимча иш жойларини яратиш ва бўш лавозимларни эгаллаш учун бандликка кўмаклашиш жамғармасидан оқилона фойдаланиш (қарзлар, имтиёзли кредитлар), ёшлар, кўп болалик аёллар, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар ва ногиронлар учун квоталаштирилган иш жойларини яратувчи корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш, қишлоқ ўқув юртларини тутатган ва ўз мутахассислиги бўйича иш топа олмаган ёш кадрларни иш ҳақи учун бандликка кўмаклашиш жамғармасидан маблағлар ўтказиш шарти билан (бандлик хизмати ташкилотлари билан шартномалар асосида) ишга қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, нокишлоқ хўжалиги янги иш жойларини яратишни инвестиция билан таъминлаш ва ижтимоий инфраструктура обьектларини ривожлантириш киради [4],[5],[7],[8],[9].

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909 – сонли қарори.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган З-нашри – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, 2019. – 281 б.
3. Андреев С.В. Кадровый потенциал и проблемы занятости в условиях перехода России к рыночным отношениям. -М.: Институт социологии РАН, 1997. - С.76.
4. Рикардо Д. Сочинения - М., 1961.- С. 25-30.

5. Роденкова Т.Н., Кондратьева А.А., Климова А.А., Расчетнова Д.С. Интегральная оценка результативности деятельности кафедр и факультетов вуза//Вестник Российской экономической академии имени Г.В.Плеханова.-2011.-№4 (40).
6. Мирзакаримова М., Рахимова У. Касбий таълим тизими битириувчилари меҳнат бозорига маркетинг ёндашуви (ёки соҳани модернизациялашнинг айрим жиҳатлари). Таълим, фан ва инновация, 2/2016. – Б. 39.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари. ОТМ фаолиятининг асосий кўрсаткичлари. Статистик тўплам (2016-2017 ўкув йили). – Т.: 2017. - 214 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотлари. Меҳнат ва бандлик. – Т.: 2018.
9. www.islohot.uz

**Муаллиф:**

**Зикрияев Зокир Мамирович** - Гулистон давлат университети мустақил тадқиқотчиси.

UDK 372.894

**THE ROLE OF THE WORK OF THE SCHOLARS OF THE EASTERN RENAISSANCE IN THE DEVELOPMENT OF WORLD SCIENCE**

SHARQ UYG'ONISH DAVRI ALLOMALARI IJODINING JAHON FANI RAVNAQIDAGI O'RNI.

РОЛЬ ТВОРЧЕСТВА УЧЕНЫХ ВОСТОЧНОГО ВОЗРОЖДЕНИЯ В РАЗВИТИИ МИРОВОЙ НАУКИ.

**Nazarov Obid Rahimovich**

Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 4-мавзе

**E-mail:** o.nazarov@mail.ru

**Abstract.** In both renaissance periods in our glorious history, the most important aspect was the high attention of the state and the head of the state. The contribution of our great grandfather Amir Temur and Timurid generations in the establishment of the Ma'mun Academy, the Khorezmshah Ma'muni dynasty, and the emergence of the Second Renaissance period is incomparable. Because the rulers of both dynasties gathered the bright talents and scientists of their time under the wing of the state and created the necessary conditions, in a short period of history, our motherland made great discoveries that became the foundation of world science. unites the dreams of both young people and parents and teachers. It is important that the return of history as the experience of the ancestors, the will and initiative of the head of state - his faith and pleasure in science - as "his life dreams" sounded as a firm call. Every parent wants their child's talent to flourish, to serve the country wants him to grow up to be a mature person. It is here that we see the convergence of the wishes of the state-youth and parents. Because this is a vital idea that unites history, present and future, the head of state raised the issue of the Third Renaissance as a national idea. It happened in the 9th-11th centuries. The reason is that our great ancestors such as Muhammad Musa al-Khorazmi, Abu Rayhan Beruni, Abu Ali ibn Sina, Ahmad al-Farghani Abu Nasr Farabi, Yusuf Khos Hajib, Mahmud Koshghari, Mahmud Zamakhshari, Imam Bukhari, Imam Termizi, Imam Moturudi, Abul Muin Nasafi are very talented. in addition to being the owners, they achieved the status of world leaders in their fields.

**Key words:** Renaissance, Muslim renaissance, science, development, thinkers, encyclopedic scientists, the idea of the third renaissance, Ma'mun Academy, "House of the Wise", "Bait ul-Hikma", scientific networks.

